

Худойберди ТЎХТАБОВ

ҚУЁНЛАР САЛТАНАТИНИНГ ШАҲАНШОҲИ

(Саргузашт роман)

БИРИНЧИ ҚИСМ

САРСОНУ САРГАРДОНЛИҚДА

I боб

Бу қишлоқнинг асл номи Хонкелдими, Қўрғончами — ҳеч ким аниқ билмайди. Катта кўчанинг ўнг томонидагилар Хонкелди дейишади. Хонлар яшаган, билиб қўйинглар, дейишади. Чап томондагилар қўрғонча дейишади. Қўрғончада хонларнинг навкарлари, навкарбошилар турган, билиб қўйинглар, дейишади. Бахсни ўзларига қолдирайликда, мақсадга ўтиб қўяқолайлик. қишлоқчада бору-йўғу тўрт юзча оила яшайди. Бу оилалар ўзаро бир бирлари билан шунақа аҳил, бир бирларига шунақа муҳаббатлики, таърифига сўз топа олмайсиз. Лекин одамлари ҳар хил: бирови ангишвонадек кичкина, пакпакана, бирови бақатеракдек новча, дароз. Бирови ошқовокни бутун ютгандек бақалок-қориндор, бирови бир умр тўйиб овқат емагандек ориқ, қотмагина. Ўх-хў, бу хилват қишлоқда кимлар яшамайди дейсиз. Полбин аммалару, номдор муаллималар, ўрисча гапирадиган чоллару, велосипед минадиган кампирлар, бугун боғчага бормайман, деб ерга думалаб йиғлайдиган қизалоқлару, ерга урсанг осмонга сакрайдиган шўх-шаддод ўғилболалар, қўли енгил шифокорлару яширинча куф-суф соладиган бувилар, илғор фермерлару, деҳқончилиги яхши бўлмаса минҚирлаб юрадиган деҳқонлар, ёлғон аралаш сўзлайдиган дўкончилару, ухлаб қолиб азонни кеч айтадиган сўфилар, бугун беш баҳо олмаса

мактабдан йиғлаб келадиган аълочи қизлару, мактабга бормаи пана жойга беркиниб олиб тўп тепадиган абжир болалар, мева сотиб бойиб кетган миришкорлару, туршагини сотолмай куртга едириб қўйган бевалар, киракаш шўпирлар... Майли, қоганини кейин айтармиз, хуллас, тоғ ёнбағрига жойлашган, барҳаво бу сўлим қишлоқда ана шундай ажойиб одамлару, ана шундай ажойиб болалар яшайди. ҳаммаси ҳақида ҳикоя айтиб бера олмайман, шулардан бир иккитасини танлаб оламан, холос.

Хуллас, ана шундай ажойиб қишлоқда, қишлоқнинг қоқ марказида, ҳозир айтганимдек, ажойиб болалару, ажойиб қизлар ўқийдиган ажойиб бир мактаб ҳам бор. Мактаб директори Азизов домланинг айтишича, дунёдаги энг озода, энг тартибли, энг интизомли мактаб мана шу бўлади.

Мактаб ховлисида устун ўрнига қўйилган, ёғочлари қийшайиб кетган, болалар осилаверганидан силлиқланиб қолган, барча ҳужжатларда "турник" деб аталадиган бир мослама ҳам бор. Мана шу таърифига сўз топаолмаётганимиз майдонда ҳозир, шу дақиқаларда Азизов домла болаларга ниманидир тушунтиряпти. Ушбу қиссамизга қахрамон қилиб танламоқчи бўлганимиз Эгамберди билан Каримберди ҳам негадир юракларини ховучлаброқ, кўрка писиброқ иштирок этишяпти.

II боб

— Демак, азиз ўқувчилар, туманимиз марказида сизларга ўхшаган ёшларнинг, демоқчиманки, ёш фермерларнинг, ёш тадбиркорларнинг савдо ярмаркаси давом этаяпти. Афсуски, биз иштирок эта олмаяпмиз. Кўргазмага қўйишга тузукроқ нарсамиз йўқ. Бизнинг юқори синфда ўқийдиган баъзи бир ўқувчиларимиз дарсдан қочиб, сой бўйига бориб олиб қоронғи тушгунча тўп тешиб, туфлисини йиртишдан бошқасини билишмайди. Айрим қизларимиз бўлса қора захчадек чағур-чуғур қилиб гаплашишади-ю, дарс вақтини қикирлаб кулиш билан ўтказишади. Ана шунинг учун биз тумандаги кўргазмага ҳеч нарса қўяолмаяпмиз... Ҳозир йигирмата ўқувчининг рўйхатини

ўқийман. Булар ярмаркага бориб бирор нарса ўрганиб келишсин... Хўш, болалар, мен нима деяпман?

— Бирон нарса ўрганиб келишимиз керак экан, — жавоб қайтарди бир ўқувчи.

— Кейин биз ҳам мактабимизда янги-янги йўналишлар ташкил қилишимиз керак... Хўш, нима деяпман?

— Йўналишлар ташкил қиламиз, деяпсиз.

Азизов домла қаторлар олдидан ўта туриб сен, сен, деб қатор орасидан рўйхатдаги ўқувчиларни ажратиб ола бошлади.

Эгамбердининг олдида тўхтаб:

— Сен нега турибсан бу ерда? — деб сўради.

— Устоз, жон устоз, мен ҳам борай, — деди Эгамберди тортиниброк.

— Сен мактабдан ҳайдалгансан-ку.

— Устоз, мен шартли ҳайдалганман, йўқламада ўчирилганим йўқ.

— Кузда қилган безорилигинг, бутун мактабни шарманда қилганинг каммиди, яна марказга бориб юзимизни ерга қаратиб келмоқчимисан?

— Жон устоз!

— Чик қатордан деяпман. Битта куённи деб бутун синфни шарманда қилгансан. ўғирлаб олгансанми, сўраб олгансанми... мелиса бизни роса гаранг қилган... Чик қатордан, гап томом! Дарсдан қочиб менинг деразамга тош отган биттаси сенмидинг? — бошқа бир ўқувчига юзланди домла. У Каримберди эди.

— Устоз, мен Эгамбердини қутқараман деб деразани қаттиқ тортганимда ойнаси ушанда синган, тош отганим йўқ.

— Сен ҳам мактабдан ҳайдалгансан.

— Мен уч ойга ҳайдалганман, халос.

— Чик деяпман... Сен икковингнинг ёмон қилмишинг бутун кишлоққа дoston бўлган... ҳамидова!

— Лаббай устоз!

— Сиз синф раҳбари сифатида бу интизомсиз болаларни нега рўйхатга киритдингиз?

— Жазо муддатини ўтаб бўлай деб қолишди, устоз, — ўзини оқламоқчи бўлди муаллима ҳамидова.

— Аслида ўз директорининг буйруғига эътибор бермайдиган, сизга ўхшаган тартиббузарларга чора кўришим керак эди. Чикинг қатордан, сиз ҳам марказга бормайсиз... Хўш, ўқувчилар, нима деётган эдим?

— Ярмаркага бориш ҳақида гапираётудингиз.

— Хўп, яхши, — сўзида давом этди директор, — боровчиларга текин аптобус ташкил қилиб қўйганмиз. Бориб мактабимизнинг обрўсини кўтариб келасизлар...

Азизов домла ўзининг қайта-қайта таъкидлашича, мана шу мактабда эллик йилдан буён ишларкан. Иш бошлаган пайтида бору-йўғи иккитагина пастак-пастак уй бўлган экан халос. Ўзирги йигирма икки хоналик мактаб биносини югуриб-елиб ўзи қурдирган экан. Синф хоналаридаги ўқув ашёларини ҳам гоҳ туман, гоҳ вилоят, гоҳ пойтахт раҳбарларига учрашиб ўзи олиб келган экан. Ўзир ишлаб турган муаллимлардан ўн саккизтаси шу мактабни, шу устознинг тарбиясида битирган эмиш.

Азизов домла ўзининг ана шу эътикодига кўра, ҳамма унга кулоқ солиши, гап қайтармаслиги, айтганини бажариши керак. Айтганини қилмаганларни бир баҳона топиб ишидан бўшатиб қўя қолади.

Ҳамидова қатордан чиқди-ю, лекин синф хонасига қайтмади, бироз ўйланиб турди-да:

— Устоз, шу икки ўқувчини ҳам рўйхатга киритинг, икковлари ҳам тадбиркор бўламиз, деб ҳаракат қилиб юришибди, — дея юмшоқкина оҳангда илтимос қилди.

— Сизни синфга кириб кетинг дедим-ку!

— Устоз!!

— Гап қайтарганиз учун хайфсан эълон қиламан! Яна гап қайтарсангиз мактабдан бутунлай ҳайдайман... Хўш болалар, нима деётган эдим?

— Савдо ярмаркасидан бирор нарса ўрганиб келасизлар деётгандингиз.

— қани, машинага чиқинглар, лекин мактабимизга гап тегадиган иш қилманглар.

— Гап тегизмаймиз!

— Кўп нарса ўрганиб келамиз!

— Мазза қиламиз!

— Музқаймоқ еймиз, — дейишиб ўқувчилар бир-бирини итаришиб автобусга чиқа бошладилар.

қатордан чиқарилган Эгамберди билан Каримбердилар маъюсгина тикилиб қолдилар.

III боб

Ўқувчилар, бири савдо ярмаркасига бормагани учун хафа бўлиб, бошқаси борувчилар рўйхатига киритилмагани учун дили оғриб, оддатдагидек тўполон қилишиб, қизларнинг сочидан тортишиб, қикирлашиб-кулишиб синф хонасига кириб бордилар. Синфда шовқин анчагача босилмади. Бир боланинг отаси кеча ярмаркага борган экан, ярмарка ёкмаган эмиш. Бошқа боланинг отаси ярмаркадан зоддор қўй сотиб олган эмиш. Бормаганим яхши бўлди, сой бўйига бориб энди роса футбол тепамиз, деётканлар ҳам бор. Фотима, Зухро деган бир—бирдан ҳеч ажратиб бўлмайдиган, ажратиб бўлмагани учун ҳам оналари ҳар бирига бир-бирига ҳеч ўхшамайдиган кийим кийдириб қўядиган эгизаклар бор. ўша қизлар муаллималарини уялтириб қўйгани учун, Эгамберди билан Каримбердини кўпчилик ўртасида яна бир марта изза қилгани учун Азизов домладан хафа бўлганликлари ҳақида баҳслаша бошладилар.

— Уф, шу директордан қачон қутилар эканмиз?! — деяпти биттаси.

— Астароқ, эшитиб қолса, мактабдан хайдаласан, — деяпти бошқаси.

— Директоримиз кулоқ чўзиш бўйича дунё рекордини ўрнатганлар деяпти, — учинчиси.

Синфда ўқувчилар шовқини авжига чиқарди. Биров бокс ҳақида, бошқаси Англиядаги футбол чемпионати ҳақида ошиб-тошиб гапиряпти.

— Эган, ростан ҳам сен ўшанда куён ўғирлаганмисан? — деб сўради Шокир. У йўқ жойдан гап қўзғгани, гап қўзғаш орқали бирон ўртоғини уялтириб, уялтириб олгандан кейин, ўша ўртоғининг тилини қисиб олишни хуш кўрарди. Гоҳо уни чақимчи Шокир ҳам

дейишарди. Мана шу бола ҳозир уялибгина ўтирган Эгамбердининг ғашига теккиси келиб қолди.

— Шокир, сенга, ҳаммангга минг мартта айтганман-ку, Ғулом ғуппанинг қуёнларини дафтарга алмаштирганман деб, — шундай деб Эгамберди юзини тескари ўтириб, дераза орқали ҳовлига тикилиб ўтирди.

Шокир яна тинчимади:

— Ўғирламасанг нега мелиса қамаб қўяди сени?

— Жим бўл деяпман, — Эгамберди секин ўрнидан тура бошлади.

Шокир жим бўлмади.

— Кейин, барибир, директорнинг хонасига тош откансан-ку, деразани синдиргансан-ку.

— Жим деяпман, — шундай деб Эгамберди аста Шокирга яқинлашиб кела бошлади. Азизов домланинг ҳалиги ҳаракати унинг аламини оширган эди, Шокир чақимчининг бу гапи дард устига чипқон бўлди. Хўрлангандек сезиб, ўзини босолмай қолди:

— Жим бўл деяпман, бўлмаса ҳозир бошингни ёраман, — қўлини мушт қилиб каттиқ гапирди Эгамберди.

— Сен-а, мени-я, Қибла маҳалланинг боласини-я! — шу сўздан кейин Шокир чақимчи икки қўлини бошига қўйиб, қафтларини бамисоли қуёнчанинг қулоқига ўхшатиб ёзиб, турган жойида қуёнга ўхшаб сакрай бошлади, — қуёним, қуёним, нега эрта ухлайсан, нега Эганга шафқат қилмайсан.

Эгамберди ҳақида қишлоқда, мактабда ҳар хил гаплар кўп тарқалган. Ашаддий қуёнбоз бу ўсмир ҳақида ёлғон-яшиқ гаплар бир талай. Эгамбердининг онаси Эгамбердига қўшиб қуён ҳам тукқан эмиш. Эгамберди уйқисираб ўз синглиси бўлмиш қуёнчани босиб ўлдириб қўйган эмиш, ўша ўлган қуёнча эртасига тирилиб келиб ўрнингдан тур, мактабдан кечга қоляпсан, деганмиш. Тўғри, Эгамбердининг қуёнга бўлган ишқибозлиги иккинчи синфдалигидаёқ бошланган. ўшанда далада ўйиқхона ичида қуён болалаган эди. Эгамберди буни кўриб қолиб қуённинг тўртта боласини уйларига олиб келиб боққан. Бир йилгача анча кўпайтирган ҳам. Кейинчалик ўғай онаси Шакархон ая уй ишларига қарашмай қўйдинг, сигирингни боқмай қўйдинг, деб хафа бўлган. Қуёнларингни йўқотмасамми деб

бир куни, Эгамберди ухлаб ётганда қуёнларини далага қўйиб юборган. Агар яна уйга қуён олиб келсанг сени етимлар уйига топшираман деб қўрқитган.

Шу пайтда, қалби изтиробга, аламга тўлиб турган пайтида Шокирнинг масҳара қилиб устидан кулиши унга алам қилди, жуда-жуда алам қилди. Югуриб келиб чақимчининг устига ташланди. Шокирнинг қулоғи остига шундай бир мушт келиб тушдики, зарби ҳам шундай кучли эдики, Шокир гандираклаб бориб йиқилди. ўзини тезгина ўнглаб олди-ю Эгамнинг ёқасига ёпишди.

Хунук манзара бошланди.

Синфдаги ўғил-қизлар икки тарафга бўлиниб кетишди. Сой маҳалла бир томонга, Қибла маҳалла бир томон:

— Ур!

— Тур ўрнингдан!

— Бўш келма!

— қўрқсанг мана мен борман! — деган-пасту баланд гаплар авжига чиқиб борапти.

Қиз боллар:

— Вой, ажратсанглар-чи! — дейишяпти.

ўғил болалар:

— Чарчашса ўзлари ажралишади.

— Спартивни мусобақа кетаяпти.

— Сойкелди, бош келма, — деган гапларни тинмай айтишяпти.

Хонкелди қишлоғида ҳечқандай тартибга бўйсинмайдиган, ҳеч қандай қонунга риоя қилмайдиган, мушлашиш, эшакминди, бов устига бов, ўн икки соат тохтамай тўп тегиш, даштга, хўв анаву тоғ ёнбағридаги кенгликка чиқиб олиб велосипеднинг қосқони сингунча пойга уюштириш сингари ёввойи ўйинлар авжига чиққан. қизик, бугун жончиқарга мушлашадила-ру, эртага ярашиб, опоқ-чапоқ бўлиб кетаверадила.

қўнғироқ чалинди.

Салобатли география муаллими салмоқли кадам ташлаб, аста кириб кела бошлади:

— ўтир ҳамманг жойинга! — деган қаттиқ буйруқ ҳам бўлди. Муаллимнинг овози ҳам кучли эди. ҳамма ўрин-ўрнига ўтирди. ҳеч

наrsa бўлмагандек синф хонаси жим-жит бўлиб қолди, дарс бошланди. Сибир ўрмонлари ҳақида суҳбат кетаяпти.

IV боб

Пешонасига «Химия лабораторияси» деб ёзиб қўйилган, ичига бори-йўғи тўртта сариқ сув тўлдирилган шиша банка-ю, бўғзи ингичка бир-икки шиша қўйилган хонада янги келган химия муаллими билан ҳозиргина ҳовлидаги йиғиндан хўрланиб қайтган ҳамидова опай ўртасида йиғи аралаш, хўрсиниш аралаш, афсус аралаш босинки суҳбат кетаяпти.

— Эй синглим, сиз яқиндагина келдингиз, бу икки бола билан директоримиз ораларида бўлган дили-сиёҳликдан хабарингиз йўқ. Икковлари ҳам суйиб бағрингизга боссангиз, эркалаб пешонасидан ўпсангиз арзийдиган ўсмирлар. Мен уларни болалигидан буён биламан, уч йилдан буён эса синфларига раҳбарман. Синф раҳбарлари ўқувчиларга онадек бўлиб қолади. Болалар ҳам, агар кўнглини топсангиз сизни онасидек севиб қолади. Синглим, кечирасиз, сиз қўкон институтини битирдингизми?

— Ҳа, химия-биология факултетини битирганман, — негадир уялибгина гапирди ёш муаллима.

— Нега йил бошида кела қолмадингиз?

— Онажоним аввал турмуш кургин, қиз бошинг билан жўнатмайман, дедилар.

— Турмуш қурдингизми?

— қурмасам онажоним рухсат берармидилар.

— Ҳа, ҳамма оналар ҳам шунақа, болам бағримда бўлса дейди.

— Опажон, шу икки йигитчалар ҳақида жуда-жуда билгим келяпти, жуда мустар бўлишди-да.

Эй синглим, исмингиз Шоҳистахонмиди?

— Ҳа Шоҳистахонман. Икковлари ҳам қатордан йиғлагудек бўлиб чиқиб кетишди. Устоз қуён ўғирладинг, мелисага тушдинг, деяпти, шуларни ҳам билгим келяпти, опажон.

— Эй сингилжон, мана, яқинда синф раҳбари ҳам бўласиз, болалар дунёсига кирасиз, ҳар бир бола бир дунё эканлигини билиб

борасиз. Бу икки ўсмирнинг тақдири жуда ғалати. Икковлари бир кунда туғилган. Ота-оналарини ўртадаги девор ажатиб туради ҳалос. Эгамберди эрталаб, Каримберди кечга томон туғилган экан. қизиқ, Эгамберди тўрт соат кейин туғилгани учун Каримберди уни акам деб юради. Каримбердининг онаси чақалоғи уч ойга тўлганда, оғир сарик касалга чалиниб қолади. Эгамбердининг онаси Собирахон иккала чақалокни боқиб катта қилади. Бири ўнг тиззасида, бири чап тиззасида катта бўлган. Тақдирнинг аянчлилигини қаранг, Эгамбердининг онаси, бир ажойиб дилбар, хушчақчақ, шаддод аёл эди, кишлоғимиздаги боғчага мудира эди. Шохимардон сайлига борганда, эшитгандирсиз, Шохимардон сойини катта сув босиб, ўнлаб кишилар нобут бўлган. Собирахон ўзи билан бирга уч аёлни ҳам сайилга олиб борган экан. ўзлари сойликда машинада ётиб, ўғли Эгамбердини юқоридаги болалар оромгоҳига жойлаштирган экан. Вой худойим, шундай катта сел келадики, уч аёл машина ичида нобут бўлади. ҳаммаёғи шикастланган Собирахонни машинада олиб келишади. Янглимасам, икки йилча тўшақда ётиб қолди. Оламдан ўтгач, Холисхон иккови болага она бўлиб қолади. Шундай қилиб икковлари икки онани қўлида катта бўлишади. Энди синглим, сизни чарчатиб қўймайманми?

— Вой опагон, икковимизнинг ҳам ҳозир дарсимиз йўқ-ку — деб суҳбатнинг давомини сўраган бўлди Шохистахон.

— Тўғри, Шохистахон, дарсимиз йўқ. Менинг ҳам шу икки бола ҳақидаги фикримни кўпроқ айтгим келаяпти... Очиғини айтсам, яқинда сиз, эҳтимол, менинг ўрнимга синф раҳбари бўларсиз.

— Вой ундай деманг опагон, худохоласа бу синфни ўзингиз ўнбиринчигача олиб борасиз.

— Энди директор билан бу икки бола ўртасидаги машмашаларни айтсам тарихи жуда узок. Собик райиснинг ўғли Фуломжон деган боладан дафтар бериб куён олган. ўша куни куёнлар даладаги боғда бўлган. Тулкилар келиб куёнхонани таталаб бузиб, куёнларни еганича еган, қолганлари даштга қочиб кетган. Фулом, сен кечаси келиб, ғайирлик қилиб куёнхонани атайлаб очиб юборгансан, деб акаси Икром икковлари бечора Эганни роса калтаклашган. Нимагадир участкавой мелиса у ёғ-бу ёғини суриштирмай, Эганни сўроққа

тутган, қамаб ҳам қўйган. қамоқдан чиққач, ҳимоя сўраб, мени ҳимоя қилармикан, деб Азизов домланинг олдига борган. Азизовнинг ёмон одати бор. Ёқтирмаган боласини, кабинетининг ичида алоҳида хонаси бор, ўша ерга қамаб қўяверади. Эгамбердини ҳам қамаб қўйган. Кечаси-ю кундузи бирга юрадиган Каримберди директорга келиб, нега ўртоғимни қамадингиз айб райиснинг ўғли Ғуломдан ўтган, акаси иккови ўртоғимни роса уришган, деган гапларни айтган. Айтдимку, директоримиз бировни гапига кулоқ соладиганлардан эмас. ҳали сен менга ақл ўргатадиган бўлдингми, деб уни ҳам шеригининг ёнига қамаб қўйган. ўсмирларнинг ёш қалби ноҳақликка чидамаган. қоронғи тушиши билан олдин ойналарни синдиришган, деразага ромкасига сиғмаганлари учун деразани таг-туғи билан қўчириб ташлашган. Деразани ромини ҳовлига опчиқиб ёқишган.

Мана энди, Шохистахон, ўзингиз ўйланг, ким ҳақу, ким ноҳақ.

— Опажон, айиб кимдалигини билмасдан туриб ёшларнинг дилини оғритган директор айибдор-да.

— Ана, сиз рост гапни айтдингиз, муаллимлар ҳам ўсмирларнинг ёнини олган бўлди. Лекин Азизов домла, ҳали айтдимку, бировнинг гапига кирадиганлардан эмас. Эгамбердини ҳам, Каримбердини ҳам безори сифатида мактабдан ҳайдаш ҳақида буйруқ чиқариб қўйган. Кейин уларнинг ота-оналари жанжаллашиб келган эди, чор-ночор, ҳа, майли, шартли равишда ҳайдадим, келиб-кетиб юришаверсин, муаллимлар сўрамасин, деб яна ўзининг айтганини қилди, билганидан қолмади. Иккови ўсмирнинг қалбига озор етказди, Эгамберди ҳар нарсага қизиқувчи бола, уй ишларига қарашади, мол-қўйларини ҳам боқади, Каримберди бўлса юмшоққина, беозоргина, секин кулоғингизга айтиб қўйай, беш вақт намоз ҳам ўқийди. Эганжоннинг онажони жон бера туриб, ўғлим менга оқ мармардан ёдгорлик қўясан, деганми ёки айтмаганми, икки ўсмир онамизга оқ мармардан ёдгорлик қўямиз, деб ният қилишган экан. Вой, фалокатни қаранг, далада мол боқиб юрганларида, дадалари фермер эмасми, туманга кетишган экан, икковлари картишка кавлаб пишириб емоқчи бўлишибди. Марза устидаги ажриқ ўт олиб бориб дадалари қолдириб кетган тракторнинг ёғ тўла бўчкасига урилиб, бўчка портлаб, трактор бутунлай ёниб кетган. Бечора ўсмирлар қўрқиб картишка пишириб

еганларини айтишмаган. Оталар эса нариги пайкалдаги ёмон қўшнилар атайлаб ўт қўйишган, деган қарорга келишган.

Шоҳистахон, бу иккови бола ҳаммадан беркитган сирларини йиғлаб-йиғлаб менга айтишган. худо хоҳласа, бойиб кетсак, аввал онажонимга ёдгорлик, кейин отамизга трактр олиб берамиз, деган яширин ниятларини ҳам менга айтишган. Бир кун Эгамберди ўрис тилида чиққан журнални менга кўтариб келди. Журналнинг олтита саҳифасида қуёнларнинг сурати бор экан. ўқиб таржима қилиб беринг, деб илтимос қилишди. қуён боқиб бойиб кетган бир оила ҳақида экан. қуён боқиб бойиш ҳақидаги яхши ният ўша кун и туғилган. қишлоқма-қишлоқ қуён ахтаришди, қаёқлардан топиб келиб боқиб ҳам кўришди. Лекин директор уларнинг қалбини тушунмади.

Шоҳистахон, агар мободо мени ўрнимга синфга раҳбар бўлиб қолсангиз шу иккови ўғлимга алоҳида эътибор беришингизни қайта-қайта сўрайман. Ана, қўнғироқ ҳам чалишди... Юринг энди, ҳа айтгандек, вақтинчалик бизникида яшаб турсангиз ҳам бўлади.

— Оповжон турмуш ўртоғим ҳам келмоқчи эди, яхшигина пайванчи у киши.

— Синглим икковларингга ҳам жой топилади, пайвандчи бўлса яна яхши. Болалардан пайванчи шогирдлар тайёрлайди.

V боб

География дарси. Гап ҳамон сибир ўрмонлари хусусида. Тайга дегани хиндча сўз бўлиб, "совуқ ўлка" дегани экан. У ёқларда фақат игна баргли дарахтлар ўсаркан, игна барглилар совуққа чидамли бўлар экан.

Эгамберди билан Каримберди бу гапларни ё эшитяпти ё эшитмаяпти.

— қандай бўлса ҳам савдо ярмаркасига боришимиз керак эди-да, — деб шивирлайди Эгамберди.

— Эссизгина, зотли қуёнлар ҳам савдо кўргазмасига қўйилиши мумкин, — деб ўртоғидан ҳам пастроқ овозда шивирлайди Каримберди, — у ерга ҳайвонларнинг минг ҳил зотдорларини қўйишган эмиш.

— Ё дарсдан қочамизми? — иккиланиброк дейди Эганқул.

— Барибир, энди бизни автобизга чиқаришмайди.

— Мен ҳам автобусга чиқайлик деётганим йўқ.

— Эгам, сен бирон нарса ўйлаб топ.

— ўйлаб топдим, яхшиси қочамиз.

— Йўқ, қочсак директор яна баттар қойийди.

— қорнимиз оғриб қолди, десак-чи.

— Эсинг жойидами, иккита қорин бир вақтда оҚримайди-ку.

ҳар хил важ-баҳоналарни ўйлаб топишяпти. Лекин ҳеч бири маъқул бўлмаяпти. ҳар қалай баҳоналар топишга, оғир шароитдан қутулиб чиқиб кетишга Каримбердидан Эгамберди устароқ эди. Унинг калласи тўла ақл деб юради Каримберди.

— Кел, икковимиз жўртага муштлашган бўламиз.— деб шивирлади Эгамберди.

— Нега мушлашамиз, нега?

— Мушлашсак икковимизни ҳам бирдан дарсдан чиқариб юборади-да.

— Эгам, барибир зўрсан-да, бекорга сени акам демаганманда, биқинингга бир тушурайми?

— Туширақол.

Икковлари бир нафасда дон талашган жўжа-хўроздек тикама-тиikka бўлиб уришиб кетишди, росмана мушлашиш бошланди. ҳамманинг кўзи шуларда. Хушёр болалар, синчков қизлар булар шунчаки, номигагина, дарсдан қочиш учун муштлашаётганларини сезиб туришарди. Опа-сингил Фотима билан Зухро мушлашаётганларга рағбатлари меҳри бўлганиданми ачиниби, яхшимас-яхшимас, дея уф тортиб қўйишарди.

Муаллим мушлашётганларга яқинлашиб:

— Бас қилларинг! — деб ер тепинди.

Йўқ, бас қилмадилар.

Муаллимнинг асаби чидамади:

— Кўтар папкангни икковинг ҳам! — география муаллими столни шундай қаттиқ мушладики, стол чайқалиб кетгандек, худди чанг кўтарилгандек бўлди. Бир қўли билан Эгамбердини, иккинчи қўли билан Каримбердининг ёқасидан ушлаб ташқарига чиқариб ташлади.

— Зўр бўлди, ўртоқ — деди Каримберди.

— Мен зўрманда, Карим, буни билиб қўй, — қўкрагини баланд кўтариб деди Эгамберди. Энди жимгина кетаверишса ҳам бўларди, ўрганган кўнгил ўртанса қўймас эканда, ҳамма ўсмирларга ўхшаб булар ҳам мақтанишни, мақтанганда ҳам ошириб-тошириб мақтанишни яхши кўришарди. Муаллимни алдаб чиққанлари бу аслида ёмон, жуда-жуда ёмон хулқ аломати. ўқувчининг хулқига сиғмайдиган аломат. Шундай бўлса ҳам дераза ёнидан ўтаётганларида дарс эшитгилари келмай ташқарига қараб ўтирган қизларга қараб, лабларини чўпчайтириб, кўзларини ғалати-ғалати қисиб ҳам қўйишди.

— Безорилар! — деган бўлишлари ҳам мумкин ичкаридаги қизлар.

Мактабнинг дарвозасидан эмас, дарвоза ёнида ўтирган Универсал бобо, дарс вақтида қаёққа кетаяпсизлар, ё қочиб чиқдиларингми, деб сўраб қолиши ҳам мумкинлигини билганлари учун, чорвоқ томондан, баланд девордан ошиб ўтишди. Оталаридан велосапед сўраш учун уйларига қараб югурдилар. Велосипедни бир амаллаб сўраб олишлари шарт. Тайинланган автобус кетиб бўлди. Кетмаганда ҳам бу икковини олмас эди. Йўловчи машиналарни бу атрофларда учратиш қийин, учраганда ҳам икковларини дарров олақолади дейсизми. Энг муҳими — велосипед. Оталари рухсат беришса, тезроқ хайдашса, жўнаб кетган автобусдан олдин туман марказига етиб олишлари ҳеч гап эмас. Лекин Эганнинг ўғай онаси Шакархон аядан ҳам, Каримбердининг каттиқ қўл отаси Сирож бригадирдан ҳам велосипедларини сўраб олиш осон бўлмайди.

— Эгам бирон тадбир ўйлаб топмасанг бўлмайди, — ўйга толиб деди Каримберди.

— Барибир ёлғон гапиришга тўғри келадида, ўртоқ — деди Эгамберди.

— Икковимиз ўйлаб топсак, ҳар қандай одамни ишонтирсак бўлади. Эган сан бир, мен нўл, икковимиз қўшилсак ўн бўламиз. ўн бўлсак ҳар қандай ишни битирамиз. ўша хийлангни ишга сол, ман тасдиқлаб тураман.

— Унда директор жўнатди деймиз, қўшни мактаб билан мусобақа бўлади, уйлариңдан велосипедлариңни олиб келинглар ғолиб бўлиб мактабимизга обрў келтирсалариң ота-оналариңга мактов қоғози ёзиб бераман, фахрий ёрлиқ бераман деди, деймиз-да.

— Лекин, Эган ўртоқ, зўрсан-да.

— ўзинг айтдин-ку, қўшилсак ўн бўламиз деб.

— Карим ёлғон тўқишга-ку устамиз-а, лекин ёлғоннинг таги очилиб қолса мактабдан бутунлай ҳайдашса нима қиламиз?

— Ҳайдалганмиз-ку, билмайсанми?!

— Ярим ҳайдалганмиз.

VI боб

Гаплаша-гаплаша Каримбердиларнинг ҳовлисига етиб бордилар. Онаси Холисхон ая қаёққадир кетганга ўхшайди. Собир акаси боғ этагида памилдори кўчат экяпти. Каримбердининг ёлғонга ўрганмаган тили тутилиб-тутилиб қоляпти. қийинчилик билан бўлса ҳам мақсадини баён қилаяпти. Бу иккаласини мактаб директори жўнатганмиш. Бориб Собиржон аканга айт, у жуда яхши бола, доим бешга ўқирди, велосипедини сенга бир кунга бериб турсин, сен пойгада қатнашиб мактабимизни обрўйини химоя қилсанг, ота-онангга фахрий ёрлиқ бераман деганмиш.

— Доим бешга ўқирди, дедими? — кўзларини айёрона қисиб, қўлидаги памилдори кўчатини ерга ташлаб сўради Собиржон.

— Ҳа, худди шундай деди.

— Укагинам, мен умримда беш баҳо олган эмасман.

— Собиржон ака, — деб гапга аралашди Эгамберди, — сиз намозхон укангизни яхши кўрар экансиз.

— Бу гапни ҳам директор айтдимиз?

— Айтди, сен бирга бор, ишонмаса сен ҳам айтгин, деди.

— Эгамберди, укагинам, сен тўхтамай ёлғон гапирасан, биламан, лекин анави куни оғилхонадаги гўнгни чиқариб ташлашга ёрдамлашганинг учун ёлғонлариңни кечираман. Ишёқмас укамга берадиган велосипедим йўқ. ўзиникини расвосини чиқариб, гўнг тепага чиқариб ташлаган.

— Бермайсанми? — қатъий қилиб сўради Каримберди.

— Йўқ дедим, йўқ.

— Агар бермасанг сиригни очаман... қобил бобонинг невараси билан хат ёзиб юришингни ҳаммага айтаман, томга чиқиб, бақириб айтаман, мактабга ҳам бориб айтаман.

Акаси югуриб келиб, лой қўли билан укасининг оғзини беркитиб «аҳмоқ, мен ҳазиллашдим. Шу велосипед икковимизники-ку. Ол, олақол, фақат қосқонини эгиб қўйма» деб айвондаги яп-янги велосипедни укасининг қўлга тутқазди.

Хайрият бу ердаги ишлари осонликча битди. Энди Эгамбердиларникида аҳволлари қалай бўлар экан. Кўча эшик тиркишидан Эгамберди диққат билан мўралаган эди, хў нарида, ичкари уйга яқин жойда ўғай онаси чақалоғини ёнгинасидаги кийгизга етказиб қўйиб маккажўхори укалаяпти. Велосипед эса шундоқкина кўча эшик олдидаги уйчада турибди. «Мен онамни чалғитиб тураман, — деб шивирлади Эгамберди, — сен велосипедни ташқарига олиб чиқасан».

Шундай деб Эгамберди югуриб бориб худди одобли болалардек ерда, макка сўталарига кўмилиб ётган сингилчасини кўлига олиб, боши узра баланд кўтарди, эркалатган бўлди. Ўртоғи велосипедни олиб чиқишга улгурганини, бунини ўғай онаси бутунлай сезмай қолганини кўриб ич-ичидан қувонди.

— Опажон, нон борми, — деб сўраб ҳам қўйди.

— Иш ёқмасга нон йўқ, — жавоб қайтарди Шакархон ая, — нега кеча тандирга ўт қаламай қочдинг?

— Ёқудим-ку.

— Хўл ўтинни тикибсану, қочибсан. Майли, бу гал кечирдим, бор олақол. қаёққа кетаяпсан?

— Худо хоҳласа олгани! — дадасидан ўрганган сўзларни айтиб Эгамберди кўчага отилди.

Мактабга келишса ўқувчилар кўргазмага аллақачон жўнаб кетишган экан. Дарвоза ёнидаги уйчада ўтирган Унверсал бобо, йўқ унверсал деса тагин сиз уни матори ўт олиб ғизиллаб юриб кетади деб ўйламанг. Йўқ, ҳам қоравул, ҳам қишда печкага ўт ёқучи, ҳам ховли спуручи, ҳам синган стол-стулларни тузатиб беручи, ҳам бирон

боланинг ота-онаси керак бўлса бориб айтиб келучи. ҳам директорга аччиқ-аччиқ чой дамлаб беручи, ҳам нозик меҳмонлар келганда уйдан мис тоғарага босиб иссиққини палов олиб келучи, ҳам болалар уришиб қолишса яраштириб қўючи ва яна қанчадан-қанча «овчи-увчи»ларнинг тепасида тургани учун қишлоқдагиларнинг ҳаммаси бу мўтабар зотни Универсал бобо деб аташади.

— Бобожон шу чиройли исмингизни сизга ким, қачон қўйиб берган, — деб сўрашса, — бобожон мийғида енгилгина кулиб олади-да, серсақол юзига жиддий қиёфа бериб:

— Болам, онангнинг исмини биринчи марта кимдан эшитгансан? — деб сўрайди.

— Билмайман дейди, — сўраган одам.

— Мен ҳам билмайман, — деб яна мийғида кулиб қўяди Универсал бобо.

Икки ўтроқ велосипедларни учириб бориб мактаб дарвозахонаси олдида тўхташди.

— Бобожон автобус қачон кетди? — шошилиб сўради Эгамберди.

— қачон кетганини айтсам неча сўм берасан, — Ҳазил оҳангида сўради Универсал бобо.

— Йўқ, тезроқ айтинг.

— Йўқ, олдин сен қанча беришингни айтгин.

— Майли, беш сўм бераман. қайси йўлдан кетишди?

— қайси йўлдан кетганини айтсам неча сўм берасан?

— Жон бобожон!!!

— Йўқ, берадиганингни аввал айт.

— Майли, яна беш сўм қўшаман.

— Беговот йўли орқали кетишди, қани пулни чўз энди.

Бобожон шу гапни айтиб бўлгач, хузур қилиб хохолаб кулди. Бу бобожоннинг одатий, доимий ҳазили. Каттага ҳам, кичикка ҳам ҳазил қилаверади, пул олмайди. Аксинча кўп ҳолатда қаршисидаги кишига қоғозли конфет бериб, кулиб ҳам қўяди.

Бир куни туман ҳокими келиб директор борми, деб сўрабди.

Универсал бобо ҳокимни кўрган ҳам, танимас ҳам экан:

— Айтсам қанча берасан, — деб сўрабди.

— Эсингиз жойидами? — сал жажли чиқиб сўрабди ҳоким.

— Эсим жойида эканлигини айтсам қанча берасан.

ўша воқеядан кейин мактаб директори Универсал бобонинг феълини, ҳазилини ҳокимга тушунтиргунча анча қийналган экан. Ўқим, бу пулга ўрганган серсақол чолни мактабдан тезда хайда, деб туриб олган экан.

Эгамберди билан Каримберди Универсал бобо узаткан конфетни олиб йўлга тушишди. Йўқ, йўлга тушишди дейиш оз, учиб кетишди деса тўғрироқ бўлади. ҳалиги, бургут ўлжасига ташланганда қанотларини ичига олиб тумшуғини олдинга чўзиб боради-ку, худди ана шундай учиб бораяпти. Гоҳ униси, гоҳ буниси олдинга ўтиб кетаяпти. Йўлдаги чуқур-чаноқлар, катта-кичик шағалу тошлар, атрофдаги дов дарахтлару, осмонда парвоз қилаётган қушларгача, эй Оллоҳ, шу икки ўсмирнинг йўли равон бўлсин, омадлари келсин, дея дуо қилаётгандек.

VII боб

Савдо ярмаркаси, ҳей-ҳей, шунақанги катта майдонни эгалабдики, у бошидан бу бошига етгунча одам чарчаб қоладиган даражада-я! Дон бозори, мол бозори, хў наридаги ўтин бозори, хў беридаги ёймачилар бозори ҳамма-ҳаммаси кўргазмага қўйилган ўлик-тирик нарсаларга тўлиб кетган. Зотдор эчкилар-у зотдор қўйлар, қўтосдек семириб кетган, яқинига борсангиз сузаман деб пишкириб турган новвослар, онасини эмаман деб талпинаётган бузоқчалар бир томон, товукнинг ўзидан, ишонсангиз, ўттиз хилини қўйишибди, ҳаммаси қақақлаб, кукуклаб туришибди. кичкиришга шай турган даканг хўрозлар, кечагина тухумни ёриб чиқиб, онасининг қаноти остига беркинмоқчи бўлиб турган момик-момик жўжажаларнинг ҳисоби йўқ. Вой-бой, меваларнинг кўплигини, хилма хиллигини қаранг. Худди бугун эрталаб узилгандек диркиллаб турибди-я, қандай қилиб шу кунгача сақлай олди эканлар. Узумнинг ўзидан олтмиш хили бор экан, қовун-тарвузларнинг шунақа хилма хилини келтиришибдики, ҳозир мана кунлар исиб кетганига қарамай, булар ҳам худди бугун эрталаб узилгандек диркиллаб туришибди-я. Яна тагин ҳар бирининг ёнига

тахтачалар осиб, ушбу навни ким етиштираётганлигини ҳам эринмасдан ёзиб қўйишибди.

— Ёзуви чиройли экан, — дейди Эгамберди завқи ошиб.

— Пул бериб ёздиришганда, — фикрини баён қилади Каримберди, — чиройли ёздирсак маҳсулотимиз харидори кўпаяди, кўпроқ сотилади деб ўйлашганда. Эгам, нахотки шуни билмасанг.

Икки ўртоқ эринмасдан айланишяпти, айланишяпти. Автобусда келган ўртоқлари кўринмайди. Ким билади, бу кенг ярмарканинг қайси бурчагида юришган экан. Хў нарида ҳужжатли кинолар кўрсатишяпти, эҳтимол, ўшани берилиб томоша қилишаётгандир, ёки пана жойга бориб олиб, мазза қилиб музқаймоқ еб ўтирган бўлишсачи.

— Мана бу ўрикнинг катталигини қара, муштумдек келади-я, — яна завқлана бошлайди Эгамберди, — бизнинг қишлоқда бунақаси йўқ. Ўаммаси ҳашаки.

— Тўғри, ҳадеб гапираверма, кўзинг тегиб қолади, — дейди Каримберди.

— Фермерларнинг, тадбиркорларнинг ишида булар. Карим биз ҳам тадбиркор бўлсак, худо хоҳласа, шуларга ўхшаш янгиликлар яратамиз. Директор Азизовни ҳам, участкавой мелисани ҳам қойил қолдирадиган янгиликлар яратамиз.

Кўргазмага қўйилган меваларнинг гоҳ унисидан, гоҳ бунисидан битта яримтадан еб кўришади, мактаб ҳам қўйишади. Айлана, айлана бир маҳал сим катакларга солинган қуёнлар қаторида тўхтаб қолишди, ана ҳалос, ана ҳалос! Икковларининг ҳам юраклари ўйнаб кетгандек бўлди, қувончдан кўзлари чакнагандек бўлди. Ойлаб, йиллаб ахтарган нарсаларини, кечалари тушларига кириб чиққан нарсаларини кўргач икковлари ҳам, қувончини баён қилишга сўз тополмай, бир-бирларини маҳкам қучоқлаб олишди. Ўртоқ, ўртоқ дейишадию қалбларидаги қувончни ифодалашга сўз топиша олмайди. ҳар бир сим катак устига чиройли ёзувли тахтачалар осилган, кўк зотлар, оқ зотлар, ёввойи зотлар деб ёзиб ҳам қўйишган. қуёнларнинг бир хиллари катакчадаги кўкатлардан узиб-узиб еяпти, бир хиллари сабзини оёқчалари орасига олиб ғажияпти, кўркиб катакчаларнинг

бурчагига пусиб, қоп-қора кўзларини мўлтиллашиб турганлари ҳам бор.

Эгамберди икки катакдаги саккиз қуёнга тикилиб кўзини узолмай қолди, қуёнларнинг оппоқ-оппоқ юнглари, узун-узун кулоқлари, оёқларининг бошқа қуёнларникига қараганда йўғон ҳам узунлиги, энг муҳими, бу қуёнларнинг Эгамбердига маъюсгина, ёлворибгина тикилиб туриши ёқиб қолди. Анчагача улардан кўзини узолмай турди.

— Нега «Оқ паҳлавон»лар деб ном қўйдинглар? — деб узоқ тикилиб қолган ўртоғининг ўрнига аста гап бошлади Каримберди.

— Зоти шунақа, — жавоб қайтарди қуённинг эгаси.

Эгамберди ҳам сал ўзига келган бўлиб:

— Нима, полвон бўлиб курашга тушушадими? — деб сўради.

— Йўқ, курашга тушмайди, — тушунтира бошлади қуён эгаси, — гавдаси катта бўлгани учун, гўштни ҳам, терини ҳам кўп бергани учун шундай деб аташган.

Эгамбердининг қуён сотиб ўтирган болага ҳаваси келди. Ёши ҳам ўзи тенгилик, ўн беш-ўн олтида бўлса керак. Шундай нодир зотни қандай топди экан деб ўйлаб, ўзининг ҳам қуёнлар соҳасида билими униқидан кам эмаслигини бир кўрсатиб қўймоқчи бўлди:

— Тиригида вазни қанча-ю, сўйилганда вазни қанча бўлади?

— Сўйилгандами, — жавоб қайтара бошлади сотувчи йигитча, — сўйилганда яхши боқилса уч килограмгача гўшт беради. Териси ҳам калину, йирикроқ бўлади.

Эгамбердининг ҳам, Каримбердининг ҳам шу ўсмир йигитча билан кўпроқ гаплашгиси келиб қолди. Бирин-кетин саволлар бера бошлашди. Ўсмир йигитча ҳам худди муаллимига жавоб қайтараётган ўқувчи боладек ўзини дадил тутиб, дадил-дадил жавоблар қайтара бошлади. Бу паҳлавонлар Украинадан келтирилган экан, ўзбекистонда ҳали бу зотдан йўқ экан. Бобоси самолёт ҳайдар экан. Бу нодир қуёнлар зотини бобоси олиб келган эмиш. Она қуёнлар қирқ кунда туғаркан. Иккинчи йилга ўтганда мана шу она қуён бир йўла олтигача туғаркан. Боласининг ўзи ҳам болалай бошларкан. Бир йил давомида онаси бўлиб, боласи бўлиб, тўхтамай болалашиб қирқтага етишар экан.

— Ёлғон сўзлаётганинг йўқми? — шошилиб сўради Эгамберди.

— Ёлғон бўлса, мана, тахтачадаги ёзувни ўқиб кўргин, — ранжиганнамо жавоб берди сотувчи ўсмир.

— Қоғоздаги ёзувни даданг ёзиб берган бўлса керак, — деб гапга аралашди Каримберди.

— Ҳечамда, менинг дадам сенинг даданга ўхшаган бекорчи эмас.

Ҳалидан буён савдолашаётган ўсмирларни кузатиб турган қизалоқ, куён эгасининг синглиси бўлса керак, қошларини чимириб турди-да тўсатдан:

— Бизнинг адамиз бекорчи ҳам эмас, ёлғончи ҳам эмас, бидиллаб, сўзлар устига сўзларни қалаштириб гапира бошлади, — акам ўткан йили куёнларини Тошкентдаги кўргазмага олиб борган, йилтироқ мактов қоғози билан рангли телевизор ютиб олган. Акам икковимиз бу куёнларнинг гўштини шаҳардаги парҳез гўшт сотадиган дўконларга берамиз. Мана ўша дўкон берган хатларни ўқинглар.

— Бу қоғозни синф раҳбаринг ёзиб бергандирда, — деб қизнинг гашига тегмоқчи бўлди Каримберди.

Қиз жавоб бермай, лабини бир бурди-ю, тескари қараб олди.

Эгамберди оқ пахлавонларга махлиё бўлиб, ўзини йўқотгудек бир аҳволда турибди. Эрталабки автобусда ашаддий куёнбоз Ғулом ғуппа ҳам келган бўлса, бордию бу куёнларни кўриб аллақачон харидор ҳам бўлган бўлса-чи, эҳтимол, у бойни ўғли, чўнтаги тўла пул, камида беш-тўрттасини сотиб ҳам олган бўлса-чи.

— Жон ўртоқ, ростини айтгин, — юмшоққина оҳангда гапира бошлади Эгамберди, — шу куёнлардан ҳеч сотдингми?

— Бор йўғи мана шу икки катакдагини келтирганмиз холос, — Эгамбердидек юмшоққина жавоб қайтарди куёнчи бола, — Ҳали сотганимиз йўқ. Бир бола харидор бўлди-ю, чўнтагида пули йўқ экан, олмади.

— Менга кара, ўртоқ, ўша боланинг ранги-рўйи қанақа эди?

— Овози ингичка, қиз болаларнинг овозига ўхшарди, ўзи бақалоққина эди.

«Демак Ғулом келган, пул келтириш учун уйига кетган», — шундай деб ўйлади-ю, юраги тез-тез ураётганини ҳис қилди, хўрлиги ҳам келгандек бўлди. ҳа, унинг отаси бой, раис бўлган, онаси ҳам тирик, уларда пул кўп, менинг онам ҳам йўқ, пули кўп бўлганидан

кейин албатта олади-да... Ана шундай ўйларни ўйлаб Эгамберди негадир марҳум онасини элади-ю узоқ-узоқ ҳўрсинди.

VIII боб

Эгамберди Каримбердига қарайди, Каримберди Эгамбердига қарайди, икковлари бир-бирларига тикилиб елка қисишади. Пулимиз йўқ, энди нима қилдик, дея ўйланаётгандек бўлишади. Демак, Ғулом харидор бўлгани аниқ, чўнтагида пули йўқ бўлса, уйига пулга кетгани ҳам аниқ. Бунақа пайтда Каримберди ўртоғига далда бўлишга, кўнглини кўтаришга ҳаракат қилади. Кўпам куюнаверма, олдин нарҳини билайликчи деб ўртоғнинг хафа ҳолатини тарқатмоқчи ҳам бўлди:

— Сотасанми? — деб куёнчи боланинг ёнига борди.

— Албатта сотамиз, — деган жавоб қайтди куёнчи боладан.

— Нарҳини айт.

— Ана, ёзиб, тахтачага осиб қўйганмиз-ку.

— Йўқ, ўзингнинг оғзингдан эшитмоқчимиз.

— Бир эркак, уч урғочи, сим катак ҳаммаси ўттиз беш минг сўм.

— Нима деяпсан, куён қўйдан қиммат бўладими?

— куён гўшти эмас, бу ерда биз зотдор куён сотаяпмиз. Ёзма экансизлар. Кета қолинглар, жа ўралашиб қолдиларинг, савдога ҳалакит бераяпсизлар.

Эгамберди ҳамон ўзига келолгани йўқ, ҳамон Ғуломни унута олмаяпти, куёнларни ўша сотиб олса, у кучайиб кетади энди, деган ўйдан қутула олмаяпти. Лекин Каримберди бўш келаётгани йўқ.

— Менга қара, жон ўртоқ, куёнларингни насияга бермайсанми?

— Йўқ, йўқ дедим, йўқ!

— Жон ўртоқ, яхши бола экансан, пулини иложи бўлса бугун, бўлмаса эртага келтириб берамиз. Ишонгин, мен ёлғон гапирмайман.

— Кетинглар бу ердан, бўлмаса мелиса чақирамиз.

Чиндан ҳам нарида иккита ёш мелисанер йигит ўзаро суҳбатлашиб туришар эди. Эгамбердининг кўзи уларга тушди-ю ўртоғини секин туртиб қўйди. «Кета қолайлик, ўзи битта милитсионердан қочиб юрганимиз ҳам етар» деб шивирлади.

Ғамгингина бўлиб, холсизгина бўлиб куён бозорини тарк этиб чиқиб кета бошладилар. Эгамберди яна мархум онасини эслаб кети. Агар ўлмаганда суту-қатикнинг пулини албатта берарди, кўпроқ берарди. ўгай онаси бўлса хасис, қизғанчиқ, суту-қатикни Эгамберди сотиб келади-ю, пулини мана шу хасис онаси олиб қўяди.

Каримберди куёнларни ололмаганларидан, олишга пуллари ҳам йўқлигидан кўпам афсусланмади. Онаси Холисхон аянинг пуллари кўп, сўраса беради, худо холаса эртага келиб бу куёнларни олиб ҳам кетишади. ўртоқлар қишлоққа қайтишга қарор қилдилар. Шағал тўкилган серчанг, ўйдим-чуқурли йўллардан ўтиб бораяптилар. Эрталаб қандай учиб келишган эди, бургутдай кенг қанот ёзиб учишган эди-я. Энди бўлса ғилдираклар ҳам секин айланаётгандек, остиларидаги велосипедлари тўхтаб-тўхтаб, йўлдан чиқиб кетаётгандек, бор, кетаверинглар, юрмаймиз деётгандек.

Эгамберди тўсатдан тўхтади:

— Орқага қайтамыз! — деди қатъий бир оҳангда. Одатда, бирон қарорга келганда овози ана шундай қатъиятли бўлиб қоларди, — ўртоқ, мен бир нарса ўйлаб топдим, фақат йўқ демайсан.

— Қарорингни аввал айт-чи — сўради ўртоғи.

— Хўп десанг айтаман.

— Йўқ, аввал қарорингни эшитай, яхши фикр бўлса дарров хўп дейман. Сезиб келаяпман, шу куёнларни кўрдинг-у феълинг айнаб қолди. Худо хоҳласа, эртага келиб албатта оламыз. Хўп ўртоқ, қарорингни айт-чи.

— Велосипедларимиздан биттасини сотаёмиз. Тушган пулга икки сим катакдаги куёнларни сотиб олаёмиз.

— Бу фикринг чатоқ.

— Карим, гапимга кўнмасанг, сен кетавер, мен қароримдан қайтмайман.

— Биламан, сен ўтакетган қайсарсан, айтганингдан қайтмайсан.

— қишлоққа борайлик, менинг аям икковимизнинг аямиз, пулни ўшандан олаёмиз.

— Бўлди, сен кетавер, мен орқамга қайтдим. Велосипедни мен сотаман.

— Ўртоқ, бўпти бирга борамиз, сени ёлғиз ташаб кетадиган аҳмоқ эмасман. Ўла ўлгунча бирга бўламиз, деб қасамёд қилганмиз ахир. Худо хохласа, аямизга оқ мрамардан ёдгорлик қургунча дадамизнинг билмасдан ёндириб юборган тракторини ўрнига қўймагунча бир-биримиздан ажрамаймиз. Билдим, ўша куён сотган бола билан гаплашаётганингда йиғлаворай-йиғлаворай дединг, бўпти.

— Карим чиндан ҳам жонажон ўртоғимсан-да.

— Ўртоқ, ўла ўлгунча бирга бўламиз, қўл ташла... Бўпти, менинг велосипедимни сотамиз. Дадам билан акам урушса Хўжа қишлоқдаги бувимникига қочиб кетаман, деб кўрқитаман... Биламан, сенга қийин, ўгай онанг сенгайм, менга ҳам кун бермайди... Эгам, ростдан ҳам даданг шу ўгай онангдан кўрқадими?

— Кўрқади, жуда-жуда кўрқади.

— Бошига бир тушурса бўлмайдими?

— Дадам бу хотин кетиб қолса учинчи хотинни қаердан топаман деб кўрқади.

— Демак, ўртоқ келишдик. Менинг валосипедимни сотамиз.

— Йўқ, ўртоқ, энди меникини ҳам қўшиб сотамиз, калтак есак икковимиз тенгдан ейлик.

Тортиша-тортиша ниҳоят иккови валасепедни ҳам сотишга, тушган пулга шундайлигича зотли куёнларни олишга, иложи бўлса, шу бугундан қолдирмасдан олишга қарор қилишди.

Велосипедлар рўлини ярмарка томонга бурдилар.

Ишлари яна ўнгидан келмади. Велосипед тузатадиган, майда-чуйда қисмларни, велосипедларни олиб-сотиб турадиган устахона бугун ишламас экан. Икковлари бирдан уф тортиб юборишди, аттанг, дея алам билан бош чайқашди. Каримберди иши ўнгидан келмаган дақиқаларда меҳрибон, художуй, аяжони ўргатган чин дилдан ўқилса ишларини тез юриштириб юборадиган дуоларни биларди. Ана шу дуолардан бирини шошилиб ўқий бошлади. Пичирлаб, овоз чиқармай ўқиди.

«Лоилоха илоха иллоблону валу қуввата илло биллоху алиюл азим»

Эгамберди ўй суриб анча жим қолди-да кейин тўсатдан жонланиб:

— Топдим, деди.

— Пулми? — шошилиб сўради Каримберди, — айт, тезроқ айт.

— Велосипедларимизни куёнлар ўрнига гаровга қолдириб кетамиз.

— Эгам, ховликма, улар дарровда кўнадиган болаларга ўхшамайди.

— Кўнади, ёлворамиз, йиғлаймиз, сен дуо ўқиб турасан, мен кўлимни кўксимга қўйиб ёлвориб тураман...

IX боб

Гўё зотдор куёнларни аллақачон қўлга киритгандек, қўлга киритганда ҳам рақиблари Ғулом ғуппадан олдинроқ қўлга киритгандек, қалблари шодликларга лиммолим тўлиб яна савдо ярмаркасига кириб бордилар. Эй Оллоҳ бу икки ишқибознинг ишига ривож бер, бўлмаса нақ касал бўлиб қолишадия, дейдиган одам йўқ.

Йўқ, иш яна юришмаяпти. Насияга олайлик, пулини эртага келтирамиз дейишяпти, йўқ деган жавоб қайтаяпти. Майли, мана велосипедларни куёнларга алмаштирайлик дейишяпти. Яна йўқ деган жавоб. Ўлваришяпти, қўлларини кўксига қўйиб илтижо қилишяпти, яна йўқ, йўқ, йўқ жавобдан бошқа овозлар эштилмаяпти. куёнларини савдога қўйган йигитчанинг синглиси акасининг қулоғига «ака, эҳтиёт бўлайлик, ўғри болаларга ўхшайди, қара, икковининг кўзлари бежо, ғалати ғалати қарашяпти» деб шивирлади. Акаси синглисининг гапига ярим ишониб:

— Тағин бу велосипедларни ўғирлаб келган бўлманглар, — деб сўради.

«Ўғри» деган сўз Эгамбердига қаттиқ таъсир қилди, шу сўзни эшитганда унинг жиғи-бийрони чиқиб кетарди. ҳозир ҳам бир силкилиб олди. Ғулом ғуппанинг ёлғон гапи туфайли мактабда «куён ўғриси» деб хунук лақаб чиқаргани озимиди, бу йигитча нега ундай дейди, нега ўғри деган сўзни тилга олаяпти.

Эгамбердининг алами ошди, қалтираб кетди.

— Нимани ўғирлабмиз? — ўзини аранг босиб сўради.

— Велосипедларни-да, — деди бепарвогина оҳангда сотувчи йигитча.

— Нега ундай дейсан, велосипедлар ўзимизники.

— Кўзларинг ғалати-ғалати боқаяпти.

— ўзи кўзим шунақа, билдингми.

— Икковимизнинг ҳам кўзимиз шунақа, Хонкелди қишлоғи болаларининг кўзи шунақа, қисикроқ бўлади.

— қўлларинг ҳам қалтираяпти-ку, — деб қиз бола ҳам гапга аралашди, — кеча бу ерда қуён ўғирланган. қўшнимизнинг қуёнларини ўғирлаб кетишган... Кетинглар, сизларга сотмаймиз.

— Биз ўғри эмасмиз! — бир овоз бўлиб дейишди Эгамберди билан Каримберди.

Икки ўртоқнинг қайта-қайта келиб тинмай савол-жавоб қилаётганлиги, кет деса кетмай гапни чўзаётганлиги қуён сотувчи қизга ёмон таъсир қилди шекилли, «ўғри бўлмасаларинг нега кетмайсанлар»! дея қичкириб юборди. Бамисоли одамларни ёрдамга чақиргандек қичқирди. «ўғри-ўғри» деган сўз акасига ҳам қаттиқ таъсир қилди шекилли:

— Кечасидаги қуёнларни сенлар ўғирлаганга ўхшайсанлар, — деб дўк урган бўлди.

— Гапингни қайтиб ол, — деди Эгамберди йигитчага яқинлашиб.

— Кетларинг, ўғридан баттар экансанлар, — деб росмана шовқин солди йигитча.

Хонкелдилик болаларининг ўзига хос муштлашиш усуллари бор. Олдин чп қўли билан рақибининг ёқасидан маҳкам ушлайди, сўнг мушт солади, гоҳо икки томон ҳам бир-бирини бўға бошлайди-ю, лекин иш муштлашишга бормай ҳам қолади. Бу гал ундай бўлмади. Эгамберди ўғри эмаслигини мушти билан исботламоқчи, қуёнчи йигитча билиб-билмай айтиб қўйган гапини сакраб-сакраб тепиш билан исботламоқчи. Унинг синглиси ҳам бало экан. Каримбердининг икки қулоғини икки қўллаб маҳкам чангаллаб олибди, на у ёғига қарай олади, на бу ёғига. қаттиқроқ силкинай деса қулоқдан ажралиб қолишдан кўрқади. Шоша-пиша «Лоилоҳа илло анта субухонака инни кунтим минал золимин» деб дуо ўқий бошлади.

Бутун савдо ярмаркаси айқаш-уйқаш бўлиб кетди. ўғри келди, қоч, деган ким, ўғрини ушла деган ким, қорнига тепма, бола ташлаб қўяди деётган ким, бошига эмас биқинига ур, деган ким, билиб

бўлмайди. Товуқлар растасида бир ғалва, она товуқлар қақақлаган, жўжажалар жийиллаган, даканг хўрозлар бўйинини чўзиб-чўзиб қичқирган, кўргазмага қўйилган ёввойи қўтосдек катта буқа занжирини узиб кетибди, ҳаммаёқ қий-чув.

Куёнлар растасига эса молини сотолмай эснаб ўтирган катта-кичик фермерлар бирдан ёпирилиб кела бошладилар. Муштлашиш тўхтагани йўқ. Гох Эгамберди куёнчи йигитни босиб оляпти, гох куёнчи йигит Эгамбердининг елкасига миниб оляпти.

— Ур!

— Ажратиб қўйсанглар-чи!

— Иккови тенг келаяпти, бирпас қўйиб беринглар...

Хў нарида суҳбатлашиб турган икки ёш милитсионер негадир шошмасдан келиб жўжахўроздек тепкилашаётганларни икки томонга тортди. Иккови йигитчани биттадан ушлаб, қўлларида тортиб, судрагандек бўлиб қаёқадир олиб кетмоқчи бўлишяпти. Тўсатдан, худди осмондан тушгандек, кўргазма савдо бозорининг раис ўринбосари пайдо бўлиб қолди. Каримбердининг дадасидек катта гавдали, баланд бўйли, хўмрайиброк қарайдиган бир киши экан.

— Мелиса укаларим, — худди ҳарбийлардек бир оҳангда деди бозорком муовини, — сабр қилингар, жўжахўрозлар билан аввал ўзим гаплашиб олай... Мен бозоркомнинг мовини бўламан, биласизлар-а, билсанглар жўжахўрозларни қўйиб юборинглар. Баракалла. Мен раҳбар бўлган жойда жанжал чиқмаслиги керак. Биладан, сенлар шунча ўғрини қўлга туширдик, шунча безорини жазоладик, деб кечкурун рапорт ёзасанлар. Бу ерда катта жанжал бўлгани йўқ. Дон талашган жўжахўрозлар тепкилашиб олдилар ҳолос.

Шу гапларни айтиб бозорқўм муовини Эгамберди билан куёнчи йигитчани милитсия қўлидан тортиб олди, кулимсираб туриб сўроқни мана ўзим бошлайман, деган гапларни айтиб, тўпланганларга қараб қайта-қайта қўзини қисиб:

— Хўш, ўғлим, сен ким бўласан ўзи? — деб сўроқни ҳам бошлаб юборди.

— Эгамбердиман.

— қайси қишлоқдансан?

— Хонкелдидан.

— Кимнинг ўғлисан?

— Дадамни қосимали сувчи дейишади, ўзи фермер, уч юз гектар еримиз бор.

— Сен-чи, ия, бетингни ким тимдалади? — ачингандек бир оҳангда сўради.

— Мана шу хикқиллаб турган қиз тимдалади, — деб панароққа бориб турган қизни кўрсатди Каримберди.

— Ия, қизим, сен куёнчи йигитнинг синглисисан-ку.

— Ҳа синглисиман. Ёмон бола экан, дуолар ўқиб мени кўрқитди — йиғламсираб деди қиз.

— Дуолар, қанақа дуолар?

— Билмасам, бетимга қараб ўқиди.

— Эҳтимол, ёмон қиз экансан. қулоғимни қўйвор, қулоғимни қўйвор, деб шивирлагандир.

— Билмасам.

— Отинг Эгамбердимиди, айт-чи, жанжал нимадан бошланди ўзи?

— Мана шу куёнчи бола мени ўғри деб ҳақорат қилди.

— куёнчи ўғлим, айт-чи, сени нимангни ўғирлади бу йигитча.

— Кўзлари хунук боқаётганди-да.

— Кўзи хунук бўлса ўғри бўлаверадими?

— Ҳаракатлари ҳам ғалати-ғалати эди-да.

— Ҳаракати ғалати-ғалати бўлса ўғри бўлаверадими?

— Билмадим.

— Сен, куёнчи ўғлим, демак, бу йигитчага тухмат қилгансан, — дона дона қилиб кўпчилик эшитсин деб баланд овозда гапира бошлади бозоркўм муовини, — тухматчи сифатида сен жиноят кодексининг 166-моддаси бўйича жавобгарликка тортиласан.

— Амаки, мен билмасдан ўғри деб қўйдим.

— Барибир тухматчи сифатида жавобгарликка тортилишинг шарт.

— Амаки, ўлай агар, билмасдан айтганман, билмаганман.

— Унда Эгамбердидан кечирим сўра.

— Хўп, кечирим сўрайман, кечир мени билмай қолдим.

Рақиблар бир-бирлари билан қўл олишдилар. Сўнг асосий мақсадга ўтилди. Жанжалнинг келиб чиқиш сабабига аниқлик киритмоқчи бўлдилар. Эгамберди билан Каримберди куёнларни олиб ўрнига велосипедларни гаровга қўйиб кетмоқчи бўлган эканлар. Эртага куёнларнинг пулини келтириб бериб велосипедларини қайтариб олиб кетмоқчи бўлган эканлар.

Бозорқўм муовини яна гапга тушиб кетди, ярмаркага келтирилган ҳамма нарса, зотдор қўю, зотдор куён бўладими, эртапишар ўригу қишда қизарадиган гилос бўладими — Ҳамма ҳаммаси сотувда экан. харидор олаётган нарсасига нақд пул бериши, почта орқали жўнатиши, ўз маҳсулотига айрибош қилиши ёки гаровга қимматли нарса қолдириб кетиши ҳам мумкин экан. Кимки ушбу қонидани бузса ярмаркадан чиқарилиб юборилиши ҳам мумкин экан.

— Тушундиларингми? — деб сўради бозорқўмнинг муовини.

— Тушундим амаки, — деди ранги-қути ўчиб турган куёнчи йигит.

— Тушунган бўлсаларинг дарҳол шартнома тузинглар. Мана, мени шу шартномага гувоҳ сифатида қўшиб қўйсаларинг ҳам бўлади, розиман.

Куёнчи йигитча илгари ҳам ҳар хил шартномаларни қўп тузган бўлса керак. Келишув шартномасини кўз юмиб очгунча ёзиб ташлади, кўз юмиб очгунча икки велосипед бу ёққаю, икки симкатакдаги оқ пахлавонлар у ёққа, Хонкелди қишлоғига ўтаган бўлди.

Нафақага чиқиб, бугун бозорқўм муовини бўлиб ишлаётган милитсия полковниги мени ҳам шартномага гувоҳ сифатида қўшинглар, деб рост гапни айтган экан. Шартнома остига чиройли имзо чекиб берди.

Х 606

Эгамберди билан Каримберди беҳисоб бойликни қўлга киритгандек, жадал юрмасалар бу бебаҳо хазинани тортиб олиб қўйишаётгандек қинғир-қийшиқ дала йўлидан, сўқмоқлардан жадал юриб бормоқдалар. Икковлари ҳам елкаларига юк кўтариб ўрганган, меҳнатда обдон пишган, анча-мунча юкни писанд қилмайдиган

йигитчалар эди. Аммо куён тўла сеткалар кўтаришга нокулайроқ, тўртбурчак бўлгани сабаб елкага олиб бўлмайди, қўлтиққа ҳам сиғмайди.

Каримкул юришдан тўхтаб:

— Жон ўртоқ, озгина дам олайлик, — деб илтимос қилди.

— ўзим ҳам шуни айтмоқчи эдим.

Йўл чеккасига ўтиб, симкатакларни авайлаб-авайлаб ариқ бўйига қўйиб, ўт-ўланлар кўкариб қолган экан, устига ёнбошладилар. Энтикиб-энтикиб чуқур чуқур нафас олдилар. Сим сеткаларни эшикчасини очиб чўчиброқ турган, оппоқ куёнларни силай бошладилар. Каримкулнинг назарида ҳадиксираброқ, ғалати-ғалати тикилиб, чўчиброқ турган момикдек оппоқ юнгли, узун кулоқли, қопқора кўзли бу жониворлар бамисоли жаннатдан чиққандек, жаннатдаги барча гўзаллигу, барча латофату, барча беозорликни ўзлари билан олиб чиққандек. Уларни оҳиста-оҳиста силаб уларга етиштиргани учун Оллоҳга шукроналар айта бошлади. Эгамберди ўртоғидан кўра кўпроқ ҳаёжонда эди. куёнлардан бирини сим сеткадан авайлаб чиқариб, бағрига маҳкам босиб, гоҳ чап, гоҳ ўнг бети билан юмшоқ-юмшоқ юнглариини силаб, худди чақалоғини соғиниб суйган онадек эркалар, эркалаган сари меҳри товланарди.

— Бопладик! — деди қувончини ичига сиғдиролмай.

— Зўр бўлди; — ўртоғининг қувончига шерик бўлди Каримберди.

— Ишқилиб айниб қолишмасин-да, — хавотирини яшира олмаяпти Эгамберди.

— Нега ваҳима қилаяпсан?

— Биздан кўра кўпроқ пул берадиганлар чиқиб қолса-чи?

— Худо хоҳласа чиқмайди. Бу куёнларни бизга Оллоҳ ҳадя қилди.

— Бўпти, энди бу куёнлар бизники, — шавқи завққа тўлиб гапира бошлади Эгамберди, — ўша ўрисча журналда ўқиганимиздек куёнларимизни бокиб-бокиб бой бўлиб кетсак... Э ўртоқ бутун дунёни парҳезли гўштга тўлдириб юборардик-да...

Икки ўртоқ ҳаёлотга берилиб катта-катта ишларни орзу қилаётган бир пайтда Хонкелди қишлоғига аллақачон етиб борган, савдо ярмаркасидан ғалати-ғалати ахборотлар йиғиб олган бир йигитча билан бир қизча бутунлай бошқа ҳаёлда эдилар. Сафар ўқишлари

туппа-тузук химиядан, физикадан беш баҳолар оларди, жисмоний тарбия машғулотида ҳаммадан узоққа сакрарди. Лекин у бориб турган ваҳимачи ҳам эди. Синфдаги энг охирги партада ўтирадиган Сурмахон деган қиз бўлса чақимчиликда бутун дунё чақимчиларини бир чўқишда қочирарди. Шайтон икковларининг қалбига бир вақтда кириб, бирининг қалбида лопчиликни, бошқасининг қалбида чақимчиликни авж олдирганга ҳам ўхшайди. Жаҳли тез Эгамберди билан художўй Каримбердининг бошидан ўтган ғалати-ғалати хангомаларни, Эгамбердининг жон олиб жон бериб олишётганини узоқдан бўлса-да кузатишган эди. Кейин автобусда қайтаётганларида ўртоқлари ўша воқеалар ҳақида ғалати-ғалати гаплар айтиб келишаётганни ҳам эшитишганди. Автобусдан тушишлари билан ичларидаги шайтон чапга югур, ўнга югур, тез бўл, деб буйруқ берди шекилли, Сафар Каримбердиларникига қараб югурди. Сирож бригадир даладан хориб, чарчаб келиб эндигина ёнбошлаган эди-ки, кўча эшик тақиллаб қолди. Эшикни югуриб бориб Собиржон ўғли очди.

— Йўқ, менга Сирож амакимнинг ўзлари керак, — деди Сафар энтикиб.

Сирож бригадир шошмасдан, оғрина-оғрина юриб кўчага чиқишга мажбур бўлди:

— Нима гапинг бор, болам? — деб сўради.

— ўғлингиз расво бўлди, — шошилиб гап бошлади Сафар лопчи.

— қайси ўғлим?

— Сизларниям шарманда қилди, мактабниям шарманда қилди!

— қайси ўғлим деяпман?

— ўғлингиз урушқоқ Эгамга қўшилиб аввал куён ўғиллашибди, кейин роса муштлашибди. Бутун ярмарка оёққа туриб кетибди. куёнчи қиз ўғлингизнинг қулоғини узиб олганга ўхшайди, бурнидан ҳам тишлаганга ўхшайди. Мактабимиздан борганлар қон оққанини ўз кўзлари билан кўришибди.

— Каримнинг қулоғини узиб олишибдими, — бетоқат бўлиб сўради отаси.

— Кейин бозорқўм аралашиб, эй куёнчи бола, сен буларни кечирсанг, сенларга яп-янги велосипедларини беради депти.

— Каримбердининг велосипеди йўқ эди-ку?

— Собиржон акасиникини миниб борган экан... Бўпти, хафа бўлманг, бозорқўм яхши одам экан, ўғлингизни ўша қиз билан яраштириб қўйибди.

Бу хунук хабар ишдан чарчаб келиб, беҳолгина бўлиб ўтирган Сирож бригадирнинг ҳам аламини, ҳам ғазабини оширди. Табиатан оғир, босиқ, бўлар-бўлмасга ховлиқавермайдиган бир киши эди. ўғлинг ўғри деган гап қулоғидан кириб товонигача ловиллатиб юборди.

— Йўқол! — деб ҳайқирди лопчи Сафарга.

Нариги ховлида эса бошқача ҳангома бошланаётган эди. Сурмахон аввал дарвозанинг бир қанотини очиб хиёл мўралади. Шакархон ая уйда экан. Айвонда сурпа ёзиб, нон ясаётган экан. Шакархон аянинг жаҳлидан маҳалладаги катта-ю кичик бир хилда кўркади. Аянинг одатини Сурмахон ҳам яхши билади. Унинг «лаззати»ни бир-икки бор тотиб ҳам кўрган.

— Ая, кирсам мумкинми? — мулойимгина сўради Сурмахон.

— Жа кўзимдан учиб турудинг, кирсанг киравер, — жеркиганроқ бир оҳангда деди Шакархон ая.

— қосимали амакимда гапим бор эди.

— Гапинг бўлса менга айтавер.

— Ёмон гап-да, ая.

— Гапинг ёмон бўлса, тезроқ чиқиб кетақол.

— ўғлингиз ҳақида айтмоқчидим.

— Эгам ўлгур ҳақидами?

— Шу ўғлингиз доим ёмонлаб юради.

— Биламан.

— ўғай онам дадамга алдаб тегиб олган, дейди.

— Буниям кўп эшитганман. Гапинг бўлса тезроқ айт.

— ўғлингиз қуён ўғрилайман деб қўлга тушибди.

— Эгамнинг қуён жинниси эканлигини ҳамма билади.

Шакар аянинг бепарвогина бўлиб ўтириши Сурмахонга алам қилди. ўзича жуда муҳим гап олиб келдим, ҳайратдан оғзи очилиб қолади, ғазаби қайнаб кетади деб ўйлаганди. Йўқ, ундай бўлмапти.

Ичидаги шайтон қаттиқроқ тегадиган, аччиқроқ гап топ деб қистаётганга ўхшайди.

— Аяжон жудаям муҳим гап айтсам майлими?

— Ёмон гапми?

— Жуда-жуда ёмон гап.

— Биламан, Эгам сени ўтган йили мактабингдаги газетага чақимчи деб ёзганда даданг келиб Эгамни ургани эсимда.

— Ургани йўқ. Уша урушқоқ ўғлингиз қочиб қолган.

— Хўп, чайналма, айтадиган гапингни тезроқ айтақол.

— Мени айтди демайсизми... ўша Эгам ўғлингиз ўгай онам ўз онамга дори бериб ўлдириб, дадамга тегиб олган деб юрибди.

— Вой худойим-ей, ким айтди бу тухматни.

— Мактабда ҳамма билади бу гапни.

— Тилингни суғуриб оламан ҳозир. Кириб келаётганингда ранги кутинг ўчиб турувди, йўқол кўзимдан!

Шакархон ая шундай қаттиқ тутоқдики, ўрнидан туриб чақимчини қувлашга ҳам ҳоли келмай. Ғазабини боса олмай қолди. ўтирган ўрнида икки зувала ҳамирни шошмасдан чиқиб кетаётган қизнинг орқасидан отди.

— Вой Худойим, бу тухматчилардан мени қачон қутқарасан, деб қичқирди-ю, икки қўллаб тиззасини муштлай бошлади.

XI боб

Бўлажак қуёнчи фермерлар ҳаёлот осмонида учиб, қалблари тўла шодлигу қувонч билан уйларига етиб келганларида қоронғи тушиб қолган эди. ҳар бири ўз уйига бурилётганда Каримберди ўртоғини тўхтатиб; демак келишдик-а деб сўради.

— Келишдик, гап битта.

— Демак эртадан бошлаб сени ҳам тонгда уйғотаман, азонлаб турсак, Оллоҳ ниятимизга тезроқ етказди.

— Хўп дедим-ку ўртоқ. Қуёнларимизни овқатлантирамиз-да, дадаларимизни олдига бориб бир амаллаб пул олиб ярмаркага учамиз.

Каримберди қўшқанотли дарвозалари томон йўналди. қизиқ, меҳрибон онажониси отатда хуфтон намозини ўқиб бўлгач,

жойнамаздан турмас, пичирлаб дуолар ўқирди. Ўзир, негадир, остона тагидаги супадада мунғайибгина ўтирибди. қизиқ, ишқилиб тинчлик бўлсин-да.

— Аяжон! — деб Каримберди куёнларини ерга қўйди.

— Овоз чиқарма, — деди Холисхон ая бармоғини лабига босиб.

— Аяжон тинчликми?

— Жим бўл. Велосипединг қани? Тўхта деяпман. Ичкарига кирма, дадангни қўлига тушиб қолмагин деб сени пойлаб ўтирувдим. Велосипединг қани?

— Аяжон, аввал тушунтирай.

— Тушунтирма, тезроқ бирон бир жойга беркин. ўғирлик қилганингни эшитиб, бечора даданг қутириб кетди ҳозир.

Холисхон ая ўғлини сўзлатгани қўймади. Тезроқ кўздан нари кет, бирон жойга беркин, деб ёлвора бошлади. Сирож бригадир ҳалол одам, пок яшайди. Ёлғончини, қаллобни ёмон кўради. Узоқ йиллар гуруҳ-гуруҳ одамларга раҳбар бўлган. қўлида ишлаган одамларга ҳам, катта қилган тўрт ўғилларига ҳам ҳамиша қаттиққўл бўлган. ўғиллари бирон айб иш қилиб қўйишса уриб-сўкиб ўтирмай, жазолаш учун айвондаги катта устунга боғлоб қўя қолади. То айбдор айбига иқрор бўлиб товба қилмагунча арқонни ечмайди. Мана ҳозир ҳам Собиржон ўғли укасига рухсатсиз уйдаги велосипедни бериб юборгани, памилдори эктириш ўрнига ўйнаб келишга рухсат бергани учун уни айвондаги йиллар ўтиши билан қорайиб кетган йўғон устунга боғлаб қўйган. Собиржон ҳозир қовоғи солинган, боши эгилган ҳолда жазо муддатини ўтаяпти. Сирож бригадир бўлса ўғлингиз ўғрилик қилди деган гапни эшитгандан буён, қутирган шердек бетокат бўлиб, ҳовлида у ёғ-буёққа бориб келяпти. Ўей-ҳей, агар ҳозир Каримберди дадасига рўпара бўлса борми, уни «калтаклаши» ташлаши ҳеч гап эмас. Онаюзор ана шу кўнгилсизлик бўлишини олдини олиш учун номозхон ўғлини огоҳлантириб, ичкарига киритмади...

Эгамберди бўлса ақлли, хийла хушёр, озроқ бўлса ҳам тадбиркор йигитча эмасми уйларида дадил кириб бормади. Кўча эшикни қия очиб ичкарига мўралади. Шакархон ая тандирга ўт қалайпти. Салкам икки ёшга бориб қолган қизалоғи ерда, эски наmat устида ниманидир пайпаслаб ўйнаб ўтирибди. Эгамберди симкатакдаги куёнларни ерга

қўйиб, сингилчасини қўлга олиб, юзи-кўзларидан ўпди, боши узра баланд кўтариб:

— Худо хоҳласа, сингилжон, икковимиз қуён боқамиз, — деди. ўғай онам эшитсин деб бу сўзларни атайлаб баланд овозда айтди. Шакархон ая ғалати бир қараш қилди. Ғазабми, нафратми, бир нарса бор эди бу қарашда.

Эгамқул қизчани ерга қўйиб, онасига яқинлашиб:

— Опажон, тандирга ўтни мен ёқақолай, — деди.

Шакархон ая авалгисидан ҳам хунукроқ бир қараш қилди. Демак, унинг ичига аллақачон шайтон кириб олганга ўхшайди. Эгамберди энди бирон иш қилиб унинг қалбини юмшатиши керак. Музлаган бу қалбни оддий сўз билан илтиб бўлмайди. Яхшиси, опасининг кўлидан ишини олиши керак. Ишласанг, тўхтамай ишласанг ёқасан унга. Оғилхонага кирди, опаси сигирни соғибди-ю бузоғи эсидан чиқиб қолибди. Бузоқча онасининг эмчагини сўравериб пуч қилиб қўйибди. Бузоқни ажратиб ўз козиғига боғлади. Сигири кунбўйи оч қолганга ўхшайди, корни ичига кириб кетибди, аяси даладан бир қоп ўт қилиб келган экан, шундайлигича сигирнинг охирига босди. қоп оғир, жуда-жуда оғир эди. Шакархон ая уни қандай кўтарди экан. Шу ишларни мен қилишим керак, эди деб ўйлади Эгамберди. Кўнглининг қаеридадир айбдорлик борлигини хис қилди. Онасига ачина бошлади, раҳми келгандек бўлди. Иликроқ бир сўз айтгиси келди. Шундай бир сўз айтсаки, олдин етказган изтироблари ҳам бир йўла чиқиб кетса, шу опасининг юзида бир табассум кўрса.

— Дадам келмадими? — деб секин гап бошлади.

Шакархон ая хўмрайиб қўйди.

— Ё мен ҳам далага жўнайми?

Жавоб қайтмади.

Шакархон ая тандирдан нон уза бошлади. Ноннинг хушбўй, ёқимли ҳиди Эгамнинг думоғига гупуллаб урилди, иштаҳасини кўзғаб юборди, яқин бориб, саватга қўл узаткан эди, Шакархон аянинг ичидаги шайтон ниҳоят уни тилга киритди:

— Йўқол! — деб бақириб юборди.

— Опа!

— Яна ўғирлик қилибсан, етимча. Сенинг дастингдан даданг икковимиз қишлоқдан кўчиб кетамиз шекилли.

— Ким ўғирлик қилибди?

— Велосипед қани, безори?

— қуёнга алмаштирдим.

— Хў ўша қуёнинг билан қўшмазор бўлгур! Онангни мен ўлдирдимми, қани гапир тухматчи.

Шакархон аянинг ичидаги шайтон болалаб кетди шекилли. ўша болачалар ҳам ишга тушиб кетди шекилли опанинг ғазаби шунақанги ошиб кетдики, ердаги чақалоғини тепиб, саватдаги нонларни ҳар томонга отиб, бир калта таёқ қўлига тушиб қолган эди ўша билан Эгамнинг елкасига уриб, симкатакдаги қуёнларни ҳам савалай кетди. Бошқа илож қолмади. Эгамберди симкатакдаги қуёнларни кўтариб кўчага қараб қочди.

ХII бoб

Икки ўртоқ дарвозалар қаттиқ ёпилиб, кўчага қувилгач, нима қилишни, қаёққа боришни билмай, гаранг ҳолатда анча пайт туриб қолишди. ўзини ҳамиша ишбоши ҳисоблаб юрадиган Эгамберди, «ўртоқ, ишқилиб хафамасмисан?» деб кўнгил сўраган бўлди. Каримберди сал кулимсираб, омонатгина жилмайиб, «эй ўртоқ, хурсанд бўладиган иш бўлаётгани йўқ-ку», — деб қўйди.

Яна икки ўртоқ бир-бириларига қараб жим қолишди. Жимликни Эгамбердининг ўзи бузди:

— Биров бизни ўғирлик қилди деб айган бўлса керак? ўғай онам мендан хафа. ўртоқ, фақат сен хафа бўлма, мени ташлаб ҳам кетма. Кўрасан, биз ҳали миллионер бўлиб кетамиз. Эсингдами, битта журнални биргалашиб ўқувдик. ўшанда битта ҳеч кимнинг эътиборига тушмайдиган чўлоқ, камбағал йигит зулук боқиб бора бора бойиб кетганда, манаман деган бойлар ҳам тан берган экан.

— Эгам, қўй энди бу гапларингни. Бу кеча қаёқда етишимизни ўйлайлик.

Маслахатлаша-маслахатлаша қишлоқ марказидаги гузарда, Акром компьютерчининг ишхонасида бир кеча тунашга қарор қилишди.

Каримберди бора боргунча ўзининг билган дуоларини ўқиб борди. Эгамберди бўлса ким биландир урушмоқчидек қўлини муштга тугиб олган эди.

Хонкелди қишлоғида уяли телефон хизмати унча ривожланган эмас. ўзини тутиб олган даромади кўпайиб бораётган беш ўн фермергина улардан фойдаланади халос. Аммо, оғаки телефон, худога шукр, шундай ривожланганки, ундан фойдаланиш шундай авж олганки, таърифларига сўз топа олмайсиз. Хушxabарми, шум ниятда айтилган хунук гапми кўз юмиб очгунча қишлоқнинг у чеккасида бу чеккасига бориб етади. Эгамберди билан Каримбердиларнинг савдо ярмаркасида кўрган-кечирганлари, сўқмоқ йўлдан юриб уйларига етиб келгунча, ўша ерда бўлган машмашалар аллақачон уйларига ҳам қишлоқдаги энг чекка уйларга ҳам бориб етган эди. Энг ёмони, у ерда ўғирлик юз бергани йўқ эди, аммо оғиздан оғизга ўтган ясама гаплар бу икки айбсиз йигитчани ўғрига чиқариб қўйган эди.

Икковлари симкатакдаги куёнларини кўтариб Ақром аканинг компьютер хонасига тортиниbroк, уялиbroк кириб борганларида хонанинг бир палласида томоша кўриш учун дадаларидан пул ундириб чиққан ёш-ёш болалар компьютер ўйинларига берилиб томоша кўришар, хонанинг бошқа бир палласида эса ёш-ёш ўсмирлар, бўй чўзиб қолган йигитчалар чет эл видеофилмларини кўриб ўтиришар эди.

Тўсатдан ҳар томондан саволлар ёғила кетди:

— Эгам, ўғирлаган куёнларинг шуми?

— куён эмас, семирган ёввойи мушукка ўхшайди-ку. Карим сенинг қулоғингни қиз бола тишлаб олган эмий, шу ростми?

— Эгам сен куён бермайман деса куёнчи болани тагингга босиб урганмишсан?

Эгамберди нафасини чиқармай кулимсираганнамо жимгина турарди. Каримберди гоҳ унисига, гоҳ бунисига ниманидир тушунтирмоқчи бўлаяпти. Шу аснода, кутилмаганда, яна бир дилисиёҳлик бошланди. Чет элнинг маъни-бемаъни видеоларини берилиб томоша қилиб ўтирганлар орасида ашаддий куёнбоқар деб ном чиқарган, ҳозир эса битта ҳам куёни қолмай, куёнхоналари

хувуллаб ётган Ғулом ғуппанинг акаси Исроил ҳам ўтирган экан. Секин ўрнидан туриб, жимгина турган Эгамбердига яқинлашиб:

— Яхши кўрган укамни нега уялтиряпсанлар, — деб ўшқирган бўлди, — бас қилларинг майнавозчиликни, бу укам битта катакдаги куёнларни менга олиб келган, тўқрими Эгам?

Эгамкул индамади, юзидаги ҳалиги жилмайиш яна ҳам кучайгандек бўлди.

— Гапир ука, бир сетка бизники бўлади, шундайми.

Хамманинг эътибори Эгамберди билан Каримбердида, икковлари бўлса қандай жавоб қайтаришни билмай ҳайрон бўлиб туришибди.

— Ўтган йили бизнинг боғдан куён ўғрилагансан, ўшанинг ўрнига олиб келдингми бу куёнларни?

Дафтарга алмаштирганман ўша куёнларингни.

— Кейин кечаси бориб куёнкатакнинг эшигини очиб юборгансан, куёнлар далага тарқаб кетган.

— Ёлғон айтаяпсан. куёнхонанинг эшигини тулкилар тимдалаб очган.

— Ўша тулки тагин сен бўлмагин, ука.

— Ўзинг тулқисан, Исроил! Нари тур, куёнларимга тегма!

Исроил куён тўла сеткалардан бирини қўлга олди. Эгамберди тортиб олмоқчи бўлди. Муштлашиб кетишди. ҳар икки томоннинг ичидаги шайтонлар ишга тушиб кетди шекилли. Иккови маҳалланинг болалари ичидаги шайтонлар ҳам бош кўтарганга ўхшайди. қибла маҳалла болалари Исроил томонга, Соё маҳалла болалари Эгамберди билан Каримберди томонга бўлинишди. Эгамберди ким билан муштлашса дарров тагига босиб дўппалашга ҳаракат қиларди, бу гал ҳам шундай бўлди. ўзидан бўйи ҳам баланд, жуссаси ҳам катта, танаси ҳам анча оғир Исроилни бир амаллаб тагига босиб, қорнига ўтириб, ўнг қўли билан ёқасини маҳкам сиқиб олди. Исроил ҳарчан уринмасин, оёқларини ҳарчан питирлатмасин тагидан чиқа олмаяпти. Ёқасини ҳам бўшата олмаяпти.

— Бас қил, ўлдириб қўясан, — деб компьютерчи Ақром югуриб келди. Эгамбердининг қўлидан тортиб Исроилнинг устидан тушурди. ҳаво етмаганиданми, ранги оппоқ оқариб кетган Исроил анчагача беҳол турди, хўмрайиб:

— Сен ўғрини шошмайтургин тазирингни бераман, — деди, — фирром экансан чалиб йикитдинг мени.

— Укангни ҳам урганман, бор энди дадангни ҳам айтиб кел. ўша раисликдан ҳайдалган дадангни ҳам бир боплайман.

Компьютерчи Акром, энди ҳамманг тарқал ҳозир участкавой келиб катта-ю кичигингни сўроққа тутиб, менинг бошимга ғалва ёғдирасанлар, деб

Эгамберди билан Каримбердини ҳам қўлларига катакдаги қуёнларини бериб итара-итара ташқарига чиқариб қўйди.

ХIII боб

Ичкаридан қувилганлар бўлган хунук воқеанинг «мазасини» шимиб кўрмоқчи бўлдиларми, негадир, тарқалгилари келмаяпти. қибла маҳалланинг болалари бирлашиб Эгамбердини фирромликда айблаша бошлашди. Соймаҳалла болалари:

— Калтак едиларингми, энди думларингни ликиллатмай жимгина кетаверинглар, — дейишяпти.

— Эгам фирромлик қилди.

— Чалиб йикитди.

— Тўғри қилди, болади.

— Соймаҳалла болалари зўр, ҳаммангни йиқитади, — дея бир бирларини гиж гижлашяпти. Шайтон ҳаммаларининг ичига аста секин кириб бораётганга ўхшайди, урушасан, бўш келмайсан, деётганга ўхшайди.

— Эгам, қайтадан муштлашасанми? — деб сўради бир бола.

— Бутун маҳалланг билан кел — деган жавобни берди Эгамберди.

Арзимаган гап, арзимаган нарса баҳона бўлиб икки маҳалла болаларининг жикқамушт бўлиб уришган пайтлари кўп бўлган. қизиқ, буни спортнинг бир тури деб қарашармикан, бунақа пайтларда катта одамлар ҳам кўпам аралашавермайди, гоҳо томошабин бўлиб ҳам ўтиришаверади.

Эгамберди симкатакни ерга қўйиб икки уч одим ўртароққа чиқди. «Ким бўлсанг ҳам ўртага чик», деган гапни баланд овоз билан айтди. Бугун у собиқ раиснинг икки ўғли билан муштлашди, галма-галдан

икковини ҳам урди. Етимчасан, деб камситганлари, ўғрисан деб хўрлаганлари учун урди. қизиқ феъли бор унинг: ўзини ҳечқачон камситишларига йўл қўймайди, камситган бола билан то кечирим сўрамагунча олишаверади.

қибла маҳалла болалари дорозгина бир ўсмирни итариб ўртага чиқаришди-да:

— Эгам билан сен мушлашасан, маҳаллани ҳимоя қиласан.

— Мен мактабдан ҳайдалган бола билан мушлашиб обрўйимни тўкмайман, аҳмоқмасман, — деб эътироз билдирди.

Эҳтирослар қизиб бораяпти, ҳаяжонлар ошиб бораяпти. Тарафкаш бўлиб келган болаларнинг ичига кириб олган катта-кичик шайтонлар тез бўл, бўш келма, деб қистаб ҳам туришибди... хайрият, Оллоҳ икки париштасини Фотима билан Зухро қиз қиёфасида жўнатканга ўхшайди. Опа-сингиллар тўпланганларни нари-бери итаришиб, ўртага кириб кела бошладилар. Томошани яқиндан, яхшироқ кўрамиз, эртага мактабга бориб роса мактанамиз, деб даврани торроқ олган ёш болалар Фотима билан Зухро қиз уларни четга қанча итармасин-сурмасин, даврани баттарроқ қисиб кела бошлашди. Фотима қиз шаддодлироқ, ҳам жахилдорроқ эмасми, бир-икки болани қаттиқроқ итариб юборган экан, иккови ҳам ерга орқаси билан йиқилди-да, бор овозларини чиқариб додлаб юборишди. қибламаҳалла болаларининг ҳамиятини кўзғаб юборди шекилли:

— Маҳалламизнинг болаларини урушяпти! — дея қичқирди бир бола.

Тамом, ҳар бирининг ичидаги мудрай бошлаган халиги шайтон-у шайтонбаччалар тенгдан бош кўтарди. Йигитча-йигитча билан, ўсмир ўсмир билан, болақай-болақай билан муштлашиб кетишди. «Текин томошани» кўрамиз деб қизиқиб келган қизлар ҳам бор экан, ҳаммалари бирлашиб Фотима билан кўркувдан юраги дук-дук уриб турган Зухро қизга ҳамла қилиб қолишди. Кейин, кўча хали қоронғи эмасми, Қибла маҳалла қайси-ю, Соймаҳалланинг боласи қайси, буни ҳам ажрата олмай қолдилар. қайсидир болага ўқитувчиси икки баҳо қўйган бўлса, аламини қаршисида турган боладан олаяпти, сигирига яхши овқат бермай даладан оч олиб келгани учун онасидан калтак еган яна бир бола аламини бошқа бир боладан олаяпти...

Тўсатдан участкавой милитсионернинг даҳшат билан чуруллаган хуштаги овози эштилиб қолди. хуштак бир эмас, икки бора, узоқ-узоқ чуруллади, ғазаб билан, нафрат билан, ичи тўла ваҳима билан чуриллади. Ким қаёққа қочаётганлиги билинмай қолди. Кўз юмиб очгунча кўча ўртасида Эгамберди билан Каримберди-ю оёқлари остидаги симкатакларда тинмай уринаётган куёнлар қолди ҳалос. Учаска милитсионерининг безорилар, ҳаммангни қаматаман, деган овозигина эшитилаяпти холос. ҳайрият, Фотима билан Зухро қиз қочиб кетишмаган экан. Фурқат ака, жанжални қибламаҳалла болалари бошлашди, бошқатдан муштлашамиз, деган гапларни ўшалар айтишди. Яна ҳаммадан олдин Гуломнинг акаси Исроил бошлади, деган гапларни ҳам қўшимча қилишди.

Участкавой ҳаяжонларини гоҳ босиб, гоҳ босолмай енгил-енгил қалтираб турган Эгамберди билан Каримбердига яқинлашиб:

— ў-хў, азаматлар, машмашани яна бошлабсизлар-да, — дея дўк урган бўлди.

Жавоб қизлардан қайтди.

— Фурқат ака, жанжални Исроил бошлади деяпмиз-ку!

Участкавой қизларга, уларни ёлвориб айтмоқчи бўлган гапига унча эътибор бермади. Энгашиб оёқостидаги симкатакларда питирлаб турган куёнлардан бирини кўтариб:

— ўғирланган куёнлар шуларми?— деб сўради.

Эгамберди билан Каримберди бир овоз бўлиб ўғирлаганимиз йўқ, велосипедимизни гаровга қўйиб келдик, деган гапни икки-уч бор айтишди. Йўқ, участкавой бу гапларга кулоқ солмаяпти, афтини ғалатироқ бужмайтириб:

— Эгам, Карим сен икковларинг илгари ҳам куён ўғирлаган эдиларинг — деб гап бошлади.

— Ёлғон!

— Тухмат, — деган гапларни қайта-қайта такрорлашяпти йигитчалар.

— Участкавой бир сўзли йигит экан, гап шу, сенлар ўғрилаб келгансанлар, бунини эрталаб разбўр қиламиз, деб симкатакдаги куёнларни кўтариб йигитларни олдига солиб, ўз идораси томон олиб

кета бошлади. Идорасига бориб нима дейишини, нима қилишини билмай турган ўсмирларни, кичикроқ бир хонага қамади-да:

— Разбор эрталаб бўлади! — деб эшикни устидан қулфлаб кетди.

— Икки ўртоқ бир-бирларига ғамгин тикилганларича, ўтирадиган жой ҳам йўқ экан, узоқ тик туриб қолишди. Эгамберди кўлини мушт қилиб, тишини ғижирлатиб-ғижирлатиб қўяпти, Каримберди бўлса тинмай пичирлаб дуо ўқияпти. Участкавойдан дарак йўқ.

Кутилмаганда дераза орқасидан Фотима қизнинг:

— Уйларинга хабар берайликми? — деган ваҳима тўла овози эштилди.

— Эгамберди нима дейишини билолмай турарди. Каримберди ҳайрият, ўзини йўқотмаган экан, дуо ўқишдан тўхтаб, паст овоз билан, керак эмас, билмаганлари яхши, дея жавоб қайтарди.

— Бўлмаса овқат олиб келайликми? — деган овоз эштилди ташқаридан.

— Эшик қулф-ку, овқатни қаёқдан узатасизлар.

— Эшикка номигагина қулф солинган экан, қулф ликанглаб осилиб турибди.

— Участкавой-чи?

— Тўйга олиб кетишди.

— Тўйга?!

— Ҳамдам аканикида тўй бўлаяпти.

— Бор, овқатни тезроқ олиб келинглар! — мазмунида қискагина савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Овқат олиб келишди. Шоша пиша ейишти ҳам. қизларга қайта-қайта раҳматлар ҳам айтишди. Каримберди гапга унча аралашмас, зимдан Зухро қизнинг нигоҳини ахтарар, ичида ҳамон тинмай дуолар ўқир, Эгамберди бўлса ҳозирги кайфиятига ҳеч мос келмайдиган қизиқ-қизиқ сўзларни айтар, қуёнларимиз кўпайи миллионер бўлиб кетсак Фотима — сенга, эшитаяпсанми, сенга деяпман, мана бу Каримбердидан кўзини узмай ўтирган Зухрога, худо хоҳласа икковларинга бир хил қуёнларимнинг терисидан палто тиктириб бераман... деганга ўхшаш унча юки бўлмаган сўзларни айтар эди.

XIV боб

қизлар, эшикни қулфи омонат экан деб тағин кетиб қолманглар, яна ҳар ҳил гаплар кўпайиб кетади, эшикни Фотима билан Зухро ҳам атайлаб очиб кетган дейишади, биласизлар-ку, синфмизда чақимчи қизлар кўп, деган маслаҳатни берган бўлишди. Фотима қиз, агар участкавой сени сўроқ қилса, кўркма, мен ҳақиқатни айтиб гувоҳлик бераман, Худо хоҳласа сени ҳимоя қиламан, деди. Эгамберди тўлқинланиб кетгандек бўлди назарида ёш ҳам келди шекилли, кафти билан артиб «Фотима сен яхшисан, ҳамма қиздан яхшисан, жуда-жуда яхшисан» деди. Каримберди бўлса Зухро қизнинг ҳаяжониданми енгил-енгил титраб турган дўмбоқ-дўмбоқ бармоқларини қўйворгиси келмай узоқ ушлаб турди-да, худо хоҳласа, бизни қамашмайди, деб қўйди.

қизлар кетди. Йигитчалар кучли ҳаяжон ичида, ўзлари ҳам номини билмайдиган кучли хиссий тўлқин оғушида ўйга толиб ўтиришди. Узоқ жим қолишди. Каримберди уф тортиб, енгилгина бош чайқаб:

— Эгам, кимдир биздан олдин келиб уйларимизга кириб, бизни қуён ўғриллади, деб ёлғон-яшиқ гапларни айтган бўлса керак. Сенинг-ча бу гапни ким айтган бўлиши мумкин, Эгам, бунча ўйга толдинг, гапирсанг-чи.

— Ким бўларди, ё Ғулом ғуппа ёки Шокир!

Бугун туман марказига борган барча ўқувчиларнинг номини бирмабир санаб чиқдилар. қанча бош қотиришмасин, ким чақимчилик қилганлигини ўйлаб топа олмадилар.

— Яхшиси қочиш керак бу ердан, — деди Эгамберди кескин ўрнидан туриб.

— Рухсатсиз кетишга ҳаққимиз йўқ-ку, — эътироз билдирди Каримберди.

— Бизни сўроқ қилмай қамаб кетишга унинг ҳаққи борми бўлмаса?

— Эгам у ноҳақ бўлса жазосини худо беради.

— Участкавой худосиз, масжидга бориб оқ дўппи кийганларни ҳайдагани эсингдами?

— ҳозир кимникига ҳам борардик, бунинг устига куёнлар очлигини ҳам кўриб турибмиз.

Тўғри, куёнлар оч, бунинг икковлари ҳам кўриб туришибди. Шу куёнлар учун ҳам қочиш керак. Хўш, қочганда кимникига боришади, уйларидами, икковлон учун кўча эшиги тақа-тақ ёпилган-ку. ҳимоя сўраб синф раҳбарлари ҳамидова опаникига боришса-чи, йўқ, йўқ, унинг эри баджаҳилроқ одам. Мактабга бориб Универсал бободан, бир кечагина куёнларимиз сизникида турсин, деб сўрашса-чи. Йўқ, йўқ, бу гап директор Азизов домланинг қулоғига бориб етса... ҳай-ҳай бечора бобони дарҳол мактабдан ҳайдайдия.

— Уҳ! — дейишди бирданига.

— Нима қилиш керак? — деб сўрашяпти бир-бирларидан.

— Оллоҳ кўнглимга солди, — деб қувонч билан ўрнидан туриб кетди Каримберди, — ўртоқ, турақол, масжидга борамиз, Оллоҳнинг паноҳига борамиз.

Ўрта масжиднинг ҳовлиси кенг, ҳовли атрофига пастак-пастак уйлар қурилган, ҳайри-худойи қилувчиларга, арвоҳларга атаб ис чиқарувчиларга, масжиднинг ул бул нарсаларини сақлашга атаб талайгина пасту-баланд уйчалар қуриб ташлашган. Энг муҳими, муаззин бобо Каримбердини жону дилидан яхши кўради. Бу бобо илгари муаллим эди, муаллим бўлгани учун ҳам болаларни яхши кўради...

ҳайрият муаззин бобо уйғоқ экан. Илиқкина кутиб олди. Ақром ақанинг компьютер хонаси олдида бўлиб ўтган машмашани эшитиб, тафсилотини кимдан сўрасам экан, деб ўтирган экан. Эгамберди билан Каримберди бири олиб бири қўйиб, ушбу мўлтиллаб турган, очқаганидан бетоқат бўлаётган куёнларга алоқадор воқеаларнинг ҳаммасини ипидан игнасиғача сўзлаб беришди. ҳатто кейинчалик миллионер бўлиб кетишса Каримбердининг отасига янги трактир олиб беришмоқчи, икковларига она бўлган Собираҳон аяга оқ мармардан ёдгорлик ўрнатмоқчи эканликларини ҳаяжонга тўлиб-тошиб сўзлаб беришди. Яхши ниятимиз борлигини эшитса, зеро Муаззин бобо бизни қабул қилиб, жой берса деб атайлаб ҳаяжонларини ошириб, сал йиғламсирамроқ сўзлашди.

— Вой ўғилларим, яхши ният қилган экансизлар, яхши-яхши орзулар қилган экансизлар. Оллоҳ яхши ниятчиларнинг ёнида бўламан деган. Шу ниятларинг учун Оллоҳ сизларга оппоқ-оппоқ қуёнларни рўпара қилибди. Бу жониворларнинг юнглари ни майинлигини, оппоқ-оппоқлигини қаранглар, худди жаннат сувига ювилгандек ял-ял ёниб турибди-я...

Муаззин бобо йигитчалар йўқ, йўқ, дейишларига қарамай электор чойнакда чой қайнатиб берди, нонқутида бурда-бурда нонлар, ярим-ярим синдирилган майда патирлар-у, қатламалар бор экан, дастурхонга уйиб ташлади. «Ниятларинг яхши, яхши ниятчиларга Оллоҳ йўл беради, мана бугун Оллоҳ сизларни яна бир синаб кўрибди, эй ўғилларим, бандаси дунёга келибдики, ҳар куни синовда бўлади, синовдан ўтувчиларнинг нияти яхши бўлади, қалби тоза бўлади».

Эгамберди ҳам Каримберди ҳам кундузги-кечги олғов далғов воқеалар тўлқинида бўлиб анчагача ухлай олмадилар. ҳар бири ўз ўйи билан банд эди. Эгамберди тўсаддан мархум онасини эслаб кетди. Онажониси боҳчада мудира эди. Аяжон, мени Шохимардон сайлига олиб борасиз, деб роса қистади. Майли, шу ўғлимни бир хурсанд қилай деб, яккаю ёлғизим бир яйрасин деб, ёнига ушта тарбиячи опаларни олиб Шохимардон сайлига борган эдилар. Опалар сойлик ичида, кирага олиб борган машиналари ичида ухлашди. Эгамбердини эса юқоридаги лағрда жой бор экан, ўша ерга жойлаштиришди... Фалокат оёқ остида деганлари рост эканда, Чотқол тоғи томонга қурилган, денгиздек катта сув омбори уриб кетиб, сой атрофида дам олаётганларнинг ҳаммасини юмалоқ ёстик қилиб тош-у шағалларга аралаштириб кетди. Дам олувчиларнинг кўпи нобуд бўлди, кўпи мажруҳ бўлди. Собирахон ая бош бўлиб борган аёллардан учови ҳам нобут бўлди, аянинг ўзини эса яримжон холида тошлар остида кавлаб олишди. Аяжониси узоқ ётди, кўрмаган дўхтир, келмаган табиб қолмади. Кийин... барибир оламдан ўтди. Агар мен онажонимни сайлга олиб борасиз деб қийин-қистовга олмаганимда эҳтимол меҳрибоним оламдан ўтмасмиди. Мен айибдорман, мен сабабчиман дея, Эгамберди сакраб ўрнидан туриб кетди. ҳайрият,

Каримберди уйғоқ экан. ўртоғини ёнига тортиб, кўнглини кўтарадиган, юпатадиган сўзлар айта бошлади.

XV боб

Муаззин бобо меҳри дарё бир киши экан, йигитчалар ўрниларидан тургунча нонушта ҳам тайёрлаб кўйибди, дастурхон яна бой бўлди, егуликлар мўл бўлди, тўйиб-тўйиб овқатландилар. Икковларининг қалбида участкавой бизнинг бу ердалигимизни эшитса дарҳол етиб келади, етиб келади-ю, олиб кетиб яна қамайди, деган ташвиш бор эди, ташвиш жуда зўр эди.

— ўртоқ, энди нима қиламиз? — деб сўраяпти Каримберди. Одатда иккиланган пайтларида, кўпинча, ҳал қилувчи гапни Эгамберди айтарди, одатда айтган гаплари, кўпинча, тўғри ҳам бўлиб чиқарди.

Лекин бу гал Эгамберди тайинли жавоб айтмай, елкасини қисиб қолди.

— Уйимизга борсак-чи? — яна савол берди Каримберди.

— Участкавой уйимизда кутиб турган бўлсачи.

— Унда далага борайлик. Оталаримизга бўлган воқеанинг ҳаммасини айтсак.

— Йўқ Карим, катта хатолар қилдик, рухсатсиз иш қилиб кўйдик. Майли, сен борсанг борақол, мен куёнларни топшираманда уйимдан кетаман, бутунлай кетаман. Уйимизниям. ўғай онамниям, мактабниям ҳаммасини ёмон кўраман, директорниям ёмон кўраман, бўлар-бўлмасга қулоғимиздан чўзавергани, қамаб кўйгани учун ёмон кўраман.

— Мен-чи, мениям ёмон кўрасанми?

— Йўқ ўртоқ! Биз бир онани эмиб катта бўлдик, бир онанинг тарбиясини олдик, сени ўла ўлгунча яхши кўраман, дойим кўнглимни кўтарасан. Очиғини айтайми?

— Айтчи.

— Айтсам, ўлганимдан кейин ҳам сени яхши кўраман.

куёнларни Муаззин бобога қолдириб, болаласа, худо хоҳласа, набираларингизга биттадан берамиз деган гапларни айтишиб,

иккилана-иккилана, нима бўлса ҳам, пешонамиздан кўрдик дейишиб, олдин сен гапирасан, олдин мен гапираман дейишиб, кўрқа писа фермер оталари ҳузурига жўнашди.

Боришса Каримжоннинг отаси ҳам, Эгамбердининг отаси ҳам ерлари боқамти эмасми, бир бўлиб ишлашётган экан. Гоҳ-гоҳ ана шундай ёнма-ён билан ишлашар, тигиз бўлиб қолганда бир бирларига ёрдамга ҳам келишарди. Бугун Эгамбердиларнинг бир гектарли чўзқ пайкалида макка экишяпти, уяли қилиб экишяпти. Демак, кеча Сирож бригадир амаки ишлатган уларни, сув чиқариш учун узоқдан чим ташишган. Чим босиш осон эмас, кўпчилик бўлиш керак. Мана бугун Сирож бригадир билан қосимали сувчи амакилар ён-маён бўлиб, Собиржон билан Шакархон ая ҳам ёнма-ён бўлиб маккажўхори экишяпти. ҳар тўртталари ҳам Каримберди билан Эгамбердига бир бир қараб қўйишди. Нигоҳларида раҳм, шафқат йўқ. ҳеч кечириб бўлмас гуноҳ қилган одамга қарагандек қарашяпти. Икки ўртоқ тик туриб қолишди. Нима қилишни билишмаяпти. Ниҳоят Шакархон ая ишни тўхтатиб йигитларни ёнига чақирди.

— қаерда эдиларинг? — деб совуккина қилиб сўради.

— Масжидда эдик, — дейишди йигитчалар.

— Дадаларинг ахтармаган жой қолмади. Милитсияхонанинг кулфини нега буздиларинг? Участковой ҳам ахтариб юрибди сен безориларни.

— Мелиса хонанинг кулфи бузиқ экан, — тушунтирмоқчи бўлди Каримберди.

— Аслида ўзларинг бузуксанлар. Сенлар билан кечқурун дадаларинг гаплашади... Хў нарида қозикчалар бор, биттадан олиб экишга тушинглар. Дадалари бу ерда ўлиб-тирилиб ётишибди-ю улар туман марказига бориб безорилик қилишибди.

қуён ҳақида, бугун қуён эгаларига пул олиб бориш ҳақида гап оча олмадилар. қаттиқроқ ишласак ота-оналаримизнинг қаҳри юмшаб, қолар деб ишга астойдил, жуда-жуда астойдил киришдилар. Тез-тез ота-оналарига қараб-қараб қўйишади. Уларнинг қандай фикрдаликларини билгилари келади. Албатта бесўроқ, рухсатсиз қилганлари учун, қилмишлари катта жанжалга айланиб кетгани учун,

бир кунда бир эмас уч мартта мушлашганлари учун албатта ота-оналари жазо беради, бу аниқ, лекин қанақа жазо бўларкан?

Бир қарасанг тарифларга сиғмайдиган даражада меҳрибон, бир қарасанг ўта кетган даражада қаттиққўл шафқатсиз Сирож бригадир буларни жазосиз қолдирмайди. Ўеч бўлмаса ҳовлидаги қорайиб кетган устунга бир кунга боғлайди. қосимали сувчи амаки яккаю ёлғиз ўғлини яхши кўради. Буни менга Оллоҳ берди, Эгам берди деб эркалайди. Яхши кўргани учун ҳам бўлар-бўлмасга, гоҳо кўчадан муштлашиб келса ҳам, ўгай онам мени кўз очиртирмаяпти деб ёмонласа ҳам, барибир, якка-ю ёлғиз ўғлини яхши кўради. қилган майда-чуда айбларини кечириб яшайди, катта бўлса эси кириб қолар, деб қўя қолади. Лекин ҳозир, шу пайтда лоақал бир қараб қўйса яхши бўларди.

Демак, икки отанинг фикри бир, жазо қаттиқ бўлади, жуда-жуда қаттиқ бўлади.

Йигитчалар, икковлари ҳам эсларини танигандан буён ер ичида, оталарининг ёнида меҳнат қилиб катта бўлган эмасми, бу гал ҳам аввалгиларидан ҳам қаттиқроқ, берилиброқ ишлай бошладилар. қаттиқ ишласак оталаримизнинг қалби юмшаб, меҳрилари товланиб қолар, деган умид ҳеч тарк этмаяпти уларни.

Оталари овқатга ўтиришди, лекин буларни чақиринмади. Собир акаси билан Шакархон ая ҳам ўрталарига дастурхон ёйишди, лекин йигитчалар томонга ҳатто қараб ҳам қўйишмаяпти.

Кеч бўлди. Шакархон ая кун бўйи акиллаб йиғлаб онасига яхши ишлашга ҳалақит берган кизчасини кўтариб жўнаб кетди. Тушунарли, у энди хашарчиларга кечки овқат тайёрлайди. Собир акаси бўлса елкасига кетмон олиб даш томонга чиқиб кетди, сув очиб келади шекилли.

қоронғи туша бошлади. Икки ўртоқ ҳали экишдан бош кўтарганлари йўқ. Охирги умид яна ўзларидан, қаттиқ-қаттиқ ишлашса бугунги аянчли аҳволларидан терлаб пишиб қилган меҳнатлари қутқаради.

Ишлаш керак.

Тезроқ экиш керак.

Каримберди шошиб ишляпти. Тинмай билган дуоларини ҳам ўқиб борапти.

Ниҳоят Сирож бригадир, у ҳам чарчади, шекилли ўнг қўлини белига қўйганча аста-секин яқинлашиб кела бошлади. Йигитчалар бошларини кўтаришди, маъюс кўзларида ёлвориш, илтижо нурлари хирагина ёниб турарди.

Отанинг ҳукми қаттиқ бўлди:

— ўзбошимчалар, икковларинг ҳам жўна энди. Ўзир бориб участкавойдан кечирим сўранглар. Кечалаб бўлса ҳам қуёнларни қаердан олган бўлсанглар эгасига топширинглар. Бўлмаса икковингни ҳам мана шу қари тутга бир ҳафтадан боқлаб қўяман.

XVI боб

— Ана кўрдингми, — дейди Каримберди қишлоқ томон жадал юриб боришар экан, — дуо ўқиганимиз учун Оллоҳ бизни калтақдан қутқарди.

— Йўқ, яхши ишлаганимиз учун калтақдан қутилдик, — деб этироз билдирыпти Эгамберди.

— Ҳам яхши ишладик, ҳам дуо ўқидик... Хўп, тезроқ борайлик, қуёнлар очидан ўлиб қолмасин.

Муаззим бобо нафақат одамга, балки ҳаёвонларга ҳам меҳрли экан, оқ паҳлавонларга яхши қарабди, сим катаklarини тўлдириб худойи қилганлардан қолган сабзи, қарампўчоқлар солибди.

қуёнлардан кўнгли тинчигач, икки ўртоқ гоҳ унисиникига кириб, гоҳ бунисига кириб маслаҳат устига маслаҳат қилишяпти. Оқ паҳлавонларни эгасига топширмаслик учун албатда, пул керак, жуда катта пул керак. Лекин пулни қаёқдан топишади, кимдан сўрашса бўлар экан. Уяла уяла Муаззин бободан сўрашган эди, ғалати одам экан, мачитга қадам қўйганимдан буён қўлимга пул ушлаганим йўқ, деди. Каримбердининг онаси номозхон ўғлини эрталабгача бағрига босиб бошларини силаб чиқди. Пули бор албатта. Лекин, афсуз, ўғилгинам, қаттиққўл отанг менинг гапимни икки қилдиларингми, деб икковимизни ҳам кўчага ҳайдайди, деб кўрқади. Бу аламли

гапларни айта туриб ўғлининг юз-кўзларидан қайта-қайта ўпиб ҳам қўяди.

Эгамберди ҳам туни билан ухламай чиқди. Беш-ўнг минг бўлса майли эдия, ўттиз минга, ўттиз мингни ким ҳам берарди менга деб ўйлайди. ўғай онасида пул бор. Эгамберди ҳар якшанбада бозорга сут, қатиқ қаймоқ олиб бориб сотади. қанча пул тушса, битта яримта музқаймоқ олиб еса ейди, бўлмаса пулнинг ҳаммасини шундайлигича ўғай онасига топширади. Онаси бу пулларга билакузук оламан, деб йиғиб юрибди, бермайди, ўлиб қолса ҳам бермайди!

Эх! дейдида, Эгамберди ўз онасини ўйлаб кетади. қўл оёқлари синган онаси икки йилча ётиб қолди. Эгамберди ёш бўлса ҳам овқат пиширишни, уйи-рўзғорга қарашни ўрганиб олган. ҳатто, қўшниларини ҳайрон қолдириб сигир ҳам соғади. Онажони бўлса кўзларини мўлтилатиб қараб ётади, гоҳ ана шу мўлтиллаб турган кўзларидан дув этиб ёш тўкилиб кетади, чуқур-чуқур хўрсинади.

Эгамберди секингина келиб онажонининг ёнгинасига ўтиради, қоқ қуриб, этсиз бўлиб қолган қўлларини оҳиста-оҳиста силайди, ўпиб-ўпиб қўяди.

— Дадангга овқат олиб қўйдингми? — кўзларини ярим очиб сўрайди онаизори.

— Олиб қўйдим, — дейди Эгамберди аллақандай қониқиш, мамнуният билан.

— Сигирниям соғдингми?

— Соғдим, аяжон, фақат сутни оз бераяптида.

— Шакархон аянгга соғдирсанг бўларди.

— ўша опани ёмон кўраман.

— Ундай дема ўғлим, ёмон аёлмас.

— Ҳамириям тандирдан оқади, сигирниям чала соғади, идиш-товоқниям чала ювади.

— Ундай дема, ўғлим.

— Аяжон, оёғингизни уқалайми?

— Оёғим ҳеч нарсани сезмаяпти, полвоним.

— Бўлмаса дорингизни суртайми?

— Йўқ, ҳеч нарса сезмаяпти, майли, мени кучоқлагин, қаттиқроқ кучоқлагин, ҳа ана шундай, баракалла азаматим. ўғлим, пахловоним,

дадангга эҳтиёт бўлгин, даданг бечора жуда гўл, содда, ҳамма алдаб кетаверади... ўғлим, яхши ўқигин, олий малумотли бўлгин.

— Аяжон, йиғламанг, бўпди, олий маълумотли бўламан, олий маълумотли фермер бўламан, куёнлар боқаман.

— Даданга қийин бўлади-да, ўғлим.

— Аяжон, йиғламанг.

— Сенга ҳам осон бўлмайди, дилбандим. Энди ўғлим, бор, тошқинда халок бўлган тарбиячи опаларингни бир зиёрат қилиб кел.

— Кеча бордим-ку.

— Яна бор, ҳар куни боргин... Борақол, мен озгина мизғиб олай.

Эгамберди истамайгина қабристонга жўнайди. Мана, тошқинда халок бўлганларининг бирга паст, бирига баланд, бирига оқ, бирига қора мрамрдан ёдгорликлар қўйилган. Аяжоним нега мени ҳадеб қабристонга бор, тез-тез бор деб ўша ёкқа қистайверади, ёки мен ҳам оламдан ўтаман, сен ҳам менга ёдгорлик қўясан демоқчими, ёки ҳамма вақти билан оламдан ўтади, мен ҳам ўтаман, бунинг ажабланидиган жойи йўқ, кўп йиғлама, ўзингни йўқотма демоқчими, деб ўйлайди-да, — йўқ, аяжоним ўлмаслиги керак. ўлмайсиз аяжон, дея қабрларни ортда қолдириб уйига югуради.

— ўртоқ, нега бунча қавоғинг осилиб кетибди. — деб Каримберди баланд овозда гапира бошлади, — ҳозир мен сенга хурсанд қиладиган сўзларни айтаман.

— Мени ҳозир пулдан бошқа ҳеч нарса хурсанд қилмайди, — секин ўрнидан туриб ўртоғини қаршилади Эгамберди.

— Мен Собирахон аямизни кўрдим, тушумда кўрдим. Арши аълога яқин жойда, Оллоҳнинг назари тушиб турган жойда кўрдим. ҳаммаёқ оппоқ нур ичида чайқалармиш. Дарахтларнинг япроқлари ҳам сарғиш нурлар ичида ял-ял ёнармиш.

— Аяжоним оқ рангни яхши кўрарди, — хўрсиниб қўйди Эгамберди.

— Оқ нурлар ичида ҳар бири чинни косадек келадиган қизил-сарик гулар товланармиш. Бир маҳал ҳаммаёқни оқ, оппоқ куёнлар босиб кетгандек бўлди. Собирахон аям анашу оқ куёнлар орасидан ўтиб мен томонга кела бошлади. Булар менинг оппоқ қизларим, оппоқ ўғилларим деб биттасини қўлига олиб, оппоқ-оппоқ юнгларида

майин-майин силаб қўйди. Бир маҳал қарасам, оппоқ куёнлар оппоқ-оппоқ кийинган боғча болаларига ўхшаб бораётганмиш, қўлларини силкитар эмиш.

— Карим, аяжонимни ўз кўзинг билан кўрдингми, — энтикиб хаёжон ичида сўраяпти Эгамберди.

— Ҳа, жаннатнинг ичида кўрдим. хурсанд бўлишимиз керак. Демак, Оллоҳ аямизни ўз даргоҳига олибди. Эгам, бекорга бизга оқ куёнлар учрамаганга ўхшайди. Муаззин бобо бир кўришидаёқ булар жаннатдан чиққан деб бекорга оҳ уриб юбормади. Афсус дадаларимиз тушунмаяпти. ўзи умуман, катталар шунақа, ёшларни ҳеч тушунушмайди, йўлларига тўғоноқ бўлаверашади.

— Эгам, юр, эшикни кулфла. Аям ўртоғингни олибчиқ, қаймоққа булаб қатлама пиширганман. Бирга нонушта қиласизлар, деяпти. Аяжоним, билиб қўй, сени яхши кўради, жону дилидан яхши кўради.

— Биламан, Холисхон аямнинг меҳрибончилиги бўлмаганда мен аллақачон бу уйдан қочиб кетган бўлардим.

XVII боб

Холисхон аяни кўпинча Отин ая ҳам дейишади. Эгамбердининг аяси оламдан ўтгач, то ўзини тутиб олгунча, то Шакархон ая қосимали сувчига хотин бўлиб келгунча унга оналик қилди, меҳр билан бошини силади. Кўпинча Каримберди икковларига бир ўрин солиб берар, бир хил кийим тикиб берар, бир хилда овқатлантирар эди. Кечадан буён иккови ўғиллари бошига куён ташвиши ёпишиб олгандан буён кўпроқ Эгамбердига ачинди. Чақирсаму кўнглини кўтарсам, бошини силасам деб ўйлади. Чиқиши билан бағрига олди, пешонасидан қайта-қайта ўпа туриб йигитчанинг кўзи тўла ғам, андух, ранги ҳам бир ахволдалигини сезиб:

— ўғилгинам-е деди-ю, — бир нафас кучоғида тутиб турди.

Эндигина дастурхон атрофига ўтиришган ҳам эдики, кўча эшик шиддат билан тақиллаб қолди. Отин ая чиққан эди, хей-хей, домино ўйнаб кўп ўтираверганидан, текин учради деб, тинмай ёғли овқат еяверганидан бўғирсоқдек семириб кетган участкавой турарди. қошлари чимирилган, юзи, кўзлари тўла ғазаб. Отин ая дарров

фаҳмлади. ўғли билан Эгамни сўроқлаб келган. Оқшомги ғалваларни, кечаси ўғиллари учаска идораси қулфмни бузиб қочканини эшитган қайси она дарровгина суюкли фарзандларини милитсия кўлига топшириб қўя қолади! ўғилларим далага, фермер дадаларига ёрдамлашгани кетган, уйга киринг, айланай, меҳмон қиламан, деган гапларни айтди участкавойга. хайрият, участкавой машинаси маторини жакл билан ўт олдирди-да, индамайгина жўнаб кетди. Эгамберди билан Каримберди ҳамма гапни эшитиб туришган эди, томоқларидан серқаймоқ қатлама ҳам ўтмай қолди. Масжиднинг ҳовлисидаги кечадан буён сарсон бўлаётган куёнларни олиб, эгасига топшириш учун жўнашди. Симкатакларни қўлтиклаб дала йўлидан эринибгина юриб боришяпти. куёнларни шу йўл орқали олиб келишган эди, бамисоли учиб келишган эди, энди эса оёқларини аранг судрашяпти, қўлларидаги тўрвалар ҳам оғирлик қилаётгандек бўлаяпти.

— Карим, жон ўртоқ, кел, гаплашиб кетайлик, юрагим сиқилиб кетаяпти — дейди Эгамберди.

— Нимани гаплашамиз? — сўрайди ўртоғи.

— Сен кўп китоб ўқигансан. Отин аямиз ҳам сенга кўп хикматларни айтиб берган... ўшалардан гапириб бергин, юрагим сал ёзилсин.

— Китобларда киши қийинчиликка тушса, ўзини ёқотиб қўймасин деган гапларни ёзишган.

— Карим бу гапларинг ҳаммаси эски-ку. Аяжонимиз айтган гаплардан гапир.

— Бўпти, айтсам айтақолай, фақат тезроқ юрайлик, бу холда марказга пешинда ҳам етиб бора олмаймиз. Аяжоним ўқиб берган бир китобда мана шунақа сўзлар бор. Бир йигитча донишманд бобонинг олдида бориб, эй бобожон, ҳеч омадим юришмаяпти, бирон маслаҳат беринг дебди. Донишманд бобо оппоқ соқолини чангаллаб туриб, э болам, ишингни қайтадан бошла, дебди. Йигитча енгини шимариб, белини маҳкам бойлаб ишни қайтадан бошлабди. Лекин яна омади юришмабди. Югит хафа бўлиб, йиғлагудек бўлиб донишманд бобонинг олдида иккинчи марта борибди. Донишманд бобо яна оппоқ соқолини ушлаб туриб, эй болам, тушкунликка тушма, омадинг

келади, дебди. Афсуски бечора йигитчанинг омади, барибир келмабди. Йигитча йиғлабди, кўксига уриб, донишманд бобонинг олдида яна маъюсгина бўлиб борибди. Донишманд бобо узоқ ўйланиб турибди-да, болам омад сени кувиб юрибди-ю ўзинг билмаяпсан, ҳамма ишингни, ҳамма ишингни деяпман, қайтадан бошла, дебди. Йигитча ҳамма ишларини ипидан игнасиғача бир карра ўйлаб кўрибди-да, енгни шимариб қайтадан бошлаб юборибди. қаранг, омади шунақа юришиб кетибдики тез кунда бойиб ҳам кетиб, қўша-қўша кемалар сотиб олган экан.

— ўша йигитча ҳам бизга ўхшаб куён бокқанмикан? — деб сўради Эгамберди.

— Билмадим, — деб қўяқолди Каримберди.

— Карим яна бир марта айт, ростини айт, чиндан ҳам тушингда аямизни кўрдингми?

— Минг мартта айтдим-ку. куёнлар орасида, жаннат фаришталаридек оппоқ кийинган, юзларидан нурлар ёғилиб турган ҳолатида кўрдим.

— Аям мени сўрамадими?

— Эҳтимол сўрагандир, ухлаб ётганим учун эслай олмаяпман.

— Карим мен ҳам тушимда аяжонимни кўрганман. Аямни эмас, мен ўзимни кўрганман. Минглаб оқ куёнлар орасида юрган эмишман. Қуёнлардан биттаси тўсатдан, катталашиб-катталашиб, оқ отга айланиб қолса бўладими. Шу пайтда тўсатдан Муаззин бобо пайдо бўлиб қолса бўладими. Мен оқ отга минаман десам Муаззин бобо эҳтиёт бўл, ишқилиб белини синдириб қўймагин, дейди.

— Тўхта-тўхта, — деди Каримберди ховлиқиб, — тўхта, қўлимиздаги куёнларни ерга қўййлик, сен ҳам мен ҳам чарчаганмиз. Ростдан ҳам тушингда от кўрдингми?

— ўлай агар кўрдим!

— Эгам, эсингдами, қишда бизникида ётиб юрганигда аяжоним «Туш табири» деган китобни ўқиб берган эди, эсингдами?

— Китоб эсимдаю, лекин нимани ўқиб берганлари эсимда йўқ, ўшанда ухлаб қолган бўлсам керак.

Эгамберди ғамгин, юрагига қил ҳам сиғмайдиган бир кайфиятни бошидан кечираётган эди. ўртоғи буни сезиб турарди. Бирон

қизикроқ, иложи бўлса мухимроқ гап айтиб қалбини юмшатгиси, қалб тубига чўкиб ётган ғам тошини эритгиси келарди. Ўртоғи кўрган, ўзи кўрган тушлар ҳақида ошириб-тошириб, тантанавор бир оҳангда гапира бошлади. Киши тушида эшак минса бой бўлар экан, илон кўрса хазина топар экан, оқнарс кўрса руҳи чароғон бўлар экан, йўл кўрса умри узоқ бўлар экан, туя кўрса мартабаси баланд бўлар экан, от кўрса, агар минган ҳам бўлса, муроду мақсадига албатта етаркан.

— Агар сен от кўрган бўлсанг, — хаяжонли оҳангда деди Каримберди, — агар отни минган ҳам бўлсанг, худо хохласа, муроду мақсадимизга етарканмиз. Хурсан бўлгин, ўртоқ, энди хурсанмисан.

— Нега хурсанд бўлар эканман, Карим ўртоқ, — хўрсиниш аралаш деди Эгамберди, — мана бу оқ паҳлавонларни бизга қараб мўлтираб, ёлвориб, илтижо қилгандек туришларини кўр. қарагин, оёқлари билан мўйловларини силаб-силаб қўйишяпти, катта-катта кулоқларини қашлаб-қашлаб қўйишяпти... Эплай олмас экансанлар бизни нега безота қилдиларинг, латта экансизлар, ландавур экансизлар, дейишаётганга ўхшайди. Карим, биз шарманда бўлдик, устимиздан бутун мактаб кулаётгандир. Директоримиз ҳам ажаб бўлди деётгандир, ўгай онам хурсанд бўлганидан гадойга пул атаб қўйгандир... ҳаммасидан ҳам очиғини айтайми?

— Айтақол, Эгам, бугун очиқ гаплашадиган кунимиз.

— Мен... мен Фотимани яхши кўриб қолганман.

— Яхши кўрсанг нима бўпти, ҳамма ҳам бир-бирини яхши кўради.

— Йўқ, жон дўстим, тушунсанг-чи, мен уни севиб қолганман. Бутун дунё ажаб бўлди деб устимдан кулса кулаверсин, лекин Фотима устимдан кулса чидамайман. Мен бу қишлоқдан кетаман, бутунлай кетаман. Ё устимдан кулганлардан ўч оламан, ё кетаман. Хўрликда яшашни ҳечам истамайман.

Эгамберди қайсар, хато бўлса ҳам айтганидан қайтмайди. Шу пайтда жаҳли баланд, алами кучли, хўрлиги ҳам ошиб бораёпти. Йўқ, уни жаҳлдан тушуришим керак, сўзидан қайтаришим керак. Бўлмаса ўзини бир нарс қилиб қўйиши ҳам мумкин, — деб ўйлади Каримберди.

— қани, ўртоқ айт-чи, кетсанг қаёққа борасан? — деб сўраб ҳам қўйди.

— Бирор шаҳарга бораман-да. Ака-ука Ориф, Одилларни биласан-а, улар ҳозир шаҳардаги катта бозорда ташкачилик қилишяпти. ҳар биттаси кунига йигирма мингдан ишларкан, эшитяпсанми, йигирма минг сўм деяпман.

— Мен-чи, сен кетсанг мен нима қиламан?

— Сен ўзинг биласан. ҳар куни қаймоқли қатлама пишириб берадиган меҳрибон онанг, аканг, бир уришиб, бир орқангни силайдиган отанг бор.

— Эгам ўла-ўлгунча ажралмаймиз, ўлсак, дўстлигимиз то абад, деб қасам ичдик-ку.

— ўртоқ, нима қилай ахир?! Мана буларнинг бизга қараб мўлтиллаб туришини қара, қарагин, йиғлаётганга ўхшайди, — Эгамберди кўлидаги сеткани ерга қўйиб қайта-қайта тепиниб йиғлаб ҳам юборди. Каримберди ўртоғининг хафа бўлганини, кўзида ёш кўрмасам дерди. Уни чиндилдан укалик меҳри билан севарди. ҳозирги ҳолатини кўриб чидаб туролмади. кўлидаги сеткани у ҳам ерга қўйди-да ўртоғини маҳкам кучоқлаб:

— Омон бўлсак бирга бўламиз, дўстлигимиз бузилмайди! — деди-ю у ҳам йиғлаб юборди.

XVIII боб

Муаззин бобо бу куёнлар жаннатдан чиққан деб айтди, бу сўзларни у масжидда, Оллоҳнинг уйида айтди. ҳамонки шундоқ экан энди уларни эҳтиёт қилинглари, дея қайта-қайта такрорлади. Айтган сари бу сўзларининг чинлигига ишониб борар, куёнларнинг мўлтиллаб қарашларини кўриб чиндан ҳам бизга бирон гап айтишмоқчими, илтижо қилишмоқчими деб ўйлаб, қайта-қайта бағрларига босиб, силаб-силаб кўярдилар.

Ота-онамиз куёнлар туфайли уйга қўймадилар, участкавой қамаб қўйди, ака-ука Исроил билан Ғуломлар бизни урмоқчи бўлди... Йўк, нима бўлганда ҳам бу оппоқ паҳлавонларни энди ҳечкимга

бермаймиз, эгасига ҳам топширмаймиз, тоғу-тошларга, дашту-биёбонларга олиб қочиб кетамиз, дея ўйлай бошлашди.

Нихоят қарорлари қатъий бўлди, қатрон тоғи этакларидаги адрлар томон йўл оладиган бўлдилар. қоронғи тушгунча «Келин босди» довонига етиб олсалар бас. Яна анча мунча иккиланишдан кейин ташаббусни ўз қўлига олган Эгамберди, — ўша ёқларда чўпонлардан қолган чайлалар кўп. Биронтасини макон қилиб оламиз. Карим, кўрасан, биз жуда зўр бўлиб кетамиз. Лекин ўртоқ хафсалам пир бўлганда, умидсиз бўлиб қолганимда, кўнглимни тоғдек кўтардинг, айниқса анави дуоларинг ғайратимга-ғайрат кўшиб юборгандек бўлаверди, — деб қўйди.

Ўвлиқиб, ҳаяжонли сўзлашиб бораптилар. кизик, кўтариб бораётган куён тўла сеткалар энди яна енгил бўлиб қолаётгандек, оёқлари ҳам ўз ўзидан жадал юриб бораётгандек, куёнлар ҳам тез юринглар, тезроқ юринглар деб, ёқимли овозлар чиқараётгандек, бу ҳолатдан ўртоқларнинг юзи-кўзлари ҳам чарақлаб кетгандек, ҳар бирининг юзида мамнуният, қувонч гуллари очилгандек, қалбларидаги шодлик дарё бўлиб тошаётгандек.

қишлоқ оралаб ўтаяптилар.

— Карим, чиндан ҳам тушингда аяжонимни оқ куёнлар орасида кўрдингми? — сўрайди Эгамберди.

— Кўрдим, аниқ кўрдим, — деб такидлайди Каримберди,

— ўзингчи, чиндан ҳам тушингда кўрган ўша оқ отни мингдингми? — Айтдим-ку сенга қишлоғимиздаги Алисопол деган чол тоққа иккита қўй билан қочиб кетиб, ўн йилдан сўнг, мингта қўй билан қайткан экан. Худо хоҳласа, биз ҳам камида мингта куён билан қайтамыз.

— Эҳтимол ўнг мингта куён билан қайтамыз.

— куёнларимиз кўпайса шаҳарда парҳез гўшт дўконини очамиз... «Ло илоҳа, илло анта субухонака, инни кунтум минал золимин».

Сўзлаша сўзлаша, дуолар ўқиб мана, қанча қишлоқ ортада қолиб «Зариф девона» гузарига ҳам етиб келдилар. Энди ундан уёғига пасту-баланд адирлар бошланади. ҳайрият, гузарда кичкинагина бозорча бор экан. куёнларга оз-оз сабзи, карам, ўзларига ҳам емак сотиб олсалар ҳам бўлади. куёнларни бир четга қўйиб бозорчадаги

нарсаларнинг нарху навосини суруштира бошладилар. Сут-қатиклар сотиб, томорқадаги сабзи-пиёзлардан сотиб, сотишга, савдолашишга анча кўзи пишиб қолган Эгамберди бу ерда ҳам кўп нарсани билишини намойиш қилиб, сотувчи қизларни кулдириб, савдолаша бошлади. харидлари битгунча қуёнларни ҳар нарсага қизуқувчи нонпуриш қизлар, онасидан қуртга пул олиб чиққан ёш-ёш болалар ўраб олишибди. қуёнларнинг беозоргина, чўчибгина туриши, гоҳо-гоҳо мўйловчаларини силтаб-силтаб қўйиши бир қизалоқни бошқаларга қараганда кўпроқ қизиқтириб қолди шекилли:

— қуёнингизни бир силаб кўрсам майлими? — деб сўради Эгамбердидан.

— Мумкин эмас, — дейди Эгамберди.

— Вой нега? — Ҳайрон бўлади қизалоқ.

— Улар сеҳрли. Силашдан олдин уч мартта «булар энг яхши қуёнлар» деб олиш керак.

қизалоқ симкатакга қўлини тикиб хуркиб турган қуёнлардан бирини силаб, Эгамберди айтган сўзларни пичирлаб айта бошлади.

— Энди ҳақини тўламайсанми? — гапга аралашди Каримберди.

— Ҳаққига қанча бераман?

— Бир кило сабзига пул берсанг бўлди.

қизалоқ бозорчадаги сотувчилардан бири экан, этагини тўлдириб сабзи олиб келди. Сабзиларни катакга тўккач, қуёнларни беозоргина қилиб яна силай бошлади. Сирли, сеҳрли нарсаларга қизиқувчилар бозорчада кўп экан. қуёнларни сеҳри бор экан, шаҳардаги сиркдан, келишибди, қишлоқма қишлоқ юриб томоша кўрсатишётган экан, қуёнларнинг эркаги ром ҳам очаркан, деган гапларни бозорчадаги аёлларнинг ўзлари тарқатиб, ўзлари ишониб, ўзлари ёпирилиб кела бошладилар. Умидворлик, сеҳрли, сирли нарсаларга ишониш ёшиқарида бир хил бўлар экан. Энди носу, сигарет сотиб, савдоси юришмай мудраб ўтирган ёши ўтган кампирлар ҳам кела бошладилар. Бирови нон бериб кетаяпти, бирови елим халтада озгина пиёз бериб кетаяпти, буфетчи аёл икки шиша ширин сув ҳам бергандек бўлди.

— Эгам, — деб шивирлади ўртоғига нисбатан хушёрроқ, сезгирроқ бўлган Каримберди, — тезроқ қочиш керак, хў буфетдаги аёлга қарагин, қўл телефони бор экан, кимгадир телефон қиляпти,

қарагин, юзида ҳам ваҳима бор. Тагин бизни сиркдан қуён ўғрилаб келганлар деб ўйлаётган бўлса, милитсияга қўнғироқ қилаётган бўлмасин.

— қочамиз! — деди Эгамберди ранги қути ўчиб.

Икки елим халта тўла нон, сабзи карам, майдароқ бўлса ҳам картошкага ўхшаган нарсалар тушган экан. Бири халталарни, бири қуён катакларни қўлтиқлаб йўлга тушдилар. Орқаларидан эргашиб, «мен ҳам бир силаб кўрай», деб ёлворган болаларга, эртага худди шу вақтда яна келамиз, пулни кўпроқ олиб чиққанларга икки мартадан силатамиз, деган гапларни айтаяптилар.

Гузардан чиқиб тоғ томондан шовиллаб тушиб келаётган сой ёқалаб юқорилаб бораёптилар. Тез юриш зарур, иложи бўлса югуриш керак. Чиндан ҳам буфетчи аёлнинг қарашлари хунукроқ, кўзлари ҳам бежароқ эди, илоё, ҳеч жойга қўнғироқ қилмаган бўлсинда. Бора-бора дилларини хира қилиб турган хавф чекинаётган бўлди. Қўнғилларига яна чарағонлик ҳукмронлик қила бошлади. Шалдираб оқаётган сувнинг шалдирашида уларга оқ йўл тилаётгандек бир оҳанг бордек эди. Учаётган қушлар ҳам, сой атрофидаги пасту баланд дарахтлар ҳам икковларига омад тилаётгандек.

қувончлар чексиз эди. Дам олгани ўтирдилар. қоринлари ҳам бироз оч қолган экан. Қуёнларни силатиб олган нон-у меваларни ўртага қўйиб кула-кула ея бошладилар. қуёнлар ҳам «савдо»дан тушган сабзию картошкаларни майда-майда тишлаб, узун-узун кулоқларини силкита-силкита, кўрқа писа овқатланишга тушдилар.

Яна йўлга тушдилар. Нимагадур Эгамнинг қулфи дили очила бошлади. Кўпроқ гаплашгиси келаяпти.

— Карим, сен кўп китоб ўқигансан, ўша китобларингдаги гаплардан гапириб кетгин, — дея илтимос қилди.

— Мен ўртоқ кўпроқ жиддий китоблардан ўқиганман.

— Мен бўлсам кўпроқ эса қолмайдиган китобларни ўқиганман. Ўзир нимагадир, эсингдами, география муаллимиз тоғ саёҳатига олиб борган эди. Эсингдами, Хонсупада дам олган эдик.

— Эсимда, — деди бироз ўйлани туриб Каримберди, — мен ўша муаллимани жуда ёмон кўрар эдим. қачон дарсга кирса эрини мақтаб вақт ўтказарди, эрим ўрмонларда ўлган, эрим Сахрою кабирда бўлган,

офтоб уриб кетишига сал қолган, деб ёлғон гапларни гапиргани-гапирган эди.

— Эгам, яширмай қўяқол, ўша опой ҳамиша сенга беш баҳо қўярди. Бўпти, жадалроқ юрайлик, ўзинг айтганингдек тезроқ Хонсупага етиб олсак марра бизники.

XIX боб

ўркач-ўркач бўлиб бир-бирига суяниб ётган адирлардан сўнг поёнсиздек кўринган сайхонлик бошланди. Бу тоғларда на бир туп дарахт ўсади, на бир туп гиёҳ бор. Эрта баҳорда, ёмғирли паллаларда гуркираб ўт-ўланлару, бир нафаслик лолақизғалдоқлар ўсади-ю, саратон иссиғи бошланиши билан яна дўмбоқ-дўмбоқ тошлару, ўткир қиррали майда-майда шағаллардан бошқа ҳеч нарса қолмайди. Чўпонлар ҳам ўтлоқ ахтариб ичкарилаб кетишади, дашт яна увиллаган дайди шамоллару, ер кавлаб тинмайдиган юмронқозиклар ихтиёрида қолади. Бу яйдоқ дашларга хонлар нега тошсупа қурганига ўшанда география муаллимаси тушинтириб бера олмаган эди. ўша гал келганларида мана шу ерларда бутун-бутун бўлган тошлардан тикланган катта катта супаларни кўришган эди, энди бўлса кавлаб кетишибди. Силиқ тошли супалар вайронага айланибди. Супалар ёнида чўпонларнинг пастак-пастак уйчалари ҳам бор эди, буларни ҳам бузиб ташлашибди... Эгамберди билан Каримберди бу ерга хонсупанию, пастак-пастак бўлса ҳам чўпонларнинг уйчаларини ахтариб келишган эди. «Келин бости» доvonига етиб олгунча, ҳеч бўлмаса бир кеча тунаб ўтамиз дейишган эди.

Йўлда, беҳуда урунавериб чарчаб симкатакни тешиб чиқаман, деб бетоқат бўлаётган қуёнларни ерга қўйиб, ўзлари ҳам муздек-муздек тошлар устига ўтиришди. Ғалати бир кайфиятни икковлари тенгдан сеза бошладилар. Тўсаддан бошларини ҳам қилиб олдилар. Бир-бирларига қарагилари келмаётгандек, сўйиб ейман, мазза қиламан деб кун бўйи кўтариб юрган қўвинини ўғиллатиб қўйган ёш боладек тушкун бир ҳолатга тушиб қолдилар. Бу ҳолат учун айбни кимдан ахтаришни билишмас эди. Чарчаган қалбларидаги ғуссани чиқариш учун бирон нарсани ўйлаб топишни жуда ҳам исташарди.

Нихоят Каримберди бошини кескин кўтарди:

— Айб ўзимиздан ўтди, ўртоқ.

— қанақа айбимизни айтаяпсан?

— Билмадим, танидаги ҳорқинликни аммо бир нарсани нотўқри қилганимиз аниқ.

Яна жим бўлдилар. Эгамберди, тўсатдан ўрнидан туриб, майда-майда тошларни жаҳл билан узоқ-узоқларга қулочкашлаб ота бошлади.

«Агар ўша бизни мана шу ерга бошлаб келган география муаллими»ни ҳозир кўрсам, мана шу тошлар билан ўзиниям, ўрмонларда адашиб қолган эриниям роса савалаган бўлардим... Агар бизни бу ерга бошлаб келмаганда, биз Хонсупани эмас бошқа жойни мўлжаллаб йўлга чиққан бўлардик, деб ўйлашяпти.

— Эгам, ўша муаллимани ёмонлаверма, — деб гапга аралашди Каримберди, — шу муаллима сенга дойим беш баҳо қўярди.

— Синфдаги болларни тинчлантириб ўтирганим учун беш қўярди.

Оллоҳ кўнгилига солдими, Эгам жаҳлдан бир нав тушиб атрофдаги йирик-йирик тошлардан устма-уст қўйиб, ўзича кўрғонча ясай бошлади. Атрофда ясси-ясси тошлар кўп эди. Карим ҳам қўшилиб бир нафасда «кўрғонча» қат кўтара бошлади. Аста-секин кайфиятлари ҳам кўтарила борарди. кўрғонча, ниҳоят кўкрак баробар бўлиб қолди. Уч тўрт кундан буён сеткада бўғилиб ётган қуёнларни кўрғончамизга қўйиб юборсак деган фикр ўртага ташланди. Эгамбердининг фикрича, қуёнлар узоққа сакраш бўйича дунё чемпиони экану, лекин юқорига сакрай олмас эканлар. Ёввойи қуёнларини боққанда синаб кўрган эмиш. ўзлари учун кириб чиқиш учун озгина жой, эшикча ўрнида қолдиришган эди. У ерни ҳам баланд тошлар билан беркитишди... Каримберди одатича, шу ерда ўтганларга бағишлаб тиловат қилган бўлди. Тиловат оҳангида илоҳий бир сеҳр бор эканми, олдиларига қўйилган егуликларни майда-майда тишлаб олаётган қуёнлар ҳам тиловот оҳангига қулоқ солиб, жим бўлиб қолишди. Бироздан сўнг катаклар ичидан чиқариб уларни ҳам озодликка қўйдилар. Озодликка чиққанлари учунми, сакрай-сакрай ўйноқлаша бошладилар, узун-узун қулоқларини силкитиб, анашу

кулоқлари билан шерикларини уриб-уриб қўйяптилар, бир-бирларига худди ташланмоқчидек суйкалиб-суйкалиб олмоқдалар.

— Карим, жон ўртоқ мана шу кучоқлаб турганим сенинг онажонинг бўлади дегин.

— Жаннатдан онанг юборган куён манашу бўлади десам, хурсанд бўласанми?

— Шундай дегин, тезроқ айтгин.

— Оллоҳнинг марҳамати билан ушбу она куён жаннатдан чиққан, Собирахон аямиз жўнатган уни. Ёруғдунёга борсанг менинг оқ сут бериб катта қилган икки ўғлим бор, улар бир-бирига меҳрибон бўлсин, бир-биридан ажралмасинлар, тоғу тошларда сарсон бўлиб юрганларида, бир-бирларини кўнглини кўтарсинлар, сен анашу ўғиларимга гала-гала болалар туғиб бергин, куёнлари кўпайиб бойиб кетишсин, менга оқ мрамардан ёдгорлик қўйишсин, Сирож бригадир амакининг ёниб кетган трактори ўрнига янги трактор олиб беришсин, деган гапларни айтган бўлиши ҳам мумкин.

— Карим, жон ўртоқ, мени масхара қилаётганга ўхшайсан, устимдан кулаётганга ўхшайсан.

— Йўқ, Эгам, мен кўнглимдаги гапларни айтаяпман. Кеча айтдим-ку, аямизга оқ мрамардан ёдгорлик қўймоқчи эканлигимиз, бизга оқ куёнларнинг учраши бу бежиз эмас.

— Бўпти, — Эгам кўзида ёш билан ўрнидан турди, — мана шу куёнларга меҳрим бошқача. Ўзир бўйнига лента бойлаб қўяман. Катта, жуда катта куён фермасини ташкил қилсак мана шу куённи барча куёнларимизнинг онахони деб эълон қиламиз, розимисан.

— Розиман ўртоқ.

XX боб

Тоғда қоронғулик тез тушар экан. куёнларни овқатлантириб, ўзлари ҳам ул бул еб олгунларича, атрофга шундай қоронғулик тушдики, шундоққина олдиларида енгил-енгил ирғишлаб, бир-бирларига ишқаланишиб, ғалати-ғалати ўйинлар кўрсатаётган оппоқ-оппоқ куёнлар ҳам кўзга аранг ташланадиган бўлиб қолди. қайтадан куёнларни симкатакларга киритиб, олдиларига, агар тунда уйғонсалар

ер деб, оз-оздан егулик ҳам ташладилар. Она қуён деб танлаганлари, негадир, катакка кириши билан оёқларини узатиб, узатган оёқлари устига бошини қўйиб олди. Яна ҳам қизиғи шу бўлдики бу қуён ётиши билан худди буйруғ бўлгандек қолганлари ҳам ётиш учун жой таллай бошладилар.

Эгамберди билан Каримберди ҳалидан буён қуёнлар билан овора бўлиб бир амаллаб тиклаган қўрғонлари оша атрофга назар солмаган эдилар, қарасалар қоронғи яна ҳам қуюқлашибди. Ой шундай катта бўлиб кўринаптики Каримберди завқини яшира олмай туртди ўртоғини, — биз ҳар куни кўриб юрган ой шуми, қара уни катталигини, гирдишлари қип қизариб, силкиниб силкиниб кўтарилиб келишини қара. Шунақанги пастдан чиқаяптики, худди югуриб бориб ушлаб олсанг бўладигандек.

— ўртоқ, биз ҳозир анча баландликдамиз — деб қўяди ўз ўйларига берилиб кетган Эгамберди.

Каримбердининг завқи ошганидан ошиб бораётганга ўхшайди:

— қара, осмондаги юлдузларни кўргин, — дейди, — чарақлаб кетишганини қара, мана буларни юлдуз деса бўлади, қишлоқдан кўринган юлдузлар эса нос ўралган қоғоздек хира бўларди... Мана шуларни кўриб сен ҳам хурсанд бўлсанг бўларди.

— Карим, мен ҳозир беҳад хурсандман. Биласанми, нима учун хурсандлигимни, эркинликка чиққанимдан, озод бўлганимдан хурсандман. Бу ерда уй вазифасини бажардингми дейишмайди, Азизов домла, нега шўхлик қилдинг, деб ичкари уйдаги, қоп-қоронғи хонасига қамаб қўймайди, ўғай онанг молга хашак сол, кейин ётасан деб устингдан кўрпани олиб ташламайди, аввал сут-қатиқни пуллаб кел деб ўқиётган китобингни йиртиб ўтга ташламайди... Мана шу пайтдаги ҳолатимизни эркинлик дейишади, озодлик дейишади, мен ҳозир озодман. Шунинг учун ҳам хурсандман.

— Эгам, ўртоқ, сен кўп ўқийсан, ҳамма нарсани биласан. Мен эса ёлчителиб ўқимайман. Дадам памилдорига сув қуй, сабзини ўта, пояни ўр, деб қийнагани қийнаган. Мен ҳам сенга ўхшаб, панага ўтиб йиғлаб оламан.

— ўртоқ, ота-онанг бўлсаям сен ҳам эркин эмас экансан-да.

— Айтдим-ку аяжоним ўнга юр деса, дадам чапга юр дейди.

— Карим, энди мана озодмиз, эркинмиз.

— Эгам, озодлик тоғу-тошларда бўлар экан-да.

— Йўқ, саҳроларда ҳам бўлса керак.

— Эгам, сен зўрсан, барибир кўп ўқийсан-да, ўқишга вақт топишингга ҳайронман.

— Карим, мана кеч бўлди дейлик.

— Хўп ана кеч бўлди.

— Ҳамма кечги овқатни еб телевизор олдига ўтади, тўғрими?

— Тўғри.

— Мен телевизор ёнида, ўгай онамнинг ёнида ўтиришни ёмон кўраман. Унинг гоҳо-гоҳо хўмрайиб қўйиши, менга билдирмай қошларини ғалати-ғалати чимириб, дадамга эркаланишларини ёмон кўраман. Шатта ўрнимдан тураманда, ё ошхонага, ё молхонага кириб китоб ўқишга тушаман.

— қани айт-чи, қайси китобларни ўқигансан?

— Ойбекнинг «Навой» романини.

— Яна?

— Яна «ўтмишдан эртақлар» деган китобни.

— Яна?

— «Гирдоб» деган романи.

— Яна?

— Воҳидовнинг шеърларини.

— Яна?

— Мактумқулининг шеърларини.

— Сен тўхтамай ўқиркансан. Мен бўлсам кўпинча охирига еткунимча боши эсимдан чиқиб қолаверади.

Икки ўртоқнинг қулфи-диллари очилиб кетди. Бир томондан эртанги куннинг номаълумлиги, яна бир томондан атрофни ўраб олган қоронғуликнинг ваҳимаси, тинмай гаплашишга ундар, гаплашсанг қалбингдаги ваҳима, қўрқув чекинади, деётгандек эди. Тўсатдан қаттиқ совуқ тушдики, бамисоли чарақлаб турган осмон ерга совуқ ҳаво пуркаётгандек бўлиб тишлари тараклай бошлади. Баданимиздаги харорат ҳавога учиб кетиб қолмасин, деб бир-бирларини ачомлаб олишди. Яқиндан, жуда-жуда яқиндан тулкининг чақалоққа ўхшаб ингалаётгани эшитилди.

— Тулки йиғлаяпти! — хавотирланганнамо деди Эгамберди.

— Билиб турибман, — деб қўйди Каримберди.

— Тулки куёнларни сезганга ўхшайди.

— Худога шукур қилайлик, бўри эмас экан.

— Бўри хид билмайди-да, билганда аллақачон етиб келган бўларди.

Бўри деган сўз қалбларидаги кўркувни кўзгаб юборганга ўхшайди. ҳали, тошлардан кўрғонча қураётганларида ярим кулочча келадиган темир таёқ топиб олган эдилар. Эгамберди шошилиб уни қўлига олди. Каримберди нима қилаётганини англамаган холда, икки тошни бир бирига уриб овоз чиқара бошлади. ўртоғи ҳам қўшилди. Бир нафасдан сўнг ҳамма ёқни шакур-шукур овоз қоплаб кетди. Жим бўлиб кулоқ солишади. Тулки қочиб кетганга ўхшайди, энди йиғламайпти. Совуқ яна кучайди. Бир-бирларининг бағриларига баттарроқ киришдилар. Атрофда совуқ сукунат ҳукумрон. Совуқ сукунат совуқ-совуқ хуштак чалаётганга ўхшайди.

— Эгам, кел гаплашайлик.

— Нимани гаплашамиз?

— Ростини айт, шу шаддот Фотимани яхши кўрасанми?

— Яхши кўраман, нимани яхши кўраман дейми, муаллимлар менга икки баҳо қўяётганда менга ачиниб қарашини яхши кўраман, болалар билан мушлашганимда доим менинг ёнимни олишини яхши кўраман. Директор кабинетимга нега тош отдинг, ойнани нега синдирдинг, сени мактабдан ҳайдайман деганда, эсингдами, ҳамма болалар, қизлар ҳам бошларини мана бундай эгиб, жим туришганда, Фотима даст ўрнидан туриб, устоз, кабинетингиз ойнагини бегона болалар синдирган, ўз кўзим билан кўрганман, деб айтган, ана шу айтган гапини ҳам яхши кўраман. Карим, биласанку менинг меҳрибон онам ҳам, сеникига ўхшаган опачам ҳам, тагин сеникига ўхшаган қўша-қўша холаларим ҳам йўқ. Фотимага ўхшаган қиз мени севишини, ҳам она, ҳам опа, ҳам хола ўрнини босишини истайман, жуда-жуда истайман... Сен ҳам Зухрони севасан-ку, сен ҳам унча мунча гапир.

— Зухрони севаманми, севмайманми аниқ билмайман. Уйга вазифаларингни ёзиб бер, деб ҳадеб суйкалиб келаверади. Бир марта

дўмбоққина бармоқларини кафтим орасига олганимда, бутун вужудим ловилаб ёниб кетгандек бўлди... Бу севгими, севги эмасми, билмайман.

Тонг отгунча ухлай олмадилар, гоҳ муаллимлар ҳақидаги, гоҳ синфдошлар ҳақидаги фикрларини бир-бирларига айтиб, мақтайдиганини мақтаб, кўнгли тўлмаганларини ёмонлаб, гоҳ келажакда қандай қизга уйлансалар яхши бўлади-ю, қандай қизга уйланмасликлари кераклиги ҳақида ўй-фикрларини ўртага ташлаб тонг оттирдилар.

— Эгам, — деди Карим кескин бир оҳангда.

— Нима дейсан?

— Сен бир.

— Биладан.

— Мен нўл.

— Биладан.

— Икковимиз қўшилсак ўн бўламиз.

Икковлари барабар ўрниларидан туриб:

Умримизнинг охиригача ҳамиша ўн бўламиз дея яна бир мартта қучоқлашиб олдилар.

XXI боб

Сарсону саргардонликка тушганларига мана уч кечаю уч кундуз бўлди. Тунда совқотиб ачомлашиб ётадилар. Кундузи товонлари тешилгудек қиррали тошу шағалларни босиб йўл юрадилар. Гоҳ баландроқ адирга чиқиб, онгу сўлга қараб оладилар. Чўпонлар макон қурадига манзилдан дарак йўқ.

— ўртоқ бизни ажина чалганга ўхшайди, — дейди Эгам тез-тез кайфияти бузилиб.

— Худо сақласин, — дейди Каримберди ўртоғига далда бериб.

— қишлоғимизда илгарги замонда Эсонқул бобо деган бир одам яшаб ўтган экан, — хўрсиниб гап бошлайди Эгамберди, — ўртоқ, сен ҳам қовоғингни очиброқ ол, мана мен ҳам кулимсираб гапираман. ўша одам мусофир бўлмагунча киши мусулмон бўлмас экан, деб хўржинини озиқ-овқатларга тўлдириб хайёхуй деб сафарга отланган

экан. қишлоқлари мана шу, сен билан мен сарсон бўлиб юрган даштларда экан. Икки ҳафта юриб бундай қараса, яна ўзининг қишлоғига келиб қолган эмиш. Одамлар устидан кулмоқчи бўлган экан, кулманглар, мени ажина чалди, деган экан. Бизниям ажина чалгани аниқ. Мана қарагин, астойдил қарагин, қишлоғимиз тепасидаги, адир томондаги «Эшон боғ»га яқин келиб қолганга ўхшаймиз. ўша новча-новча ўсган дарахтлар, ўша қари-қари чинорлар, астойдил қарагин.

Каримберди ўнг кафтини пешонасига қўйиб узоқ тикилди. Тикилган сари дили ёришиб, юзидаги чарчоқдан келган тундлик аста секин таркала бошлади.

— Ростдан ҳам, ўрток, Эшон боғга ўхшайди.

«Эшон боғ» Хонкелди қишлоғидан тўрт-беш чақирим юқориқда, аста секин баландлаб бориб катрон тоғ адирларига улашиб кетадиган бир манзилда жойлашган. Хонлар замонида бу атрофда гуркираган боғлар ҳам бўлган. Кейинчалик ҳў тепадаги булоқ Оллохнинг қарғишига учраб сув бермай қўйгач, дарахтлар куриб, гиёхлар ўсмай, ёнма-ён қўйилган уч-тўрт қабрдан бошқа кўзга ташланадиги ҳеч нарса қолмаган. Каримберди ҳам Эгамберди ҳам бу ерга бир икки бор келишган. қабрларни супириб-сидириб озодагина ушлаб турадиган, озиб, эти суякка ёпишиб, кичкина бўлиб қолган бир онахон яшайди бу ерда. Онахонни баъзан Эшон ая, баъзан авлиё она ҳам деб атайдилар. Каримберди ҳали пешонасига кафтини қўйиб боғ томонга назар ташлаганда Эшон ая билан бир-икки бор кўришганларини, отинбуви аяжони билан келиб эшон аяга сиғиниб кетганларини эслади.

Манзилгоҳ қилиб мана шу ерни танлашга, ўзларига келиб олгунча озроқ бўлса ҳам хордиқ чиқаоиб олишга қарор қилдилар. Боғ чакалакзорга айланиб кетган. Дарахтларини гоҳо ўғирлаб ўтингами ёки бошқа мақсадларгами кесиб олишаверган. Тананинг кесиб олинган жойидан, ҳали бакувват бўлган томирларидан гуркираб ниҳоллар ўсиб чиқаверган, бора-бора бутазорлар пайдо бўлаверган. Айниқса, ўткир тиканли чангаллар, ер бағрилаб ўсадиган қичитқилар, қамғоқлар ниҳолларга ўралиб-ўралиб ўсаверган. Боғ қўрқинчили бир қиёфага кириб бораверган.

Ахтарган топаркан, сўраганга Оллоҳ беради, деганлари рост экан. Баҳордаги катта ёмғирлардан сўнг тоғ томонлардан туянинг ўркачидек бўлиб шовиллаб келадиган катта селлар боғнинг бази бир жойига буталарнинг кўмадиган даражада лойқа ташлаб, бази бир жойларини эса юқоридан шовиллаб тушгани учун, чукур-чукур кавлаб, ер остидаги тошларни юзага чиқариб кетаверган. Танлаган жойлари нақ катта ховуздек келадиган, атрофида беҳад катта тошлар уюилиб ётган бир жой экан.

— Зўр жой танладик ўртоқ, — энтикиб деди Эгамберди.

— Худога минг қатла шукур, — деди Каримберди.

— Агар эгаси кўнса, қуёнхонани манашу боғда очсак ҳам бўларди.

— Худодан сўраймиз, тунни билан ухламасдан сўраймиз.

— Карим, шу ерда ўтганларнинг арвоҳига бир тиловат қилгин.

Каримберди йўқ демади. Ғамгин, босиқ овоз билан узоқ тиловат қилди.

ИККИНЧИ ҚИСМ

САНДИҚ ТҶЛА ТИЛЛОЛАР

I боб

Эшон аянинг бу дунёда синик кўнглига ором берадиган, овутадиган оппоқ-оппоқ олтита она товуғи, серсутгина она бола эчкиси, сариқ юнгли, пешонасида кўримсизгина қашқаси бор, ювошгина, сичқон ушлаб ейишдан кўра тайёр гўштни хуш кўрадиган мушуги, пак-пакана, мўйловдор, астойдил вовилласа овози оламни бузиб кетадиган зотдор кучуги, юз йиллардан буён томлар бўғотида яшаб, гоҳ кўпайиб ҳовлини тўлдириб, гоҳ озайиб иккитагина бўлиб қоладиган кўк каптарлари ҳам бор.

Эшон ая ана шулар билан овуниб яшайдилар. Хў нарида, алоҳида девор олиб ўраб қўйилган бобокалонлари бўлмиш Сайид Жалолхон Эшон, Сайид Ходихон Эшон, Сайид Ўшимхон Эшон ҳазратларининг оқ бўрдан тикланган қабрлари бор. Шуларни супуриб-сидириб қалбларига таскин топадилар, кўзларини юмиб узоқ-узоқ тиловат қиладилар, савобини умидвор бўлганларга бағишлайдилар.

Гоҳо қуръони бағриларига маҳкам босиб қизил шапкали мелесанинг олдига тушиб, кўзларида ёш билан жимгина чиқиб кетган Эшон дадаларини, гоҳо уриш айни авжига чиққан паллада елкасига озиқ-овқат тўлдирилган қопни олиб, ҳа энди тақдир эканда, дея харбий баталионга жўнаб кетган тегирмончи эрларини, гоҳо каттаси ўн олтига кирган Анарвой, кичиги Бўривойи эндигина ўн бешни қоралаб турганда, аскарга борасан, деб милтиқли кишилар қўлларидан судраб олиб чиқиб кетганини, ўғиллари аяжон дея, бўйинларига осилган дақиқаларни эслаб қоладилар, ана шуларнинг хотиралари билан яшайдилар, ана шуларнинг шаънига туну-кун дуо ўқийдилар. Эй Оллоҳим, мен кетсам, буларни ким эслар экан, Саид боболаримнинг қабрини ким супуриб-сидирар экан, авлодимиз чироғини ким ёқар экан, деб ўйга толиб кетган кунлари ҳам кўп бўлади.

Кўп ўйлаганлариданми, туш кўрмаган кунлари ҳам кам бўлади. Бу кеча яна тонга яқин ярим мудроқ, ярим уйғоклик ўртасида туш кўра бошладилар... эрта баҳор палласи эмиш, атроф кўкатлар билан яшнаб, гуркираб кетган эмиш. Бўривой билан Анарвой адирларга қўй ҳайдаб кетган палласи эмиш. қўйлари қўзилаб, бир йўла иккита туғибди-я, иккитая! Бўривой бир қўзини, Анарвойи яна бир қўзини бағриларига босишиб, ба-балаб келаётган она қўйни орқаларидан эргаштириб, қувончлари оламга сиғмас даражада ҳовлиқишиб, қувончдан юз-кўзлари лов-лов ёниб кириб келишётганмиш, аяжон, суюнчи беринг, қўйимиз иккита туғди, деб шодланишар эмиш, ёш болалардек сакраб-сакраб қўйишар эмиш.

Ит қаттиқ вовиллаб Эшон аяни уйғотиб юборди. Ая яхши тушнинг давомини истаб анча маҳал жимгина ётдилар. Йўқ, ит курғур қўймапти, тўхтамай этакларидан тортқилапти. қизиқ, нега бундай қилапти экан? ўринларидан турган эдилар, ит жонланиб, этакни баттарроқ тортқилаб боғ томонга судрай бошлади. қизиқ, ит тортиб бораяпти, Эшон ая ё товба, деб эргашиб бораяптилар... Ё оллоҳ, бу қандай сир, қандай синоат! Икки ўсмир қуён тўла икки тўрвани кучоклаб ётибди. Иккови ҳам уйғок, жовдираброқ, тикилиб туришибди, бирин-кетин ўринларидан ҳам туришяпти... қаршиларида новча бўйли, елкалари хиёл олдинга эгилган, ориқ, қотма, бошдан оёқ оппоқ сарпога ўралган бир кимса турибди... одамми ё фариштамикан? Каримберди аста секин ўзига келиб Эшон аяни танигандек бўлди, онаси билан аяни зиёрат қилгани, ўтканларга исичироқ қилиб қозон осиш учун келганларида шу аяни кўрган эди, ҳа, бу ўша, фаришта эмас.

— Аяжон, — дея Каримбек энтикиб кетди!

— Яхши ниятда келганмиз, қуён боқмоқчимиз, — деб Эгамберди ҳам шошилиб гапира бошлади.

Йигитчалар ёлворсак, ҳайрли ишлар қилмоқчи эканлигимизни очик-ойдин айтсак, зеро, фариштага ўхшаб турган она бизга меҳр кўрсатса, деб тўхтамай илтижо қила бошладилар. Гоҳо нима деяпганларини ўйлаб ҳам кўришмас, бири олиб бири қўяр эди.

— Каримнинг отасига трактор олиб бермоқчи эдик.

— Вафот қилган аямизга оқ мрамрдан ёдгорлик қўймоқчи эдик.

— Жон ая, ҳайдаманг, боғингизни обод қиламиз.

— Уч кундан буён овқат еганимиз йўқ.

Эшон ая ниҳоят ўзларига келдилар шекилли:

— қани, чуқурдан чиқингларчи, — дедилар, — яқинроққа келинглари.

Йигитчалар севинишиб, ховлиқишиб Эшон ая олдига шошилиб бордилар, қўл қовуштирдилар. Эшон ая яқинроқдан, синчиклаброқ тикилиб қарар эканлар, хира тортган кўзларини каттароқ очиб, яна-яна қарар эканлар, қараганлари сари бирининг қиёфасида Бўривойнинг, бошқасининг қиёфасида Анарвойгинасини кўргандек бўлавердилар. ҳайратлари, таажжублари яна ҳам ошгандек бўлди, ҳозиргина кўрган тушларини қайтадан кўраётгандек бўлавердилар.

Йигитчалар ҳамон бири олиб бири қўйиб гапиряпти. куёнлар билан кишлокдан ҳайдалганлари, тоғу тошда сарсон бўлиб овқатсиз қолганлари, масжидда тунаганлари, Муаззин бобо куёнлар жаннатдан чиққанга ўхшайди, эҳтиёт қилинглари, деганлари... ҳамма ҳаммасини ошириб тошириб гапиряптилар.

— қани юринглари — дедилар Эшон ая ниҳоят ўзларини тутиб олдилар шекилли, — гапнинг ҳаммасини уйда гаплашамиз, совқотиб ҳам қолганга ўхшайсизлар.

Биргалашиб нонушта қилдилар. Нонушта пайтида ҳам Эшон ая ўйчан, ҳаёлпараст бўлиб ўтирдилар. Бир шошилиб овқатланаётган йигитчаларга қарайдилар, бир аскарга кетган, қайтиб келмаган ўғилларини эслайдилар. Кутилмаганда тўлқилланиб гоҳ унисини, гоҳ бунисини кучоқлаб, Оллоҳ ўзинга шукур, ўзинг билувчисан, ўзинг кўручисан, дея намланган кўзларини артиб-артиб оладилар. Нонуштадан сўнг куёнларингизни, бу ёқимтой жониворларни сим катакдан бўшатиб майли, торроқ бўлса ҳам, менинг товуқхонамга қўйиб юборинглари, озгина бўлса ҳам яйраб олишсин, унгача сизлар ҳали ётган чуқурларингни у ёқ-бу ёғини ростлаб куёнларингга уйча ясаб беринглари, дедилар. Кейин тезроқ ота-оналаринга бу ерда эканликларингни хабарини ҳам айтиб қўйинглари, деб тайинладилар.

ўша пайтда бу икки йигитчада пайдо бўлган кучни, ёввойи қувватни, ғайратни, тоғ бўлса кўпоргудек, дарё бўлса тескари оқузгудек шижоатни кўрсангиз. Бир кеча тунаб олган чуқурилардаги

катта-катта тошларни думалатиб юқорига отаяптилар. Бир вақтлар, хонлар замонидами, кимнингдир ертоласи бўлганми, супрадек-супрадек келадиган ялпоқ-ялпоқ тошларни силлиқлаб-силлиқлаб ҳам босишган экан, бирини олиб юқорига чиқаришса, бошқаси мени тезроқ ол деётгандек бўлади. ҳайрият чўпонлар уйчасидан топиб олган темир таёкни ўзлари билан олиб келган эканлар. Ана шу темир таёк иш берапти ҳозир. Силиқланган тошлардан учтасини суриб олиб ташлаганларидан сўнг тўртинчисини куч билан итараётганларида:

— Сандикча! — кичкириб юборди Эгамберди.

— Кўриб турибман.

Силлиқ тошни итар-итар қилиб супадан тушурдилар занглаб, моғорлаб кетган сандикча экан, оғиргина ҳам. Ичида нима бор экан, очиш керак, тезроқ очиш керак!

— кулфини бузайми, — деяпти Эгамберди, — мана бу таёк билан бир урсам бузилади.

— Йўқ, сандик бизники эмас, — Ҳаяжонли жавоб қайтаради Каримберди.

— Кимники бўлмаса?

— Боғ Эшон аямники, демак сандикча ҳам Эшон аямга тегишли.

— Биз топдик-ку, Карим.

— қуёнхонага жой бермай, бу ердан кетинглар деганларида биз буни топмаган бўлардик, яна қаерларда сарсон бўлиб юардик.

Тортишув бошланди. кулфни бузиш керакми, керак эмасми, бордию сандикчада тилло бўлса тиллоларни кўтариб ота-оналарини олдигами ёки бирон юртга жўнаб қолсинларми... Ана шу ҳақда баҳслашдилар. Ундай бўлганда ҳам, бундай бўлганда ҳам биз Эшон аянинг боғида турибмиз, ая рухсат берган жойни кавлаяпмиз, демак, аянинг рухсатисиз сандикни очмаймиз. Агар рухсатсиз очсак аввало бизни шу ерга бошлаб келган она қуёни, ахир биз қуёнлар туфайли келдикку бу ерга, кейин Эшон аяга, қолаверса ушбу қутичани биз учун сақлаб турган Оллоҳимизга хиёнат қилган бўламиз...

Эгам гоҳо-гоҳо ўртоғининг гапини қайтара олмай қолар эди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Зўрсан-да, деб қўя қолди. Сандикчада, икки ёнида ҳалқачаси бор экан, ўша ердан кўтаришиб, ховлиқишиб Эшон аянинг хузурига югурдилар. Эшон ая олдиларига қўйилган

сандикчага узоқ тикилиб қолдилар. Тикиляптилар, йиғлаяптилар, яна тикиляптилар яна йиғлаяптилар, нихоят шундоққина олдиларида очик турган аллақандай қалингина исломий китобни нари суриб:

— ўғилларим, — бу тушлар тўғрисидаги китоб, раҳматли Эшон дадам бизга гоҳ-гоҳ ўкиб берар эдилар, — деб Эшон ая бир нафас жим қолдилар, — Оллоҳга минг қатла шукур ниманики сўраган бўлсам ўшани берди. қазо куним етганда қабримга бир ҳовуч тупроқ ташлайдиган яқин одамим бўлар микан, деб сўрардим. ўша сўраганим Бўрувою Анарвойим қиёфасида бўлиб мана сизлар келдиларинг. Бунақа мўжизалар бўлишини, мана тушлар китобида ҳам ёзиб қўйишибди... яқинроқ келинлар, ўғилларим бўлдиларинг, бағримга босай, қаттиқ-қаттиқ босай.

Эшон ая йигитчаларни икки ёнларига олиб ютоқиб-ютоқиб гоҳ унисини, гоҳ бунисини ўпиб, нимжонгина қўллари билан узоқ кучоқлаб турдиларда:

— Сандикда неки бўлса сизларники. Оллоҳим уни сизларга атаб сақлаган экан. Оҳ, кимлар келиб ахтармади бу сандикни, Оллоҳ мана сизлар учун сақлаган экан.

— Аяжон, очсак майлими? — тенгданига сўрашди бетоқат йигитчалар.

— Очинлар, ўғилларим, такрор айтаман нимаyki чиқса ҳаммаси сизларники. Ичкаридан эскигина, оғиргина болтани олиб чиқиб сандикнинг қулфини уриб тушурдилар. Сандик очилди.

Ёкут кўзли узуклар,

Зеб берилган сирғалар,

Ял-ял ёниб турган билакузуклар

Ўвовуч-ҳовуч тилло тангалар...

Сандик тўла сеҳр эканми, ҳаммалари бир хилда сеҳрланиб, карахт бўлиб қолдилар, бир-бирларини кўра олмаётгандек бир ҳолатга тушиб қолдилар. Эшон аянинг хира тортиб қолган кўзларидан дув этиб ёш тўкилиб кетди. Оҳ, Оллоҳим шу икки йигитча учун сақлаган экансанда, деб Эгамберди билан Каримбердини бағриларига тордилар.

II боб

Тун яримлаб қолган, даканг хўрозлар ҳали қичқирганича йўқ, хона қоронғи, бурчак-сурчаклардан ҳар замонда дон талашган сичқонларнинг чийиллаган овози эштилади, холос. Эшон ая ёнларида икки йигитча, сал бўшатсалар, бамисоли қочиб кетишётгандек, ўзларига яна ҳам қаттиқроқ тортадилар. хўрсина-хўрсина, энтика-энтика оғир замонларнинг оғир кунлари, оғир кечмишлари ҳақида хикоя сўзлайдилар. Эшон ая сўзлашдан тўхтагилари йўқ. Кўксиларидаги қоп-қора тугунчаларни ечиб, тугунчалар ичидаги қатқат хасратларни, оғир кечган кунларнинг ғуссасини айтиб олмоқчилар, икки йигитчани Оллоҳ менга юборди, менга юборди, деб қаттиқ ишоняптилар. Оллоҳ юборган бандаларига қалбларининг тўрида беркиниб ётган барча сиру-асрорларини айтиб айтиб олмоқчилар.

— Ҳа, ҳа, ўғилларим, золимларнинг зулми, баттол кофирларнинг зуғуми авж олган паллалар эди. Вагон-вагон бойликларимизни ташиб кетишётган эди, бисмилло демайсан, нонни тескари тишлашга мажбурсан, кўчангдан от миниб ўтганимда бошингни егиб, қўлингни кўксинга қўйиб турасан, ўнг бетингга урсам, чап бетингни ҳам тутиб берасан, деганлар ҳукмрон бўлган замонлар эди. Оллоҳга шуқр мард йигитлар, зўровонни мана мен йўқотаман, дейдиган бағри кенг, билагада кучи бор ўғлонлар бор экан. ўша пайтларда озодликни хурриятни куйлайдиган шоирлар ҳам кўп экан, оналарнинг зори ҳасрати қўшиқларга айланар экан. Юрт оч эди, эл яланғоч эди.

Ариқлар тўла сув

Ташнайи зорим болам.

қутилар тўла нон

очу-наҳорим болам

деган қўшиқлар ўша замонларда яратилган. ҳали айтганимдек халқ қўзғалди, юртни мана мен қутқараман деган қўрвоши йигитлар отилиб чиқди.

— Йўқолсин босқинчилар!

— Битсин талончилар!

— Кетсин Қайридинлар!

— Аёлларимизни зўрлаган қизил шапкаликлар йўқолсин, — деган гапларни айтишарди ўша азаматлар. Уларнинг қўли муштга тугулган, кўзлари чакнард эди. Эй ўғилларим, халқ пуфласа бўрон кўтарилади, деганлари рост экан.

Милтиғи бор милтиғини, қиличи бор қиличини, қиличи йўқ панжахасини кўтариб чиқаверди. О ўғилларим, юртимизда бамисоли бўрон кўтарилгандек бўлди. қурулсиз халқ нима ҳам қила оларди. Тиши тирноғигача қурулланган, қўшотар милтиқларини елкасига осган, қўл билан отадиган бўмбаларини вагон-вагон келтираётган, ҳар ўқи араванинг гупчагидек келадиган замбараклари бор золимларга қарши қўлдаги панжаҳа билан қурашиб бўладими, узун сопли болта билан уришиб бўладими. Ариқлар тўлиб қон оқди. Уйлар қуийиб қула бўлди, масжидларга оту-эшақ боғладилар. Мард йигитларимиз, йўқ, биз ҳам қурулланишимиз керак, замбаракка қарши панжшоҳа билан уришиб бўлмайди, деб маслаҳатлаша бошладилар... ўғилларим, ухлаб қолмадиларингми?

— Йўқ, йўқ, — деди Каримберди шошилиб.

— Аяжон сиз босмачилар замони ҳақида гапиряпсизми, — деб сўради Эгамберди, — ўша босмачилар қанақа бўган, қўрвошилар қанақа бўлган?

— Босмачиларни билмайсизларми? Азамат йигитларимизга тухмат қилиб, сенлар босмачисанлар, деган қизил шапкаликларнинг асли ўзлари босмачи бўлган, бизнинг юртимизга ўшалар бостириб келган-ку. Ана шуларга қарши қурашганларни қўрвоши дейишган. ҳар йигитлар эдики, елкасида тоғни кўтарар эди... лекин бечора йигитлар қурулсиз эди-да. ҳали-ҳали эсимда, Сарқўрғон деган жойда бир қирғин бўлганки эсласам юракларим ўйнаб кетади. Осмон олов бўлиб ёнган. ўшанда Сарқўрғон сойидан сув тўсиб бошқа-бошқа далаларга сув чиқарамиз деб деҳқонлар борган экан. Тол кесамиз, терак кесамиз, сепоя ясаймиз деб болтаю теша кўтариб борган эканлар. Босқинчилар ана қўлларида болта, ана қўлларида теша, бизни ўраб келишяпти, деб племотлардан, замбараклардан ўқ отиб уч юз деҳқон йигитни отиб ташлашган. ўғилларим, дардимни кўзгаб қўйдиларинг, энди гапирмасам бўлмайди, ё ухлаб қолдиларингми?

— Йўқ, йўқ, аяжон, энди кўрқинчли жойини айтаяпсиз Эгам ўртоғим кўрқинчли ҳикояларни яхши кўради, айтинг, кейин кўрбошилар нима қилибди?

— Кейин ҳали айтганимдек, юрагида ёли бор, ҳамияти зўр йигитлар бирин-кетин мана мен борман, мана мен олишаман, деб бирин-кетин отилиб чиқаверди. ҳали айтганимдек шоирлар, кўшиқ айтадиган оналар ҳам жим туришмади, шеър ёзишди, кўшиқ айтиб мардларни улуғлашди.

*Ислом полвон отга минса,
Ёвга қирон келтирар.
қувиб ҳайдаб босмачини,
Жаҳаннамга еткарар.*

*Ислом полвон қиличи,
Дами ҳам ўткир экан.
Ёв бошини оларга,
ҳам ўткиру кескир экан.*

*Мўлжал олиб Исломжон,
Беш отардан ўқ отгин.
Босқинчини ҳеч қўймай,
Бир амаллаб йўқотгин.*

*Оллоҳ ҳамроҳинг бўлсин,
Бисмиллони унитма,
Она юрт бағрида бўл
Ҳаргиз узоқлаб кетма.*

Муштипар оналар жасур, мард кўрвошларга атаб ана шундай кўшиқлар ҳам тўқишган. Биз ўтирган мана шу чорҳари уйлар, ҳў наридаги кеча кўрганларинг вайроналар ҳамма-ҳаммаси кўрбошиларга яширин қароргоҳ бўлган. Гоҳо, гоҳо келишиб Эшон дадамнинг дуоларини олиб кетишар эди... майли ўғилларим, тонг

отай деб қолди, ҳали сизларга айтадиган гапларим кўп, энди ухланглар.

III боб

— Ҳали ҳали эсимда, бир куни тоғ-тошларда босмачиларга, қизил шапкали аскарларга қарши курашиб юрган йигитлар ота-оналарини, ўғил-қизларини кўриб кетиш учун келишган экан, келаётган чоршанба куни мана шу ерда йиғиламиз, жамланиб, яна ҳар қайсимиз ўз қўрвошимиз хузурига кетамиз, деб келишиб олган эканлар. ўғилларим, бу келушув ичида бир сотқин ҳам бор экан, сотқин борлигини ҳеч ким билмаган экан. Йигитлар йиғила бошлашди, янги-янги йигитлар ҳам қўрвошилар сафига қўшиламиз, деб кела бошладилар. Катта-катта қозонларда палов дамлашяпти, элликбошилар тандир-тандир нон ёпиб жўнатишяпти, мингбошилар янги келаётган йигитларга атаб беқасам тўн, белларига қийиқ, елкаларига милтиқ жўнатишяпти. ҳали айтганимдек, ўғилларим, ораларида ёмон ниятли бир сотқин бўлган экан. Катта қозонда палов дамланаётган пайтда, мен ҳам ошпаз деб ошпазларга қарашиб юрган экан, қозонга муштимдек келадиган бир гиёҳ ташлаб юборган экан. Эгамжон, Каримжон, фалокат оёқ остида бўлади деганлари рост экан-да, бўлмаса ўнлаб йигитлар шу атрофда ўралашиб юришибди-ю, ёмон нарсаси ташланганини кўрмай қоладиларми. ҳа, фалокат оёқ остида бўлади. У зорманданинг бармоқдеккиnasi бир меҳмонхона йигитни маст қиларкан. Хоин эса муштимдегини ташлабди. ўғилларим, энди ҳикоямни жуда қийин жойига келди айтайми, айтмайми?

— Айтасиз, айтамасангиз, барибир қўймаймиз.

— Ҳа майли, йигитлар ошни ейишиб, хизматкорлар дамлаб берган аччиқ-аччиқ чойларни ичишиб, ярим кечаси йўлга чиқамиз, отларимизни тўйғизиб олайлик, ўзимиз ҳам жиндек-жиндек мизғиб олайлик, дейишиб бошларига отларининг эгарини кўйишиб, остиларига ўша учкур оталарининг ёпинчиғини солишиб уйкуга кетишибди. Бу уйку уйку эмас, ажал уйкуси, ўлим уйкуси экан. ҳалиги қотил қизил шапкалилар камандирига, тайёр бўлди, келинлар деб хабар берибди.

ўша пайтда, ўғилларим, мана шу ерда қирқтача йигит сархуш бўлиб ётган эди, биз аяжоним икковимиз ертўла туйнугидан қараб-қараб кўяётган эдик. Бир отишма бошланиб кетди, гумбир-гумбир бир авжига чиқиб кетди, тақ-туқ милтиқ отиляпти, гумбирлаб, қўл билан отадиган бўмбалар портляпти. Бечора масту, гаранг бўлиб қолган кўрбоши йигитлар ўрнимдан тураман дейдию, бошини кўтаролмай ўққа учиб йиқилади, бошини кўтаргани милтиғини ўқлай олмайди, бир амаллаб отининг ёнига етиб боргани отига мина олмайди. Бечора аяжоним йиғлайди, бурчакдаги панага беркиниб олган Эшондадам йиғлайди, бўйи етиб қолган акам, йўқ, мен чидаб тура олмайман қўлимга милтиқ беринг, деб дадажонимга ёпишади. Тонг отар пайтида ҳаммаёқ жимжид бўлиб қолди. Демак бирон йигит қочиб улгурган бўлса улгурди, улгурмагани мана шу ерда шаҳид бўлди, ўғилларим, шаҳид бўлди деяпман. Ахир улар юртимни озод қиламан, дини иймонимизни ҳимоя қиламан, деб чиққан эдилар. Бир маҳал қарасак, ҳали биз ертўладан чиққанимиз йўқ эди, кишлоқ томондан икки кишини судраб келиб остида мурдалар думалаб ётган дарахтларга боғлай бошладилар. Эшон дадам дарров уларни танидилар. «Эрка Элликбоши, Нурмат Амин» деб хўрсиниб, йиғлаб ўтирган аяжонимнинг бошини бир силаб қўйдилар.

Аста-секин боғимизни белига камар боғлаган, бошига чўчайма шапка кийганлар босиб кета бошлади. каранг, бурчак-бурчакда пусиб ётишган экан, бештаси у бурчакдан, бештаси бу бурчакдан чиқиб кела бошлашди, вой худойим, тўнғиздек болалаб кетишган экан. Мингбошилар келтирган кўю кўзиларни сўйиб қозонга тика бошладилар, нону патирларни ўртага қўйиб иштаҳа билан нонушта қила кетдилар.

— Айт, элдан йиғилган тиллолар қаерда? — даб сўраяпти биттаси.

— Унақа тиллони мен билмайман, — деяпти Эрка эллик боши бобо.

— Замбарак оламин деб аёллар қўлидаги узукни, келинлар қулоғидаги сирғани, баққоллар қўлидаги сўнги тангани йиққансанлар, — деб сўраяпти яна битта камандир.

— Икки арава беда, ўн бешта бекасам тўн, учта янги эгар жўнатдим, бошқасини билмайман, — деяпти Нурматамин бобо.

— Айт, тезроқ айт, бўлмаса отиласан!

— Мен ҳеч нарса билмайман!

— Отиб ташлайман деяпман!

— Отсанг ота қол!

Сўроқ қилаётган камандирнинг қўлида калта милтиқ бор экан, кейин билсам, ўғилларим, ўша калта милтиқни нагон дейишар экан, камандир иккови кекса кишини ҳам пақиллатиб отиб ташлади. Икковлари ҳам дарахтга бойланганларича бошлари осилиб қолди. Аяжоним билан акам шўрлик кўркувдан дағ-дағ қалтирашяпти. Худди шу пайитда нариги ер тўлада беркиниб ётган Эшон дадамни ҳам судраб чиқишди. Бошқа бир дарахтга боғлаб яна замбарак оламинз деб элдан йиғилган тиллолар қани, айт бўлмаса сени ҳам ўзинг яхши кўрадиган нариги дунёга жўнатаминз дейишди. Эшон дадам бошларини силкитганча жим туравердилар. ҳайрият, Эшон дадамни отмадилар.

худди шу пайитда кўрқиб, юмиб олган кўзимни очсам, ё Оллоҳ, ё Оллоҳим, боғимизни энди бекасам тўн кийган, белига шоҳи белбоғ боғлаган елкасига бешотар милтиқлар осганлар атрофдан ўраб келишяпти. Яқин-яқиндан пелимот овозлари эшитиляпти. Онда-сонда шаҳар томондан, кўрбошилар келаётган томондан қўл билан отадиган бўмбалар ҳам портляпти.

— Аяжон, сиз бўмба деяпсиз, эҳтимол гранатадир.

— Ҳа, ўғиларим, ўша замонларда ўша матоҳни бўмба дейишарди. Отишмалар яна авжига чиқиб кетди. Мен ўшанда биринчи марта пастлаб учадиган айрапланни кўрганман, сизлар уни ҳозир самалўт дейсизлар. Гув этиб пайдо бўладида, пастлаб келиб кўрвоши йигитлар устидан бўмбалар ташлаб қочади. ҳаммаёқ остун устун бўлиб кетади. Дарахтлар қарсиллаб синади. Уйларимиз ёна бошлайди, узиб кетган отлар кишнашиб уёқ буёққа югуришади. Шахид бўлган йигитларнинг мурдасини, чалажон бўлган йигитларимизнинг кўксига найза тикиб ўлдирганларини кўрганман, ўғилларим.

Таниши борлар мурдаларни олиб кетди. Эгаси топилмаганларни Тағоб, Нурсуқ, Хонкелди, қашқар қишлоқларидан келган

мусулмонлар ҳар бирига алоҳида алоҳида гўр кавлаб, ювиб тараб жаноза ҳам ўқиб кўмдилар. Баҳорга чиқиб жаннат макон Эшон дадам ҳар бир қабр устига бир тупдан дарахт экдилар. Карим ўғлим, Худога шукур, сен яхшигина тиловат қилар экансан, овозинг ҳам ёқимлигина экан, бир тиловат қилгин, фотиҳа ўқиб ўшаларнинг арвоҳини бир шод қилайлик.

Каримберди шошмасдан, оғир босиқли, ғамгин бир овоз билан тилоат қила бошлади.

IV боб

Эшон ая тиловатдан сўнг анчагача жим қолдилар, эҳтимол урушдан қайтмаган Бўривой ва Анарвойгинасини эслаётгандир, эҳтимол ўн гулидан бир гули очилмай хуррият учун қурбон бўлиб кетган қўрвоши йигитларни ўйлаётгандирлар, эҳтимол бу тиллоларни энди нима қилсак экан, деб ўйлаётгандирлар.

— Анарвойим ўрнида сен, қани, ўнг қанотимга ўтир-чи, — аста-секин гапира бошладилар, — сен Каримберди, Бўривойим ўрнидасан, чап томонимга ўтир, кичик ўғил ўрнидасан энди... Оллоҳимга шукур, мана икки ўғлим бағримга қайтиб келди. Шу кунларда нимаики юз бераётган бўлса, сизларга оппоқ-оппоқ куёнларнинг учраши, тушларингда аяжонларингни кўришларинг, билиб қўйинглар, ҳаммаси Оллоҳдан келаяпти. Оллоҳга шукурки, қазо куним етса ким ёнимда туриб тиловат қилар экан, ким кўзларимни юмиб, оёқларимни боғлаб қўяркан, деб ўйлардим, мана сизлар келдиларинг менинг ота авлодимдан ҳам, она авлодимдан ҳам ҳеч ким қолмаган. Энди қабримга ҳам сизлар олиб кирасизлар. Манави сандиқда неки бўлса Оллоҳим икковларинг учун сақлаган экан. Оллоҳ берган умрим поёнига етай деб қолди. Энди менга анави қуқулаб юрадиган олти та товуғим, эркаланиб-эркаланиб мараб-мараб қўядиган эчкиларим, тунда ёнимга кириб совқотсам иситиб қўядиган она бола мушукларим бўлса бас. Айниқса, вафодор кучукларим, менинг ҳимоячиларим бўлса бас. Шулар менга оллоҳимни эслатиб туради, шулар билан овунаман... Сандиқдагиларни хоҳласаларинг ҳукуматга топширинглар, хоҳласаларинг ота оналарингга беринглар,

хоҳласаларинг, ўзларинг айтгандек, каттакон куёнчилик фермасини ташкил қилинглар. ҳой ўғилларим, аслида бу тиллолар мана шу оппоқ-оппоқ куёнларингники, ўшалар бўлмаганда сизлар бу боққа келармидиларинг. ҳа, хазина куёнларга аталган экан. Эҳтиёт бўлинглар, сариқ олтинлар ичида сариқ иблислар бўлади дейишади. Бойликка берилиб кетиб йўлдан озманглар, билмадим шунча бойликни эҳтиёт қила олармикинсизлар.

— Эшон ая, — шошилиб деди Каримберди, — Эгамберди эплайди, уни тажрибаси кўп, сут-қатик сотавериб, ҳар куни пул санайвериб уста бўлиб кетган.

— ўғлим, — дея Эшон ая Эгамнинг елкасини силай бошлади, — кўриб турибман, хушёргина экансан. Билмадим шунча катта маблағни эплай олармикансан.

— Билмадим, — иккиланиброқ деди Эгамберди.

— Болам, сен Анарвойимсан, Анарвойим ҳам хушёр эди. Ё Оллоҳим, худди ўша ўғлимнинг ўзгинасисан-а, кўз қарашларинг, кўзларингни аллақандай сузиб туришларинг... сенларни олтмиш йил кутган эдима. Оллоҳ овозимни эшитди, сизларнинг қиёфаларингда Бўривойим билан Анарвойимни жўнатди. Оллоҳ ҳамма нарсани кўрувчи, ҳамма нарсани билувчи, қахрли ҳам меҳрли ҳам ўзи.

Эшон ая жим бўлиб, ярим юмиқ кўзларини энди бутунлай юмиб олдилар. Йигитчалар кайфиятлари баланд, кувончу шодликлари бу оламга сиғмайдиган бир ҳолатда ташқарига чиқиб бойлик келтирган куёнларини силаб-силаб овқатлантира бошладилар. Икковлари ҳам бу тиллолар бутунлай бизга берилаётган экан, энди уларни нима қилсак экан, деб ўйлаб баҳслаша бошладилар. Ҳукуматга олиб бориб беришса, буларни қаердан олдиларинг, деб роса сўроққа тутишади, ота-оналарига олиб боришса, қосимали амаки билан Сирож амаки ўртадаги деворнинг ўрнини талашиб, қирпичоқ бўлиб юришибди. Тиллоларни тенг бўлолмай бир-бирларига зиён етказиб қўйишлари мумкин.

— Карим, ҳозир миямга бир фикр келди, — дейди Эгамберди.

— Айт-чи!

— Йўқ, аяжонимнинг олдида айтаман, — шундай деб Эгамберди бўйнига бир парча латта боғлаб қўйилган она куённи бағрига

босганча авайлаб Эшон ая хузурига чиқишди, — аяжон, бу куённи биз, Карим икковимиз марҳум аяжоним ўрнида қабул қилганмиз. Шу тиллоларни куёнлар топди дедингиз, тўғрими?

— Тўғри, шундай дедим, ўғилларим. Агар бу куёнлар сизларни боғга бошлаб келмаганда тиллолар яна юз йиллар ер остида ётаверган бўларди.

— Аяжон, тиллолар замбарак оламиз деб қишлоқлардан йиғилган, — деб гапга аралашди ўйчан ўтирган Каримберди, — айтинг-чи нечта қишлоқдан йиғилган?

— ўғилларим, аниқ билмайман.

— Аяжон, — кўтаринки бир кайфиятда гапира бошлади Эгамберди, — Каримкул ўртоғим билан маслаҳатлашдик, ўша қишлоқларда яшаб ўтганларнинг набираларига куёнчилик фермаси яратиб берамиз. Карим ўртоғим бировнинг ҳаққини еб кетиш яхши эмас, нариги дунёда жавоб бериш қийин бўлади, деяпти.

— Вой азаматларим, унда ҳамма ёқни куёнлар босиб кетади-ку.

— Аяжон, тоғда адашиб юрганимизда, — гап навбатини ўзига олди Каримберди, — баланд чўққига чиқиб эй Оллоҳ, эй чарақлаб турган юлдузлар, нур тўқаётган Оймома бизга ёрдам бер, бутун бутун қишлоқларни, бутун мамлакатни оқ куёнларга тўлдирайлик, куёнлар салтанатини яратайлик, Эгам салтанатнинг шаҳаншоҳи бўлсин, мен бош вазир бўлай, деб уйқумиз келгунча илтижо қилганмиз... мана, оллоҳ ниятимизга етказиб турибди...

Учрашганларидан буён Эшон аянинг юзларидан ҳозиргидек нурли табассуми жилоланмаган, кўзларида шодлик нури парпираб ёнмаган. ўғилларининг елкасини силай-силаё гапира бошладилар.

— Яхши ниятлилар ҳамиша Оллоҳнинг марҳаматига лойиқ бўлади, Оллоҳнинг хоҳиши билан бу бойликларни Сайид Жалолхон эшон, Сайид ходихон эшон, Сайид Ўошимхон эшон боболаримиз сизлар учун пойлаб ётган экан... Майли, бутун мамлакатга донғи кетадиган куёнчилик фермаси яратинглар, бирингиз шаҳаншоҳу, бирингиз бош вазир бўлинг.

— Оллоҳу акбар!

Йигитчалар ҳовлиқишиб, худди аллақачон куёнлар салтанатини яратиб, бири енгилмас шаҳаншоҳ, бири доно вазир бўлиб олгандек

севинишиб, Эшон аяни кучоклашиб, гоҳ кийимларидан, гоҳ юз кўзларидан қайта-қайта ўпа бошладилар. Бир нафасдан сўнг аянинг юзи, кўзлари яна ташвишли бўлди. Ўғилларим бу бойликни қандай сақлар эканлар деган ташвиш ҳаёллар берилдилар. Узоқни кўрган, донишман ая уни сақлашнинг йўлини ҳам топгандай бўлдилар.

Ўргатиб турдилар. ўзлари ётиб юрган чорҳари уйга бошладилар. Тош ўчоққа олов ёкишни буюрдилар. Тошлар қўл куядиган даражада қизигач, қизиган тошларни темир парчаси билан уч бора ўнга, уч бора чапга суришни буюрдилар. Тошўчоқ тўртинчи бора ўнгга бурилганда, торгина туйнукча очилди. Туйнукча ёнларига ялпоқ тошлардан оёқ қўядиган жойлар ҳам ясалган экан. Эгамберди юрагини ховучлаб, кўрка-писа тилло тўла сандиқчани жун арқонга боғлаб пастга тушуриб, орқасидан ўзи ҳам тушди. Тушгач, тепадан узатилган лампа мойли чироқни ёқди. Аста-секин атроф ёриша бошлаганини кўрди. Хонанинг тўрт бурчагида тўрт эшик бор. Бирини авайлаб очган эди занглаб, қорайиб ҳам кетган кумуш лаганлар, кумуш чойнаклар, кумуш ликопчалар устма-уст турибди. Бошқасини очган эди, устма-уст тахланган милтиқларни кўрди...

— Товба, пошшоларнинг хазинасига тушиб қолга ўхшайман, — деб ўйлади Эгамберди. Сўнг сандиқчадаги тиллолардан саралаб-саралаб бир ховучини чўнтагига солди-да, қолган эшикларни кейин очиб кўрарман, деб нафаси қисила бошлаган эди, тагин хазинани пойлаб ётган илон бўлса, ҳамла қилиб қолмасин, деб кўрқиб шошилиб юқорига кўтарила бошлади. Биргалашиб тош ўчоққа олов ёқиб тошлар қизигач, қизиган тошларни ўнгу сўлга суриб ҳам қўйдилар.

V боб

Забихилло заргарнинг бобокалонлари хонлар саройида заргарлик қилган дейишади. ўша донгдор заргарнинг мана шу Хонкелди қишлоғида ҳам ер остида заргарлик устахонаси бўлган, деган гаплар, авлоддан авлодга ўтиб келади. Лекин ҳозир оддийгина магазинчи бўлиб олган Забихилла заргар заргарлик қилмайди. Одамлардан тилло тақинчоқлар, музейларга қўйса бўладиган ҳар хил осори атиқаларни

сотиб олиб Тошкентга олиб бориб пуллайди. Ўша ердаги усталардан тилла тақинчоқлар келтириб атроф қишлоқдаги аёлларга юкори баҳоларда пуллаб, ўзининг айтишича, қора қозонини қайнатиб, тирикчилик ўтказди.

Эгамберди билан Каримберди аввало қуёнларимизга овқат ғамлайлик, қолаверса тезроқ бориб гаровда турган велосипедларимизни қайтариб олайлик деб тилло тангалардан бир нечасини чўнтақларига солиб, сотсак сотармиз, сотмасак, маслаҳатини олармиз деб Забиҳилла заргарникига жўнадилар. қизик, икковларининг қалбида ҳам кўрқуга ҳам, шодлигу қувончга ҳам ўхшамайдиган ғалати бир ҳолат бор эди. Каримқул тинмай:

«Ла илоҳа илло анта субуҳонака инний кунтим минал золимин», деб дуо ўқиб, кўнглини тинчитиб бораёпти.

Забиҳилло заргар пешонасига «кичик супермаркет» деб ёзиб қўйилган, лекин фақат эски тускилар билан савдо қиладиган, марказдан олиб келган нарсаларни енг ичида пуллайдиган дўконида ҳаёл суриб ўтирган эди.

— Э ҳа, мулла ўғлим, деб аввал Каримбердига, сўнг Эгамбердига қўл узатди. қўлларини силкитиб, узоқ сўрашган бўлди. Эгамберди гапни чўзмади, битта тилламиз бор, шуни сотгани келдик, деб қўя қолди. Заргар амаки ҳам гапни чўзмади, қани ўша тилло тангангни кафтимга қўй-чи, деди. Тилло кафтига келиб тушгач, салмоқлаб кўргач:

— Ие, ие, — деб ўрнидан туриб кетди, — бу тангалар хонлар замонидан қолаган-ку! қаердан олдиларинг бунини?!

Заргар билан танга сотгани келган йигитчалар ўртасида мана бундай суҳбатлар ҳам бўлиб ўтди:

— Очик айт ўғлим, қаердан топдиларинг бунини?

— Ишқилиб топиб олдик-да.

— Рост гапиринглар?

— Айтмаймиз.

— қачон топиб олдинглар?

— ўтган ҳафта топганмиз.

— Топганларингни нега ота-оналаринга айтмадиларинг?

— Айтсак, олиб қўйишарди-да.

— қаердан топгансизлар?

— ҳошимбоққол олдидаги аҳлатхонадан.

Сўнги сўзларни эшитиши билан заргарнинг юраги дук-дук уриб кетди. Бунга ўхшаш танга фақат Хошимбаққолнинг ховлиси олдидан топилган бўлиши ҳам мумкин. ўткан йили ҳам Хошимбоққолнинг набира қизи манашунақа тангадан иккитасини сотган эди.

Савдолашиш яна бошланди:

— Хўш, қанчага сотасизлар бунни? — деб сўраяпти Забихилла заргар.

— ўзингиз инсоф билан бера қолинг, — деяпти савдо қилишга анча-мунча ақли етадиган Эгамберди.

— Эллик минг сўм бераман.

— Йўқ, тангамизни беринг, олиб бориб марказда сотамиз.

— Менга қара, қатикчи укам, лекин қатиғинг ҳам, қаймоғинг ҳам зўр бўларди, сени яхши кўраман. Мана шу ўртоғинг ҳам зўр, одобли, маҳалладаги болларнинг ҳаммаси ҳам, қани энди, шу ўғлимга ўхшаган бўлса... ҳа майли, саксон минг сўм бераман.

— Йўқ, йўқ, тангани беринг.

— Ҳа ана, юз минг бера қолай.

Забихилла заргар бу тангалар ёлғиз топилган эмас, унинг ёнида яна бир нечаси бўлса керак, қолганларини ҳам бир амаллаб киритишим зарур деб аста-секин танганинг баҳоси бир юзу эллик минг сўмга кўтариб юборди.

Икки ўртоқ пулни чўнтақларига солгач, шошилиб кўчага ошиқдилар. Бир юзи эллик минг сўмлик пулни икковлари ҳам ҳеч қачон қўлларига ушлаб кўрмаган эдилар. кўркуга ҳам, қувончга ҳам ўхшамайдиган бир ҳолатни бошларидан кечира бошладилар. Каримберди шошилиб билган дуосини ўқишга тушди. ҳайрият, бир оздан сўнг ҳаяжонлари бир нав босилгандек бўлди. Вужудларида енгиллик ҳис қила бошладилар. Пули кўп одам ақлли ҳам бўлади, деганлари ростга ўхшайди. Икковлари ҳам тўсатдан ўзларини ақлли бўлиб қолгандек ҳис қила бошладилар. Забихилла заргар тангани арзон олдими, ёки ўз баҳосига олдими, шуни билгилари келиб қолди. Бу фикр анча-мунча одамнинг гапига ҳадеб ишонавермайдиган,

кичикроқ бўлса ҳам бозор кўрган Эгамбердидан чиқди. Туман марказига, заргарлик дўконига жўнашди.

Заргарлик дўконига ёши ўзларидан сал каттароқ қиз савдо қилаётган экан. Вой-бўй, шундай гўзал, шундай латофатлики, худди жаннатдан чиққан фаришталарга ўхшайди. Тангани ўша қизга узатиб, нарҳини билиб бераркансиз, бувижоним бериб юборди, деган гапларни айтишди. қиз қошини бир чимирдида, ичкарига жадал кириб кетди. Хиёл ўтмай беҳат даража семириб кетаган, аранг нафас олаётган бир одамни бошлаб чиқди.

— Бу тангани ким берди сизларга? — дўқ аралаш сўради семиз киши.

— Бувимиз бериб юбордилар, нарҳини билиб келинглари, — деган жавоб айтди йигитчалар.

— Бувиларинг ким ўзи, қаерда яшайдилар?

— Хонкелди кишлоғиданмиз, бувимизни Эшона деб атайдилар.

— Вой, Эшон ая тирикмилар, ё Оллоҳ, авлиё онани ўткан йили оламдан ўтган дейишган эди-ку, фотиҳага ҳам бориб келдик дейишувди-ку.

— Йўқ, оламдан ўтканлари йўқ, бизни ўзларига ўғил қилиб олдилар.

Семиз одамнинг овози ўзгарди, юзида, қарашларида илиқлик пайдо бўлди. Авлиё онага айтинглари, тиллонинг нарҳи ҳар куни, ҳар соатда ўзгариб туради. Бугун бир grammi ўттиз минг сўм бўлса, эртага йигирма минг бўлиб қолиши мумкин. Агар, авлиё она тангани пуллаб келинглари, деган бўлсалар, майли, оламиз, уч юз минг сўм берамиз, деган гапларни айтди. Эгамберди хушёргина йигитча эмасми, Эшон аямиз, агар яхшироқ пул беришса сотиб ҳам келаверинглари деганлар деб, семиз одамнинг гапини қўллаб-қуватлаган бўлди.

Семиз амаки пулларни санаб, елим халтага солиб берди-да, яна шунақа тангалар бўлса, фақат бизга сотинглари, ҳаво сал исиса, худо хоҳласа, ўзим бориб авлиё онани зиёрат қилиб ҳам келмоқчиман, деди. Кейин ҳозирги ҳолатдан ҳам кўпроқ қувонч келтирадиган бир воқеа юз берди. Ўалидан буён чиройли қошларини ғалати чимириб, кўзларини ғалати сузиб турган гўзал сотувчи қиз, тўхтанглари, дея

ичкарига кириб кетди-да, катта оқ дока рўмолни кенг ёзган кўйи кўтариб чиқиб, буни авлиё онамизга беринглар, бошларига ўраб юрсинлар, бизни дуо қилсинлар, деб чиройли тахлаб йигитчалар кўлига берди.

— Эгам, сендан ҳафаман, — деди ташқарига чиқишгач, — шунақанги ёлғонни бопладинки.

— Нима деб ёлғонни бопладим?

— Эрталаб заргар амакига ёлғон гапирудинг, ҳозир бу ерда ҳам ёлғонни қалаштириб ташладинг. Ахир Эшон аямиз тиллони сотинглар деганлари йўқ эди-ку.

— Карим, ўртоқ, қовоғингни солма.

— Эшон аям Ўажига бормаганларку, сен бўлсанг тангани хожи онам бериб юборди дейсан.

— Нима дей бўлмаса, ертўладаги тиллолардан бир қисмини олиб келдим дейми. Тўғри Ўажга борганлари йўқ. Эҳтимол, аямизни энди икковимиз кўтариб олиб бориб келармиз, тўғри, ёлғон гапирдим, ҳозир топган пулимиздан ўнг фоизини садақа қиламиз, шунда Оллоҳ ёлғонни кечиради.

Кайфиятлари баланд эди. Сухбатлаша сухбатлаша бориб аввал нўхот- шўрак олиб едилар, сўнг сочларини шаҳарча фасон билан олдириб, чўткачига туфлиларини ялтиратиб мойлатиб ҳам олдилар. Савдо кўрғазмаси ўтаётган кенг майдонга етгунларича дуч келган тиланчининг ҳар бирига йигирма минг сўмдан пул улашдилар. Лўли аёлга ром очирудилар, Эгамбердига сени яхши кўрган қиз бор экан, сенга атаб рўмолча тикиб қўйган, деди.

Каримкул:

— Меники-чи, мениям севган қиз борми? — деб сўради.

— Сени ҳам бир қиз севади, пулдан кўпроқ ташласанг ҳаммасини очиқ айтиб бераман.

Каримкул пулдан кўпроқ ташлаб тезроқ очиғини айтинг деди.

— Сениям чиройли бир қиз кутаётганга ўхшайди. Яқинда тўйинг бўлади, иккита ўғил кўрасан. Каттаси олдин, кичиги кейин туғилади, қани, яна ташла пулдан.

Икки ўртоқ беҳад даражада шод, ғурурлари баланд, ҳамма одамлар кўзларига чиройли кўринаётган бир кайфиятда савдо

ярмаркасига кириб бордилар. куёнчи болалар бугун келмаган экан, афсусландилар.

VI боб

Ўтган сафар жанжални осонгина тинчитган савдо ярмаркаси раисининг муовини чиндан ҳам яхши одам экан. Бу гал ҳам яхшигина ёрдам берди. куён сотган болаларга ваъда қилинган пулларни олиб келибсизлар, яхши йигитчалар экансизлар, энди эринмасдан қўшни райондан келишган, бориб пулларини бериб, велосипедларингни олиб хурсанд қилиб келинглар, деди. Кейин яна эринмасдан куёнчи болларнинг турган жойи бу ердан неча километр эканлигини ҳам, неча сўмга кира қилсалар арзонроқ тушишини ҳам айтиб берди. Демак, бу ердан саксон километр узоқда экан.

— Борамизми, — деб сўради Эгамберди.

— Албатта борамиз, — деди Каримберди, — алдамчининг жойи дўзах бўлади.

Киракаш ҳайдовчини топиш қийин бўлмади, нархини келишиб ҳам ўтирмадилар, икки баробар тўлаймиз, тезроқ етказсанг, эҳтимол уч баробар ҳақ берармиз, деб машинага ўтирдилар. куён сотган йигитча эски қадирдонларини кўргандек севиниб, жуда-жуда севиниб кутиб олди. Калта-калта тахтачалардан куёнларга уйча ясаётган қовоғи солиқ отасига, тандирга ўт қалаётган чехраси очиқ, кулиб-кулиб гапирадиган онасига, оппоқ соқоли кўксига тушиб турган паст бўйли, дум-думалоқ, тўхтаб-тўхтаб гапирадиган, оқ дўппили бобосига бирма-бир юриб таништирди. Охирида:

— Бу киши хожи дадам бўладилар, — деди мақтанганнамо, — қишлоғимизда у кишини куёнчи бобо деб ҳам чақирадилар. Сизларга берганим оқ куёнларни ҳам мана шу бобом топиб келганлар.

куёнчи бола бир мақтангиси келиб қолдими, ёки Эгам билан Каримнинг кўнглидаги гапни англаб етдими, кенглиги икки гектарча келадиган атрофи сим тўрлар билан ўралган майдонни айлантириб кўрсата бошлади. Катта кичик айвонлар куриб ташланган. Гоҳо тўрлар билан ўралган, гоҳо оддий тахталардан ясалган уйчаларда куёнлар кавшанишиб, бир-бирларига суйкалишиб ётишибди. Вой-

бўй, уларнинг кўплигини айтмайсизми, оқ куёнлар, кўк куёнлар, ола куёнлар, қора куёнлар далалардан ушлаб келинган ёввойи куёнлар... мана буниси Украинадан олиб келинган эмиш, мана бунисини самолётда Белорусиядан олиб келишган эмиш, мана буниси совук сибир ўрмонларидан махсус одам юбориб ушлаб келинган эмиш.

Айланиб айланиб келишиб яна куёнчи бобо олдида тўхтадилар:

— Бобожон, мана бу ўртоқларим номозхон эканлар, ёнингизда бўлиб пешин намозини бирга ўқишса майлими, — дея илтимос қилди. куёнчи бобо розилик бериб, кўшимча қилиб, куён сўраб келишган бўлса зотлироғидан танлаб бер, арзонроқ қилиб бер, иложи бўлса бўғозларидан ҳам бер, деб тайинлади.

Пешин намозидан сўнг куёнчи бобо гарчи ўртоқларингга танлаганларини арзонроқ қилиб бер, деган бўлсалар ҳам куёнчи бола бало экан, роса талашиб тортишди, ишқибоз бўлиб қолганларини сезиб нархини ҳам кўтаргандан кўтараверди. Эгамберди ҳам бозор кўрган йигитча эмасми, йўк, бизга куён керак эмас, яхшиси бошқа жойдан оламиз деган эди, бамисоли жўнаб чиқиб кетишётгандек эди, энди куёнчи бола ёлвора бошлади. Келиша-келиша тўрт юз куёнга пул санаб бердилар. Махсус машина ҳам бердилар, гаровдаги велосипедларни ҳам мошина устига авайлаб юклаб қўйдилар. Сўнг қаердасан Эшонбоғ деб йўлга чиқдилар.

Ташқарига чиқиш учун дарвозага яқинлашган ҳам эдиларки, тўсатдан, шошилиб кириб келаётган заргар амакига кўзлари тушиб қолди.

— Забихилло амаки, — дея бакириб юборишди Эгамберди билан Каримберди.

Забихилло заргар ҳам уларни кўргани учун чин дилдан хурсанд бўлаётгандек, икки қулочини кенг ёйиб кўришиш учун югуриб кела бошлади. Тикка турганларича саломлашдилар. Заргар амаки ҳам ўғилларига куён олмоқчи экан. Суриштира бутун вилоят бўйича зотли куёнлар мана шу ерда бўлар экан, нархини билгани келибди. Нархини билибди ҳам. Зотлари шунча тоза бўлишига қарамай нархи жуда ҳам арзон экан.

Бирга жўнайдиган бўлдилар. Забихилло амаки «Тико»сига ўтирди. Юриб бораёптилар, йўл-йўлакай заргар амакининг юраги ёниб бораёпти.

Бутун ўйи хаёли эрталаб кўргани тилло тангаларда. Эгам билан Карим эрталаб Забихилло амакининг хузурига кираётганда эшик олдида тўхтаб, тангалар орасидан биттасини танлаб олиб, қолганини яна чўнтакка солганини заргар амаки зимдан кузатиб турган эди. Эгам чўнтагига солиб қўйган бошқа тангалар ҳам тилло бўлса керак, тилло эканлиги аниқ, негаки чўнтакдан олаётганда, чўнтакка қайта солаётганда бу тангалар сариқ рангда ялтирагандек бўлган. Забихилла заргар тиллонинг ялтирашини, ялтираётганда ял-ял ёнишини яхши билади. Йигитчаларнинг Хошимбаққол ҳовлиси олдида топиб олдим деганлари ёлғон, кип-қизил ёлғон, булар мис билан олтиннинг фарқига боришмайди лекин тиллолар чўнтакка қандай тушиб қолди экан... Орқаларидан пойлаб боришим керак, қолган тиллоларни нима қилишар экан, шуни билишим керак, деб ўйлаб йигитчалар орқасидан тушиб, марказдаги тилло дўконигача кузатиб борди. Узокдан пойлаб ҳам турди йигитчалар ичкаридан қора елим халтада пул кўтариб чиққанларини ҳам кўрди. Демак, буларда тилло бор, деб ўйлашдан ҳеч тўхтамайди заргар. Орқасидан қувиб қуёнчилик фермасига ҳам етиб келди.

Заргар амакининг ичи ёниб бораёпти. Биринчи тангани қўлга олгандаёқ бу танга хонлар замонида зарб этилганини билган. ўша замонларда зарб этилган тиллолардан кимда сақланиб қолиши мумкин. Забихилла заргар ана шунинг поёнига етмоқчи.

Махсус мосламага юкланган қуёнлар ёнида, икки валосипедни маҳкам ушлаб Эгамберди бораёпти. Бирон мамлакатни забт этган генералдек қаддини баланд кўтариб, мағрур кетиб бораёпти. «Тико»нинг орқа ўриндиғига чўккан Каримберди бўлса заргар амаки билан самимий, жуда-жуда самимий, жуда жуда дилкаш суҳбатлашиб бораёпти. Умрида кам рост гапирадиган, рост гапирсам ишим келишмай қолади, деб кўрқадиган ғоят хушёр, тулкидек айёр Забихилла заргар бир амаллаб тиллолар бу йигитчалар чўнтагига қандай тушиб қолди экан, ана шуни билишим керак деб бораёпти.

Мақтов сўзларининг таги мўл экан, икки йигитчани тўхтамай мактаб ҳам бораяпти.

— Ўғлим, сен қишлоғимиздаги барча боллардан яхшисан, ободлисан, бекорга кўча чангитиб юрмайсан. Мана, қуён боқмоқчи бўлибсизлар, ҳамма ота-оналар ўғилларини сен билан Эгамга ўхшашини жуда-жуда исташади. Сен ростгўйсан, ёлғон гапирмайсан тўғрими?

— Тўғри, ёлғончининг жойи дўзахда бўлади.

— Ўғлим, эрталаб ёлғон гапирдиларинку?!

— Нима деб ёлғон гапирдик?

— Тилло тангани қаердан топдиларинг, десам Ўошим баққолнинг ҳовлиси олдидан топдик, дедиларинг-ку.

— Йўқ амаки, тангани қаердан топканимизни фақат Эшон аям биладилар.

— Эшон ая дедингми?

— Ҳа Эшон ая депман.

Заргар амакининг юраги дук-дук уриб кетди, хаяжонини бир дақиқа босолмай турди, демак, тилло тангалар Эшон аянинг бобокалонларидан қолган. Демак, мен худо хоҳласа, алоқани Эшон аямлар билан яхшилашим керак, бу тиллоларни қишлоқдан чиқармайман, чиқса менинг қўлимдан чиқади...

VII боб

Расмий идораларнинг катта дафтарларида участка инспектори, халқ орасида участкавой деб аталадиган, кўзларини пирпиратиб тез-тез гапирадиган, ҳар қандай ишга ҳам тез киришиб, кўпинча, бошлаган ишини охирига етказмай чала ташлаб ҳам кетаверадиган бу йигитнинг исми Фурқат, катта идораларнинг катта дафтарларига лейтенант Фурқат Эрқаев деб ёзиб қўйилган.

Ана шу йигит милисия хонасини бузиб қочган Эгам билан Каримни топа олмаганига, ушлаб қайтадан қамаб қўймаганига, доводиратиб қўядиган бурама саволлар бериб алаmidан чиқмаганига ўзини ҳеч кечира олмаяпти. ўша куни шошилиб, кеч бўлиб қолган бўлса ҳам, идорасига қайтиб келдию, эшик ланг очилганини кўриб, бу

икки безори эшикни бузиб чиқиб кетганга ўхшайди, демак, ё уларнинг ташқарида одами бормикан, ҳа ҳа, одами бўлгани аниқ, ўша одамлари очиб берган бу эшикни, милисия хонасини рухсатсиз очишга кимнинг ҳадди сиғди экан, ўйлаяпти лейтенант. ўйлаган сари ғазаби ошиб, тепа сочи тикка бўлиб бораёпти. ўзича яна:

— Эрталаб мактабда Шокир билан муштлашув бўлди бир! Ярмаркада қуёнчи болани урган эмиш, икки! Ғуломнинг акаси билан муштлашиб бошини ёрган эмиш, уч! Мана милитсия идорасини бузиб қочибди, тўрт! — деб тинмай санаб Эгам билан Каримнинг уйларини мўлжалга олиб, Қазаб отига миниб, қадамларини катта катта ташлаб бораёпти.

Эгамбердиларнинг кўча эшигини оёғи билан тепиб очиб ичкарига шиддат билан кириб борди. қосимали сувчи сигирига хашак солиш, тагини тозалаш билан машғул. Шакархон ая қозон остига ўт қалаб ҳозиргина соғиб олган сутини қайнатиб қўйиш билан овора.

— Эгам қани? — лейтенантнинг биринчи саволи шу бўлди.

қосимали сувчи аста бошини кўтариб, лейтенантга яқинроқ келиб, бироз анграйиброқ қараб турди-да:

— Ваалайкум ассалом! — деди худди ёш болага танбەх бергандек оҳангда.

Лейтенант ўсал бўлдию, сездиргиси келмай:

— ўғлингиз қани деяпман? — деб сўради яна.

— Уни сиз биласиз, кеча қамаб қўйибсиз-ку, камандир.

— Кечаси ўғлингиз қочган деяпман.

— қочганми қочмаганми, уни сиз биласиз... кейин камандир, бўлар-бўлмасга ёш болани қамайвериш ҳам яхши эмас. Шу билан менинг ўғлимни учунчи бор хибсга олаяпсиз.

— ўғлингиз бир куннинг ўзида тўрт марта муштлашган.

— Демак, кеча менинг ўғлимни тўрт марта хафа қилишган, ким сени хафа қилса кечирма, жағига тушур, деб айтганман.

— Демак, безориликни сиз ўргатяпсиз экан-да.

— Ҳа, мен ўргатганман. Сени ким ҳақорат қилса, сен ундан баланд кел, деб ўргатганман. Биров сени урса менинг олдимга йиғлаб келма деб ўргатганман. Хой камандир, биз ҳам кичкина одаммасмиз, билиб қўйинг, фермермиз. Бечора ўғлим уй ишларига қарашса, сигир

боқса, сут-қатикни пуллаб келса, кечаси ухламай китоб ўқиса, яна тагин нима қилсин? ўғлимни тезроқ топиб беринг, бўлмаса, мен сизнинг генералингизни танийман, бориб ўшанга арз қиламан.

Участкавой гап йўқ, сўз йўқ, худди буйруқ олгандек кескин бурилиб чиқиб кета бошлади. ҳамма унинг соясига салом берарди, ҳукуматнинг одами деб ҳурматини жойига қўярди, бу қосимали сувчи деганлари ғалати экан-ку, фермер бўлсанг ўзинга, сендақанги фермердан дунёда мингтаси бор, ҳали шошмай тургин ота-бола икковингни шундай жазолайки, деб ўйлапти лейтенант. Кўча эшикка етмасидан қосимали сувчи хотинига орқасидан бор, Эгамни ўйлаб юрагим ғаш бўлиб турувди, ортиқча гапириб қўйдим шекилли, кечирим сўра, деб буюрди хотинига. Шакархон ая онамни сен ўлдиргансан, деб, гап тарқатиб юргани учун Эгамни ёмон кўрар эди. ҳар бир ҳаракатидан ёмонлик ахтарар эди, оҳир оқибатда ундан кутилсайдим, деб юрарди. Эгам ҳақида гап очмоқчи бўлган эди эридан истиҳола қилиб ҳайиқаётган эди. Бор, орқасидан чиқ, дегани айни муддао бўлди.

— Хой иним, тўхтанг, — деди лейтенантнинг орқасидан югуриб.

Лейтенант тўхтамади, Шакархон ая остона хатлаб кўчага чикди. Тўрт хатлаб участкавойнинг йўлини тўсди.

— Эгам ҳақида сўраяпсизми?

— Керак эмас, отаси шунақа бўлгандан кейин боласи қанақа бўлар эди. Отаси сиздан кечирим сўраяпти.

Лейтенант юришдан тўхтаб, қошларини ғалати чимирди.

— Хўп, нима демоқчисиз?

— Безори Эгамнинг дастидан ҳамма дод дейди, шуни айтмоқчиман, унинг кимлигини мендан сўранг.

— Хўп, айтинг.

— Оғзаки айтаман, дафтарингизга ёзмасангиз, айтаман.

— Хўп ёзмайман.

— Бу қуён жинниси олдин, болалигида каламуш ҳам боққан экан.

— Каламуш?!

— Ҳа, каламуш боққан экан, кейин хўроз уриштиришга берилибди. Бир йўла ўттизта товукни қиморда ютқизиб қўйган... худо урган ёлғончи ҳам. Сут-қатикни бозорчада яхшигина сотади-да, ярим

пулини беркитади, пулнинг қолгани қани десангиз сутингиз ачиб қолди деб ёлғон гапиради. Сигирни далага етаклаб боради-да, офтобга бойлаб қўйиб ўзи салқинда китоб ўқийди. Китоб ўқийвериб мияси айниб кетган. Маҳаллада мана шу Каримдан бошқа ҳамма бола билан муштлашган. ҳатто қизлар билан ҳам уришган. Сарвинисо деган қизни мазақ қилиб, масхаралаб шеър ёзган экан. Иккита акаси келиб шунақа урдики... мана энди бу жинни молларга қараш ўрнига бир йилдан буён қуёнларга ёпишиб олди... Ғулом деган бир яхшигина, имтизомлигина бола билан ҳам қуён талашиб қирпичоқ бўлган... ёввойи қуён ушлайман деб кузда жарма-жар санқиб умр ўтказади, ахир, капкатта бўлиб қолди, дадасига қарашса бўлмайдими, менга қаранг, иним, ҳеч бўлмаса уч тўрт кунга қаманг. Агар қаматсангиз мен ажратиб олган бўламан-да, шунда зеро менга меҳр қўйса, орқамдан ёмон гаплар тарқатишни бас қилса... қамайсизми?

— Кўрамиз.

— Агар айтганимдек қилсангиз, уйингизга қаймоқ жўнатиб тураман. қизингизга айтинг, ҳеч тортинмай келаверсин.

Лейтенант қаймоқ сўзини эшитиб, таъмини сезиб, бир тамшаниб ютиндию, индамади. Каримбердининг уйига йўналди. Дарвозалари очик экан. Ўзиргина қосимали сувчидан дакка эшитгани учун, рухсатсиз бостириб кириб боришга ботина олмай, кўча эшикни оҳиста оҳиста тақиллата бошлади. ҳайрият Каримбердининг онаси уйда экан. Гап қисқа бўлди. Отин ая йиғламсираб, мусичадек ўғлимга, онаси ўлиб, мунғайибгина қолган етимча Эгамга ҳадеб ёпишаверасизларми, бечора болаларимда айб нима? Бола кўнгли қуён боқишни истаган бўлса тинч қўйинглар-да, ана, дадаси билан гаплашинг, — деб ичкарига кириб кетди. Боғ томондан Сирож бригадир чиқиб кела бошлади. қўлида кетмон, қовоғи солиқ, важоҳати хунук, саломлашмади ҳам. Гапни қисқа қилиб:

— Болларни қамаб тўғри қилгансиз. Булар айни бузиладиган ёшда, — шундай деб қўлидаги кетмонни гурс этказиб ерга бир урди, — хўп майли, масжидга қатнаса қатнасин, дедим. Энди анаву ота безори Эгамга қўшилиб қуёнбозлик қилиб юрибди. Бир йилдан буён аҳволи шу. Олдин ўша етимчани жазолаш керак эди. Агар Эгам ўғлим бўлганда мана шу устунга, мана бу арқон билан боғлаб, уч кун

овқатсиз қолдириб жазолардим. Менинг одатим шунақа, эшитгандурсиз.

— Эшитганман, ўғилларингизни устунга боғлаб қўйиб жазолар эмишсиз. Лекин бу усул яхши эмас.

— Нимаси яхши эмас?

— Эшитишимча бу усулингиз хонлар замонидан қолган экан, ўша замонларда айбдорларни боғлаб қўйиб жазолаш авж олган экан. хайронман, бу усул ҳалигача сақланиб келаётган экан-да.

— Йўк, тарбиянинг энг яхши усули бу, — тушунтира бошлади Сирож бригадир, — мана мен колхозда ўттиз йил бригадир бўлганман. Нормани бажармаган, гапга кирмаган, қайсар ишчиларни дала четидаги тутга боғлаб қўярдим. Планлар вақтида бажариларди, қўша қўша мукофотлар олишарди, орденлар олишарди. Юқоридан келиб Сирож ака, бопладингиз, деб мактаб ҳам кетарди. Шунақа, лейтенант ука, иккови болани қамаб тўғри қилгансиз... вақтингиз бўлса, ўтиринг биргалашиб нонушта қиламиз, ана опангиз жиззали нон ёпган...

— Сирож ака, болалар қочиб кетганми, ёки қочиришганми, билмадим.

— қочган бўлса, излаб топиш энди сизнинг вазифангиз. Мен шошиб турибман. Буғдойни суғориш навбати менга келган. Биласиз-ку, ҳозир фермерлар ўртасида сув талаш... ўғлимни ушлаб даламга олиб бориб берсангиз, товуғингизга бир коп буғдой бераман.

Лейтенант ўша куни йигитчаларнинг масжидда тунаганлигини, Забихилло заргарнинг дўконига кирганини аниқлади, кейин изларини топа олмади. Эгамберди билан Каримберди бўлса қўшни туманга бориб кўпроқ куёнлар келтириш ҳаракатида эдилар, келтирдилар ҳам.

VIII боб

Эгамберди билан Каримберди оппоқ оппоқ куёнларни махсус мосланган машинага эҳтиётлаб юклаб, Эшонбоғнинг этагига, кун ботар томонига етказиб келганларида ҳали кун ботмаган, мислагандек қип-қизарган куёш ҳали тоғ ортига ўтмаган, қизариб ботаётган куёшнинг қип-қизил ранглари эшонбоғдаги дарахтларнинг

япроқларини лов-лов ёндираётган эди. Тегирмончи бобога эргашиб унинг икки набираси — Ражабали билан Ажабали келишган экан. Гоҳ у катакдаги қуённинг олдига бориб, гоҳ бу катакдаги қуённинг ёнига келиб, қўлларини тиқиб хуркиб, бурчакка қисилиб олаётган жониворларни силаб силаб юришган экан. Боғ этагига машинадаги қуёнларни тушуришгач, бу икки ака-ука ёрдамлашишга шошишди.

— Жон ўртоқ, менга ҳам мана шу қуёнларингдан тўртта берасан, — деяпти Ражабали.

— Мен бешта оламан, — деб қўйяпти укаси Ажабали.

қуён тўла яшиқ, симкатакларни бузилиб, хелагина ҳароб бўлиб қолган айвонга киритиб олишгач, кўплаб қуёнлар келганидан хурсанду мамнун бўлиб, ўзини қўярга жой топа олмаётган Эшон ая ҳаммаларини айвонга, ўтиришга таклиф қилди. Дуо кафтини очиб, Анарвойим, Бўривойим бўлиб бағримга қайтиб келган, букик белимни тиклаган, хаста дилимни даволаган мана шу Эгамберди билан Каримберди ўғлимнинг яхши ишларига Оллоҳим ривож берсин, буюк сайидлардан бўлмиш бобокалонларимнинг руҳлари мадад бўлиб турсин, деб дуо қилдилар.

— Назарматвой, — дея тегирмончи чолга мурожаат қилдилар, — Оллоҳнинг марҳаматини қарангки, ҳали айтканимдек тушим, ўнгимга тенг келиб турса-я! Олтмиш йилдан буён ўғилларимни яна бир кўрармиканман деб зорланган эдим. Буни қаранг, манабу иккови ўғилларим кириб келишса-я. Ё товба, ё Оллоҳим, кишининг туши билан ўнги ҳам шунақа тенг келадими. Буларнинг тагида, замирида аллақандай сир бор, илоҳий бир ҳолат бор. Мана энди... сиз ҳам хабар олгани келиб-кетишдан қутуласиз. худо хоҳласа мана шу ўғилларим тиригимдан ҳам ўлигимдан ҳам боҳабар бўлишади.

Эшон аянинг қувончи қалбига сиғмай айтаётган сўзларини паст бўйли, ҳаддан ташқари ориқ бўлганидан ёш боладек кичкина бўлиб кўринадиган тегирмончи бобо калта қирқилган моши-гуруч сақолини чангаллаб, бироз қалтираб эшитиб турди-да:

— Эшон ая, — дея сакраб ўрнидан туриб кетди, — бу боғларни менга ваъда қилаётган эдингиз-ку, сизга ёмон қарадимми, боболаримизнинг қабрларини эҳтиёт қилмадимми?

— Яхши қарадингиз ўғлим, яхши қараганиз учун ҳам мана шу боғлардан қоп қоп ёнғоқлар олиб турдингиз, менга келган ҳайри-садақаларни ҳам сизга жўнатиб турдим. қайта-қайта раҳмат айтаман. Энди мана ўғилларим келди, ҳаммасига шулар қарайди:

— Ая! — деб ер тепинди тегирмончи бобо, — бу болалар қуён боқамиз дейишяптику, қуён боқишса боғ яна расво бўлади-ку.

— ўғлим, бу қуёнлар сиз ўйлагандек оддий қуёнларга ўхшамайди, тоғма тоғ бекорга сарсон бўлиб келишмаган. Бу ўғилларим яхши ниятлар қилишган экан, яхши ниятларига мукофот бўлиб келган бу қуёнлар.

Тегирмончи бобо Эшон аянинг ўлимини бетоқат кутиб, ўлимлари тезроқ бўлса бу боғларга ўзим эгалик қиламан, деётган эди. ҳар куни бўлмаса ҳам, кун аро келиб турадиган хайри садақалар ҳам ўзимга бўлар деб ўйлаётган эди. Шу мақсадда гарчи ёши ёш бўлса ҳам атайлаб соқолини ўстирган, атайлаб белини букиброқ юрар, гоҳо гоҳо қўлига хасса ҳам ушлаб олар эди.

Эшон аяга айтадиган гаплари ҳали кўп эди, айтолмай қолди. Жадал кириб келаётган участкавой милиционерга кўзи тушдию, оғзидаги бўғзида қолди. Участкавой шиддат билан кириб келдию, тўрт хатлаб бориб, ҳали гап нимадалигини тушуниб етмаган Эгамбердининг билагидан маҳкам сиқди, кучи етганича билагини қайира бошлади. Эгамберди чайир бола, болалигидан буён тенкурлари билан олишавериб, курашавериб хела «пишиб» ҳам қолган экан. Участкавойнинг чангалидан бир силтаниш билан чиқиб кетди, участкавой яна ушлади, яна чиқиб кетаверди.

— Сен болани, барибир ушлайман, жазолайман, — деяпти энтиқиб лейтенант.

Эшон ая ичкаридан шошилиб чикдиларда, икки киши олишётганини, олишаётганлардан бири шапкали милитсионер эканлигини кўриб юраклари шув этиб кетди, қўл оёқлари бўшашиб кела бошлади.

— Хой, хой, нима гап ўзи? — деб сўрадилар.

Лейтенант олушувдан тўхтаб мақсадини тушунтира бошлади. Ошириб, тошириб гапирди. Нимани гапираётган бўлса шулар ҳақида Эгамберди билан Каримберди ҳам кечадан буён аяга қайта-қайта

айтиб берган эдилар. Эшон ая ақлли, зийрак аёл. ҳар қалай, ўғилларида ҳам айб борлигини сезиб турибдилар. Беайиб парвардигор. Уларни ҳимоя қилишим керак, ўйладилар.

— ўғлим, Эгамни қўйиб юборинг, яқинимга келинг, — дедилар.

Лейтенант яқинроқ келди.

— ўғлим, қаерда турганингизни биласизми?

— Биламан, Эшон боғда турибман.

— Тўлиқроқ қилиб айтинг, ўғлим.

— Билганим шу.

— Билмасангиз билиб қўйинг сиз пайғамбарларимиз авлодидан бўлмиш Сайид Жалолхон эшон, Сайид Ходихон эшон, Сайид Ўошимхон эшон ҳазратларининг хоки поклари ётган, давлат идораси томонидан қўриқланадиган, мусулмонлар тез-тез зиёрат қилиб турадиган муқаддас даргоҳда турибсиз. Бу даргоҳга рухсатсиз, таҳоратсиз кириш мумкин эмас. Чикинг кўчага, эшигимни тақиллатинг, рухсат берсам кейин кирасиз.

Шундай деб Эшон ая қўлларидаги хассани лейтенантнинг кўкрагига тирадилар. қизиқ, хассанинг сеҳрловчи хислати бор эканми, ёки аянинг сўзлари йигитнинг онгига қаттиқ таъсир қилдими:

— Майли, чиқиб кетаман, — деди лейтенант, — лекин мана бу икки безори эрталаб менинг идорамда бўлиши шарт. Айтинг, борамиз деб сўз беришсин.

Эгамберди, Каримберди, жон ўғилларим борамиз деб сўз беринглар.

— Бораман — деди Эгамкул.

— Худо хоҳласа борамиз, — деб қўшимча қилди Каримкул.

Гапини охиригача айтилмай, чаласи ичида қолган тегирмончи чол билан лейтенант боғ эшигидан биргалашиб чиқишди. Алланарсалар ҳақида норози бир оҳангда қизгин суҳбатлашиб кетаётганларини Эшон ая зимдан кузатиб турдилар, ишқилиб ниятлари бузилмаган бўлсин-да, деб ўйладилар:

— Эй оллоҳим, ўзинг кўрувчисан, ўзинг сақлагучисан.

IX 606

Лейтенент билан тегирмончи чол жўнаб кетгач, Эгамберди билан Каримберди анчагача дилгир бўлиб, бир-бирларига гап қўшгилари келмай, бордию участкавой қайтиб келиб, сенларни қамашим керак, деб қолса, унда нима қиламиз, деб ғам дарёсига чўкиб ўтиришди. Аммо Эгамберди бўлар-бўлмасга ўзини ёқотиб қўядиган йигитчалардан эмасди. Шартта ўрнидан туриб.

— Ражаб, сен ўзи бугун нега келувдинг? — деб сўради.

— қуёнларингни кўргани келувдик, болалар роса мақташяпти-ку.

— Уканг-чи, уканг нега келди?

— Укам ҳам қуёнларингни кўрмоқчи.

— Бу қуёнларни биз ҳозир олиб келдик-ку.

— Олдин олиб келганларингни кеча келиб кўриб кетганмиз, Эшон аям қўлларингни ювиб кейин силанглар деган, тўртта қуённинг болалаган экан. ўша болаларининг урғочисидан бизга ҳам берасан. Опам кўчада велосипед пойгаси ўйнаб юравергунча қуён боқсаларинг ўласанларми деяпти.

Ажаббой ҳам гапга аралашди:

— Акам ёлғон гапираяпти. Ундай демади, телевизор олдида ҳадеб ётаверманглар, деб уришди.

Аввалига бироз тортиниброк турган бу ака-укалар билан Эгамберди билан Каримбердининг суҳбати аста-секин қизий бошлади. Эгам қуёнчилик фермаси, ферма бўлганда ҳам дунёда тенги йўқ ферма тузамиз, Каримберди, дунёда қуёнларнинг юз хил зоти бор экан, шундан камида элликтасини олиб келамиз, мана кўрасан, биз яна манашу ҳафтанинг охиригача қуёнларимизнинг сонини мингтага етказамиз, деди.

— Вой бўй! — деди Ражаббой.

— Ана айтдим-ку, — деди Ажаббой.

— қуёнчилик фермамизга аъзо бўламан деган болалар кўп. Лекин ўша болаларнинг кўпчилиги дангасага ўхшайди, — дея гапини давом эттиряпти Эгамберди.

— Биз, Эгам ака, дангаса эмасмиз, — деяпти Ажабали, — мана билагимизни кўринг, кучимиз ҳам кўп.

— Демак, фермага аъзо бўлмоқчимисизлар?

— Очиғини айтайми.

— Очиғини айт,

— Очиғи биз аъзо бўлмоқчи бўлиб келувдик.

Сухбат узоқ давом этмади. Ферма тузишга қарор қилдилар. Эгамберди айтиб турди, хати чиройлироқ, беҳато ҳам эмасми Каримберди ёзиб турди.

«Оқ куён, оппоқ куёнлар» фермаси

бисмиллоху раҳмону раҳим.

Бош маслаҳатчи: Эшон аямиз бўлдилар

Ферма раиси — Эгамберди қосималиев

Раис ўринбосари — Каримберди Сирожов

ҳашак бригадири — Ражабали Отажонов

Тозалик комиссиясининг раиси — Ажавали Отажонов»

— Ажавали укагинам, сен куёнларнинг тагини тозалайсан тушунарлими?

— Тушунарли, — шошилиб деди Ажавали, — уйимизда ҳам кўйларимнинг тагини мен тозалардим...

ҳаммалари ушбу тақсимотнинг остига, розиман, деб имзо чекишди. Ичкарига тасдиқ учун Эшон аяга олиб кирган эдилар Эшон ая жилмайибгина бироз жим турдилар, ҳаммаларини ёнларига чакириб, пешоналаридан бир-бир ўпдиларда, хўрсиндилар, негадир кўзларида йилтираб ёш томчилари кўринди.

— Аяжон, йиғламанг, — деди Ажавали, — биз ҳеч ҳам дангаса эмасмиз, куёнларимиз тагини яхши тозалаймиз, мен фақат сигирларнинг тагини тозалашни ёмон кўраман, хиди ёмон, кўнглим айнийди, йиғламанг, жон аяжон йиғламанг.

— Бас қил, — деб акаси Ажавалининг биқинига қаттиқ туртиб қўйди. Эгамкул ферма ҳаракатининг биринчи йиғилишини синф раҳбари ҳамидова опай синф мажлисини қандай очса, қандай олиб борган бўлса, қандай савол жавобларга рухсат берган бўлса, худди ўшанга ўхшатиб ўтказмоқчи бўлди.

— Ҳамма жойидами, шовқин солмасдан ўтиришларингизни сўрайман, саволлар тартиб билан берилсин, кўриладиган масала битта, ҳашак тайёрлаш масаласи. Ражавали, сен ҳадеб елкангни қашийверма... қаршилар йўқми? Очиғини айтаман куёнлар оч, сабзи

керак, карам керак, —Эгамкул тўхтамай гапираётган эди Ражавали қўл кўтариб сўзлашдан тоҳтатди.

— Нима гапинг бор.

— Гапинг кўпайиб кетди, шуни айтмоқчи эдим.

— Сенда ҳам гап борми, бўлса гапир.

— қуёнлар сабзи ейди деб яхши гап айтдинг. Мен сабзи бор жойни биламан. Катта фермер қамбарали бобо бор-ку, кузда сабзисини кавлаб ололмай музлаб жойида қолиб кетган, ўшандан терсак бўлади.

— Ўзир қоронғи тушай деб қолди, пайпаствланиб ер остидаги сабзиларни топгунимизча зим-зиё бўлиб қолади.

— Бўлмаса, — олдингисидан ҳам кучлироқ ҳаяжон билан гапира бошлади Ражавали, — Ғани тоғанинг карамидан олиб келамиз. ҳаммасини йиғиб, устига салафан ёпиб ўраб қўйган. Россиядан «Алка» мошинаси келишини кутаяпти. Хўп десанглар, мен паналаб бориб, ариқнинг ичига думалатиб тураман, сизлар ташиб олаверасизлар.

Бу таклиф ҳар нарсадан бир ирим топаверадиган Каримбердига ёкмади, биринчи ишимизни ўғирликдан бошламайлик, жаннатдан чиққан оппоқ-оппоқ қуёнларимизга ҳаром нарса бермайлик, деди. Кетидан ўзи ажойиб бир таклиф ҳам киритди. Пулимиздан бир қисмини елим халтага солиб, ўша карам уйиб қўйилган майдон ёнидаги қари тутнинг қавагига қўййлик. Ундан кейин карамни олайлик. Шунда биз ўғирлик қилмаган бўламиз, пулини олдин тўлаб қўйган бўламиз, деган гапларни айтди.

— Овозга қўяман, — деди раислик қилувчи.

ҳаммалари рози экан, барабар қўл кўтаришди. Ажавали, негадир ўрнидан туриб қўлларини боши барабар кўтариб қарсак чалган ҳам бўлди.

Эшон аянинг уйида қоп деган нарса йўқ экан. Эски ип шолчани кўтариб жўнашди. қизиқ бир ҳолат юз бериб бораяпти. Бир неча дақиқа олдин лейтенантни кўришлари билан қовоқ-тумшиқлари осилиб, руҳлари сўниб, дунё дунёлари қоронғи бўлиб турган янги тузилган ферма аъзолари тўсатдан бошқа бир оламдан келиб қолгандек бўлиб қолдилар. Юзлари чароғон, кўзлари чакнаган,

лабларида табассум ўйнайди, оёқлари чакқон — бамисоли ғайратлари ичига сиғмаётгандек, бир-бирларини ортда қолдириб бораптилар. ҳаммаларидан ёш бўлган Ажавали югуришни яхши кўрар экан, олдинда чопиб борапти.

қоронғи тушгунча уч бора қатнашди. Қуёнлар кун бўй машинадан машинага ўтиб, хела очиқиб ҳам қолган эканлар. Бошларини кўтармай карамларнинг юмшоқ-юмшоқ пўстидан гирт-гирт узиб олиб, узун кулоқли бошларини баланд баланд кўтаришиб, оғизларидаги емишни бир бирларига кўрсатишиб, мақтанишиб ея бошладилар.

— Эгам ака, — деб мурожат қиляпти Ажавали, — эртага келганимда қуёнларнинг эркаги қанақа бўладию, урғочиси қанақа бўлади менга кўрсатиб қўясиз, хўпми.

— Хўп, фақат барвақтроқ келгин, қуёнчалар сени соғиниб қолишса йиғлаб ўтиришмасин.

Ака-уалар қоронғи қуюқлашиб қолди, мана эл ётар пайти ҳам бўлди, тагин опамиз уришиб эртага бу ёққа жўнатмай қўймасин дейишиб жўнаб кетдилар, худди бир кунда уч фандан беш олган ўқувчидек хурсанд ҳолатда жўнаб кетдилар.

Бир нафасли хурсандчилик Эгамбердини ҳам Каримбердини ҳам тарк этди. Эрталаб борсак лейтенант қамаб қўйиши ҳам мумкин, деб ўйлашяпти. ўйлаганлари сари бутун дунёларини ғам, ташвиш, хавфсираш босиб келаётгандек бўлаяпти. Узоқ ўйлашди, ҳар хил тадбирларни кўз олдиларга келтириб ҳам кўришди. Кейин Эгамқул, тўсатдан, сакраб ўрнидан туриб кетди:

— Мен қишлоққа бориб келаман, — деди кўзлари чакнаб.

— Ярим кечада-я?

— Тур, катта катакка ўнта қуён жойла.

Раиснинг буйруғини бажариш керак, бажаришни ўрганиши ҳам керак, бунинг устига Эгамбердининг феъли сал ғалатирок, бутун дунё қарши турганда ҳам, айтган гапидан қайтмайдиган одати бор. Катта сеткага ўнта қуён солдилар. Фотиҳа олиш учун Эгам Эшон аянинг хузурларига кирди. Мақсадини айткан бўлди. Эшон ая, ҳеч бўлмаса, ўртоғинг бирга борсин, дедилар.

— Йўқ! — деб Эгамберди велосипедига миниб қоронғулик қаърига сингиб кетди.

— Эшон ая, хафа бўлманг, — деб ўртоғининг ёнини ола бошлади Каримберди, — ўзи ўғлингиз яхши бола, лекин жуда жуда қайсар, айтганидан қолмайди.

— Бир сўзли экан-да, — дедилар Эшон ая, — тавба қилдим, Анарвойим ҳам худди ўртоғинга ўхшаб бир сўзли эди, айтганини қилдирмасдан қўймасди, кетаётганида қаршисидан баланд қоя чиқиб қолса, айланиб ўтса бўларди-ку, йўқ, шуни бузиб ўтаман деб туриб оларди... қара-я, менга Анарвойимнинг феъл-атвори билан қайтариб берибди-я. Шукур, минг бора шукур. Кел, ёнимда ётақол, сени бағримга бир босай. Бўривойим ҳам худди сенга ўхшаб оғир, босик, камгап, юмшоқ табиятли, беозоргина йигитча бўлаётубди... Вой худойим, вужудингдан чиқаётган ҳарорат ҳам худди Бўривойимнинг ҳароратига ўхшайди-я. Сен Бўривойимсан, билиб қўй.

Эшон ая билан Каримберди бир бирларининг бағрида бекиёс меҳр ҳароратидан эриб, силашиб, сийпалашиб гоҳо йиғлашиб олаётганлари палласида Эгамберди аллақачон куёнларни деб муштлашган тенқури Ғуломнинг кўча эшигига етиб борган эди. Қўйлаги ёқасини очиб икки куённи қўйнига солди-да, ўғри мушукдай сапчиб девордан ошиб, қўрқувдан юраклари гуп-гуп уриб турган куёнларни ҳовлига қўйиб юборди. Кетидан яна иккисини олиб ўтди. Шокир чақимчининг ховлисига қараб югурди. куёнларнинг кичкина-кичкина юракчалари тез урармиди ёки Эгамбердининг юраги қинидан чиқиб кетгудай бўлиб тез ураётганмиди, билиб бўлмасди. Шокирникидан кейин Унверсал бобоникига, кетидан лейтенантнинг ғиштдан урилган баланд деворли ховлисига қараб югурди. ҳар бирига иккитадан куён ташлади. Ташлагани учун эмас, шу ҳаракатини осмондаги юлдузлардан бошқа ҳеч ким кўрмаганидан хурсанд эди.

Х 606

Хонкелди қишлоғида янгилик сифатида пайдо бўлган қўл телефонлари кам, иши ўнгидан келган беш ўн фермерда бор холос. «Қулоқ» телефонлари эса уч юз оиланинг ҳаммасида бор. Бу

телефонлар симсиз, батареясиз шундай тез ишлайдиларки кўз юмиб очгунча ҳар қандай хабар бутун қишлоқни айланиб қўя қолади. Ғулом семизникида Шокир чақимчиликда, Универсал бобоникида, эй боринги, участкавойнинг пишиқ ғишдан баланд кўтарилган ҳовлисида, ҳовлиларнинг бурчак-бурчагида қўрқиб писиб, кўнишиб кўнишиб турган оппоқ-оппоқ куёнларнинг пайдо бўлиши кўрганларнинг ҳаммасида ваҳима уйғотди.

— Вой ўлай, вой ўлмасам, — деб юборди Шокир чақимчининг онаси, — вой дадаси, бу ёққа чиқинг, мана бу маҳлукларни кўринг.

Бутун оила аъзолари оёққа турди. Бу маҳлукларни Шокир олиб келгани йўқ. Дадаси олиб келгани йўқ, эридан ажралиб келган опаси олиб келгани йўқ... вой худойим, уларни ким олиб келди экан. Кўча эшик берк, девор жуда баланд... ё улар осмодан тушдимикан. Бу йилни тўнғиз йили дейишаётган эди.

— Опажон, булар куён-ку, — деди уйдан ҳовлиқиб чиққан қизалоқ.

— Бекор айтибсан, қизим, куён ҳеч қачон оқ бўлмайди.

— Бўлмаса булар шунақа эчкидир?

— Бекор айтибсан, деяпман, эчкида соқол бўладию узун кулоқ бўлмайди эчкилар анча йирик-ку!

— ҳой қўшни, ҳой Инаётхоним, — деб кўчага югурди хонадоннинг ваҳима ичида қолган онахони.

Худди шу пайтда Ғулом ғуппанинг ойласида ҳам, Универсал бобою, қаттиққўл участкавойнинг қизларигача ҳамма-ҳаммалари ғалати-ғалати гапларни айтишаётган эди. Ваҳимачи чоллар ҳам ўз фикрларини баён қилишдан тўхташмаяпти.

— Э Шодивой, эсингдами, — деяпти бир чол бобо, авволги йили бегона кишилар ғишзаводи қурамиз деб, пул йиғиб қочкан эди, манашу куёнлар ҳам ўшаларнинг қилиғи, бунинг тагида бир гап бор.

— Йўқ, ўртоқ, сен билмас экансан, бу айқоқчиларнинг иши, секин-секин ана шу йўл билан қишлоқни босиб олишади булар.

— Бўлмаган гапни бас қилинглар! — деяпти учинчи бир чол бобо, — Карим қори тўнғиз йилида, агар Оллоҳ марҳамат қилса, осмондан тўнғиз эмас эчки ёғилиши ҳам мумкин, деган эдилар, бугун куён ёғилибди, кўрасиз, эртага эчки ҳам ёғилади.

қишлоқчилик эканда, ана шундай пойма-пой, телба-тескари, ваҳимали гаплар устига қамбарали фермернинг хирмонга уюб, устини ёпиб қўйган карамларини тоғ томондан тушган шайтонгами, алвастигами ўхшаш маҳлуқлар ташиб кетаётган эмиш, қоровул ўз кўзи билан кўрган эмиш, олдига борай деса қўрқанмиш, деган гаплар ҳам қўшилаверди.

Ваҳимали гаплар бир кучайиб бир пасайиб бораётган бир пайтда Эгамберди билан Каримберди қутқариб олиб келган велосипедларини миниб участкавойнинг идорасини мўлжалга олиб бораётган эдилар. Эгамберди ўзида йўқ шод, мамнун. Ғулом билан икковимиз ўртамиздаги жанжал қуёндан чиқувди, мана тўртта қуённи олиб бориб ташладим, Шокирга ҳам бердим, энди давомиздан кечдик, дейишса бўлди. Худо хоҳласа, кечишади ҳам, бора-бора чин ўртоқ ҳам бўлиб кетамиз, дея ширин ширин хаёллар суриб бораёпти. Каримберди бўлса ўртоғининг иши ўнгидан келишини Оллоҳдан сўраб дуолар ўкиб бораёпти, тўхтамай ўқияпти.

Лейтенант кўримсизгина хонасида ўтириб бу икковини бетокат кутаётганди. ҳар галгидек ковоқлари солинган. Тунда хонадонларда пайдо бўлган сирли қуёнларни, албатта, Эгам ташлаган, оқ қуёнлар бу қишлоқда ҳеч қачон бўлган эмас... оббо шайтон-эй, ёввойи мушукдан ҳам баттар экансан-ку деб ўйлаяпти, тепиниб тепиниб ҳам қўяпти. Бу гал Эгамни қаттиқ жазоламоқчи. қўлига кишан уриб, оёғини ерга теккисмай туман милитсиясининг вояга етмаган болалар билан ишлаш бўлимига топширмоқчи.

— Келдиларингми? — деб лейтенант йигитчаларни негадир одатдагидан кўра илиқроқ, самимйроқ кутиб олди.

— Келдик, — дейишди икки ўртоқ.

— Карим Сирожов сен нега келдинг?

— Кеча икковинг ҳам борасан девдингиз-ку.

— Кимга гувоҳлик бермоқчисан?

— ўртоғим Эгамга гувоҳли бераман. ўша куни айб Ғуломдан ўтган... кейин акаси Исроил ҳам олдин Эгамга мушт урган.

— Хўп, бор энди, ташқарига чиқиб тур, керак бўлсанг яна чақираман. Биламан, сен росгўй боласан. Бор энди чиқиб тур. Кейин чақираман деяпман-ку.

Каримберди кетатуриб ўртоғининг кўзига қаттиқроқ тикилди. Унинг қоп қора кўзларида мунг, ғусса лимо-лим тўла эди. Ачиниб кетди. Бироздан сўнг нимнидир ўйлаб ўтирган лейтенант кўлига қоғоз қалам олиб Эгамни сўроққа тута бошлади.

— Исминг?

— Биласиз-ку.

— Фамилиянг?

— Буни ҳам биласиз-ку.

Лейтенант ручкани ташлаб бошини кескин кўтарди. Энди унинг кўзларига қараб бўлмайди, даҳшат бор.

— Гапир, ўша куни нега қочдинг?

— ўзингиз маст бўлиб қолиб эшикни кулфлай олмай очиқ ташлаб кетган экансиз.

— Нима?!

— Кейин Обиджон амакининг тўйига бориб яна ичибсиз. Ичаверибсиз, ичаверибсиз, кейин ўйинга тушибсиз.

— Нима, нима?

— Биз ўша кечаси масжидда ётдик.

— Масжидда, ким билан ётдинг?

— ўртоғим билан.

— ўртоғинг ҳам ўзингга ўхшаган безори бўлса керак?

— ўртоғим яхши бола, ундай деманг.

— Нима, нима?

Лейтенант жадал келиб ўнг кўлининг мушти билан Эгамнинг иягидан кўтарди:

— Кечаси бировларнинг уйига бостириб кириш жиноят эканлигини билармидинг?

— Бостириб кирганим йўқ, девордан ошиб тушганман.

— Беш йилга қамалиб кетишингни билармидинг деяпман?

— Йўқ, билмасдим.

— Мана энди билиб оласан, билдириб қўйишади сенга, сендақа безориларни жазосини бериб қўядиган жойлар бор.

— Мен безори эмасман, фермерман, буюк ферма яратаман, бутун дунё одамларини қуён гўштига тўйғизаман.

— Фермер эмишлар... Қуён гўштига тўйғизар эмишлар...

Лейтенантнинг жаҳли тобора аланга олиб кўтарилиб борапти. Шу муштимдеккина йигитчани таслим қилдира олмаганига алами ҳам ошиб борапти. Ёнидан қўл телефонини олиб аллакимга қўнғироқ қилди. Ўғилларингиз, иккови ҳам зудлик билан етиб келишсин, деб айтди. Ҳиёл ўтмай узун-қисқа бўлишиб ака-ука Исроил билан ўуломлар кириб келишди. Исроилнинг қўлида деҳқонлар картошка соладиган турли қопда қуёнлар бор, бир-бирига мингашиб турибди. Исроил қопни Эгамбердининг олдига ташлаб.

— Бизникига кечаси нега бостириб кирдинг? — деб дўқ ургандек бўлди.

— Исроил ака, мен укангиз ўулом билан ярашайлик деб қуён олиб бордим.

— Биз сен ўғри билан ҳеч қачон ярашмаймиз, буни билмасмидингми?

— Жон Исроил ака, мен ўғри эмасман. ўшанда укангиз ўуломга олтига қуёнини олтига қалин дафтарга алмаштирганман. Кейин кечаси қуёнларинг турган яшиқни оч тулкилар таталаб очган, еганини еган, қолганлари қочиб кетган.

— Йўқ укам, сен қуёнларни ўғирлаб сотгансан... Фермер даданг ҳам ўғри, ерларини бизнинг сувдан ўғиллаб суғоради, хирмондаги ўғитларимиздан ўғиллаб экинига солади, яшнатади.

Эгамберди учрашув бунақанги тескари томонга бурилиб кетишини ўйламаганди. Довдираб қолди. Худди ажина чалиб кетгандек лаблари буришди, сўзлай ҳам олмаяпти.

— Ландавур, дангаса дадангни ўгай онанг эшак қилиб миниб олган. Ишонмасанг маҳалладаги хотинлардан сўра.

Эгамберди бир нарса демоқчи, дея олмаяпти. Фақат қалтироғи кучайиб борапти ҳалос.

— Боғчада мудира бўлиб ишлаган онанг ҳам қотил. Қўлида ишлайдиган тарбиячиларни ўйнатиб келаман, деб Шоҳимардон сайлига зўрлаб олиб борган. Билдингми, ҳаммаси тошқинда тошлар остида қолиб ўлган... ишонмасанг маҳалладаги хотинлардан сўра. Нега бўлмаса онангнинг ўзи тирик қолди, нега сен тирик қолдинг, онанг қотил билдингми, отанг ўғри, сенинг ўзинг ҳам ўғрисан.

XI боб

— Тухмат қилма! — бақириб юборди Эгамберди. Бакириши оносиди аллақандай ёввойи куч тасирида турган жойида худди пўлат пуржинадек сакраб кетди. Сакраб бориб ўулом Қуппанинг кўкрагига шундай бир куч билан тепдики, орқаси билан тисарилиб боши деворга урилди.

Муштлашув бошланиб кетди.

Ташқаридан, қўлини мушт қилиб Каримберди югуриб кирди.

Энди тўрт киши муштлашапти.

Ўайрият лейтенант ёшларнинг бунақа мушлашувини кўп кўрган экан икки томонни бир нафасни ичида тинчитиб қўя қолди. Олдин ака-укаларни, кетидан ўртоқимни химоя қиламан деб кирган Каримбердини итариб-итариб ташқарига чиқариб юборди. Хонкелдилилар учун муштлашиш ота мерос дейишади. Қадим-қадим замонларда, хонлар султонлар келиб кетиб юрган замонларда, тоқ этагидаги мана шу хилватгина қишлоқда бўкс ўрнига даҳшатли муштлашув мусобақалари бўлар экан. Урган ҳам, калтак еган ҳам катта- катта совринлар олар экан. Бу гал ҳар икки томон ҳам ҳеч қандай мукофот олмадию, аммо лейтенантнинг Қазаб отига минишига сабаб бўлди. Қалтироқ қўллари билан нимнидир ёзаяпти, ёзаяпти, кўнгли тўлмаяпти шекилли, йиртиб йиртиб ташлаяпти.

— Йўқ, барибир, сен жазоланишинг керак, тавбангга таянишинг керак, — деб ручкани отиб столни бир муштлади-да, ташқарига чиқиб кетди. Ўшикни устидан шиқирлатиб қулфлагани эшитилди. Қаёққадир йўқ бўлди шекилли Каримберди дераза ойнасига яқин келиб, паст овоз билан почтахонага кириб кетди, деб ахборот берган бўлди. Эгамберди ҳали жончиқарга муштлашаётганида қўл-оёқ қалтирамаган эди. Энди бутун борлиқини қалтироқ босиб кела бошлади, кўркувдан келди шекилли. Туман милитсиясига кўнқироқ қилаётган бўлсая, қўлимга кишин уриб олиб кетишсая, дея ўлади, кўркув ана шундан келди шекилли.

Қочиш керак!

Қандай қилиб қочса бўлар экан.

Ташқаридан эгаси ташлаб кетган хароба нонвойхона кўринаяпти, дераза ошиқ-мошиқли, чиқарса бўлади, шундай кўтарса иш битади. Худога шукр Эгамнинг қалтироқи босилиб вужудига куч қуйилиб келаётгандек бўлди. Бурчакда елим сеткада бир-бирини босиб ўлай-ўлай деб турган қуёнларини олдида ташландиқ нонвойхонага ўзини отди.

— Яйпонга! — деб бақирди велосипедига минатуриб.

— Район марказигами? — ўртоқидан ҳам ҳамма эштадиган даражада қаттиқ овоз билан сўради Каримберди.

Бунақа пайтларда Эгам ақли тез ишлайди. Лейтенантни чалқитиш учун

«Яйпонга!» — деб қичқирди. ўртоқи ҳам уни тезгина тушуна қолди. Униқидан баландроқ қилиб бекорга қичқирмади, кинолардаги қочди қувди ҳолатларни кўп кўришган булар. Ким чалқитса ўша Қолиб бўлади, буни яхши билишади.

— Боладик-а, — деяпти Эгамберди.

— Лекин, ақллисан-да ўртоқ. Энди бизни ахтариб лейтенант Яйпонга жўнайди.

— Карим, сен ҳам яхшигина муштлашар экансан, бу гал сенга жуда қойил қолдим.

— Сенга ачиниб кетдим-да, Эгам.

Гаплаша-гаплаша Яйпон йўлидан бурилиб, Хўжа қишлоққа чиқиб олдилар. Бу сўлим қишлоқни ҳам ортда қолдириб, ўт-ўланлар майса бўлиб қолган даштга қараб бурилдилар. Мўлжал уйларига бориш. Жанжалларга сабаб бўлган мана шу икки велосипедни ота-оналарига топшириш. Кейин далага бориб Қамбарали фермер даласидаги қари тут ковагига беркитиб қўйилган пулларни олиб, мана бу карамингизни пули, яна кўпроқ олмоқчимиз, кўпроқ олсак пулни ҳам кўпроқ бермоқчимиз, деган гапларни айтиш. Кейин Эшон боқга бориб аяжонимиз, мана биз эсон-омон қайтдик, хотиржам бўлинг дейиш, ана шунга ўхшаш «кейин-кейинлардан» яна олтитасини санашди.

Эгамбердининг кўча эшиги қулф экан. Нонуштани бирга қилармиз деб Каримбердининг уйига қараб бурилишди.

Ё Оллоҳ!

Ё Парвардигор!

Участкавой милитсионер шу ерда экан. Сирож бригадир билан қаттиқ қаттиқ гаплашяпти. Уришиб қолишганга ўхшайди. Икки ўртоқ секингина орқаларига бурилдилар.

— Орқанга қайт! — дахшатли овози эштилди Сирож бригадирнинг, — ошхонага кир, сен билан гаплашадиган гапнинг вақти келди.

Йигитчалар чор ночор орқаларига қайтдилар. Ошхонага кирдилар. Сирож бригадир Қазабдан тушгани йўқ, жеркиб жеркиб гапиряпти.

— Лейтенант, сен ҳамма нарсани биламан дейсану, ҳеч нарсани билмас экансан. Эссизгина, сенларга ўхшаганларга ҳукуматнинг нони, оши, эссизгина. Анави куни келганингда мен ҳамма гапни очик айтганман-ку. Яна айтаман, тарбияда қаттиққўл бўлиш керак. Қаттиққўл бўлганим учун ҳам ўқилларим одам бўлишди. Мана, командирдан келган хатни ўқигин. «ўртоқ Сирож Сайидов, икки ўқилингиз менинг баталионимда хизмат қиляпти. Зўр тарбия берган экансиз, турникка яхши осилишади, югурганда, ҳаммадан ўзиб кетишади, овқат ичган идишларини тозалаб ювиб қўйишади, туфлилари ҳамиша мойланган бўлади, офарин сиздек отага, офарин бундай болаларни тарбиялаган онага». Командир шундай сўзлар ёзибди. Ана шу ўқилларни мен тарбиялаганман. Агар онасига бериб қўйсам дангаса, ишёқмас, йиқлоқи бўлиб ўсишарди. Лейтенант бугун болларни сенга бермайман. ўзим тарбиялайман. Санлаб гапирганим учун хафа бўлма, ўқлим тенги экансан. Боравер, қандай тарбиялаганимни келиб кўрасан.

— Қани кўрсак кўрармиз, — деди лейтенант.

Сирож бригадир ошхона эшигини очиб, ўқилининг билагидан маҳкам сикқанча айвондаги устун томон етаклади.

— Мана шу жимжимадор безаклари қоп қорайиб, мой босиб кетган устун раҳматли бобомни тарбиялаган, раҳматли отамни тарбиялаган, мана энди ўқилларимни ҳам тарбияляпти, очиқини айтсам, мана шу устунга боқлаб мени ҳам тарбиялашган. Қани айтчи, менинг ўқлимда қандай айб бор, очиқини айт.

— Идорамнинг эшигини бузиб қочишган, — ҳеч иккиланмай деди лейтенант.

— Яна?

— Яна, мактабдаги муштлашувга сабабчи бўлган.

— Яна?

— Ярмаркада қуён ўқирламоқчи бўлишган.

— Суруштириб поёнига етдингми?

— Терговни бошлайман деб турибман.

— Тергов перговингни йиқиштир... нега бир суткага қамамоқчи эдинг?

— Айтдим-ку, терговни бугун бошламоқчиман деб.

— Бу болаларнинг ҳар бирини уч суткадан жазоласам кўнглинг тўладими?

— Билмадим.

Сирож бригадир Каримбердини туртиб-итариб, куллар замонидан қолган усул устунга қадаб, тикка турқизди-да, жун аралаш тўқилган ипак арқонни товонидан бошлаб танасига ўраб чиқа бошлади. Ичкаридан оппоқ кийинган, оппоқ рўмол билан бошини ўраб олган Отинбиби ая йиқлаб чикди. Додлаб эрининг кўлига ёпишди. Хой эркак, нимжонгина, мусичадек беозор ўқлимни нега бўлар-бўлмасга қийнайверасиз. Бечора акалари-ку ҳадеб боқлайверганиздан аскарликка кетиб жон сақлашпти, қўйиб юборинг боламни, деб баттарроқ йиқлаган бўлди.

— Нари тур, бўлмаса ўзингни ҳам қўшиб боқлайман, — деб ўшқирди Сирож бригадир.

ўзаб отига миниб олган Сирож бригадир ўқлини боқлаб бўлгач, ошхонадан Эгамбердини етаклаб чикди. Эгамқул кўринишидан унча Қамга ботмаганга ўхшайди. Масхараомус жилмайиброқ турибди. Банди бўлган ўртоқига қараб, мендан кўркма, истасам бир силтаниб отангнинг қўлидан чиқиб кетаман, истасам бир сакраб девордан ҳам ошиб кетаман, фақат сени ташлаб кетгим келмаяпти, дегандек бир маънода кўзларини кетмакет қисиб қўйди.

— Бу боланинг айби нима, — деб сўради Сирож бригадир.

— Бу бола безориларга бош, безорибоши шу!

— Ёшликда ҳаммамиз ҳам безори бўлганмиз, айб нима деяпман?

- Мен буни олиб кетаман, қўлга тушуrolмай юрувдим.
- Сабабини айт-чи, нега олиб кетасан?
- Хукумат идорасининг эшигини бузган, деразасини синдирган.
- Хўп, бузса бузгандир, неча суткага қамамоқчисан?
- Туманга олиб бориб топшираман.
- Уч кунга боқласам етарлими?
- Барибир, баённома тузамиз.

— Қўй ўша ёзув-чизуларингни. Менинг гапимга ҳам кулок солишинг керак, бу атрофда мендан обрўли фермер йўқ. Гектаридан етмиш сентнердан буқдой бераяпман, эшитаяпсамми, етмиш сентнердан деяпман. Туман ҳокими шахсан ўзи келиб, қучоқлаб ердан даст кўтариб, табриклаган эди. Қўй ўша бурга босган, каламушлар ўйнаб юрган қамоқхонангни.

Лейтенантнинг жаҳли босилмади шекилли. Кириб келганда қандай вазоҳати бўлса ана шундай вазоҳат билан чиқиб кета бошлади. Аммо Сирож бригадир сўзидан қайтмади. Бошқа бир устунга жун аралаш тўкилган ипак арқон билан чамбарчас боқлаб, ичкарида йиқлаб турган хотинига:

— Мана бу етимчага ҳам тез-тез қараб, тур оқзига сутли атала қуйсанг яхши бўларди. Ўаммасини билдим, хотин, бу болалар Қўзиев раснинг ўқиллари билан муштлашибди. Аслида, ўша ака-ука безориларни қамаш керак эди, уларнинг дастидан фермерлар на қовун-тарвуз эка олади, на ҳандалакми, бодирингми эка олишади, палагини юлиб кетишадия тарбиясизлар. Эсонқул чолнинг гилосига ранг кириши билан райснинг катта ўқли устига чиқиб олиб, тўйиб егани камлик қилиб, шохини ҳам синдириб кетибди-я. Лекин... ўқилларим, мен сизларни қамоқдан олиб қолдим, ўша каламушлар чичилашиб ётган хонадан мана шу ерда дарахтдаги кушларнинг сайрашини эшитиб ётканларинг яхши. Лекин жазо керак, бўлмаса одам бўлмайсизлар.

ХII бoб

Сирож бригадир бир кунлик егуликни Карим ўқли «қутқариб» келган велосипедига ортиб минса бўладими йўқми, дея у ёқ-бу ёқини

текшириб кўриб, дилгир ҳолатда даласига жўнаб кетди. Ўвли жимжит бўлиб қолди. Узоқ йиллар дард тортаверганидан озиб, чақалоқдеккина бўлиб қолган Отин ая уйга киради, ҳовлига чиқади, ўқилларига гап кўша олмайди. Эрининг оёқига ўзини ташлаб уларни қутқариб олаолмаганига ўзини айиблайди, қайта-қайта айблайди. Лекин, барибир, қутқара олмасди. Сирож бригадир сўзидан қайтадиган эркаклардан эмас, буни ая яхши билади.

Пиёлада широва қаймоқ олиб чиқиб олдин Эгамбердининг оқзига тутди.

— Хўплаб-хўплаб ичгин, жон болам, — деди гуноҳкор бир оҳангда.

Эгам бош чайқади:

— Керак эмас!

Отин ая энди ёлвориш оҳангида гапира бошлади.

— Йўқ демагин, жон ўқлим. Хўплаб-хўплаб олгин. Чой берай десам кейин захринг танг бўлиб қийналасан. Қаймоқ яхши, ҳам овқат бўлади, ҳам баданинга намлик беради.

Эгам икки хўплаб бир пиёла широва қаймоқни ичиб кўя қолди. Отин ая гулли рўмолининг учи билан йигитчанинг лабларини артар экан, тўсатдан, унинг кўксига бошини қўйиб, бироз ҳиқиллаб турди-да, росмана йиқлаб юборди.

— Хафа бўлманг, ая, — деяпти Эгамберди.

— Собирахон ўртоқим тирик бўлганида сени шу куйларга солиб қараб ўтирармиди. Қамайман деганларнинг додини бериб кўярди. Улар шошмай турсин, Оллоҳ жазосини беради.

Отин ая хўрсина-хўрсина жим бўлди. Собирахон билан тўйлари бир кунда бўлган эди. Такдирни қарангки, Эгам билан Карим ҳам бир кунда дунёга келишди. Ая сариқ касалга чалиниб қолгач, Собирахон иккови чақалоқни ўзи эмизиб катта қилди. Отин ая эҳтимол, шуларни ўйлаб, кўнгли бузилгандир. Собирахон Шохимардондаги сув тошқинида қолиб, майиб-мажруҳ бўлиб келганда, икки йилча ётиб қолганди. Отин ая кириб таг-жойларини янгилаб турар, овқатлантирар, дардманд кўнглига ором берувчи, юпатувчи исломий китоблардан ўқиб берарди.

— ўртоқжон, — дерди гоҳо дардман аёл, — чакалоқларни эмизиб катта қилишни менга, улҚайишиб, йигит бўлганларида уларни уйлантиришни сизга насиб қилганга ўхшайди.

— Вой худойим, ундай деманг, — деб кўнглини кўтаради Отин ая, — худо хоҳласа, тўйларини ҳам бирга бирга ўтказамиз, набираларимизни ҳам биргалашиб катта қиламиз.

— Борди-ю қазо куним келиб оламдан ўтсам, ёлҚизгинамни яккалатиб қўйманг.

— Собирахон, дугонажон, худо хоҳласа узоқ яшаймиз, ўҚилларимизнинг тўйини бир кунда ўтказамиз. Қайнабуви бўлиб уйларнинг тўҚрисиди савлат тўкиб ўтирамиз. Сизнинг тўйингизда, эсингиздами, мен, менинг никоҳимда сиз ёр-ёр айтган эдингиз, ёр-ёр айтиб йигитларнинг кўксига ўт ёққандик.

Отин ая, эҳтимол, ана шу сўнги учрашувларини эслаб кетгандир, эҳтимол шафқатсиз эри олдида ўзининг ожиз, нотовонлигини эслаб йиҚлаётгандир. ЙиҚлай йилай ўзининг ўҚлига ҳам талайгина широва қаймоқ ичирди.

ўнг кўлида қизалоҚи, чап кўлида далада ишлаётган эрига бир кунга етадиган овқатни тугиб, баҚрига босиб олган Шакархон ая ҳалиги участкавойнинг қадам ташлашига ўхшатиб, ерни тап-туп босиб, шиддат билан кириб келди. Ўеч ким билан сўрашмади ҳам, кўлидагиларни ерга қўймади ҳам, Эгамга яқинлашиб:

— Худога шукр тазирингни ебсан, — деди овозини тишларининг орасидан чиқариб.

— Худога шукр, тазимни еяпман, — деб қўйди Эгамберди.

— Ўайрият сениям жиловлайдиганлар бор экан бу дунёда.

— Худога шукр, бор экан.

— Яхшилиқни билмай, онасига тухмат қилганларнинг жазоси мана шунақа бўлади.

— Дугонасига дори бериб ўлдириб, эрига тегиб олганларнинг жазоси бундан ҳам баттар бўлади.

— Бас! — дея қичқиргандек бўлди Шакархон ая, — сенинг тухматингдан қачон кутиламан. Ундан кўра қамалиб кетганинг, қамоқхонада чириб кетганинг яхши эди-я.

Шакархон ая қандай шиддат билан кирган бўлса ана шундай шиддат билан, тап-туп қадам босиб чиқиб кета бошлади, кўча эшик олдида тўхтаб:

— Отанг ҳам сендан баттар, унга на уй, на хотин керак. Далаларда эгатларни хотин қилиб кучоқлаб ётаверади, илоё қўшмазор бўлинглар, — дедию, Эгамбердининг велосипеди, деворда суялиб турган эди, ўшанга қизалоқини ўтқазиб, орқасига тугунчани боқлаб кўчага чиқди. Кўчадан унинг яна «қўшмазор бўлгурлар» деган овози эштилди.

Эгамберди тарифини айта олмайдиган Қалати бир ҳолатни хис қила бошлади. Қалбининг бир томони бола кўтариб далага кетаётган ўгай онасига ачиняпти, қалбининг бошқа томонида унга бўлган аламли Қазаби уйқониб келаяпти:

— Отин ая, мени ечинг, бўлмаса додлайман.

— Эй ўқлим, ўқилгинам ихтиёр менда бўлганда эди, — армон билан деяпти Отин ая, — сизларни шу аҳволда томоша қилиб ўтирармидим. Чида ўқлим, мана ўртоқинг ҳам чидаяпти-ку.

— ўртоқим бу дунёга биз чидаш учун келганмиз, деб юради.

Гапга Каримберди аралашди. Ўудога шукур қилайлик, мана, камокдан кутилиб қолдик агар дадам қутқармаганда зах, қоронқи камокхонада ётардик, биқинимизга туртиб туртиб сўроқ қилишарди, деган гапларни айтиб яна қўшимча қилди:

— ўртоқ, мен сенга дуолар ўргатгандим, ўшаларни ичингда такрорлагин.

— ўша ўргатганларингни ўқияпман, менга фойдаси тегмаяпти.

— ўки, яна ўқи ўртоқ. Яхши нарсаларни ўйласанг дилинг яйрайди, азобни унитасан... сенга бир нарса айтайми?

— Нимани айтмоқчисан яна?

— Менинг дадамга трактир олиб бермоқчи бўлганимизни ўйла, марҳум аяжонимизга оқ мармардан ёдгорлик қўймоқчи бўлганимизни ўйла... ана шуларни ўйласанг дилинг ёришади, азобни унитасан, китобларда ана шундай деб ёзишган.

Икки ўсмирни бир вақтда бойлангани кўча-куйда ўйнаб юрган болалар, мактабдан қайтаётган томошаталаб қизалоқларни қизиқтириб қолди шекилли, бир-бирларини итаришиб, олдин мен юр,

кейин сен юр дейишиб, ёпирилиб кира бошладилар. Ўовли кўз юмиб очгунча қий-чувга тўлиб кетгандек бўлди. Қизиқишда, ҳайратланишда бири бошқасидан қолишмасди. Бири Эгамбердининг ёнига, бошқаси Каримбердининг ёнига келиб ачингандек бўлиб тикилиб ҳам қолишарди. Отин ая уларни ҳайдаб кўчага чиқармоқчи бўлар, улар бўлса қикирлашиб, яна орқаларига қайтишар эди. Эгамберди сўнги кунларда ўзини беҳисоб аскари бор генералдек, пулининг ҳисоби йўқ катта банкирдек, ҳамма ходими эгилиб, қўлини кўксига қўйиб, салом бериб турадиган раҳбардек ҳис қилиб, дадил-дадил қадам ташлаб, керак бўлса қаттиқ-қаттиқ гапириб юрганди. Ўозир, тўсатдан, ожиз бўлиб қолганини ҳис қилди. Тўпланганларга қарашдан уялиб, ўз-ўзидан терлаб ҳам кета бошлади. Бошини эгиб олди... бордию ҳозир Фотима келиб қолса нима бўлади, бу қайсарқиз олдида ўзини ҳеч енгилмайдиган паҳлавондек ҳис қилиб, қаддини баланд кўтариб, тенқурларига сўзини бермай юрганди.

— Ечаман, ечиб қочаман, — дея бақириб бошини силкита бошлади. Шундай қаттиқ бақирдики ховлидаги дарахтларга қўнган кушлар гур этиб учиб кетди. Бақирёқ овозидан чўчиб, орқага тисарилиб бораётган томошатаалабларнинг ўртасини ёриб худди ердан чиққандай, ховлиқишда, бирнинг ёнига ўнгни қўшиб ваҳимали гапларни кўпроқ айтишда бутун тенқурларини, мактабдагиларнинг ҳаммасини бир чўқишда қочирадиган Ражавали пайдо бўлиб қолди.

— Ўеч қайсинг ўрнингдан қимирлама! — ваҳшат билан деди, — ёш фермерни ким мана шундай боқлаганини айтиб берасанлар. Рафиқ сен биласанми, ким боқлади буларни?

— Билмайман, — деб Рафиқ қочиб чиқиб кета бошлади.

— Олим, сен-чи?

— ўлай агар кўрганим йўқ.

— Жалил, уйлариңда ўткир пичоқ борми?

— Нима эди?

— Бўлса тез олиб чиқ. Ёш фермерни озод қилишда иштирок этганиң учун сен ҳам мукофот оласан, газеталарга ёзишади.

Жалил кўз юмиб очгунча уйларига кириб ҳам ўткир пичоқ, ҳам каттагина даскалла олиб чиқди. Каримберди мениң арқонимни кесманглар. Агар кетиб қолсам, дадам барибир мениң ўрнимга

онамни боҚлайди, деди. Эгам бу фикрга қўшилди, рози бўлди. Бориб ўртоқини кучоқлади, хангуманг бўлиб турган Отин аяга таъзим қилди. Ражаббой ҳовлиқиб ҳали Эгамберди кутқариб келган қуёнларни, кимда ким икки баҳо олмаган бўлса, қўлини кўтарсин дея одатига кўра қизиқ-қизиқ гаплар айтиб, очқаганидан, қўрканидан дир-дир қалтираб турган жонзотларни тарқата бошлади. Мен, мана шу ҳозиргина озод бўлган раиснинг номидан айтаманки, мен ҳам фермада катта лавозимдаман, кимда ким қуён олмоқчи бўлса, кундалигида икки баҳоси йўқ бўлса ЭшонбоҚга бораверсин, фақат кундалигини олиб бориш эсидан чиқмасин, борганларга иккитадан қуён бераман, текинга бераман, — деб мактана бошлади.

Қизиқ бўлди, асаларилар подишосини ўртага олиб учгандек тўпланган болалару томошаталаб қизалоқлар Эгамбердини ҳар томондан қуршаб ташқарига олиб чиқа бошладилар.

— Эгам, — бор овози билан чақирди, боҚловда қолган Каримберди, — эсингдан чиқмасин, қуёнчи бобога яна беш юз қуён учун нархини икки баробар кўтариб пул тўлаб келганман. Бугун албатта олинглар, бўлмаса пулга куйиб қоламиз. Кейин, эшитаяпсанми, Қамбарали фермерга бермоқчи бўлган пулимиз тутнинг ковагида эди, ўшани ҳам олиб беринглар.

— Бунча қаттиқ бақирдинг, — деди кўча эшиги олдига бориб қолган Ражаббой, — буларни сендан яхшироқ биламан.

XIII боб

Эшон аянинг, эй оллоҳим шу икки ўқлимнинг пок ниятларига ўзинг оқ йўл бергин, орзулари рўёбга чиқсин, юзлари ёруҚ бўлсин, дея гоҳо тонг сахарда жойномоз устида дуолар ўқиб яратганга илтижо қилганлари мана, рўёбга чиқаяпти шекилли, Оллоҳ қўллаб-қувватлаябди шекилли:

— Участкавойнинг тақибидан кутилдилар.

— Қуёнчи бобо билан алоқа боҚлаб мана қуёнлар сонини салкам мингтага етказиб олдилар.

— Мана, бир йўла тўртта велосипед сотиб олдилар.

Булар яхши. Лекин хатолар ҳам кетма-кет бўлиб турибди. Биринчи хатони хашак бригадири, ҳовлиқмачи Ражаббой қилиб қўйди. Унга эълон ёзиш, эълонларни гузорга, мактабга борадиган йўлга ёпиштиргин, деб айтилган эди, мана, ўша ишни бажариб, эълондан бир нусхасини кўтариб ҳам келибди.

«Эълон, эълон, эълон!»

«Оқ куён оппоқ куён» фермасини тузганмиз. Куён боқишга хоҳиши зўр бўлиб, кечалари тушларига куёнлар кириб чиқадиган ўқил болалар, қиз болалар бўлса, икки баҳо олишмаган бўлса, дадажон куён олишга пул беринг, деб йиқлаб юришган бўлса, ана шуларга куёнлар текинга берилади.

Маблақ етарли. Бойиб кетсак, трактор олмоқчимиз, оқ мармардан ҳайкал қўймоқчимиз. Гап тамом!

«Оқ куён оппоқ куён» фермасининг райиси — Эгам,

Муовини — Карим

Хашак бригадири — Ражаббой

Тозалик райси — Ажабвой

Томом вассалом».

Ражаббой буюк бир кашфиётни эълон қилгандек йилтироқ қоқозга, туни билан ухламай, босма ҳарифлар билан ёзиб келган эълонини шавқи-завққа тўлиб, баланд овоз билан ўқиб берди. Эгамбердининг жиқи бийрони чиқди, қоқозни қафтлари орасига олиб қижимлади. Каримберди бўлса ўзини кулгидан тўхтата олмас эди, ҳар қалай бир амаллаб тўхтаб:

— Бу эълон эмас, майнавозчилик бўлибди, — деди.

— Ушбу майнавозчиликни кўчаларга ёпиштиришга улгурдинг ҳамми? — сўради Эгамберди.

— Кўпроқ ёпиштираман раҳмат айтасизлар деб ўйловдим.

— Қўшни қишлоқларга ҳам ёпиштирдингми?

— Хўжа қишлоққа тўрттагина ёпиштирдим ҳалос.

— Ўзир орқангга қайт, йиқиштириб кел ўша эълонларингни!

— Эгам, шовқин солма, сен раис бўлсанг, мен ҳам кичкина вазифада эмасман.

— Тўқри, сенда ҳам каттагина лавозим бор. Лекин эълон бунақа ёзилмайди. Майли, бўлар иш бўлди, уни бошқачароқ қилиб ёзамиз.

— Эссизгина, Эгам қарагин, қанақа чиройли ҳарфлар билан ёзувдим-а, бош ҳарфларини қара.

— Бўлари бўлди, бошқатдан ёзамиз.

— Ёз-май-ман!

— Ёзмасанг, ишдан ҳайдайман.

— Ўйдаб бўпсан. Сирож бригадирнинг устинида боқланиб, бўқилиб ётганингда сени мен қутқардим... Карим, сен айтгин, мен ҳали фермага кўп керак бўламан, сенларни қутқараман... майли, қайтадан ёзиб келаман... битта гапни очик айт, шу велосипед менинг ўз ўзимгами?

— Ўз-ўзингга.

— Укам Ажабвойдаги велосипед ҳам ўз ўзигами?

— Ўз ўзига деганмиз-ку.

— Қишлоқда ҳеч ким ишонмаяпти. Эгам бу велосипедларни ўқирлаб келган бўлса керак дейишяпти, пули йўқ эди-ку, дейишяпти... ростини айт, ўртоқ, ростдан ҳам пулларинг кўпми, жуда-жуда кўпми? Кимдан олаяпсизлар?

— Мавриди келса айтамин.

Тортиша-тортиша эълонни қайтадан ёзадиган бўлишди. Унинг матнини тайёрлашда тўрттовлари тенгдан иштирок этишди. Мен ҳам орқада қолмай деб, Ажаббой ҳам уч тўрт сўз айтган бўлди. Тайёр бўлган эълонни ўқишни Ажаббойга беришди. Ажаббой ўрнидан туриб, бир йўталиб олиб баланд овоз билан ўқий бошлади:

«Эълон, эълон, эълон.

Бош ҳомий Эшон ая бўлганлар.

Фермага «оқ қуён, оппоқ қуёнлар» деб ном берилган.

Фермага аъзо бўлишни хоҳловчилар ота-онасининг рухсатини олиб Эшонбоқга келаверсинлар.

Эслатма:

Қуёнлар, мутлақо текинга берилади.

Семирган қуёнларни парҳез гўшт дўкони юқори баҳода сотиб олади.

«Оқ қуён оппоқ қуёнлар» раиси — Эгамберди Қосималиев.

Ферма раисининг муовини — Каримберди Сирожов.

Ражаббой янгина велосипедини сой маҳалла болаларига яна бир марта кўрсатиш, кўрсатганда ҳам вақтинча эмас, доимийга берилганлигини таъкидлаш учун, сўқмоқ йўллар орқали қишлоққа учиб кетди. Эгамберди янги келтирилган қуёнларни катта айвонларга жойлаш билан машқул бўлди. Ажаббой яхши бола экан далаларда юриб деҳқонларнинг пайкалидан пайкалига ўтиб, кузда, тўсатдан қор ёқиб, кавлаб олишга улгурмай қолиб кетган сабзи, шолқом, турп экилган жойларни аниқлаб келибди. Кўзи ҳам ўткиргина экан. Сабзининг ер остида қанчаси қолиб кетганини, қандай қилса олиш осон бўлишини ҳам билиб, белгилаб келибди. Айниқса бу серқайрат, ишқивозлиги баланд боланинг қаерлардандир панжшоҳа ҳам олиб келгани райсни ҳам, муовинини ҳам хурсанд қилди.

— Мана қаранг, панжшоҳани мана бундай санчиб, мана бундай қилиб кўтарса, сабзи ҳам шолқом ҳам, тупрокка араллашиб чиқиб келаверади, — деб ўргатган ҳам бўлди. Ажаббой, — дадам сабзини ҳамиша пайшаҳада кавлайди, белда кавласа ҳам бўладию, бел сабзини кесиб қўяди.

Каримберди билан Ажавали икки қопни қўлтиққа тикиб, паншаҳани елкага қўйиб далага жўнадилар. Каримберди ўзича ҳар хил ўйларга берилиб, туртиниб-суртиниб, орқарокда бораяпти. Ажавали сабзи бор пайкални кеча белгилаб қўйганидан, ўша белгиланган жойига ҳеч адашмай кетаётганидан ўзида йўқ шод, беҳад хурсанд, тўхтамай саволлар ҳам бериб бораяпти.

— Карим ака, бойиб кетсак кейин Сирож амакимга трактор олиб берамизми?

— Ҳа, албатта, олиб берамиз.

— Менинг дадамга ҳам олиб берасизларми!

— Дадангда бор-йўқи уч-тўрт пахта майдонига тенг ери бор, унга трактор керак эмас.

— Оз бор фермерларга трактор олиб бермайсизларми?

— Хозирча йўқ. Кейин, бойиб кетсак ўйлаб кўрамиз.

— Карим ака, Эгам акам ўлган онасига оқ мрамардан хайкал қўймоқчимиз?

— Кимдан эшитдинг?

— Опам айтди.

— Ҳа, ука, Эгам икковимизнинг шунақа ниятимиз бор.

— Менинг ҳам бувимга ҳайкал қўясизларми?

— Қайси бувинга?

— Вой эшитмаганмисиз? Дадамниг онаси ўлган-ку.

— Розия холамини айтяпсанми?

— Ўар ўша бувимга ҳам ҳайкал қўйсақ бўларди, жуда меҳрибон эди, елкамини силаб-силаб қўярди, эртақлар айтиб берарди.

— Худо хоҳласа, бойиб кетсак, ўша эртақчи бувинга ҳам ёдгорлик қўямиз.

— Кейин ўлсам, менга ҳам қўясизларми.

— Ўей ука, нафасингни иссиқ қил, саволларинг қийнаб юборяпти мени. Жим бўлмасанг орқанга қайтариб юбораман.

Сухбатлаша-сухбатлаша белгилаб қўйилган пайкалга ҳам етиб бордилар. Ажаббай ишлаб юрган болада, озроқ бўлса ҳам ишнинг ҳадисини олган экан. Қиши билан нам тупроқ баҚрида ётган, онда сонда кўзга ташланаётган сабзиларни панжшоҳа санчиб, юзага чиқариб ташлайверди. Каримқул шошилиб тупроқини қоқа-қоқа ўша сабзиларни қопларга солаверди. Ажаббой гоҳо белини ростлаб:

— Карим ака, яна битта нарса сўрасам майлими?

— Сўрамасанг тутолмайдиғанга ўхшайсан, майли, сўрайқол.

— Мана шу велосипед менинг ўз-ўзимгами?

— Раисимиз ўз-ўзинга деб айтди-ку.

— Ишдан ҳайдасаларинг велосипедни олиб қолмайсизларми?

— Яхши ишласанг ҳеч қачон ҳайдамаймиз.

Ажаббой яна шошилиб ишга берилади. Яхши ишласам Эгам акам билан Карим акам ишдан ҳайдашмас экан, велосипед ўз-ўзимда қолар экан, миниб ўтиб Қибла маҳалла болаларининг кўзини роса куйдираман, деб ўйлайди-да, чарчайди шекилли, белини ростлаб, яна саволга тутади:

— Карим ака, битта қуён бир кунда нечта сабзи ейди?

— Ростини айтсам, аниқ билмайман.

— Мана, қаранг, мана шунақасидан нечта ейди?

— Учта еса керак.

— Вой-бўй, бугун қуёнимиз олти юзтага етса ҳаммасига етказа олмаймиз-ку.

— Қўркма ука, қоплар тўлгунча кавлайлик. Қолганини эртага кавлаймиз. қамбарали фермернинг карамини бошқалар олмаса ҳаммасини ўзимиз сотиб оламиз.

— Карим ака пулимиз шунча кўпми, қаердан олаяпмиз уларни?

— Бу фермамининг сири, айтолмайман.

Гаплаша-гаплаша қопларни тўлдирдилар, гаплаша-гаплаша тўла-тўла қопларни елкаларига олдилар, сўнг Эшон боғга етиб ҳам келдилар, етиб келишлари билан шариллатиб ёмғир қуйиб берди.

— Ана кўрдингми укам, Оллоҳ бизни эҳтиёт қилди, агар далада турганимизда қуйса, шалаббо бўлиб кетардик, — деб қўйди Каримберди.

XIV боб

Ташқарида шариллаб ёмғир ёғаяпти, тоғ томондан, олис олислардан гумбирлаган овоз эшитилаяпти, чақмоқ чакиб, бутун олам пов этиб ёниб кетаётгандек бўлаяпти, борлиқ бир сониягина чорақлаб кетаяпти, кетидан шундай қоронғулик тушадики, ҳатто киши ўзини-ўзи ҳам тополмайдиган даражада қолгандек бўлади.

Эшон ая оиланинг янги аъзолари Ражаббой билан Ажаббойнинг қайта қайта қилган илтимосларига кўра ўтмишдан ҳикоялар сўзлаб бераяпти. кўрқинчили, ваҳимали воқеаларни эшитган йигитчалар, худди ўша кўрқинчилик воқеалар ичида ҳимоясиз қолгандек, ўзларини ғалати-ғалати аҳволда ҳис ҳам қилмоқдалар.

Шундай бўлса ҳам:

— Сўзланг ая, яна сўзланг, — дейишади.

— Сўзлайман ўғилларим, айтаман ҳаммасини, — деб яна ҳикоясини давом эттиради Эшон ая, — кейин сизлар ҳам бу воқеаларни бошқаларга сўзлаб берсанглар савоб бўлади. Яхши одамларнинг яхши ишлари, яхши номлари ҳеч унутилмас экан, сизлар ҳам унутманглар. Анаву куни айтудим-ку, Эрка элликбоши ҳам, Нурмат Амин ҳам, тилла ҳақида гап очмадилар, тилло йиққанларни сотмадилар, ҳўп ажойиб инсонлар экан... вой худойим икковлариниям пақ-пақ отиб ташлашди-я... тиллоларни Оллоҳ эҳтиёт қилаётган экан-да, Оллоҳ эҳтиёт қилса, бандаси топа олмас эканда.

Боғдаги қирғинбаротлар тугаши билан яқин ўртадаги қишлоқлардан одамлар келиб ўзларига яқин йигитларнинг мурдасини олиб кетишди. ўшанда ўн саккиз қишлоқ йиғлаганини эслайман, оналар йиғлаяпти, бевалар йиғлаяпти, чақалоқлар йиғлаяпти, вой шўрим, уларнинг кўз ёшлари дарё-дарё бўлиб окди-я... Эгаси топилмаган мурдалар ҳам бор эди. Эшон дадам, эндигина бўйи еткан акам, нимжонгина бўлсалар ҳам, — Ҳаммамиз ўша мурдаларни тупроққа қўйдик. Эшон дадам дуолар ўқиб, гуноҳлари бўлса Оллоҳдан сўраб турдилар... Баҳорга чиқиб жаннатмакон Эшон дадам ёш-ёш кетган кўрбоши йигитларнинг қабрлари ёнига дарахтлар экилар, гуркираб ўссин, соя-салқин берадиган бўлганда, соясида ўтирганлардан келадиган савоблар ма нашу шаҳид кетган йигитчаларга тегсин дедилар.

— Кейин, кейин-чи, — деб қисташяпти йигитчалар.

— Оллоҳга шукрлар бўлсин, — хўрсиниб хўрсиниб давом этадилар Эшон ая, — юртимизда мард йигитлар кўп экан. Бомдод намозини ўқиб бўлиб жойнамозда Эшон дадамнинг суҳбатларини тинглаб ўтирсак ташқаридан аввал отларнинг дупири, кетидан чўзиб-чўзиб кишнагани эштилди. Эшик тирқишидан мўралаб қарасак, ҳайрият, тўртинчилар эмас, ўзимизникилар экан. ўғилларим, тўртинчилар дегани, нима дегани эканлигини биласизларми?

— Йўқ, билмаймиз.

— Эгамберди ўғлим, сен кўп китоб ўқиган экансанку, наҳотки сен ҳам билмасанг... тўртинчи дегани диндан қайтган, кўрвошига қарши курашган дегани. ҳа майли... ташқарига қарасак, уч отлик турибди. ҳар отларки булутдан баланд, осмонга сакрайди. Йигитларни айтмайсизларми, вой худойим, одам боласи ҳам шунақа гўзал, шунақа келишган, шунақа салобатли бўладими. Беллари ингичка, кўкраклари кенг, билаклари йўғон, елкаларида беш отар милтиқлар, кўзларидан олов чакнаб турибди. Отлар устида қанотини кенг ёзган бургутлар турганга ўхшайди.

— Кимсизлар? — деб сўраяптилар Эшон дадам.

— Нурсуқдан, Тағобданмиз.

— Кимнинг боласи бўласизлар?

— Мен Эрка элликбошининг куёви бўламан.

— Сен-чи, болам?

— Мен Нусармат маҳсумнинг набираси бўламан.

— ҳўш, йўл бўлсин сизларга?

— Худо хоҳласа, оталаримиз учун, шаҳид кетган акаларимиз учун қасос олмақчимиз.

— қасос?! Сизлар жуда ёшсизлар-ку?

— қасос олишда ёшу-қари баробар, Эшон дада, бизга оқ йўл тиланг, фотиҳа беринг.

— Ҳа, ҳа ўғилларим, — дедилар Эшон дадам вужудларида аллақандай қалтироқ туриб, — ал қасосу минал ҳақ, деган сўзлар ҳам бор. Майли... сизларни Оллоҳнинг паноҳига топширдим, зинхор-базинхор ноҳақ қон тўкманглар.

Эшон дадам қисқагина тиловат қилдилар, Оллоҳу акбар, деб юзларига фотиҳа тортилар.

— Оллоҳу акбар!

— Оллоҳу акбар!

— Оллоҳу акбар деб уч кўрғоши йигит юзларига фотиҳа тортиб отларига қамчи уришди. Бедовлар кўздан ғойиб бўлгунча шўрлик Эшон дадам кўзларида ҳалқа ҳалқа ёш билан ҳўрсина-ҳўрсина тикилиб турдилар, улар ёш эди, жуда жуда ёш эди. Эшон дадам уларга ачинганидан кўз ёши тўкаётган эдилар. Ичкарида дарича орқали қараб ўтирган Эшон онам ҳам қўл кўтариб дуо қилиб фотиҳа ўқидилар, фотиҳа ўқияптилар-ку жиндай-жиндак кўз ёши ҳам тўкаяптилар. Дини ислом йўлида, ҳуррият ниятида қилич яланғочлаган мана шу ўғилларимни ўзинг эҳтиёт қилгин, деб пичирлаб ҳам турибдилар. кўрбошилар азамат йигитлар бўлган, ҳурриятпарвар бўлган улар. кўрбошини кимлигини биласизларми ахир.

— Аяжон, булар қайсидир синф дарслигида бор, биз ҳали ўқиганимиз йўқ, — деяпти Ражаббой билан Ажаббой.

— Вой азаматларим-ей кап-катта йигит бўлиб қолибсизлару, ҳалигача кўрвоши кимлигини билмасаларинг, уят-эй. Юртимизда кўрбошилиқ ҳаракати нақ уч йил давом эткан-а. Юртимни ҳимоя қиламан деб мард йигитлар оёққа турган, кўрқоқлари ўзини панага олган замонлар эди. ўша йиллари мана шу йигитчаларнинг

фидоийлигига, мардлигига, топқирлигига ҳамма тан берган. Бугун қарасангиз тўртинчиларнинг омборхонасидан ўттизта бешотарни ўмариб келиб, озодлик жангчиларига тарқатишган, эрта қарасангиз Яйпондаги қамоқхонанинг раҳбарини чўккалатиб, товба қилдириб, ўттизта маҳбусни озод қилишган... Айниқса бир фожияни эсласам, Эгамқул Каримқул икковларинга сўзлаб берувдим-ку, ўша воқеани эсласам юракларим ўйнаб кетади, нафасим тикилиб кетади. Динсизлар ўшанда уч юзта қуролсиз, бегуноҳ кишиларнинг қонини тўккан-а.

— Эшон ая, буни Карим икковимизга сўзлаб берувдингиз, бошқасини айтинг деяпти, — деди Эгамберди.

— Сизлар эшитган бўлсаларинг, ўғилларим, мана бу Ражабали билан Ажабали диққат қилиб тинглашяпти. Шулар учун яна айтаман, худо умр берса, қайта-қайта айтавераман.

— Аяжон биз учун айтаверинг, биз ҳам эртага мактабга бориб, муаллимиз сўраса қўрвошилар ҳақида айтиб берамиз, — дейишяпти ака-ука Ражабали билан Ажабали.

— Ҳа, ўғилларим, бир биримизга айтганимиз яхши... ўшанда уч юз деҳқон қўлларига арра, теша, болта олиб, толу тераклардан кўп кўп кесиб, тоғ томондан тойчоқдек ўйноқилаб тушиб келаётган Сарқорғон сувини тўсамиз, бўлиб-бўлиб Нурсук, Бекобод, Риштон ариқларига бўлиб юборамиз, деб тўпланишган экан. ҳар йили баҳор палласида ана шундай катта ҳашарлар бўлар экан. қизил шапкалилар бундай қарашса қуролланган кишилар тўпланишётган эмиш. Булар тайёргарлик кўришиб, тўпланишиб, бизга хужум қилиш режасини тузишётган бўлишса керак, деб ўйлашиб, одамларни ўраб олиб ҳаммасини отиб ташлашган. Сувга ташлаб қочмоқчи бўлганни сувда отишган, тоққа қочмоқчи бўлганни қояга ёпишганда отишган, қишлоғига қочмоқчи бўлганни орқасидан қувиб бориб қилич билан чопиб ташлашган... Паҳлавон-паҳлавон тоғаларим бўларди, бири пахсакаш, бири елкасига чархини осиб олиб чарҳчилик қилар эди... дадаларимиз ўликларини аранг топишган.

— Вой аяжон, йиғламанг, йиғласангиз бекор мен ҳам йиғлаб бераман, — деб қўйди Ажавали.

— Ҳа майли, ўғилларим, жиндак-жиндак, йиғлаб олганим яхши. Киши йиғласа анча енгил тортади... Сарқўрғонда бўлаётган қирғин-баротни ҳалиги айтганим, уч қасоскор йигит эшитиб, тулпорларини учуриб етиб келишсаки, ўлдир-ўлдир авжига чикқан, болтасини қўлтиғига қисиб лапанглаб қочаётган ким, орқасидан бориб қилич солаётган ким билиб бўлмасмиш. қасоскор йигитлар дарҳол отдан тушиб кийим бошларини алмаштириб, тўртинчиларнинг командиридек бўлиб олишиб, қўлларидаги ўрама хатни баланд кўтаришиб, кўқондан хат бор дейишиб, бири плимот ёнида турганга ўқ узибди, иккинчиси хатга қўл узатган аскарнинг пешонасини мўлжалга олиб ўқ отибди. ҳа ўғлим, уч тўппонча уч бедавони йиқитибди, плимотларнинг овози бирдан ўчибди. Уч қасоскор йигит қандай учиб келган бўлсалар шундай учиб кўздан йўқ бўлибдилар. Одам боласи келдими, паришталар келдими ҳечким билмай қолибди. Беркиниб қолишга улгирган баъзи бир ҳашарчилар бири қўлидаги болтаси билан бошқаси даскаллари билан ҳужум қилаётганларга ҳамла қилибди, ҳеч бўлмаса ўзларини қутқариб қолибди...

— Кейин-чи, аяжон кейин-чи.

— Кейин бу мард йигитларнинг мардлиги бутун водийга дoston бўлган. Кечкурунлари қора чироқ ёкиб чарх йигирган бувилар, масжидда йиғилган муллаваччалар бу уч йигит ҳақида тўхтамай сўзлайдиган, уларнинг ота-онасини дуо қиладиган бўлишди. ҳатто, оналар бешик кучоқлаб бола ухлатганда, аллага қўшиб уларнинг номларини ҳам зикр қилиб юришган.

— Алла болам аллаё,

Отанг кетди аллаё,

Теша-ю арра олиб,

Сув бошига етди-ё.

Тўртинчилар оқизди

Отанг қонин аллаё,

Катта бўлсанг полвоним

Унутмассан аллаё-аллаё

— Аяжон, кейин қасоскор йигитлар нима бўлди? — уйқусираб сўраяпти Ражавали.

— Ўғилгинам, жуда ҳам қизиқиб қолдинг, кейин нима бўлганини алоҳида гапириб бераман. Карим ўғлим уйғоқ экансан, ўша ўтканларнинг шаънига, руҳи арвоҳига бағишлаб бир тиловат қилгин.

— Аяжон, уйғоқман, лекин ярим кечаси тиловат қилса бўладими?

— Майли, кеч бўлса ҳам ўқийвер, — деб қўйдилар Эшон ая.

XV боб

Мактаб «ўқитувчиларининг йиқилиши», уни баъзилар «педсовет» деб ҳам аташади. Онда-сонда, ўшанда ҳам фавқулотда бирон ходиса юз берганда, дарсдан кейин ўтказиларди. Бугун негадир, дарс ўртасида тўпланишди. Муаллимлардан ташқари яна ҳамиша гердайиб юрадиган участка мелисаси Эркаев, фуқаролар кенгаши раиси Нодир Жўраев, қизалоғини бағрига босиб, гоҳо-гоҳо тезроқ ухласанг-чи, деб кафти билан елкасини силаб-силаб қўяётган Шакархон ая, хижобча кийинган, ҳошиясига ялтироқ гуллар солинган катта рўмолга ўралиб Холисхон аялар ўтиришибди... Энг қизиғи, хонанинг бир чеккасида қўлида куён тўла тўрва Каримберди ҳам ҳайрон ҳолатда турибди.

Хонада жимлик.

Тик этган овоз йўқ.

Директор Азизов домла шахд билан ўрнидан турди. Кимнидир масҳара қилмоқчидек хунук жилмайиб, қўлидаги эълон ёзилган қоғозни баланд кўтариб:

— Участкавой укам, айтинг-чи, бу нима? — деб сўради.

Участкавой дик этиб ўрнидан турди:

— Эълон.

— Шунақа ярамас қоғозлардан нечтасини йиғиб келдингиз?

— Йигирматачасини.

— Хўжа қишлоқда ҳам бор дейишяпти-ку.

— ўша ердан ҳам кийинчилик билан аранг еттитасини йиғдик.

— Ишқилиб бошқа қишлоқларда йўқми.

— Борга ўхшайди, ҳаммаси ҳақида тузукрок маълумот олмаяпмиз.

— Демак, мактовларга лойиқ бўлган, ҳамма жойда мактаниб юрган мактабимиздаги тарбияни, интизомни, ҳамма учун мажбурий

бўлган қондани бузган йигирматача фактни, мана қўлга киришиб келибсиз, офарин, гапиринг.

Лейтенант Эркаев мана шу бир чеккада хуркак куёнларни қўлтиклаб, ўзини айибсиздек кўрсатмоқчи бўлиб, мунғайигина турган Карим Сирожов билан ҳеч қўлга туширишни иложи бўлмаган Эгам қосималиевлар безориликни учига чиқариб, тўхтамай муштлашиб, милитсия идорасини бузиб ҳам чиқиб кетишганини айтди. Ноъмалум одамларга сотилган, бу ноъмалум одамлар кимлигини ҳали аниқлагани йўқ экан. Лекин албатта аниқлар экан, ҳа номалум одамларга сотилган мана шу касалманд куёнларни тарқатиб юрган бу безориларга биргалашиб чора кўришимиз керак, — деди. Биргалашиб, қарор қабул қилиб бу икки безорини туман милитсияси қошидаги балоғатга етмаган болалар билан шуғулланадиган махсус бўлимга топшириш зарурлигини, топширганда ҳам зудлик билан топшириш зарурлигини айтди.

Сўнг бу сўзларни айтиб, бамисоли қаҳрамонлик кўрсатгандек, кеккайиб ўтирганларга бир-бир қараб чиқди.

Азизов домла қалтироқ овоз билан кўчалардан йиғиштириб келинган, йиғиштирилаётганда у ёқ-бу ёғи узилиб ҳам кетган эълонлардан бирини қалтироқ овоз билан ўқий бошлади:

«Эълон, эълон, эълон!

Бош ҳомий Эшон ая бўлганлар.

Фермага «оқ куён, оппоқ куёнлар» деб ном берилган.

Фермага аъзо бўлишни хоҳловчилар ота-онасининг рухсатини олиб Эшонбоғга келаверсинлар.

Эслатма:

куёнлар, истовчиларга текинга берилади.

Семирган куёнларни парҳез гўшт дўкони юқори баҳода сотиб олади.

«Оқ куён оппоқ куёнлар» раиси — Эгамберди қосималиев,

Ферма раисининг мовини — Каримберди Сирожов».

Азизов домла ясама оҳанг билан кўримсигина қорнини силкитиб анча кулиб турди. Бошқалар ҳам бу мазах қилувчи, масхараловчи кулгига қўшилармикан, деб ўтирганларнинг баъзи бирларига тикилиб-тикилиб қаради. Кейин, тўсатдан, бақира кетди:

— Мана сизга шармандалик... ферма мактабда эмас, бир чеккадаги ўғрихонада очилар эмиш, бир оёғи гўрда бўлиб қолган кампир момомиз хомий бўлармишлар. ҳе, ҳе, ҳе! Нега хомийлик мактабдан эмас, маорифдан эмас, нега ҳокимиятдан эмас, йўқлаб боровчиларнинг бир бурда нонини еб аранг тирикчилик қилаётган анави катта момомиздан келармиш... мана шу момомиз минглаб қуёнлар сотиб олишга пул ҳам топиб бераётган эмишлар. ҳе, ҳе, ҳе! Хой муаллимлар, бу чет эл айҚоқчисининг иши бўлмасин тағин, ёт киши ўйлаб топган қаллоблик эмасмикан, қуёнлар боқиб ўқувчиларимизни йўлдан ураётганга ўхшайди, таълим тизимига зарба беришаётганга ўхшайди. Хой ҳукуматни пулини еяётган муаллимлар қаёққа қараяпсизлар?! ўчоқ бошига эмаклаб борадиган бир кампир анча-мунча ўқувчиларимизни ўзига қаратиб олди. Мана, котиба Умарованинг маълумоти: кеча қуён боқамиз деб яна ўн беш ўқувчи мактабга келмабди. Хўш, мулла бола, гапир-чи, сен қуёнчилик фермасининг раисига мовин бўлиб олдингми? Хў, жуда катта одам бўлиб кетибсиз-ку, бу қуёнларни сен келтирдингми, нега келтирдинг уларни?

Каримберди табиятдан камгап бола, бунинг устига устозлар ҳузурида уялиб ҳам турибди, дарров нима дейишини билмай довдираб қолди жавоб қайтара олмади.

— Гапир, нега олиб келдинг деяпман?

— Сизга совға қилмоқчимиз, ҳаммаси ҳам текин.

— Менга, нима-нима?!

— ўртоғим Эгам икковимиз мактабни қуён боқувчилар мактабига айлантирмоқчимиз.

— Ҳа, ҳа, ҳа, — росмана кулиб юборди Азизов домла, — эшитаяпсизларми, менга қуён олиб келишибди. Текинга эмиш... безори Эгамнинг ўзи нега келмади?

— ўзи касал.

— Касал дегин, маблағни қаердан олаяпсизлар?

— Билмадим.

— Нега билмайсан?!

— Айтолмайман, — соддадил Каримберди эҳтимол устоз директор жаҳлидан тушар, деган умидда кўнглидаги гапни очик

ойдин айта бошлади, — куёнларни боқиб-боқиб, бутун қишлоқларга кўп кўп тарқатиб бойиб кетсак, менинг дадамга трактор олиб бермоқчимиз, кейин боғчага Шохимардон сайлида, сув тошқинида халок бўлган тарбиячи опаларимизга оқ мрамрдан ёдгорлик қўймоқчимиз.

Азизов домла ўзини аранг босиб турган эди яна хо-холаб кула бошлади. — Ўей муаллимлар, беҳабар қолибсизлар, бу болалар Эшонбоғга бориб, жинни бўлиб қолишибди. ўша ерда жинлар кўп деб эшитардик, росга ўхшайди. Буларни психологга кўрсатиш керак, сиз Эгамнинг онасимисиз, сиз Каримнинг онасимисиз, булар шу аҳволга тушгунча қараб туравердиларингми? Сиз участка милитсионери, сиз маҳалла оқсоқоли... ҳаммаларинг қаёққа қарадиларинг? ўқувчи мактабга дарслик ўрнига куён кўтариб келсая... Бузғунчиликнинг олдида бораётган бу икки безори болани жазолаш ҳақида тартибга чақириш ҳақида нега ўйламадиларинг, деган гапларни ғазабланган директор қалаштириб ташлайверди, ташлайверди.

ҳалидан буён сўзламоқчи бўлиб гоҳ қўлини кўтариб, гоҳ умидсиз холда қўлини тушириб ўтирган участкавой секин ўрнидан туриб, ўтирганларга мурожаат қилган бўлиб, ташвишланманглар, бу икки безорини туман милитсиянинг бўлимига топшираман, деб қўйди. Муаллимлар бир-бирларига маноли-маноли қараб қўйишди. Эгамбердининг ўғай онаси, шаддот аёл экан, тезгина ўрнидан туриб «Эгамберди ёмон бола эмас, рўзгорга қарашади, фермер дадасининг ярим иши шу боланинг бўйнида, кечалари тинмай китоб ўқийди! Фақат бир икки йилдан буён куён деган маҳлукқа ишқивоз бўлиб қолди, бошқа айби йўқ. Тағин уни катта милитсияга топшириб қўйманглар» деди. Каримбердининг онаси ҳам сўз олди, гапира олмай, йиғлаб йиғлаб ўрнига ўтириб қўя қолди...

ўқитувчи Ҳамидова сўзлай бошлаганди, Азизов домла:

— Мен сизга сўз бермадим шекилли, — деди.

— Энди мен сиздан сўраб ҳам ўтирмайман!

— Нима?!

— Тўрақул ака ўғилларини дурадгор устага берган эди қайтариб олиб келдингиз — бир, ака-ука Умаровлар ўз ҳовлиларида велосипед тузатадиган устахона очган эди, ўқувчи болаларни пулга

ўргатяпсамми, деб отаси билан урушдингиз — икки, Раҳимахон опа юз жойга югуриб-елиб қизига тикув машинасини келтирган эди, қизинг аввал мактабни битирсин, кейин ишлайсан, деб она-болани роса йиғлатдингиз, уч!

— Бас қил, бас қил деяпман, — столни бир мушлаб қўйди Азизов домла.

— Сиз ҳаммамизни ўқитгансиз, устозимсиз, лекин йигирма йил орқада қолган устозимисиз. Сизга бир гап айтиб бўлмайди, бир ўғлингиз кўшни туманда ҳоким, бир ўғлингиз бир туманнинг милитсия бошлиғи, сизларга бир гап айтиб бўлмайди. Гап айтган одамни, сўзингизни нотўғри деган одамни йўқотишга ҳаракат қиласизлар... мен синф раҳбари сифатида Эгам билан Каримнинг куйиб пишиб қуёнчилик ҳаракатини юзага келтирамиз дейишларини қўллаб қувватлайман, баракалла ўғилларим, дейман.

— Ҳамидова, бас қилинг!

— Бас қилмайман.

— Ё бас қиласан, ё ҳозироқ мактабдан ҳайдайман!

— Агар мен маориф мудирини бўлганимда, ҳурматли устоз, сизни йигирма йил олдин ишдан бўшатган бўлар эдим.

— Чиқиб кет хонамдан!

— Чиқмайман, ҳамма гапни айтиб кейин чиқаман.

— Чиқмайсанми!

— Йўқ, айтадиган гапим кўп!

Азизов домла ўзини тутолмай қолди. Хонанинг у бошига бу бошига бориб келаверди. Вужудида қалтироқ турганга ўхшайди. қўли ручкани ҳам ушлолмай қолди.

— Котиба, Умарова деяпман, қаердасан, ёз синф раҳбари Инобат ҳамидова бир неча йиллардан буён синф раҳбарлигини яхши бажара олмайди синфда тарбиявий ишлар таққа тўхтаган, безорилик авж олган, ўрта таълимни битирмаган ўз ўқувчиларини пул топиш умидида пул топадиган ишларга жалб қилмоқчи бўлган.

Юқоридаги фактларга асосан биология муаллими И. ҳамидова ўқитувчиликка нолайиқ деб топилиб, ишдан бўшатирилсин.

106-мактаб директори О. Азизов

Азизов домланинг ғазаби ҳали босилгани йўқ. Бутун вужуди ғазаб алангасида ёниб бораяпти, яна талайгина аччиқ-аччиқ сўзлар айтмоқчи, айтолмаяпти. Худди шу пайтда яна бир қизиқ воқеа содир бўлди!ю, ҳамманинг эътибори ташқарига қаратилди.

Ё Оллох, бу нима деган гап? Бутун ҳовлини оқ, кўк куёнлар босиб кетибди. Ўисоби ҳам йўқ, юздан ортиққа ўхшайди. Синфдаги болалар муаллимларнинг ҳай-ҳайлашига қарамай эшикларни тарақ-туриқ очиб, деразалардан сакраб тушишиб, сакраб-сакраб қочаётган куёнларни қувлашга берилиб кетишибди.

Мажлис қатнашчилари ёпирилиб дераза ёнига келдилар. Бошқалардан кўра кўпроқ Азизов домланинг ўзи қизиқиб, хангу-манг ҳам бўлиб қолди шекилли, тушумми, ўнгимми деб ўйлаб, кўзини каттароқ очиб, ёқасини ушлаб, ё «тавба» деб қўяпти. куёнлар ўйини авжига чиқиб бораяпти. ўшалардан бири қани мени ушлачи дегандек, пусиб туради-да, ушламоқчи бўлган бола устига ташланганда, бир сакраб қочиб қолади. Бошланғич синф болаларидан бири омади келиб куённи ушлаган, бошқаси ушлай олмай йиғлаган, куёнлар кўзинг куйсин, ушлай олмайсан, ушлаб бўпсан, деб сакраб-сакраб қочаётган, директор ана шу манзараларга тикилиб турибди. Яна ҳам қизиғи шунда бўлдики, биринчи синф муаллими Ортикова ҳам лапанглаб куён қувлашга тушиб кетибди, жисмоний тарбия муаллими абжирроқ эканми, бири ўғлимга, бири боғчадаги қизимга деб ўйлаган бўлса керак, бир йўла иккита куённи қўлтиғига қисиб олибди.

— Ҳа, ҳа, ҳайдайман, ҳамангни ҳайдайман! — деб ер тепинаяпти Азизов домла.

XVI боб

Хонкелди қишлоғи яна ваҳимали гаплар ичида қолди. Набирасини ўйнатгани кўчага чиққан чоллар, келини билан гап талашаётган кампирлар, иши гоҳ ўнгидан келиб, гоҳ тўхтаб қолаётган, тўхтагани учун хуноби ошаётган фермерлар, янги гап топдим, топганда ҳам энг чиройлисини топдим, деб мақтанаётган қизалоқлар... ҳамма ҳаммасининг оҚзида тушунса ҳам, тушуниб ҳам бўлмайдиган гаплар.

— Эшитдингизми кўшни? — деб сўрайди бир аёл.

— Ҳа, нима гап яна? — дейди кадрдон кўшниси.

— Анаву Шакархон бор-ку, эрини жилолаб олган, ўшанинг ўгай ўғли сеҳрли куён боқаётган эмиш.

— Вой товба!

— куёнлари бир кечада ўнтагача туғаётган эмиш.

— Йўқ, кўшни, билмабсиз, Эшон ая авлиё эмишлар, дуо қилиб осмондан куён ёғдираётган эмишлар.

Бу ҳилват қишлоқнинг нимаси кўп, кичик кичик маҳаллачаларию, кичик-кичик кўчалари кўп. Ана шундай кичик кўчаларнинг бошида яна бир суҳбат кетаётган бўлади:

— Эшитдингизми? — деб сўрайди икки ховли ўртасидаги тешикчадан бошини чиқарган бир аёл.

— Нимани эштай, айланай.

— Директор Ҳамидова опойни қўлидан етаклаб кўчага олиб чиқиб қўйибди. Оғзингни юм, бўлмаса оғзингга мўм эритиб қуяман дебди.

— Вой шўрим, айби нима экан?

— Синфдаги болалар ўқишни тўхтатамиш, мактабни ёпамиз, ё куён, ё каптар боқамиз дейишаётганмиш. Ўқимнинг отасига-я, Азизов домлага-я, кўркмасдан шу гапларни айтибди. Яна тагин, кўшни мунча шошмасангиз, яна тагин э, устоз сиз ўттиз йил орқада қолгансиз, замон сизни ташлаб кетган, деган гапларни айтишибди. Энг ёмони, кўшни, сабр қилинг, бу куёнларга пулни қаердан олаяпсанлар деган гап ҳам кўтарилибди.

— кўшни, дугонажон, энди мендан ҳам эшитинг. Бу куёнлар ўз-ўзидан пайдо бўлишаётганмиш. Сеҳрли куёнлар экан-да!

— Ҳамма айб, мени айтди деманг-ку, кўшнижон, участкавойда. қачон қарасанг улфатлари билан ўтириб ашула айтгани айтган, ахир ўша хушёрроқ бўлса бўлмайдим.

Одамларнинг миш-миши, ваҳимали гаплари тез тарқалаяптими, ёки Эгам билан Каримнинг куёнлари тез тарқалаяптими, ҳеч ким хисобини олаётгани йўқ. Ражаббой ховлиқиб фермага аъзо бўламан деган болаларни бошлаб келади, Ажаббой яхши боксак, бойиб кетсак, ҳаммамизнинг ўлган бувимизга оқ мармардан ёдгорлик қўйиб беришар экан, деган гапларни ҳеч тўхтамайди.

Ана шундай кунларнинг бирида иш бўлса ҳам, бўлмаса ҳам фирма томонидан совға қилинган яп-янги велосипедини кўз-кўз қилиш, мактаниш учун тинмай қишлоқ айланадиган Ажаббой боғнинг этак томонидан велосипедини етаклаб, терга ботиб, ҳаллослаганча келиб қолди. қуёнларни овқатлантириш учун қамбарали фермердан олган қарамларни даскалла билан майдалаб, ўзаро суҳбатга берилган Эгамберди билан Каримбердига яқинлашиб:

— Икковларингга ҳам хат бор, — деди шошилиб, — Эгам ака, сиз ўнг чўнтагимга қўл солинг, хат Фотима опамдан, Карим ака, сиз чап чўнтагимга қўл солинг, сизга Зухра опамдан хат бор, иккови хатдан ҳам атирнинг хиди келиб турибди, хатларни эҳтиёт қилиб топшириб келсанг, сенга ҳам ана шу атирдан сепиб қўямиз дейишган.

Икки ўртоқ Ажаббойнинг чўнтагига ёпишдилар ҳа, бири Фотима қиздан бошқаси Зухро қиздан экан. Хатни ўқиб бўлгач Каримберди уни тез-тез хидлади, юзига нурли табассум ёйилди. Эгамбердининг бўлса, хатни ўқиб бўлар-бўлмас юзи-кўзларига катта одамларга хос жиддийлик пайдо бўлди. Хатда, бош қисмида, одатдагидек Эгамнинг, соғлиги саломатлиги сўралган. Кейин ваҳимали гаплар ҳам битилган: ҳамидова опой, мактабдаги мажлисда Эгамни ҳимоя қилган учун мактабдан ҳайдалган, кейин ўша мажлисда Эгам соғми, соғ эмаслигини аниқлаш учун касалхонага жўнатиш ҳақида маслаҳат бўлган. Хатнинг охири, «Эгам, жон Эгамжон, билиб қўй, сени участкавойнинг гапига кириб қамашса, мен касал бўлиб қоламан» деган сўзлар билан тугаган, сўзнинг охирига уч бора ундов белгиси қўйилган.

Эгамберди кўпам довдирамади, фақат ҳамиша ҳимоячиси бўлиб келган ҳамидовага ачинди, жуда-жуда ачинди. Онаси ўрнига онадек бўлиб қолган эди. ҳеч кимга айтмайдиган, қалбининг туб-тубида беркиниб ётган сирларини фақат шу муаллимга айтарди, унигина руҳлантирар эди... «Ёр тўлада ётган тиллоларни тезроқ бир ёғлик қилишимиз керак, қамалиб кетсам Эшон аямга ҳам, кўнгилчан Карим ўртоғимга ҳам оғир бўлади... яхшиси тиллолар топганимизни ҳамидова опойга айтаман. Опамиз ақлли, ҳам меҳрибон, яхши маслаҳатлар беради. Бўлди, тилло топганимизни фақат шу опамизга айтаман...» дея ўйлай бошлади Эгамберди.

Бунақа пайтда ғоят кескин, ғоят шиддатли бўлиб қолар эди. Шошилиб айвонда, жойномоз устида ўтирган Эшон ая хузурига бориб юзларидан ўпиб, аяжоним, деди ҳаяжонли овоз билан. Сўнг хатни у кишига узатди, Эшон ая хатни бир ўпди-ю, қани, ўзинг ўқи-чи деб қўйдилар.

Хат ўқилгач, икковлари ҳам бир нафасгина жим бўлиб қолдилар.

— ўзинга олма ўғлим, яқинроқ кел, бағримга бир босай, — дедилар Эшон ая, — Ҳаммаси Оллоҳдан. Икки ўғлимни Оллоҳнинг паноҳига топшириб қўйганман.

— Аяжон, демак ўртамиздаги сирни муаллима ошкор қилсак, розимисиз.

— Карим ўртоғингдан сўра.

— Карим ўртоғим билан анчадан буён бу ҳақда маслаҳат қиляпмиз.

— ўғилларим, сизлар нима деб қарор қилсанглар, мен ўшанга розиман.

Эгамкул боғ этагигача велосипедини етаклаб бориб сакраб минди-да, кишлоқ томонга учиб кета бошлади. Бундай пайтларда унинг вужудида беркиниб ётган барча куч-қуввати ишга тушиб кетар, ўша қувватлар шошил, шошил, шошилгин, деб қистаб турар, шошилмаса вужуди портлаб кетаётгандек бир ҳолатга тушарди. Ҳамидова муаллимни ахтариб топиш унча қийин бўлмади. Учрашишгач, салом аликни қисқароқ қилиб, деди:

— Эшон аям сизни сўраяптилар, зудлик билан олиб кел, дедилар.

— Тинчликми? — хавотирли оҳангда сўради муаллима.

— Жудаям тинчлик эмас, — деб қўйди Эгамберди.

Эшон аянинг номи бу атрофларда Авлиё она номи билан ҳам улуғланади. Авлиёлар қабрини супириб-сидириб, обод қилиб ўтирганлари учунми, ёшлари ҳам юзга яқинлашиб қолганлари учунми тавоб қилувчи, ихлос қилувчиларнинг кети узилмайди. Ҳамидова шундай мўътабар она йўқлаётган эканлар, тездан боришим керак, эҳтимол, худо сакласину, қазо мутдати етган бўлса, васиятлари борми, деб ўйлади. ўйладию, ортиқча савол бермай жадал йўлга тушишди.

Етиб келишса, Эшон ая жойнамоz устида катта оқ арабий рўмолга ўраниб, жаннатдан чиққан паришталардек атрофга оппоқ-оппоқ нурлар таратиб ўтирган эканлар. Ая, негaдир, ўринларидан туриб кўришдилар. Сўнг ёнимга келинг деб ишора қилдилар, ҳол-аҳвол сўрашдилар. Гарчи озроқ хабардор бўлсалар ҳам, мактабдаги воқеалардан сўрадилар.

Ғап аста секин қизиб бораёпти, суҳбатларида илиқлик, самимият кучайиб бораёпти. Суҳбатлаша-суҳбатлаша ғап Эшон аянинг тонгда кўрган ғалати тушларига бориб қолди.

— Инобатхон қизим, эшитаяпсизми, тушимда Анарвойим билан Бўривойимни мана шу куён боқаятган Эгамберди билан Каримбердининг қиёфасида кўрдим-а, қизиқ-а, Анарвой билан Бўривой кўзичоқ кўтариб келишган эди, бу икковлари бўлса куён кўтариб келишибди. Ахир бу Оллохнинг марҳамати эмасми, ер остидаги хазина ҳам ана шу куёнларга алоқадор эмасми, деб ўйлайман. Ўа, юз йилдан биён беркиниб ётган эди, куёнларга аталган экан-да... тавба, «Тушлар китобини» варақласам... ҳаммаси оллохдан келади деб ёзиб қўйишибди-я.

Муаллима Инобатхон ғалати бир кайфиятда ўтирибди. Бунчалик ҳаммадан эҳтиёт сақланаётган сирларни Эгамберди билан Каримберди, қолаверса Эшон ая негa бошқа бировга эмас, бориб бориб менга, оддий бир муаллимга айтишар экан, ахир мен қаримдошлари ҳам эмасман-ку, негa, негa, деб ўйлайди. Ташқарида гоҳ жанжаллашиб, гоҳ ярашиб куёнларини овқатлантираётган Ражаббой билан Ажаббой энди кетайлик, кеч қолсак, онамиз уришади, велосипедларингни олиб шифтга осиб қўяман, деб жўнаб кетишди.

Туни билан суҳбатлари тўхтамади. Муаллиманинг Эшон ая ҳақида кўпроқ нарсаларни билгиси келади. Эшон ая бўлсалар шавқу завққа тўлиб Эгам билан Карим ҳақида яна ҳам кўпроқ айтгиси келади.

— Бу хазинани, Инобат қизим, аввало Оллох, қолаверса авлиё боболарим мана шу икки ўғлим учун сақлаганга ўхшайди, эшитаяпсизми?

— Эшитаяпман аяжон, ҳаммасини эшитиб турибман.

— Икковлари менинг ўғлим бўлишган. Тиригим ҳам, ўлигим ҳам энди шуларники... Оллоҳ яхши ниятлиларни муродига етказаман деган. Ўғилларимнинг ниятлари яхши экан. Мана буниси отасига трактор олиб бермоқчи бўлган, мана буниси марҳума онасига оқ мрамардан ёдгорлик қўймоқчи бўлган... ота рози, худо рози, она рози худо рози, деган гаплар бежиз айтилмаган, қизим. Хазина бу икки ўғлимга оллоҳдан келган мукофот, Оллоҳим мукофатни мана шу оппоқ-оппоқ қуёнлар орқали жўнатибди. Сиз, қизим, ўғилларим билан бирга бўлинг, йўл йўриқ кўрсатинг... кўнглимдаги бу гаплар ҳам оллоҳдан келаяпти... Оллоҳ ҳамма нарсани кўрувчи, ҳамма нарсани билувчи.

Бўлаётган гапларга бир ишониб, бир ишонмай, гоҳо кўркувга берилиб, гоҳо ўзини аранг босиб ўтирган муаллима учун ҳаяжонли воқеа содир бўла бошлади. Кўча эшикни такка беркитиб, орқасидан бақкуват тамба қўйдилар, ичкари уйнинг эшигини ҳам беркитдилар. Тош ўчоқни қиздириб, совигач, ер тўлага Эгамбердини туширдилар. Эгам тилло тўла халтани кўтариб чиқиб ўртага тўкганда ҳамидова опой худди ажина чалиб кетгандек анчагача анграйиб қолди. Бу ёқут кўзлик узуклар, қат-қат турган катта-кичик тилло тангалар, ўз замонасининг нодир усталари зеб берган зебигардонлар... булар ичида сеҳр бор эканми муаллимани сеҳрлаб қўйгандек бўлди. Эгам билан Карим бўлса беш баҳога жавоб берган ўқувчидек ғурурга тўлиб, жилмайиброқ туришибди. Эшон ая бу хазина ташвишидан тезроқ қутилсам эди, деган бир алфозда турибдилар.

— Аяжон, — дея ўзига келиб сўз бошлади муаллима.

— Гапиринг қизим, тезроқ гапиринг, — дедилар Эшон ая.

— Бу сирлардан, бу хазинадан нега бориб-бориб мени воқиф қилаяпсизлар?

— Оллоҳ ўғилларимнинг кўнглига солди, Оллоҳ менинг кўнглимга солди. ҳаммаси оллоҳдан келаяпти, қизим.

Оллоҳ йўл берса ҳеч гап эмас экан-да. Муаллиманинг бирга ишлашга розилик бериши ҳам, бу тиллоларни бир қисмини тезроқ пул қилиш ҳақидаги гап ҳам осонгина кўчди. Муаллиманинг айтишича, шаҳарда тиллоларни пуллаб берадиган, керагича сақлаб берадиган, зарур бўлса нарҳини ҳам белгилаб берадиган «Ломбард» деган дўкон

бўлар экан. Лекин шунча катта бойликни мана бу йигитчалар олиб борса шубҳа пайдо бўлар экан, майда чуда гап кўпайиб қолар экан. Эшон ая бирга боришлари шарт экан. Тиллоларни турли найранг ишлатиб олиб қўйишлари ҳам мумкин экан.

— Ахир, муаллима қизим, мен тарки дунё қилган аёлман-ку.

— Аяжон, сиз мана бу мўлтиллаб турган йигитчаларни ўғилликка қабул қилгансиз, шундайми?

— Шундайку-я қизим...

— Энди ўғилларингиз учун, бирга борасиз... бошқа ҳеч иложимиз йўқ.

Эшон ая икки йигитчани бағриларига олиб бироз силаб сийпалаб турдилар-да тўсатдан йиғлаб юбордилар...

XVII боб

Эшонбоғга, уячаларида тинмай овқат еб кавшаниб турган беҳисоб қуёнларга, Ражаббой билан Ажаббойни ҳам қоровул, ҳам хўжайин қилиб қолдиришди. Кўча эшикни бировга очмаслик, катта уйга ҳеч кимни киритмаслик, боғни ташлаб бирор ёққа кетиб қолмаслик ҳақида топшириқ ҳам беришди.

— Бўпти, — деди Ажаббой қўлини кўксига қўйиб ғалати жилмайиб, — фақат менга ҳам битта қўл телефони олиб берасизлар. Мана, акам мазза қилиб гаплашяпти. Мениям қулоғимга тутиб гаплашгим келаяпти.

— Сенга қуёнлар гаплашадиганидан олиб бераман, — деди Эгамберди, — мен келгунча аканг билан жанжаллашмагин. Тагин қўлидаги телефонни олиб, ўтган кунгига ўхшаб боғнинг этагига қочиб юрмагин.

Оллоҳ оқ ниятли бандасига оқ йўл берса иши ўнгидан келавераркан. Эгамберди билан Каримбердининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаларини уларнинг уйига кириб, оналаридан сўраб олиш унча қийин бўлмади. Муаллима бирга киргани учун оналар, мактаб учун керак бўлгандир-да, деб қўя қолдилар. Гузардан киракаш машинани ушлаш Эгамбердининг зиммасига тушди. Тикилиб турганларга Эшон аямизни шаҳарга, катта дўхтирларга кўрсатгани

олиб кетаяпмиз дейишди. Эгамберди тилло тўла елим халтани бағрига маҳкам босганча, муаллима билан Каримбердининг ўртасида жимгина борапти, Каримберди билганича дуоларини ўқиб боради. Муаллима ҳамон бунча катта хазинани нега менга ишондилар, деб ўйлашдан тўхтамайди. кўрқиш, ҳадиксирашга ўхшаш бир ҳолат муаллимани ҳеч тарк этмаяпти. Аслида бу хазинани тезроқ бир ёқлик қилиш, ё сақлаб беришга топшириш, ё сотиб, пулини ишончли банкка қўйиш ҳақидаги фикр аслида шу муаллиманинг ўзидан чиққан.

Бир соатга қолмай пештоқига катта катта зарҳал ҳарфлар билан «Ломбард» деб ёзиб қўйилган даргоҳга етиб келдилар. ўх-хў, жуда зўр-ку, тепаси меҳмонхона, ўнг томонида банк, чап томонида курилиш ташкилоти деган ёзувлар бор, бир биридан чиройли ёзилганини айтмайсизми. Ичкарига тортиниброк кирдилар. Нозиккина, ёқимтойгина, жилмайибгина турган қиз кутиб олди. Бай-бай, унинг гўзаллигини, борлиғидан таралаётган атру-уфо хидларининг хушбўйлигини қаранг. Эгамберди негадир, бир сония ичида Фотима кизни кўз олдига келтириб, худо хоҳласа, мен ҳам унга ана шунақа атир олиб бераман, деган гапни кўнглидан ўтказиб:

— Тилло сотгани келдик! — деб қўлидаги етти хил халтага кетмакет солинган тиллоларни пештахта устига авайлабгина қўйди.

қиз иболи, синчков нигоҳлар билан йигитчанинг ҳамроҳларига бир-бир қараб олиб, халтани кўлига ушлар экан, тўсатдан, довдираб қолгандек бўлди.

— Вой, бу жуда оғир-ку.

— Кўпроқ олиб келдик-да.

Гўзал қиз ҳозир, ҳозир деди-да, ичкаридан ёқимтойгина, бежиримгина кийинган, бўйнидаги галстугига ялтироқ нарсалар қадалган, новчароқ бир йигитни бошлаб чиқди. Йигит халтани очиб қараши билан кўзлари чарақлаб, ҳалиги гўзал қизга ўхшаб, довдираб, кўзлари катта-катта очилиб қошлари керилиб чиройли юзини ҳайрат нурлари қоплагандек бўлди. Лабида чиройли табассум ўйнар экан:

— Хуш кўрдик, — дея қўлини кўксига қўйди. Сўнг сўнгги йилларда бунақанги кўп олтинлар келмаганданми, ҳалиги довдирашига яна шуни довдираш қўшилиб, катта катта очилган кўзларини анчагача юмолмай турди.

— хўш аяжон, хўш опажон, ушбуни сотганими ёки гаровга қўйгани келдиларингми? — деб мулойимгина қилиб сўради. Эшон ая ўғилларига ҳамроҳ бўлиб шаҳарга жўнаганларидан буён гоҳ, худога шукур, ўғилларимга ёрдамим тегадиган бўлди, деб ўйлаганлари учун диллари чароғон бўлиб, гоҳ молу дунё мен учун ёт эди, унга аралашиб нотўғри қилдимми, дея кўнгилларининг бир чеккасини қоронғулик босиб келаётган, тинмай дуолар ҳам ўқиб турган эдилар.

— ўғилларимдан сўранг, — дедилар паст овоз билан.

— Хўш укалар, хўш опажон, сотамизми, гаровга қўямизми?

— Сотамиз, — дейишди Эгамберди билан Каримберди.

— Опажон, сиз нима дейсиз?

— Мен гувоҳ бўлиб келдим, тиллолар онамизга манашу укаларимга қарашли.

— Ҳақиқий эгаси ким бўлади?

— Ҳаммамиз эгамиз, — деган жавоб қайтаяпти.

— Аяжон, сиз айтинг, бу йигитчалар сизга ким бўлади?

— ўғилларим ўрнига ўғил қилиб олганман.

— Узр аяжон, ушбу катта бойликнинг таги-туғи кимники эканлигини билмасдан туриб савдолаша олмаймиз. Эзмалик қияпти деб ўйламан. Аслида қоида шундай. Бу опамиз сизга ким бўлади?

— Муаллимман, гувоҳ бўлиб келдим деяпман-ку. Бу ўғилларимиз фермер, шуларга гувоҳ бўлай деб келдим.

— Гувоҳ бўлганлигингиз ҳақида, қани ваколат қоғозингизни кўрсатинг-чи.

Эгам билан Карим заргарлик дўконига беш-олти тангани кўтариб борганларида дўкон эгалари гап йўқ, сўз йўқ, шоша-пиша тангаларнинг пулини бериб қўйган эдилар. Бу даргоҳда эса серсавол одамлар ишлар экан... борди-ю қаллаб кишиларга дуч келиб қолган бўлсак-чи, дея ўйлай бошладилар. Бунинг устига пойма-пой қилиб бераётган жавоблари сотувчини ҳам шубҳага солиб қўйганга ўхшайди, шошилиб ичкарига кириб кетди. Хиёл ўтмай остонада даҳшатли бир одам пайдо бўлди. Бўйи баланд, уйнинг шифтига тегай деб турибди. Калла катта, бошида тақир сочи йўқ — ялтираб турибди, бурни ялпайиб келиб лабига қўшилай деб қолибди, чап қулоғининг ярми йўқ, кўзлари ҳам катта- катта, тикилиброқ қараса ичига одамни

тортиб оладигандек... мафия, деб бирданига ўйлашди Эгамберди билан Каримберди, тамом, тилло кетди, деб кўнгилларидан ўтказа бошлади.

— Ассалому алайкум, ҳожи она!

— Ассалому алайкум, муаллима синглим.

— Ассалому алайкум, азамат ўғилларим, — деб ҳар бирларига алоҳида алоҳида салом бера бошлади, — хой қизларим, нега хожи онани диванга олмадиларинг, ичкаридан атлас кўрпачалардан олиб чиқинглар, қани хожи она диванга ўтинг, йўқ, йўқ, ўтасиз, сиздақанги мўътабар зотлар бу ерга ойда-йилда бир келади. Муаллима синглим сиз ҳам ўтинг. Чой беришсимми, ё кофе ичасизларми? хожи она, қани бир дуо қилинг-чи.

Эшон ая қалтироқ қўлларини аранг кўтариб дуо қилдилар. У кишидаги хавфли одамга дуч келиб қолмадикмикан, деган ҳадиксираш ҳали тарқалмаган эди.

— Онажон, мени хожи Содиқ дейдилар, — гапира бошлади ҳалиги киши, — уч бора Ўж сафарига борганман. Зиёратим қабул бўлдим-йўқми бу фақат Яратганнинг ўзига маълум. Мана шу «Ломбард» дўкони, тепадаги замонавий услубда қурилган уч қаватли меҳмонхона, ўнг томондаги «Кредит банк», чап томондаги қурилиш ташкилоти ҳам камина қулингизга қарашли. ҳаммасига генерал деректор бўлиб олганман, чакка эмас-а? Шаҳарда яна иккита «Ломбард» бор, уларга одамлар кам боради, алдовчилари кўп, менга эса кўпроқ келишади. Мен рост гапираман, ҳақиқатни айтаман. Зиёратга келганлар ҳам пулу олтин муомиласини мен орқали ҳам қилишади... Онажон, бунчалик кўп олтинни йўлда юз бериши мумкин бўлган хавф-хатардан қўрқмай кўтариб келганларингга ҳайронман. Ё қоровулларинг ташқарида ўтирибдими? Ахир булар бутун бир шаҳарнинг бойлигига тенг-ку. Хўп, хожи она, гапни қалтароқ қилиб савдога ўтайлик. Келтирган нарсаларингни савдолашиб, нархини келишиб оламиз. Муқаддас ҳадисларда, олувчи ҳам, сотувчи ҳам савдолашсин, савоби икки томонга тенг бўлади, деб айтилган... Олдин бу тиллоларнинг келиб чиқиш манбаини очиқ айтишлар. Рост сўзланглар, ёлғон аралашса савдони тўхтатамиз... хожи Содиқ даргоҳида ёлғон сўзга ўринг йўқ, Худо хоҳласа бўлмайди ҳам.

ҳожи Содикнинг узундан узоқ айтган сўзлари тўрттовларига ҳам тасир қилди шекилли аста-секин ўзларига кела бошладилар:

— ўғилларим билан савдолашинг, — дедилар Эшон ая.

Эгамберди билан Каримберди бири олиб бири сўзлапти, энтика энтика сўзлаптилар, кескинроқ қилиб муаллима сўзлапти.

— Демак, Хонкелди қишлоғидан экансизлар-да, — сўраяпти ҳожи Содик жаноблари, — бу ўғилларимиздан бири марҳум онасига ёдгорлик қўймоқчи, бошқаси отасига трактор олиб бермоқчи бўлган экан-да. қани энди ҳамма отанинг ўғиллари ҳам ана шундай бўлишса. ҳадисларда аввал онангдан қарзингни уз, кейин отангдан қарзингни уз, деб беъжиз ёзилмаган. Демак, бу ўғилларимиз яхши ниятлар ичида яшашган. Яхши ниятларига Оллоҳдан марҳамат келибди-да...

ҳаммалари ичкарига эшикчаси тепасига «лаборатория» деб ёзиб қўйилган ёп-ёруқ бир хонага таклиф қилиндилар. ҳожи Содик жаноблари, топиб олсанг ҳам санаб ол, деган нақл бор, онажон ҳафа бўлманг, металларингиз софми, соф эмаслигини текшириб кўрамиз, текшираётганимизда ҳаммаларинг диққат билан қараб турасизлар, деди.

Оппоқ оппоқ кийиниб, кўзларига ғалати ғалати ойнаклар тақиб олган дўмбоққина дўмбоққина аёллар халтадаги тиллоларни кўлларига олиб, устига аллақандай дорилар суртиб:

— Соф, жуда тоза деб, — кўядилар, улардан ҳам оппоқроқ кийинган аёллар ҳар бир тиллони тарозиларга қўйиб, қайта қайта тортиб ҳам кўра бошладилар. ҳар-ҳар замонда бошларини кўтариб Эшон аяга тикилиброқ қарашади-да:

— Аяжон, мабодо хонларга келин бўлмаганмидингиз, деб қўйишади.

ҳожи содиқ йўқ бўлиб кетди. Ана кутишяпти, мана кутишяпти, дарак йўқ. Тиллоларнинг соф ёки соф эмаслигини аниқлаб олишгач, уларни яна қайтариб беришди. Эгамқул халтани бағрига босганча яна ташвишлар оламига ғарқ бўла бошлади.

XVIII боб

Бирга овқатланамиз дейишиб, анвойи гуллар ўртасида кумуш рангли фавворалар ўйнаётган кенг ҳовли орқали, йўқ, ҳовли эмас, жаннатнинг бир парчаси орқали, оёқ остига туркман гиламлари тўшалган, ўн икки-ўн тўрт кишига мўлжалланган шамшод дарахтидан ясалган стол-стуллар қўйилган, деворларига йил фасллари эслатувчи турли рассомлар томонидан бир-биридан гўзалроқ чизилган суратлар осилган катта хонага бошлаб кирдилар. ҳали дўконда қўрганлари қиздан ҳам нозикроқ, гўзалроқ бошқа бир қиз табассум билан кириб келиб Эшон аянинг қўлтиғидан олиб, эҳтиётлаб хона тўридаги юмшоқ диванга ўтказди. Чап томондаги гулли шкоф очилиб, йўқ шкоф кўринишидаги эшик экан, овозсиз очилиб ҳожи Содиқ жаноблари чикиб келди. ҳар бирларига алоҳида-алоҳида салом бериб, ҳуш кўрдик, ҳуш кўрдик, дея ҳожи она қани бир дуо қилинчи, деб қўйди, энди сизлар яйраб ўтиринглар овқатланиглар, деб чикиб кетди.

Бир-биридан нозик, бир-биридан гўзал, бир-биридан хушмуомилали икки қиз хизмат қила бошлади. қизлар олтинми, кумушми лаганлару ликобчаларда хўлу куруқ мевалар, қанд-қурслар, пишлоқу қалбасалардан келтира бошладилар. Иссиқ таомлардан етти хилини тавсия қилиб:

— Аяжон, сиз қайси таомни хуш кўрасиз? — деб сўрашди назокат билан.

— Сутли бўлақолсин, — дедилар Эшон ая.

Очиқиб ҳам қолган эканлар. Шошилиб овқатлана бошладилар. Тезроқ бу ердан чиксагу, тезроқ савдони бир ёғлик қилсак, тезроқ Хонкелдига қайтсак, деб ўйлаяптилар. Тўрттовларини ҳам бу ҳурмату эъозлар нима учун бўлаяпти, ўзи биз қанақа жойга келиб қолдик, ишқилиб ёмон одамлар бўлмасин-да, деган ташвиш ҳеч тарқ этмаяпти. Эгамберди ҳалтадаги тиллоларни бағрига маҳкамроқ босиб кириб чиқаётган қизларга хавфсираброқ қарайди, Каримберди, тинмай дуо ўқийди.

ҳалиги шкофнусха эшик овозсиз очилиб, ҳожи Содиқ жаноблари қариб, этлари қуриб қолганиданми ёки аслида жуссаси туғилганда ҳам ана шундай кичкина бўлганмиди, Эшон аяга ўхшаб оппоқ кийинган, бошдан-оёқ оппоқ исломий рўмолга ўраниб олган,

жиккакина кампирни қўлтиғидан олиб, аста-секин кириб кела бошлади.

— ҳожи она, узр — тез-тез гапирди ҳожи Содиқ жаноблари, — сиздан рухсатсиз бир иш қилиб қўйдим. Хонкелди қишлоғидан сиздек эшонзода келганини айтган эдим, аммам, бу киши менга ота авлод бўладилар, олиб бор ўша мўътабар меҳмон хузурига, бир нафас бўлса ҳам суҳбатлашиб қолай, дедилар. Олиб келиб тўғри қилибманми?

— Яхши қилибсиз, — дедилар истамайгина.

Кампирларнинг суҳбати аввалига қовишмади, бегонасираброк туришди. ҳожи Содиқ жанобларининг аммаси чиндан ҳам Хонкелди қишлоғида яшаб ўтган пайғамбаримиз авлодидан экан Сайид Эшонлар ҳақида эшитган, қизлигида ота-оналарига қўшилиб, соябонли аравада зиёратга ҳам борган экан. Ана шу ахборот икки кампирни бир-бирига боғлади қўйди, суҳбат шунақа қизиб кетдики, асти қўяверасиз.

Лабораторияда ўтирган уч аёл бирданига бу тиллолар, бу такинчоклар очик ҳавода сақланмаган, бир-бирларининг устида, зарралари бир-бирига таъсир қилиб, ер остида намиқиб, намлар таъсирида ранглари ўзгариб сақланган, деган ахборотни айтгач, ҳожи Содиқ бетокат бўлиб, ўзини қўярга жой топа олмай қоли. Бу опалару, бу йигитчалар тиллоларни қаердан олиб келишди, тиллолар ер остида узок ётган бўлса, у ерда қадим кимлар яшаб ўтган, яшаб ўтганлар хазина йиғиш имкониятига эгамиди, деган саволларга жавоб топишга шошди. Жавобни эртага эмас, бугун топиши керак. Ёши юздан ошиб қолган аммасини бекорга олиб келмади, Эшон аянинг кимлигини аниқлаб бериши керак. ўзига қарашли бўлган банкнинг туман бўлимига қўнғироқ қилди, зудлик билан шаҳардаги тарих музейи раҳбари билан боғланди. Давлат хафвсизлик идорасида ишончли одами бор эди, ўша одам орқали Эшонбоғда хонлар замонидами, қўрвошилар замонидами қанақа воқеалар содир бўлганлигини аниқлади. ҳа, бу одамга худо керагича мўл-кўл ақл берган. Шу ақлингни кўпроқ ишлатгин деб яна шунча ақл берган экан. Икки кампирнинг суҳбати поёнига етмасданоқ келтирилган тиллолар хазинининг бир қисми эканлигини аниқлашга эришди. қолганини қўлдан чиқармаслик керак, дея қатъий қарор қабул қилди.

— Узр онажонларим, хизматчиликда, бир жойда ушланиб қолдим, — дея қизгин суҳбатлашиб ўтирганлар олдиға хурсанд ҳолатда кириб келди, — юринглар, савдо адолатли бўлсин деб эксперт комиссиясини ҳам чақирганман. ҳалол, ростғўй кишиларни чақирганман.

Комиссия аъзолари тўпланган хонаға Эгамберди билан Каримберди тортиниброқ, Эшон ая бўлса истамайгина кириб бордилар. Муаллима эса ҳалигача шубҳали фикрлар тарк этмаяпти. Эксперт аъзолари тиллоларға нарх қўйиб бергач, ҳожи содиқ жаноблари:

— Хўш, онажон, пулларни кимнинг номиға қўямиз, — деб сўради.

— ўғилларимдан сўранг, — дедилар Эшон ая.

— Эгамнинг номиға қўямиз, — деди Каримберди.

— Йўқ, Карим, икковимизнинг номимизға тенг қўями, хазинани бирға топганмиз.

«Хазина, топганмиз» деган сўзларни ҳожи Содиқ жаноблари алоҳида диққат билан тингларкан, демак, хазинани шулар топган, деган сўзлар ўтди фикридан. Банкнинг ҳам, «Ломбард»нинг ҳам, фуқароларнинг омонати сақланадиган бўлимнинг ҳам ҳаммаси мана шу ҳожи Содиқ жанобларига қарашли экан. ҳужжатларни расмийлаштириш, милён-милён сўм пулларни Эгаму Кариму, тортиниб, йўқ йўқ деб турган муаллима номиға ўтказиш бамисоли ҳамирдан қил суғиргандек бўлди-қўйди. ўша ерда ишлаётган ходимлардан бири, бошқа вақтда бўлганда, бу ҳужжатларни олти ойда аранг расмийлаштирадиларинг деб кўзи косасидан чиқиб кетгудек дафтарчадаги рақамларға тикилиб:

— Бай, бай, бай! — деб ёқасини ушлаб ҳам қўйди.

— ҳожи она, — дея мурожат қилди ҳожи Содиқ жаноблари ишлар якуниға етгач, — сиздек мўътабар, сиздек эшонзодалар авлодидан бўлган буюк инсоннинг фарзандлари, энди шундай деб атаймиз-да, менинг банкимға мижоз бўлиши, менға Оллоҳнинг буюк марҳамати бўлди. Сизлар банкка жуда катта пул қўйдиларинг, кичикроқ бир шаҳарнинг бойлигига тенг бойлик қўйдиларинг. Катта пул атрофида муттаҳамлар, товламачилар, қаллоб одамлари ўралашиб қолади. ўғилларингиз, мана бу камгапгина, камтаргина илиққина муомилали

қизингиз ҳам йўқ дейишмас, деб ўйлайман, албатта сиздек мўътабар зотнинг розилиги билан, биз ҳамкорликни давом эттирсак. Сизларнинг ҳимоянгизни менинг банким қилса.

— ҳожи ўғлим, мен мингдан минг розиман, қаттиқ чарчаб қолдим, тезроқ кета қолайлик.

— ҳўш, тортинчок, камгап муаллима синглим, сиз нима дейсиз?

— Эгамберди билан Каримберди нима дейишса, мен ҳам розиман.

— ҳўп Эгам ўғлим, менинг банким билан ҳамкорлик қилишга розимисан?

— Пулнинг ярми Каримда-ку, унинг ўзидан ҳам сўранг.

— Карим ўғлим, сен нима дейсан, ҳамкорликка розимисан?

— Эгам рози бўлди, демак мен ҳам розиман.

Ана шу гаплардан кейин яна ҳайратга соладиган бошқа бир воқеа ҳам юз бериб қолди. Келганларидан буён ҳожи Содикдек катта банк эгаси, катта тилло дўконининг раҳбари, тўрт товларини ҳудди пошшозодалардек, пошшоларнинг синглисию, оналаридек ҳурмату-эъзоз қилганлари озлик қилгандек энди ҳожи Содик жаноблари сизларни Эшонбоғга шахсан ўзим олиб бориб қўяман, баҳонада буюк ҳазратларнинг муборақ қабрларини тавоб қилиб келаман, деб туриб олди. У кишининг сўзини қайтариб бўлмас экан. Рўлга ўзлари ўтирдилар. Бора боргунча ҳаётларида бўлиб ўтган қизиқ-қизик воқеалардан сўзлаб бордилар. Эшон боғга кадам қўйишлари билан ҳазрат эшонларнинг қабрлари ёнига бориб, қоқ ерга ўтириб, шундай бир ёқимли, таъсирли овоз билан тиловат қилдиларки, Эшон ая ҳам тан бериб ўтирдилар. Сўнг ғира шира қоронғи бўлиб қолган бўлса ҳам боғни айланиб чиқаркан:

— Худо хоҳласа мана бу ўғилларим билан боғни албатта обод қиламиз.

— худо хоҳласа, бир ҳафта ичида электр симини ҳам тортамиз,

— Худо хоҳласа мана бу ўғилларимиз билан қуёнчиликни шундай ривожлантираамизки, бутун дунё қуёнчиларининг ҳаваси келадиган бўлади, — ана шунга ўхшаш гапларни айтиб, ҳожи она набираларингизга бирон нарса берсангиз, ҳузурингизда бўлдим, ҳузурингизда бўлганимни уларга айтиб бир мақтансам, деб қўйди.

— Жоним билан, ўша набираларингизга мендан ҳам салом айтинг, дедилар Эшон ая.

Уйдан бир халта қурт олиб чиқиб бердилар. Эгамберди билан Каримберди битта оқ қуён ҳадя қилишди.

УЧИНЧИ ҚИСМ

I 606

ҚУЁНЛАР САЛТАНАТИНИНГ ШАҲОНШОҲИ

Хонкелди қишлоғи вақти-вақти билан гоҳо қувончли, гоҳо ташвишли миш-мишлар ичида қолади. Биттаси тамом бўлиши билан бошқаси бошланиб кетаверади. Бунақа таги-туғи йўқ гапларни ўйлаб чиқарадиганларнинг махсус мактаби бўладими ёки йўқми, ҳеч ким билмайди, бу гаплар бир бирига яширин рақобатда бўлган Қибла маҳалладан чиқадими, Соё маҳалладан чиқадими ҳеч ким аниғини айтолмайди. Айтмагани ҳам яхши, айтса борми, катта муштлашув бошланиб кетиши аниқ.

Икки маҳалла яна ғийбатлар ичида қолди. Айниқса шафқатсиз, қаттиқ-қўл, лекин ҳалол, одил деб ном чиқарган Сирож бригадир билан қўйдаё ювош, мусичадек увол косимали сувчиларнинг Эшон боғда бўлиб ўтган катта худойи ошида иштирок этиб, биз ўғилларимизни Эшон аяга розилик билан бердик, майли, ўғил қилиб олақолсинлар деганлари; шаҳардан катта банкнинг вакили келиб Эшонбоғга уч кун ичида электор сими тортиб бергани; қирқ метр пастдаги булоқдан Эшонбоғга насос орқали сув чиқарганлари; ўша катта ош тортилаётган пайтда участка милитсионери, сени албатта қамайман деганда, Эгам сени ўзингни қаматаман, дегани; Эгамбердиннинг ҳаддан ташқари мақтанчоқ, ҳаддан ташқари кеккайиб бораётгани; балоғат ёшига етганлар орасида бирга бориб паспртингни ол дейишганда менинг паспртимни уймга олиб келишади дегани; кун аро шаҳардан яп янги нексия машинаси келиб, Эгам билан Каримга қоронғу тушгунча хизмат қилаётгани... мана шулар ҳаммаси мишмишларга, ваҳимали гапларга асос бўлаверди, кучайиши учун тагига сув қуяверди.

ҳамидова опой билан, Универсал бобонинг куёнлар туфайли мактабдан ҳайдалиниши, куёнчиликни яна ҳам ривожланишига бир туртки бўлди. Тошкентнинг қайсидир бозорида аравада юк ташиб пул топамиз, онамизни энг катта дўхтирларга кўрсатиб даволаймиз,

деб қийналиб юрган ака-ука Ортиқали билан Султоналининг фермага келиб қўшилиши у ёқ-бу ёғда санғиб юрган бошқа ўсмирларнинг ҳам ёпирилиб келишига сабаб бўлди.

Лекин ичи қоралик деган нарсалар ҳам бор экан. Донишмандлардан бири бировнинг бахти бировнинг кўзини чиқаради, деган гапни айтиб кетган экан. Эгамберди билан Каримбердидан дакки еб, гоҳо калтак еб ҳам юрган Исроил билан Ғулом Қуппалар, бунинг устига бирон айбини бўйнига қўйиб жазолай олмаган, жазолай олмагани учун алами ошиб юрган участкавой Эркаев бирлашиб олдилар. Эҳтимолки, қуёнчиликни тез ривожланаётганидан бошқа омадсиз фермерлар ҳам ташвишга тушиб қолгандир.

Бир кечада кетма-кет икки фалокат юз берди:

қирқ метр юқорига насос орқали кўтарилган сув иншоотини портлатиб юборишди, уч чақирим наридан электор симини тортиб келишган эди, симёқочлардан ўн тўрттасини бир кечада ўғирлаб кетишди.

Эшон ая йигитчаларининг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилади.

Муаллима далда бериб, бунақа нарсалардан кўркманглар, дейди. хожи Содиқ жаноблари орқаларингда мана мен турибман, ишни қайтадан бошлайверинглар, дейди.

Пули кўп одамнинг ёрдамчиси ҳам, маслаҳатчиси ҳам кўп бўлар экан. Атрофларини ёрдамчию, маслаҳатчилар ўраб олаверди. Ана шундай кунларнинг бирида собиқ колхознинг идораси, молхонаси, машина-трактор парки, электор тегирмони, «Беларус» русумли тракторлари ким ошди савдосига қўйилади, деган хабар тарқалиб қолди. ҳамма хабарни ҳаммадан олдин эшитадиган ака-ука Ражаббой билан Ажаббойлар топиб келишди бу гапларни.

Эгамберди шошилиб ферманинг мажлисини чақирди.

— Тинчликми? — сўрашди ферма аъзолари.

— қўшни қишлоқдаги аъзоларимизни ҳам чақирамиз.

— ўғлим, мунча шошилмасанг, поездинг кетиб қолмаяпти-ку ахир, — деб маслаҳат берган бўлди муаллима.

— Опажон, қишлоғимизда юзтача фермер бор, ҳаммаси сотиладиган мулкни мен оламан, деб турибди, — дея мулоҳаза юрита

бошлади Эгамберди, — мана, Карим икковимизда милён-милён пуллар бекор турибди, шу пулларга ўша мулкларни олиб, кимга олиб берган бўлсак, ўшаларга ҳадя қиламиз. Пул Эшон аямнинг айтишларича, эшитдингизку, шу юртда яшаб ўтганларнинг ота боболаридан йиғилган, тўғрими, демак бу пуллар ҳам ўшаларнинг ўғил-қизларига тегишли, куёнчиликдан ортган пулнинг ҳаммасини ўшаларнинг набираю, эвараларига тарқатамиз. Колхоз мулкidan нималарни сотиб олсак бўлар экан?

Ферманинг ёш-ёш аъзолари навбат билан қўл кўтариб қайси мулкни олиш кераклигини айта бошладилар.

— Колхоз идорасини паққос оламиз, кейинчалик мен раис бўламан, — деяпти ҳовлиқмачи Ражаббой.

— Тракторларни ҳам олайлик.

— ўрикзорларни ҳам олайлик?

— Электр тегирмонни менинг бобомга олиб берамиз.

— Сартарошхонани олсак ўша ерда музқаймоқ сотса бўлади.

— Пулимиз етадим ахир.

— Худо хоҳласа етади, ортиб ҳам қолади.

Шаҳардан хизматга чақирилган машина боғ этагида ҳамиша шай тчуларди. Эгамберди, Каримберди, муаллима, Ражаббой Ажаббойлар тикилишиб ўтиришиб, савдо кўргазмаси ўтиши мўлжалланган жойни бориб кўриш, ўрганиш учун ўша ёққа жўнадилар. қоровул буларни илиққина кутиб олди. Туман марказидан, қўшни қишлоқлардан харидор бўламиз, деб кўп қишлоқ келиб кетаётган эмиш, бозорқўм, автоинспексия бошлиғи ҳам келишибди.

— Эгам ўғлим, сендан бир нарса сўрайман деб, умидвор бўлиб ўтирувдим, — тортиниbroқ гап бошлади қоровул додо, — айтадиган жавобингни Эшон аянинг рухсати билан айтасанми?

— Йўқ, яхши савол бўлса, ўзим жавоб қайтаравераман.

— Эшитдик, жуда бойиб кетибсан, ўғлим.

— Ҳа энди, бобо, Оллоҳнинг хоҳиши билан шунақа бўлди.

— Очиғини айт, сенга маблағни кимлар берапти?

— Айтдим-ку, бобожон, Оллоҳдан келаяпти.

— ўғлим, маблағнинг кўп бўлса... Менга электр тегирмонни олиб бергин, жон ўғлим. Худо хоҳласа аста-секин пулини узаман. Биласан,

амманг ногирон, мен бўлсам мана ҳеч нарсага ярамайдиган бўлиб қолдим... ўтган йили ер тақсимланганда, мени алдаб қўйишди, ололмай қолдим. Жон ўғлим, Эшон аяга бориб илтимос қилиб келдим, ўша тегирмонни олиб берсанг бир умр мана шу қишлоққа хизмат қиламан... секин қулоғинга айтиб қўяй, тегирмонни бозорқўм олмоқчи эмиш, Тўрақулга пул бериб кетди.

— Мен розиман, бобожон, Карим ўртоғим ҳам рози бўлса, тегирмонни сизга олиб берамиз.

— Карим ўғлим, муллавачча ўғлим, рози бўлгин.

— Бўпти, бобожон, тегирмонни ўз номимга оламану ҳадя қиламан... Кеча газетада ўқидик, сотиб олсам ҳадя қилиш ҳуқуқига эга эканман.

— Муллавачча ўғлим, Эгам икковингни ўлгунча дуо қиламан... Лекин кўрқиброқ ҳам турибман.

— Нимадан кўрқаяпсиз, бобожон? — тенгдан сўрашди йигитчалар.

— Тегирмонга московчи бой ҳам ишқивоз бўлиб юрибди.

— ўрикпуришми?

— Ҳа ўшада, ўғилларим.

— кўркманг бобожон, — деди Эгамберди, — Карим икковимиз турган жойда бой экан-ку, ундан каттаси келганда ҳам, сўз бермаймиз, тамом. Сизга олиб берамиз, биз билан олишганининг белини синдирамыз.

— Ҳай, ҳай, ўғлим, белини синдирадиган бўлсанг, гапимдан қайта қолай.

— Бобожон кўркманг, белини синдирмаймиз, белини силаб-силаб енгамиз.

II боб

Туни билан уйку бўлмади.

Маслаҳат устига маслаҳат бўлаяпти.

Собиқ колхоз мулкидан қанчасини олиш керак?

Тажрибали, кўпни кўрган муаллима бир гап айтаяпти.

Бир кунда катта пулга эга бўлиб қолган Эгамберди билан Каримберди яна бир гап айтаяпти.

Банкдан вакил бўлиб келган, аслида, Эгамберди билан Каримбердини ҳимоя қилиш учун зимдан беркитиб қўйилган, шунчаки мошиналарингни ҳайдаб юрибман, деб юрган йигит учинчи бир фикрни айтаяпти.

— Оллоҳ яхши ниятларинга ривож берсин, савдоларинг ўнгидан келсин, — деб Эшон ая фотиҳа бердилар.

Шаҳардан хизмат учун чақирилган машинага, тўғриси ҳожи Содиқ жанобларининг яширин пойлоқчиси бошқараётган яп янги «Нексия» машинасига ўтириб, савдо ярмаркаси ўтадиган жойга тантанали кириб бордилар. ў-хў, одам дегани тирбанд бўлиб кетибди. Илгари Тошкентдан номдор артислар келганда ана шундай бўларди. Гуруҳ-гуруҳ бўлиб, оила-оила бўлиб, жуфт-жуфт бўлиб ўтиришибди. қизик, негадир, мактаб ўқувчилари ҳам синф-синфга бўлиниб жой талашишяпти.

— Колхоз бугун ўлади.

— Илгари ўлган-ку!

— Бугун кўмишади.

— Фотиҳани бойиб кетган фермерлар ўқийди... — деган гаплар тўхтамаяпти, гоҳо гуруҳлар ўзаро ниманидир маслаҳатини ҳам қилиб олишяпти.

«Нексия»дан чиқишлари билан ҳамманинг кўзи Эгамберди билан Каримбердида бўлиб қолди. Чиройли костюмларига, ялтироқ туфлиларига, оппоқ оппоқ ёқали кўйлақларига тикилиб-тикилиб, синчиклаб синчиклаб қарашяпти. Йигитчаларнинг, яхшироқ кийинганлари учунми, бўйлари ҳам новчароқ кўриняпти, ўзларини тетик, дадил тутишяпти. қизик, булар кечаги қуён баҳсида ўз директорлари билан олишиб юрган, участка милитсионерининг олдига тушиб қочган, Ғулому Шокирлар билан тинмай муштлашиб юрган ўсмирлар эмас, йигитлик нухси уриб қолибди, қарашлари жиддий, кўринишлари ҳам ҳела ўйжан, фикрли йигитларнинг айнан ўзига ўхшаб қолишибди... Тикилиб қараётганлар орасида мактабдан ўқишни ташлаб чиққан қизлар ҳам кўп. Улар ҳам тўхтамай ҳар-қил фикрлар айтишяпти.

— Эшитдингми, муаллимамизга қанча қуён туғдирса шунга қараб маош беришаётган эмиш.

— Эшитдим, бешта қуёни ўлик тукқан экан, маошини ярмини кесиб ташлашибди.

— Ёлғон, ўлик тукқан экан, опажон, хафа бўлманг, маошингизни яна ҳам кўпроқ берамиз, дейишибди.

— Эгам Фотига уйланса америкага кетишармиш.

— Фоти Ғуломга бешик кетди бўлган-ку?

— Эгам, Ғуломни отасига қўшиб бармоғим билан эзиб қўяман, дебди.

Бир-биридан чиройли сўз айтиб, бир бирини мот қилишга ҳамиша интилиб келган хонкелдиликлар ана шундай гапларга берилиб кетишган. ўртага стуллар қўйилган. Стулларда, савдо комиссиясининг аъзолари бўлса керак, савлат тўкиб ўтиришибди. Сирож бригадир ҳам ўтирибди, комиссияга аъзо бўлган бўлса керак. Каримберди отасига бир қарадию, нимадандир ҳижолат бўлди шекилли, дарров кўзини олиб қочди.

Занг урилди.

Савдо бошланди.

— Даштдаги шиғил ҳосилга кирган, ҳар бири уч гектарлик ўрикзорлар, — деб гап бошлади брокер, — Майдонлар бир-биридан ажратилган. Ўурмойи, мирзойи ўриклари гуркираб ўсиб турибди, сув ровот сойидан, шийпонлари испара усулида қурилган, ҳар бирининг дастлабки баҳоси уч миллион сўмдан.

Занг урилди:

— Уч миллион, бир!

Эсонкул боғбон қўл кўтариб ўрнидан турди:

— Беш юз минг қўшаман!

Занг урилди:

— Уч миллион, беш юз минг, бир.

Туман автоинспекциясининг бошлиғи, салобатлироқ бўлиб кўринай деган бўлса керак, кум билан артиб ювилгандек ялтираб турган полковниклик даражасини кўрсатадиган погонини ҳам тақиб келган экан. Шошилиб, ишонч билан ўрнидан турди:

— Тўрт миллионга оламан!

Занг урилди:

— Тўрт миллион, бир!

Тўракул амаки билан Райимкул тоға тенгдан қўл кўтаришди. Афтидан маслаҳатлари пишганга ўхшайди, савдога қўйилган ўрикзорни биргалашиб олишмоқчига ўхшайди. Икковлари бир овоздан:

— Тўрт миллион уч юз минг, пулимиз нахт, — деб юборишди.

Занг урилди:

— Тўрт миллион учюз минг, бир!

Полковник бу гал шошмасдан ўрнидан турди, эй худо, ишқилиб боғдан айрилиб қолмайлик, деб юракларини ҳовучлаб ўтирган боғбонларга худди масхаралаётгандек ғалати бир қараш қилди-да, баланд овоз билан:

— Боғни, боғларни беш миллион сўмга оламан! — деди.

Занг урилди:

— Беш миллион, бир!

ҳамма жим, ҳеч кимдан садо чиқмаяпди. Томошабинлар ҳаяжон ичида, хушларини йўқотгандек, эссизгина, боғ бегонага сотилаяпти-я, дейдиганлар, бечора Тўракул билан Райимбойлар даштга сув ташиб боғ яратган эдилар-а, деб афсусланаётганлар ҳам бор. Иккови боғбон бир бирларига қараб йиғлаворай-йиғлаворай деб туришибди.

Занг урилди:

Эгамберди ўрнидан турди:

— Боғни олти миллион сўмга оламан!

Одамлар ў-ў-ў-ў деб юборишди. Бу гапни Эгамберди айтдими, ёки ёнида шаҳар кредит банкининг вакили сифатида ўтириб, Эгамбердига далда бўлаётган, ҳозиргина уларнинг машинасини ҳайдаб келган йигит айтдими, кўпчилик англамай қолди.

Занг урилди:

— Олти миллион сўм, бир!

Полковник, катта одамлар гоҳо болаларга бор ичкарига кир, катталар ишига аралашма деб уришиб беришадику, ана шундай бир оҳангда тик турган Эгамбердига ҳўмрайиб қараб:

— Олти ярим миллион сўм бераман, — деб юборди.

Ана шундан кейин маслаҳатчилари билан полковник бир тараф, Эгаму Каримга тараф бўлиб келган ҳамидова опой, Универсал бобо, Ражаббою Ажаббой бир тараф, ё пирай, бир олишув бошланди, бир олушув бошландики, хонкелдилиликлар нақ юрак ўйноқи бўлиб қолиша ёзди. Пул устига пул қўйилиб бораяпти. Вой бўй, деган овозлар авжига чиқиб бораяпти. Пулларимиз олтиндан тушди, олтин шу юртда яшаб турганларнинг ота боболаридан қолган, пулни аямайман, яна тикаман деб ўйлаяпти Эгамберди, ўйлаган сари вужудида жасорат, шиддат авж олиб бораяпти. Полковник боғнинг баҳосини саккиз миллион сўмга кўтарди, ҳаяжон ичида, кўзлари ўйнаб туриб, қўллари қалтираб туриб эълон қилди. Азалдан қайсар бўлган бундай пайтларда вужудида ёввойи куч мавж ураётган Эгамберди полковникни бир йўла енгиб қўймоқчи бўлиб:

— Боғга ўн бир миллион сўм бераман! — деб эълон қилиб юборди.

Занг урилди:

— ўн бир миллион, бир!

Занг уч бора урилди, Эгам тилга олган рақам уч бора такрорланди. Полковник тик турганича жони чиқиб кетди шекилли, жим бўлиб қўяқолди.

Оламни қарсақлар овози босиб кетгандек бўлди. Одамлар орасидан:

— Полковник енгилди!

— Боғ ўзимизда қолди, — деган овозлар эшитила бошлади.

Эгамберди билан Каримберди ўринларидан туриб, биз ушбу боғни боғни яратган Эсонкул амаки билан Райимкул тоғамизга ҳадя қилдик, боғ ўзлариники эди, ўзларида қолди, дейишлари билан энди қарсақ шундай янградики, ҳатто ҳў наридаги дарахтларга қўнган қушлар ҳам хуркиб учиб кетишди.

Навбатдаги савдо эълон қилинган экан, ҳаяжонданми, шовқин кучайиб кетганиданми, Эгамберди билан Каримберди яхши эшитмай қолишган экан. Электрон тегирмон савдога қўйилибди. Брокер ризқу рўзимиз, иссиқ нонимиз, малда патиру, сергўш чучвараларимиз — Ҳамма ҳаммаси мана шу тегирмондан чиқадиған оппоқ оппоқ унлардан бўлади, деяётган экан.

Занг урилди:

— Бошланғич баҳоси олти миллион, бир!

Московчи, бой хўл-куруқ ўриқлару қизариб пишган гилосларни Москвага ташиб фойдасига кетма-кет улкан-улкан юк ташиш машиналари сотиб олиб ном чиқарган бир йигит эди. Гавдали, кўкраклари кенг, очик ёқасидан кўкрагидаги сариқ юнглари шундоққина кўриниб турган бу йигит жилмайибгина ўрнидан турди. ҳамқишлоқларига ёқимли табассум қилди. қўлини кўксига қўйиб салом ҳам берди. Тамом, деб ўйлашди тўпланганлар, бу тегирмонга манашу янги бой эга бўлади.

Московчи бой:

— Олти ярим миллион! — деб баҳо берди.

Занг урилди:

— Олти ярим миллион, бир.

Эгамберди билан Каримберди ёнидаги шериклари билан фикрлашиб, қоровулга кеча берган ваъдаларига амал қилишга қарор қилишиб, савдога сен чиқасан, олишувни сен бошлайсан, енгасан деб Каримбердини ўрнидан турғизишди. Каримберди худди уят иш қилиб қўйган ёш боладек, уялиброк, тортиниброк ўрнидан турди:

— Биз етти миллион сўм берамиз!

Занг урилди:

— Етти миллион сўм, бир!

Эски тегирмончи ўрнидан туриб хой ҳамқишлоқлар, тегирмон бузилиб, дабдаласи чиқиб ётибди-ку, яхшиси инсоф қилиб менинг ўзимга бериб қўя қолинглар, у ёғ-бу ёғини ростлаб ишга тушириб юборсам, худо хоҳласа, дон-дунларингни текинга тортиб бериб юраман, деди.

— Етти миллион сўм, икки!

Карим кимошди савдосини илгари кўрмаганди, оз оздан қўшиб бориш тартиби борлигини ҳам билмасди. ҳамонки уни олишга қарор қилган эканмиз, бир йўла олиб қўяқолайлик, деб ўйлади шекилли, савдони бошқараётган ҳакамга қараб шу тегирмонни биз қобил бобога олиб бермоқчимиз, хотини касал, ўзи чўлоқ, менда пул кўп, деган сўзларни айтиб, бу ерда айтиш мумкин бўлмаган бошқа

қўшимчаларни қилиб, кутилмаганда чўнтагидан ҳисоб рақами ёзилган дафтарчасини чиқариб:

— Гапнии қисқароқ қилмоқчиман, тегирмонга ўн бир миллион сўм берамиз! — деб эълон қилиб юборди.

Томошабинлар ўртасида пасту баланд гаплар бошланди. Норози бўлганлар ҳам, йигитчага раҳмат айтаётганлар ҳам кўп эди. Савдони бошқараётган брокер зангни шундай қаттиқ урдики сўзлаётганларнинг сўзи оғзи-ю бўғзида қолди.

— ўнбир миллион, бир!

— ўнбир миллион, икки!

— ўнбир миллион, уч!

— Йўқ бундан ошиқ пулни ҳеч ким қўя олмади, аслида бунақанги катта пул тўпланганларнинг ҳеч бирида йўқ ҳам эди. Ёпирилиб келиб қоровул бобони-ю Каримбердини ўртага олиб, ўпишиб, қучоқлашиб табриклай кетдилар.

III боб

Хонкелди қишлоғи бу кеча ухламади ҳисоб, учюз оилада учюз хил фикр тўхтамади.

— Эй товба, бу ёш йигитчалар шунча катта пулни қаердан топишяпти,

— Полковник курк товукдек писиб қолди-я!

— Писмиқ муллаваччада шунча пул бор эканми?

— Отаси Сирож бригадир бригадирлигида роса пул йиққанга ўхшайди.

— Ё Оллоҳ, ё тавба!

— Ишқилиб бу икки йигитчага кўз тегмасинда, кўз ёмон нарса одамни нобут қилади-я.

ҳамманинг оғзида ана шундай гаплар. Эшон аяни тавоб қилиш, булоқ суви тепага чиқибди, муборак бўлсинни айтишиб, электор чироқ ёқибсиз, умрингиз яна ҳам равшану чарағон бўлсин дейишиб, малда патирлардан, қат-қатли қаймоқли қатламалардан дастурхон тугушиб мухлислар келиб кетишяпти. Ая кўпам уларнинг олдига

чиқавермайдилар, ичкаридан туриб, ҳаммаси Оллоҳдан деб, келганларни дуо қилиб қўя қоладилар.

Бугун Эгамбердининг ўғай онаси билан Каримбердининг отаси ҳам келишган. Ўғиллари кимошди савдосида ютиб чиқиб, бутун қишлоқ аҳлини ўзларига қаратганларини айтишиб, Эшон ая, ўғилларимизни сиздек мўътабар зотга фарзанд қилиб бердик. Мана, сиз бағрингизга олганингиздан буён бойиб ҳам кетишяпти, бадавлат бўлишди, энди уларни ёмон кўздан асрашни Оллоҳдан сўраб туришингизни, сиздан қайта қайта илтимос қиламиз, дейишди. Эшон ая маъкул, маъкул деб ўтирдилар. Кетаётганларида ҳар бирларига, сандиқларидан кийимбош чиқариб бердилар. Ота-оналар жўнаб кетишгач Эшон ая муаллимани ёнига чақириб кимошди савдосида бўлган воқеаларни қайта-қайта сўрадилар.

— қизим сиздан эҳтиётроқ бўлиб яна бир нарсани сўрамоқчи бўлиб юрувдим, — гап бошладилар ая, — ўғилларим директор билан уришиб қолганлари ростми? Рост бўлса нега уришадилар?

— Аяжон, директоримиз ёмон одам эмас эдилар, лекин замонлар ўзгариб кетди, замондан орқада қолиб кетганлар...

— Ким билади қизим, тўқсон йилдан буён элдан ташқари бўлиб яшайман кўп нарсани билмаслигим аниқ. Кейин яна бир нарсани юрагим сезиб юрибди. Эгамберди билан Каримбердининг ўрталари бузилиб бораётганга ўхшайди. Сезишимча, Эгамкул қайсар бир сўзли, бориға қаноат қилмай, тўхтамай олдинга чопаверадиган йигитча экан. Каримберди бўлса Оллоҳга шукур, сабрли, қаноатли йигитча экан. ўрталаридаги жанжал мана шундан чиқадиганга ўхшайди. кўрқаман, кейинчалик ораларидаги жанжал кучайиб ажралиб кетишмасинда. қизим, яна сизга айтадиган гапим бор. Одам боласи қариб бораркану, орзу ҳаваслари қаримас экан. ҳамма оналарга ўхшаб мен ҳам чиройли-чиройли келинлар қилсам, ифбатли, иймонли келинларим қўлидан қайноқ-қайноқ чой ичсам, остимга атлас кўрпачалар тўшаб, хуш кўрдик аяжон деб салом бериб туришларини кўрсам, деб орзу қилган кунларим бўлган. Наҳотки уйимда ёр-ёр овозини эшитмай кетсам деб хўрсинган пайтларим кўп бўлган. Гоҳо кўзимни юмдим дегунча, қулоғимга гуриллаб ёр-ёр овози эшитилгандек бўлади, ўрнимдан туриб йиғлаб-йиғлаб оламан... худога шукур, Оллоҳ менга

мана ўғиллар берди, тўйнинг ҳаракатини бошланг, муаллима қизим, тезроқ бошланг.

— кишлоғимизда нима кўп чиройли қизлар кўп, аяжон.

— қизим, танлайдиган келинимиз тагли-жойли, иймонли, хўжаю эшонзодалардан бўлсин.

— Аяжоним, ўғилларингизнинг фермаси ривожланиб кетгандан буён кишлоғимизнинг ярми қизи уларга ишқибоз бўлиб юришибди. Уларни мақтамаган қизу, шу йигитлардан бирини куёв қиламан деб орзу қилмаган ота-она қишлоқда кам қолди.

— Оғзингизга новвот, муаллима қизим.

— Эшон аяжон, бир нарсани сизга айтмасам бўлмайди. ўғилларингизнинг танлаганлари бор... мен буларга тўрт йил синф раҳбари бўлганман, қайси болани қайси қизга мойиллиги бор, қайси қиз қайси болани хушлайди, бора бора билиб бораркансан. ҳали айтдим-ку, ҳозирги ёшлар сиз билан мен кўрган бурунги ёшларга ҳеч ўхшамайди. Илгари отаси ёки онасининг айтгани бўларди. ҳозир бутунлай бошқача, аяжон. Бешинчи синфдалигидаёқ бир-бирини танлайдиган бўлиб кетишган. қибла маҳаллада Турсинали қассоб бор-ку...

— Биламан, қизим, биламан. Отасини Мадрайим қассоб дейишарди, ота боболари хонларнинг отбоқари бўлишган.

— Аяжон, ана шу Турсинали қассобнинг Оллоҳ берган Фотима, Зухра деган қизлари бор. Эгам билан Каримингиз ўшалар билан... ишқилиб туғилган кунларида бир бирларига совға-салом қилиб юришади-да.

— Ҳайрият, қизим, ёмон одамларнинг зурриёди эмас экан.

— Аяжон, жиндак ишқалроқ жойи ҳам бор-да... Ишқали шуки, ўша Фотима қиз қўзиев райсининг ўғлига чақалоклигидаёқ бешиккетди бўлган экан. қўзиевнинг Ғулом деган қулоғига гап кирмас ўғли бор, ўшанга фотиҳа бўлган экан.

— Фотиҳа бўлган денг?

— Ҳа бўлган экан. Буни бутун юрт биларкан. Фақат қайсар, айтган гапидан қайтмайдиган ўғлингиз Эгам буни тан олмайди. Ғулом билан муштлашгани-муштлашган.

— Фотиҳа Оллоҳнинг муҳри! — деб Эшон ая жим бўлдилар. ўйга толиб кетган бўлишлари мумкин. Муаллима секин ўрнидан туриб куёнхонани айланган бўлди. Симтўр, ёғочкатаклардаги куёнлар жой торлигидан, ётолмай, бир-бирларининг елкасига бошини қўйиб тик турганлари ҳам бор. Ака-ука Ражаббой билан Ражаббойлар тахта аралашяпти. Акаси кучлироқ, укаси нимжонроқ, акаси қаттиқроқ тортмайсанми деса, укаси ўзинг тортмаяпсан, деб бақириб бераяпти.

Эгамберди билан Каримберди хў наридаги Универсал бобо омонатгина куриб берган, омонатгина кургани учун бир томонга қийшайиб ҳам турган ёғоч сўрида бир-биридан узоқроқ ўтириб олиб, бир-бирига аччиқ аччиқ сўзлар айтишяпти. ҳамиша болалар ўртасида бўлиб, ҳамиша болалар сўзига диққат билан гоҳ ошқора, гоҳ яширин кулоқ солишга ўрганиб қолган ҳамидова муаллим бурилиб кета олмади. Кўпинча жўжа хўроздек тиккама-тикка олишиб, яна тезгина ярашиб ҳам кетишни одат қилиб олишган икки ўртоқ эртага бўладиган кимошди савдосига нимани олишга, қанча пул тикишга келиша олмай, жўжахўроздек бир-бирларига тикилиб қолишган экан.

— Шу тракторни оламан, — деяпти Каримберди.

— У тракторлар эски, шалоғи чиқиб кетган, жон ўртоқ, сабр қилгин, бир йўла янгисидан оламиз, — дейпти Эгамберди.

— Янгиси бўлгунча дадам уни миниб турсин.

— Йўқ дедим, йўқ.

— Оламан дедимми, оламан.

— Олмайсан!

— Олмайдиган бўлсам ма, мана бу дафтарчалардаги миллион миллион пулларингни ол, истаган одамингга бер, ёмон кўраман уларни. Сен сут қатиқ сотиб пулга ўрганиб қолгансан... Пулсиз туролмайсан, мени пулни кўрсам хўрлигим келади. Оллоҳдан куён сўраган эдим, шукр, сўраганимни берди. Энди куёнларимнинг бошини силаб юравераман. Бечораларга қарагин, очидан ўлай деяпти. Сен бўлсанг «Нексияга» кеккайиб ўтириб олиб, сеҳ очаман деб шаҳарма-шаҳар мазза қилиб юрибсан.

— Нима, мен сени четга суриб қўйдимми?

— Бўлмаса нима қилдинг?

— Карим ўртоқ, ахир сенга юз марта айтдим-ку. Сехни хитойликлар билан очамиз деб.

— Бекорларни айтибсан, шаҳардан яшик-яшик музқаймоқлар олиб келиб қизларга улашасан. Мени билмайди дейсанми...

— Карим!

— Йўқол, энди сен билан ишламайман!

— Бўлмаса тракторни эски бўлсаям олаверамизми?

— Айтдим-ку дадамнинг зўрға суғориб олган ерлари қуриб қолаяпти, эртага уларни ҳайдаб бўлмайди. Катта катта кесак кўчади.

— Эгамберди ерга отилган пул дафтарчасини олиб Карим чўнтагига солди-да, ўртоғини ердан даст кўтариб, қайсарликда мендан қолишмайсан, деб қўйди.

IV боб

қирқ метр пастликдаги булоқдан кучли насослар орқали сув чиқарилгандан буён Эшонбоғ ховлиларига гулу райхонлар экилиб гуркираб яшнаб, гавжум бўлиб қолди. Табаррук сувдан хўплаб-хўплаб ичиш, ҳеч бўлмас бир-икки шишани тўлдириб олиб кетувчилар, ҳазрати эшонларнинг муборак қабрларини зиёрат қилиш, Эшон аянинг дуоларини олиш учун келувчиларнинг кети узилмай қолган. Айниқса оппоқ куёнларнинг тўхтамай болалаб, кўпайиб, қўшни қишлоқларга ҳам жадал тарқатилаётгани, ғалати-ғалати миш-мишларга сабаб бўлаётганди.

— куёнлар туфайли қишлоқларга Оллоҳнинг марҳамати ёғиляпти.

— куёнчиларни авлиёлар дуо қилаётган эмиш, — деган гапларни ҳам қўшиб-қўшиб қўйишяпти. Ана энди куён сўраб келувчиларнинг кўпайгандан кўпайишини кўрсангиз. Намозхон чоллар ҳам, художой кампирлар ҳам, Оллоҳдан фарзанд сўраб юрган жувонлар ҳам куён сўраб келишяпти. Бош таъминотчи лавозимида кўтарилган оқкўнгил, ҳовлиқма Ражаббой Тол қишлоққа бориб куёнчи бобонинг куёнларини икки баробар юқори нарх билан сотиб олишдан ўзини туя олмаяпти, унинг бетоқат укаси Ажаббой бўлса эринмай рўйхат тузиб рўйхат остига олувчиларни икки мартадан имзо чектириб,

келтирилган қуёнларни, гоҳо-гоҳо ўзлари боқиб семиртираётганларни ҳам қўшиб тарқатишдан тўхтамаяпти.

Чоллар худойи ошига боришганда ҳам қуёнлар ҳақида гаплашишади, кампирлар «Мушкулкушот» ўқишганда ҳам қуён ҳақида баҳс кетади, қизалоқлар туғилган кун нишонлашаётганда ҳам қуёнлар ҳақида уларнинг илоҳийлиги хусусида баҳс авж олиб кетади.

Кимошди савдоси эса тўхтагандан тўхтаб қолди. Нима сабабдан тўхтади, ким тўхтатди — ҳеч ким билмайди. Текис йўлда миниб, нотекис йўлда велосипедини елкасига қўйиб халлослаб келаётган Ажаббой гузарга ёпиштирилган эълонлардан бирини кўтариб келибди.

Шошилиб ўқишди.

Демак, яна уч кун кутишга тўғри келади.

худога шукур, Ажаббой олиб келган хабар унча хавфли эмас экан. ҳамидова муаллим бошчилигида Эгамкул билан Каримкул шошилиб шаҳарга жўнадилар. Сўраб борганлари ҳожи Содиқ жаноблари идорасида экан. Хонкелди, Хўжакишлоқ, Лочин, Охта кишлоқларига, кишлоқларнинг қоқ ўртасига чукур-чукур кудуқлардан сув чиқариш маслаҳатини қилишмоқчи. Бу маслаҳатни муаллима бераяпти, шунча пулни, дафтарчага жойлаб чўнтакларингга солиб юраверасанларми, деяпти. кудуқларни кавлаш, қувурлар тортиш ишларини ҳожи Содиқ раҳбарлигидаги қурилиш ташкилоти бажаришини яхши билишади. ҳожи Содиқ жаноблари ташкилот раҳбарини чакириб лойиҳа тайёр бўлган-бўлмаганини сўради.

— Лойиҳа аллақачон тайёр, — деди раҳбар, — лекин биз бу опа билан ишлаймизми, ёки мана бу бетоқат йигитчалар биланми?

— Ҳаммамиз тенг ишлаймиз, — шошилиб жавоб қайтарди Эгамберди.

— Йўқ, банкка қайси бирларингизнинг имзоингиз ўтади?

— Уччовимизда ҳам пул бор, навбати билан келиб имзо чекаверамиз.

— Укалар, мен бугун ким билан гаплашай.

— Фақат дўқ қилмай гапиринг-да, бугун мен билан гаплашасиз, — деди Эгамберди ўртага чиқиб.

Лойиҳалар савдоси унча узоқ чўзилмади, аммо трактор савдосига келганда Каримбердининг инжиқлиги тутиб қолди. Воситачилик қилаётган йигитни ҳожи Содиқ жаноблари ўз хонасига таклиф қилди, бу йигитларга яхшилаб тушунтиринг деб илтимос ҳам қилди.

— Бу айтганингиз арзонми, қимматми? — деб сўрайди Каримберди.

— Арзон ҳам, қиммат ҳам эмас, — жавоб қайтаради воситачи.

Ишни битириб берадиган воситачига бир миллион бериш керак экан. Каримберди йиғлагудек бўлиб рози бўлди. Кейин тўсатдан, ниманидир ўйладию, худди тракторни аллақачон олгандек, олиб бориб дадасига топширгандек севиниб кетди. Кўз ўнгига ғилдираб кетаётган тракторни келтирдию, сакраб туриб муаллима опойни кучоқлаб олди.

Кайфиятлари кўтарилган бир ҳолатда чикиб, шаҳар кабристони ёнидаги устахонага жўнадилар. Турли рандаги мрамрлардан ёдгорликлар яшаш мана шу ерда экан. Шохимардондаги сув тошқинида ҳалок бўлган опаларга алоҳида, алоҳида эмас, битта ёдгорлик қўйиш ҳақида келишиб олдилар: ўртада мудира Собирахон ая, икки ёнида иккитадан тарбиячи опалар, мудиранинг бўйи сал новчароқ, аслида ҳам шундай эди, аёлларнинг ҳар бирининг қўлида бола, болани кўксига босиб, нимадандир ҳимоя қилиб, орқага тисалириброк туришибди. ҳаммаларининг юз-кўзида ваҳима, қўрқув ҳолати бор.

— Булар бўрдан ишланган намуна халос, — тушунтиряпти ҳайкалтарош, — кўриб турганларингиз бу нусхалар мрамрга кўчирилганда ёркинроқ, чароғонроқ бўлади, турган гап, ғамгинроқ ҳолатлари сақланиб қолади. Мана бериб кетган суратларинг, таққослаб кўринглар. Опажон, сиз бу аёлларга ким бўласиз?

— Суратдагиларга ҳамқишлоқ бўламан. Мана бу иккови менга она томондан қариндош ҳам бўлишади. Уста иним, буларнинг ҳаммасини фалокатдан бир кун олдин кўрган эдим. Шохимардон сайлига кетаяпмиз дейишиб, севинишиб, қийқиришиб кулишиб машинага ўтиришётганда кўргандим. Собирахонни чакки ишламаганга ўхшайсиз, юз тузилишлари, қош-кўзлари, яноқларининг бўртиб туриши худди ўша синглизмининг ўзгинаси. ўзингиз

айтганингиздек, мрамарга кўчирилганда яна ҳам ёрқинроқ қиёфаларда кўринишар.

Эгамберди аяжонини эслаб кетди шекилли, эслаганда ана шундай йиғлаб-йиғлаб оладиган одати бор эди, ҳозир ҳам икки кафти билан юзи-кўзларини беркитиб хиқиллаб хиқиллаб йиғлаб олди.

— қани айтинглар, мана кўриб турган мрамарларингдан, қайси бирини танлайсизлар, оқими, қорасими, сарғишими? — шошилтира бошлади ҳайкалтарош.

Эгамқул йиғидан тўхтаб, кўз ёшларини артиб:

— Оқидан деганман-ку! — деб қўйди, — айтинг, қолган пулини қачон оласиз?

— Келишганмиз-ку, ёдгорлик битсин.

— Йўқ, бугун тўлайман.

— Ҳаққим йўқ, ука, битсин комиссия хизматни баҳоласин, иложи бўлса олиб бориб ўрнатиш масаласини келишиб олайлик, ана ундан кейин ҳаммасини қўшиб ҳисоблаймиз, ҳаммасини қўшиб тўлайсиз...

Каримберди ўртоғини, ҳадеб қиз болага ўхшаб хиққиллаб ийғлайверма, деб қайта-қайта туртаётган бўлса ҳам, қишлоққа етиб келгунча Эгамберди ўзини тўхтата олмади. Кўз ёшини артиб-артиб олаверди.

V боб

Кимошди савдоси бошланди. Бугун одам аввалги кунгидан ҳам кўпроқ йиғилибди. ҳаридорлар қарсақчиларини кўпроқ олиб келишибди. Хў ана «Олчиндан», Хўжақишлоқдан келганлар ҳам тўп-тўп бўлиб ўтиришибди. Бегоналарнинг ҳисоби йўқ. Нима бало шаҳарда бугун иш йўқмикан, шунақанги кўплаб келишибдики, санаб охирига етиб бўлмайди. Шаҳарликлар атайлаб озодароқ, яп-янги кийимларини кийиб келишибди. қизиқ, улоқчилар улоқни от устига олиш осон бўлсин, деб уч тўрттаси бирлашиб оларкан. Иккитаси икки томондан улоққа энгашган чавандозни ҳимоя қилиб тураркан. Биттаси, улоқ от устига олингач улоқчининг отини қамчилаб йўл очиб бораркан... бу ер ҳам худди улоқ чопадиган майдонга ўхшабди. Колхознинг собиқ раиси қўзиевнинг атрофига бармоғи билан бурнини

беркитиб гапирадиган бош ҳисобчи, гапирганда ҳар бир сўзини бир-икки деб санаб турадиган бензин тарқатувчи укаси ҳамма-ҳаммалари савлат тўкиб ўтиришибди. Боғчада тарбиячи бўлиб ишлайдиган тўнғич келини Шарофатни, Адҳам ориқ, Икром уришқоқ, Ғулом Қуппа деган ўғилларини ҳам ёнига олиб, шунақанги кеккайиб ўтирибдики, бамисоли раисликдан кетмагану, тўпланганлар унинг гапини тинглагани келгандек. Эгамберди танлаган ўринларига ўтириши билан Ғулом Қуппага кўзи тушдию, бир ғижиниб олди. Зиёданинг туғилган кунида Фотима билан рақсга тушган ҳолатини кўз олдига келтириб, қалтираб кетди. Қўли муштга тугилди, бир-икки энтикиб ҳам олди. қани энди ҳеч ким йўқ бўлсаю, аламидан чиққунча муштлашса.

Эгамберди билан Каримбердининг тарафдорлари ҳам чакана еғилишмабди. Бош қассоблик лавозимини олдим деб гоҳо-гоҳо мақтаниб юрган Универсал бобо атрофига давра қуришибди. Анави кунги савдода Эгамберди ўрикзорларини юқори баҳода олиб берган Тўроқул хурмойи билан Раҳимбой мирзойилар мамнун кўринишади, лабларида табассум, ширингина суҳбат қуриб, бир-бирларининг тиззасига уриб уриб қўйишяпти. Ғойиббола лақабли йигитча, Эгам, мен ҳам сенга ўхшаб ёш фермерман, афсуски маблағим йўқ, агар ғишт заводини олиб берсанг, ўлай агар, бешюз қуёнингни боқиб бераман, деб отасини бошлаб уч бора борган эди. Яна кекса отасини бошлаб келиб, Карим билан Эгамнинг ҳимоясига тўпланганларнинг даврасига қўшилиб олибди. Боқча тарбиячиси ҳосият опанинг тўрт фарзандини ёнига олиб қоқ ерда ўтиргани Эгамга қаттиқ таъсир қилди, юраги увишиб қолгандек бўлди. Бу опа марҳум аяжони билан тенкур, бирга ишлаган. Аяжониси вафот қилганда, вафотидан сўнгра ҳам тез-тез келиб Эгамдан хабар олган, кўнглини кўтариб турган. Опанинг ерда ўтиргани, ер ҳам қоқ эканлигини кўриб Эгамберди яна ачина бошлади. Бу опанинг эри, катта ўғли Баҳромни ёнига олиб русияга ишлагани кетган эди. ўтган йили, худди шунақанги пишиқчилик маҳалида икковининг мурдасини темир тобутга солиб жўнатиб юборишган. Вой, норасида қизалоқларнинг дод солиб йиғлагани, вой, бутун қишлоқ еғладия. Шу опа Эшон аяга бориб ёлворибди. ўғилларингизга айтинг, боғча сотиладиган бўлиб қолди,

менга олиб берсинлар, бошқа одам олса, менга иш бермайди, хайдайди деб ёлворибди, кўз ёши қилибди, бир халта сузма олиб борган экан, Эгамберди сузмани қўлига олди-ю, бирга ишлаб эртароқ кетган аяжонини эслаб кетди.

Опа одамларнинг раҳмини келтираман, деб ўйлаган бўлса керак, тўрт боласини етаклаб келиб ёнига ўтказиб олибди. Карим, бўш келмаймиз, худо хоҳласа боғчани мана шу опага олиб берамиз, — деб шивирлаб қўйди. Маслаҳатга йиғилганлар брокерни ўртага олиб ичкаридан ниманидир маслаҳатлашиб, бир-бирларини енгил енгил туртишиб чиқиб кела бошладилар. Эгамберди атрофига яна кўз ташлаб олди, тавба, шаҳарлилар бу гал ҳаммадан ҳам кўпроқ тўпланишибди, кеккайишиб, мағрур ўтиришларини қаранг, бамисоли шаҳардаги барча маблағни, барча пулни йиғиб келгандек, бошқаларни менсимай ўтиришибди.

— Карим, бугал олишув қаттиқ бўлади.

— Эгам, бизни улардан қўрқадиган жойимиз йўқ, маблағимиз савдога қўядиган ҳамма мулкни сотиб олишга етади.

Савдо бошланди.

Собиқ колхознинг «Беларус» маркали трактори савдога қўйилиб, занг урилди, қаттиқ урилди.

— Бошланғич баҳоси уч миллион сўм, бир! — қаттиқ овоз билан деяпти брокер.

ўнг томонда ўтирган новча бир йигит ўрнидан туриб, ичак чавоғигача ташиб кетишган-ку, ичида ҳеч нарсаси йўқ тракторни нега савдога қўясизлар? — деб тезгина ўрнига ўтирди.

Занг яна урилди.

— Дастлабки баҳоси уч миллион, икки!

Энди ўнг томонда ўтирганлардан яна биттаси ўрнидан туриб, тўртта ғилдиракдан бошқа ҳеч нарсаси қолмаган-ку, ғилдиракларини ҳам қўзиев раисга совға қилинлар, набираларига ўйинчоқ қилиб беради, — деб кулган бўлди. Якка ўзи кулди, кулгига ҳеч ким шерик бўлмади.

Занг куч билан яна урилаяпти:

— Бошланғич баҳоси уч миллион сўм, уч!

Ўеч ким қўл кўтармади. Савдо тўхтатилди. Колхознинг ўн тонна юк кўтарадиган тарозисига ҳам харидор чикмади. Сартарошхонанинг устида қаттиқ олушув бошланиб кетди. Менга насияга берсанглар, гўшт сотаман, пулини тездан қайтараман, деди биттаси. Яна биттаси почтахонам тор, сартарошхонани ўшанга қўшиб олмоқчиман, оддий одамда пул нима қилади, менга ҳам насияга беринглар, деди. ҳамидова муаллим кескин ўрнидан туриб сартарошхона менга керак, ўрнида гўзаллик салони очаман, деб эълон қилди.

— Ия, опамиз у ерда қош-қалам сотмоқчилар шекилли.

— Лабни бўяйдиган бўёқлар ҳам олиб келасизми?

— Опажон, қизларнинг сочини калта олдирманг, сочи калта қизларни эр олмаяпти, — деган пасту баланд, пичин аралаш кесатик сўзлар кўпайиб бораётувди ҳамидова шундай катта пул тикиб юбордики, ўтирганларнинг дами ичига тушиб кетди.

Навбати келиб собиқ колхознинг етмиш бола тарбияланиб турган, нурабгина қолган боқчаси савдога қўйилди.

Занг урилди.

қўзиев даврасида кўр тўкиб ўтирганларнинг юз-кўзларидан нурли бир тўлқин, қониқиш ҳолати силкиниб ўтди. Катта келини Шарофат қўзиева худди савдони кечаёқ гаплашиб, пулини ҳам аллақачон тўлаб қўйгандек, ишонч билан, шошмасдан туриб:

— Беш миллион уч юзминг, деди.

Шаҳрихон опа шошилиб ўрнидан туриб, бу боғчани мана шу болаларим билан мен олмоқчиман. Эшон аям пул бераман деганлар, деб тўпланганларнинг ҳам кулгусига ҳам ачинишига сабаб бўлди. ўтирганлардан бири опамиз бунақа савдони илгари кўрмаганларда, қаранглар бир лаган қатлама билан, бир халта сузма ҳам келтирибдилар, деб кулаётганлар кулгусига яна кулги қўшиб берди.

Каримберди негадир кулимсираброк қизикроқ бир гап айтмоқчидек ўрнидан турди:

— Олти миллион баҳо қўйдим.

ўрталаридаги тортишув аста-секин авж олиб бораверди. Тўпланганлар гоҳ у томонга эгилиб, гоҳ бу томонга эгилиб қарсақлар ҳам чалавердилар. Бир нафас давомида собиқ раиснинг ҳамкорлари

Шарофат кўзиева томонга, ёш ёш фермерлар Каримберди томонга ўтганларини сезмай ҳам қолдилар.

Эгамберди қизишиб, қизариб-бўзариб бораётган ўртоғининг биқинига тез-тез туртиб:

— Бос, бос! — деб турибди.

Шарофат кўзиева боғчанинг қиймати ошиб борган сари, вой-вой, деб ғалати овозлар чиқариб турибди. Боғчанинг нархи ўн миллионга етганда Каримберди савдони бир йўла тугатиб қўймоқчи бўлди шекилли, баланд овоз билан:

— ўн беш миллион бераман, — деб қўяқолди.

Занг кет-макет урилаяпти, сўнги нарх кетма-кет эълон қиланаяпти, йўқ, устига қўшадиганлар бўлмади. Брокер боғча ёш фермер Каримберди Сирожовга сотилганини тантанали эълон қилди. Шарофат кўзиева одамларни туртиб, итариб Шаҳрихон опага яқинлашиб келиб, одамлар эшитсин деган умидда бўлса керак, опажон, мен ютиб чиққанимда ҳам, барибир, боғчани сизга бермоқчи эдим, деди-да, Каримбердининг юзига каттиқ тарсаки уриб, даврадан чиқиб кетди.

Калхоз катта эди-да, мулк ҳам кўп эди-да. Шу боис брокер ҳам одамларни гиж-гижлаб кимошдини авжига чиқариб бораёпти.

Собиқ калхоз идораси савдога қўйилди.

Занг урилди.

ҳаяжонли дақиқалар бошланди.

Эгамберди тортишувни собиқ раис кўзиев билан олиб бораёпти. қизик, жуда қизик, савдолашаяпти-ю кўзига оппоқ ҳарир қўйлак кийиб олган, қушчалардек енгил енгил қадам ташлаётган Фотима билан қўпол Ғулом Қўпанинг ўйинга тушаётган ҳолати кўринаяпти.

Фақат Фотима қиз кўринаяпти.

Фақат, тиржайиб турган Ғулом кўринаяпти.

Назарида колхознинг ўн тўрт хоналик катта биноси эмас, Фотима қиз сотилаётгандек, жиндек бўшашса, озгина орқага тисарилса, севгилиси сотилиб кетаётгандек. ўн беш миллион бераман, деб эълон қилди собиқ раис. ҳаяжон ичида қолган одамлар Эгам, мана кўрамиз камида уч миллион қўшади, деб ўйлашаётганди Эгам илкис ўрнидан туриб, бошини мағрур кўтариб:

— ўттиз миллионга оламан, — деб юборди.

ҳавасманд томошабинлар, қани билайлик-чи, кимнинг пули кўп экан деб келганлар, зеро арзонроғига учраб қолсам, мен ҳам бир нарсали бўлиб қоларман, деб озгина пулини елим халтасига ўраб қўлтиғига солиб ўтирганлар чўзиб-чўзиб «ў-ў-ў» деб юборишди. Сўнг жағлари қотиб қолди шекилли, анчагача жим қолишди.

— ўттиз миллион!

— ўттиз миллион сўм-а? — деган шивирлашлар эшитилиб турибди холос. Собиқ раис аждарҳогами, кўрқинчили девгами қараб кўрқиб кетган ёш боладек кўзларини катта-катта очиб, бироз анграйиб турди-да одамлар гуруҳини ёриб, Эгамбердини мўлжалга олиб кела бошлади. Лабларида нафратли жилмайиш ўйнаб турибди. Кўзларида ғазабу алам олов бўлиб ёниб келаяпти... келасолиб Эгамни қучоқлаб олди, елкасидан силади, пешонасидан ўпди:

— Енгдинг пулдор укам, колхоз сеники! — деди ҳаммага эшитарли қилиб.

Бугунги савдонинг охиргиси эди. Одамлар ёпирилиб келиб Эгам билан Каримни, ора-чора муаллима ҳамидовани, Универсал бобони ҳам табриклай бошладилар.

Вилоят телевидинейасидан, туман газетасидан вакиллар бор экан. Каримберди билан Эгамбердини ўртага олишиб юз хил саволларни бера бошладилар. қувончлардан, шодликлардан довдираб қолган йигитчалар:

— Кимга нима олиб берган бўлсак, ҳаммасига қуён боқтирамиз.

— Оламни оқ, кўк, қора қуёнларга бостириб юборамиз, — деган гапларни айтишаверди.

VI боб

Кундузи бўлиб ўтган кимошди савдосида икки ўртоқнинг ғолиб келганлари, аллақаердан, аллакимлардан «олган» пулларига колхознинг бутун мулкини сотиб олганлиги ҳақидаги гоҳ қувончили, гоҳ норози овозолар ҳали оғиздан-оғизга, кулоқдан-кулоққа ўтишга улгурмасдан, элётар пайтида тўсатдан:

— Каримни машина уриб кетибди.

— Эгамни ўлдириб кетишибди.

— Йўловчи машинада касалхонага олиб кетишётганда ўлибди, — деган ваҳимали гаплар эшитганларнинг бутун вужудини зирқиратиб юборди.

Каримнинг бугунги саҳийлиги, саховатини олқишлаб, мактаниб ўтирган Сирож бригадир ўғли Собиржонни ёнига олиб, туман касалхонасига жўнади. Ражаббой билан Ажаббой фермамизга душман хужум қилди, деб куён боқаётганларникига уйма-уй кириб, бостириб келаётган хавфдан огоҳлантирган бўлди. Ўш куёнбоқарлар оёққа туришимиз керак, дея ваҳимага ваҳима қўшди. Ҳамидова марказий касалхонага етиб боргунча, йўл йўлакай хожи Содик жанобларига уч бора кўнғироқ қилди. қосимали сувчи яккаю ёлғиз ўғлимни хафа қилганнинг кунини кўрсатаман, деб марказга пиёда жўнади. Универсал бобо, яқингинада қирқ метр юқорига бир амаллаб кўтарганимиз булоқ суви маторини бузиб ташлашмасин, деб қўлига таёқ олиб, булоқ бошига югурди. Кимошди савдосида Каримберди туфайли электор тегирмонни қўлга киритган қоровул бобо, гап нимадалигининг поёнига етмасдан, энди бу мулкимни ҳеч кимга бермайман, деб дарвозани ичидан беркитиб, уч ўғлию, икки набирасини, қўлларингга калтак олинглар, деб ёрдамга чақириб: — Ё Оллоҳ! — Ё оллоҳ, ўзинг эҳтиёт қил, — дея яратганга илтижо қилишга тушди.

Эрталаб кун чиқаётган пайтда марказий касалхонага борадиганлар бориб, кўрадиганини кўриб, айтадиганини айтиб, қовоқларини уйишиб, кет-макет уҳ тортишиб ўтиришибди. Номи хуникроқ эштилса ҳам «жонлантириш» деб аталиб, кўнгилларга далда берадиган бир хонада... бир дўхтир ҳимоясида жон олиб, жон бериб икки бемор ётибди. Бири Эгамберди, кечаги кимошди савдосининг қаҳрамони. Ҳаммаёғи оппоқ докалар билан ўраб ташлангани учун улкан кўғирчоққа ўхшаб кўринади, кўзлари юмук, оғзида сунъий ичак — сунъий нафас беришяпти. Нариги ўринга Каримбердини ётқизишибди. ўнг оёғи, чап елкасига, бошию иякларига дока ўраб ташланган, уйғоқ бўлса керак, ёки уйқудан эндигина кўз очдим: — «ҳаммаси Оллоҳдан»! — деб қўяпти. қарироқ, қовоғи солинганроқ, кўзлари катта-катта бир дўхтир ёшгина бошқа бир дўхторга

шивирлаб, ниманидир айтаяпти, ҳамшира қизга ишора билан дори қуйилган шишаларни кўрсатиб-кўрсатиб қўйяпти. Ташқарида эса холи ахвол сўрагани, ёрдам берай, деб келганлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўтиришибди. «Оқ қуён — оппоқ қуён» фермасининг эски, янги аъзолари керак бўлса қон берарман, деб келиб билагини ялонғочлаган холда алоҳида гуруҳ бўлиб ўтиришибди. Одилжон деган йигит паст овозда, хаяжонли оҳангда гап айтаяпти.

— Айтдим-ку, элётар пайти эди, отда эдим, олдимга бир қоп янги ўрилган бедани олиб, муздеккина хашакка бағримни бериб, келаётувдим. Анаву мақтанчоқ Ражаббой Эгамнинг қуёнидан ўттизтасини менга ҳам берган. Бунақа мечкай, ебтўймас қуёнлар борлигини умримда ешитмаганман. ҳар биттаси битта отнинг бедасини ейди-я, қанча кўп еса, шунча тез семиришармиш. Беда сал сўлиброқ қолса, узун-узн мўйловларини ўйнатиб, янги тушган келинларга ўхшаб, нози-карашма қилишларини кўрсангиз.

— Ўй Одил, гапни мунча чўздинг, бўладиганини айтақол — деб кистади ўтирганлардан бири.

— Жим турсанг айтаман. Хўп, гап бундай, атроф қоп-қоронғи, зимистон ўша пайтда осмондаги юлдузлар ҳам уй-уйига кириб кетгандек, қоронғулик қуюқ эди. Ёнгинамдан шув этиб бир машина ўтиб кетгандек бўлди. На сигнал чалди, на чироғи бор. Ишонсанг ёнимдан каттакон йилтироқ қўнғиз учиб ўтгандек бўлди. Аблах, чироғингни ёқиб олсанг ўласанми, деб бир ўхшатиб сўкинмоқчи эдим, улгурмай қолдим. Икки юз метр чамаси нарида гупиллаган овоз эштилгандек бўлди, назаримда йилт этиб олов ҳам чиққандек бўлди-ёв. Аблах бировни босдинг-ку, дедим-да отга қамчи урдим. Келсам, ё пирай, велосипеднинг бир ғилдираги пирриллаб айланиб ётибди, сакраб отдан тушдим. Шундоққина ёнбошдан, анҳор томондан ўлаётган одамниқига ўхшаш ваҳимали овоз келаяпти. Энгашсам, ё худо, Эгам! ўртоқ, дея бақириб юбордим. Кўтарай десам ўнг оёғи ликонлаб осилиб ётибди.

— Тез бўл, тезроқ бўл, — дея инграгандек ҳам бўлди. Худди шу пайтда, яна кимдир нарироқдан ҳам овоз чиқара бошлади. Овоз, анҳордан, сувнинг ичидан келаятган эди. Энгашсам, вой худо, мулла

бола-ку, ўртоғим Карим-ку, деб додлаб юбордим. Сувдан аранг чиқардим. Эгамнинг олдига судраб олиб бордим. Эгам:

— қишлоққа югур, одам топ, — деб инграпти яна.

қани энди икковини отга ололсам, ололмайман. Бедовимга миндиму, аччиқ-аччиқ камчи босдим. ҳайрият компйютер хонанинг чироғи ўчмаган экан. Карим билан Эгам олиб берган телевизорларни, икки жойга қўйиб олиб мазза қилиб, томоша қилиб, Эгам кимнинг қизини олади-ю, Каримга ким тегар экан, деган беъмани гапларни гаплашиб, лақиллашиб ўтиришган экан. Эгам билан Каримни ўлдиришяпти, деб бақириб юборибман. Бор гапни эшитгач, ҳаммалари ўрниларидан туриб, икки машинага ўтиришди. Орқамдан, деб яна қичқирдим, бедовимга аччиқ-аччиқ камчи урдим. Лекин ўртоқ, менинг бедовимдек дунёда ақлли от йўқ. Худо хоҳласа, кўрасан, кўпкарининг биринчи оти менинг манашу қашқам бўлади... Кўз юмиб очгунча етиб бордик. Икковини ҳам кўтар кўтар қилиб машинага олишди... Эссиз, Эгам ўртоғим аллақачон ўзидан кетиб қолган экан, овоз бермади, ҳаммаёғи қон. Улар Марказий касалхонага жўнашди. Мен бригадир амакининг уйига қараб от қўйдим. Бораяпману, Отимбиби аяга бу гапни қандай айтаман, деб ўйлайман. Отин ая бечора қачон бизникига чикса, худо хоҳласа, мана шу ўғлим масжидга имом бўлади, деб мақтангани мақтанган эди.

Нариги даврада, тепадаги чинор соя ташлаб турган, яп янги стол-стуллар қўйилган жойда ҳожи Содиқ жаноблари билан бирга келган, тунги жарроҳликда иштирок этган, бутун вилоятга қўли енгил жарроҳ деб номи кетган Ғозиев дўхтир ўтирибди. Шунчалик обрўли одамлар билан ёнма-ён бўлганларидан хижолат бўлиб, суҳбатга қўшилмайроқ Сирож бригадир билан қосимали сувчилар ҳам ўтиришибди. ҳожи Содиқ жанобларининг қўлларида янги русумдаги уяли телефон, ким биландир тинмай қисқа-қисқа гаплашиб қўйяпти. Шаҳардан келган дўхтир ғамга ботиб, ковоқлари осилиб ўтирган икки отанинг қоронғи кўнгилларига чироқ ёкиш учун бўлса керак, бу энди одам бўлмайди, дейилган ўнлаб беморларнинг ҳаммасини тузатиб юборганлалиги ҳақида гапиряпти, мисоллар келтиряпти. Бир йигит уч қаватли бинодан тушиб кетиб ўн тўрт жойида суяги синган экан, шуниям уч ой деганда оёққа турғазиб юборибди, бир кун тўйга борса, ўша йигит

қизлар билан ўйинга тушаётган эмиш. Яна бир чолнинг устидан машина ўтиб кетган экан, мажақланмаган суяги қолмаган экан. Анашу чол ҳам бир ой деганда оёққа туриб, энди ҳовлимга кетақолай, деган экан.

— Эгамберди сизнинг ўғлингизми? — дўхтир гап орасида сўраб ҳам қўяпти.

— Ҳа меники, — дейди қосимали сувчи.

— Каримберди-чи?

— У менинг ўғлим бўлади, — дейди Сирож бригадир.

— Демак булар ака-ука эканлар-да?

— Ҳа, ака-укадек бўлиб қолишганди.

— Демак, икки отадан-у, бир онадан туғилишган экан-да.

— Йўқ, йўқ, — дейди Сирож бригадир шошилиб, — оналари ҳам иккита. Шаҳарлик дўхтир аслида фермер оталарнинг кўнглини кўтариш, руҳини тинчитиш учунгина гапга солаяпти. Аслида тунда қилган жарроҳлигим ўрнига тушдимикан, синган суяклар жой-жойини олдимикан, гўш қисилмадимикан, туман жарроҳини сен нари тур, деб ҳафа қилиб қўймадимикан, деган ўйлар бошидан чарх уриб ўтаётган эди. Бир икки бор, менинг ишим битти, шаҳарга қайта қолай, деб ўрнидан ҳам турди. ҳожи Содик жаноблари, Тошкетдан дўхтир етиб келгунча ўтирасиз, деб қўймади.

ҳожи Содик жаноблари, бутун бойлигидан ажралиб қолаётган ҳасисдек мушқилроқ аҳволга тушиб ўтирибди. Тангалардан икки йигитчадан ташқари Эшон ая билан муаллима ҳам ҳабардор эканлиги, халтадаги тилло хазининг бир улуши эканлигини ўша заҳотиёқ билиб олган. ўша кундан буён ҳожининг юраги безота, содда йигитчалар хазинининг қолган қисмини олдириб қўйсачи, ёки бошқа бировни шерик қилиб олишса-чи, ёки тўсатдан йигитчалар вафот қилиб қолсалар-чи... Ана шундай ўйлар бу кишига тинчлик бермайди. ўйлаган сари йигитчаларга меҳр кўрсатади, бошларини силайди. ўшалардан узоқлашмай, деб Эшонбоғга қирқ метр баландликка насоз орқали сув чиқариб берди, электир йўқ дейишган эди, мана электир ҳам тушириб берди, боғ чароғон бўлиб кетди... қандай бўлса ҳам йигитчаларни бағримдан чиқармасам, дейди, худо хоҳласа,

хазинанинг қолган қисми ҳам меники бўлади, ҳалол йўл билан, ростилик билан оламан, деган ўйларга боради.

Беморлар олдига оналари кираётгани йўқ, оталарига ҳам рухсат бўлмапти. Фақат ҳожи жанобларига кириш-чиқиш рухсати берилган. Демак, бу кишини йигитчаларнинг отасидан ҳам, онасидан ҳам улугроқ деб ўйлашаётган бўлишлари мумкин.

Яна бир хонада Каримбердининг онаси билан Эгамбердининг уришқоқ, лекин сўнги пайтларда анчагина меҳрибон бўлиб қолган ўғай онаси ўтиришибди. Гоҳо-гоҳо йиғлаб ўғилларимизга кимлар қасд қилди экан, дея қисқа қисқа суҳбатлашиб олишяпти.

ҳолисхон ая тинмай дуо қийди.

Шакархон ая узиб-узиб хўрсинади.

«қон бериш навбати», деган ғамгин овоз эштилди. «Оқ қуён — оппоқ қуён» фермасининг эски аъзолари билан эндигина аъзо бўлган ўсмирлар «мен бераман, мен бераман», деб навбат талашиб қолишди.

Яна жимлик чўкади.

ҳамма оёқ учида юради.

Тўсатдан, дўхтир келди, Тошкентдан келишди, деган қувончли овозлар янграб қолди. ҳамма ўрнидан туриб, бир эркак, қўлларида оғир оғир жомадон кўтарган икки аёлни кутиб олишди, беморлар ётган хонага кузатишди.

Яна жимлик.

Узоқ жимлик.

ҳамма қотиб қолгандек, нафас олмаётгандек, бир-бирларининг кўзига қарашга кўрқаётгандек... ҳайрият, тошкентлик дўхтирлар ичкаридан лабларида нимтабассум билан чиқишяпти. Яхши, яхши деган сўзларни айтишяпти. Сирожовнинг дарди енгил, қосималиев бирор ойда оёққа туради, хавфли жойи йўқ, жигари заҳа еган, талоқ озроқ эзилган... деган гапларни ҳам бу ерда кутиб турган дўхтирларга секин-секин айтишяпти.

Худди шу пайтда ҳамма, ҳатто суҳбатлашиб турган дўхтирлар ҳам:

— Эшон ая келдилар, деган сўз янграши билан ўрниларидан туриб кетишди. Бутун касалхона жонланиб кетгандек бўлди.

VII боб

Олтита товуғим очидан ўлиб қолмас, эчкимни Универсал чол соғиб турар, мен ўғилларимнинг ёнида бўлишим керак, деб мана уч кундан буён Эшон ая уларнинг бошини силаб, дуолар қўйиб ўтирибдилар. Шифохона бош ҳаками Фотима Арслоновна Эшон аяни яхши танирган, раҳматли онаси аяга қўл берган экан, тез-тез бориб тураркан, Фотма Арслоновни ҳам онасига эргашиб икки бор борган экан. Эшон ая келганини эшитиб худди онаси тирилиб келгандек севиниб кетди. Югуриб чиқиб қайта-қайта кўришди, марҳум онасини эслаб йиғлаб ҳам олишди. Набираларингизни бағримга босаман, тузалиб оёққа тургунларича ўзим оналик қиламан, деди.

— Агар қизим, рози бўлсанг, ўғилларим ёнида қолсам, — дедилар Эшон ая.

— Аяжон, истасангиз, умрингизнинг охиригача қолинг, ўзим қизингиз бўламан, ўзим ювиб-тарайман... эсингиздами, онам билан борганимда эчкининг қуртидан берувдингиз, мушукбола ҳадя қилудингиз, кейин яна бир борганимда тухум пишириб берувдингиз.

Эшон аяга алоҳида хона бердилар, ёшгина, кўхликкина ҳамшира қизни беркитиб ҳам қўйдилар. Шифохонанинг қанчаки ходими бўлса Эшон аянинг дуоларини олгани, тавоб қилгани кириб-чиқиб тураверишди. Бир ҳовуч фотиҳаларини олсак бас, деб беморлар ҳам тез-тез эшик очадиган бўлишди. Жонлантириш хонасининг бурчагига матрас устига атлас кўрпача тўшаб Эшон аяга юмшоққина ўрин ҳам қилиб бердилар. Эшон ая ҳадеб киравермайдилар, дуо ўқиш учун, ўғилларининг пешонасидан ўпиш учун кирадилар, холос.

Уч кун деганда Каримберди ўрнидан туриб, хонада оз-оз юрадиган бўлди. Чап қўли синган экан, синиклар жойига тушган, шишлар қайта бошлаган. Юзи, лабларига, томоқлари остига ҳар хил рангли, рангсиз дорилар шундай кўп сурилганки гоҳо Эшон ая:

— ўғилгинам эй, юзларингдан ўпадиган жой ҳам қолдиришмабди-я, — деб қўядилар.

ўн учинчи куни аянинг тинмай қилган дуолариданми, Оллоҳнинг марҳамати бўлди, Эгамберди кўзини очди, тилга кирди.

Тепасида тикилиб ўтирган Эшон аяга:

— Аяжон, — дея секингина овоз берди.

— Тилгинангдан ўргилай, болагинам, — дедилар Эшон ая энтикиб.

— Карим, бу сенми? — оҳиста сўраяпти Эгамқул.

— Менман, ўртоқ.

— Уйғонганимга анча бўлди. Гапларингни эшитиб ётувдим.

Эгамберди яна жим бўлди, кўзлари юмилди. Дўхтир билан чиройли ҳамшира норозироқ бир ҳолатда шошилиб киришди, чарчатиб қўйяпсизлар, ортиқча гап сўраманглар, деган эдик-ку, дейишди.

Яна узоқ жимлик, Каримқулнинг нафасигина эштилади халос.

— Демак, аяжон, мен тирик эканманда, — яна кулимсираб деди Эгамберди.

— Икковимиз ҳам тирикмиз, — гап қўшди Каримберди.

— Мени сўраб кўпчилик келаяптими?

— Келишяпти, жуда кўпчилик келаяпти.

— Фотима ҳам келдими?

— Келган.

— Чақиргин. Жон ўртоқ, тезроқ чақиргин. Бир кўрай, айтадиган гапим бор.

ўртоғининг яқинида тик турган Каримберди нима дейишини билмай қолди... қизиқ экан-да, ўша аразчи Фотима бирга ўқиган қизлар, синфдошлар хол-аҳвол сўраб кетишаётганда, у ҳам бир келиб кетса бўларди. Зухра қиз ҳам келди-ку, қассоб отаси уриб, ўлдириб қўйгани йўқ-ку... У ҳам нози-фироқ қилмай, ҳеч бўлмаса, яширинча келиб кетса бўларди.

Эгамберди умидвор кўзларини катта очиб бироз тикилиб турди-да, яна юмиб олди. Оғир беморнинг кўзини очгани, икки оғиз бўлса ҳам сўзлашгани бир нафас ичида бутун шифохонага тарқалди. Эртасига қишлоқдагилар ҳам эшитиб, тирик қолгани учун қутлашга, ўзларининг бу беморларга жуда яқин эканлигини билдириб қўйишга, шунақанги ёпирилиб кела бошладиларки, шунақанги кела бошладиларки, дарвозани беркитиб қўйишса, девордан ҳам ошиб тушавердилар. Тугун-тугун ташлаб кетаётган мева-чеваларни, лаганлаган палову мантиларни айтмайсизми. Шифохонанинг еттита

бўлинмаси бор экан. ўша ерда ётганларнинг ҳаммасига етиб, қанчадан қанчаси ортиб ҳам қолаверди.

Эгам бошқа бир куни кўзларини очиб:

— қуёнларимиз қалай? — деб оҳиста сўради.

— Яхши, жуда яхши ўртоқ, — дейди Карим.

Эгам сўраган она қуённи ўша куниёқ ювиб-тараб, чиройли симкатакга солиб келтириб беришган. Эгам гоҳо унга тикилиб ўзича гаплашган бўлади, узоқ-узоқ тикилади... Оқ қуёнларни олиб келган кунлари тушида минг-минг қуёнлар орасида онажонини кўрган эди. ўша тушини яна, яна эслайди, хўрсинади. қўлини узатиб она қуённи силаб-силаб қўяди.

Авариянинг сабабини капитан Очилов аниқлай олмаяпти, атайлаб бўлдим, тасодиф юз бердим, поёнига ета олмаяпти. Сўрамаган одами, қишлоқда текшириб кўрмаган машина қолмади. Йигитчаларни йўловчи машина урган, деган қарордан бошқасига кела олмаяпти.

қизик, топилмаса топилмас экан-да.

Капитан Эгамдан қайта-қайта сўрайди:

— Бирон кишидан гумонингиз борми?

— Йўқ, йўқ, — деган жавобни олади.

— Сиз-чи, Каримжон, сиз нима дейсиз.

— Менинг ҳам гумоним йўқ. Бизни ким йиқитган бўлса, жазосини Оллоҳ беради.

Бемор йигитчалар билан капитан Очилов ўрталарида ана шундай суҳбатлар бўлаяптию, аммо «Оқ қуён — оппоқ қуён» фермасининг катта кичик аъзолари оёққа туришган. Сиз топмасангиз, мана биз топамиз, деб қўлларини мушт қилиб, ўзларича ниманидир суруштириб ҳам юришибди. Гоҳо-гоҳо капитаннинг йўлини тўсиб:

— Топасиз, топмасангиз қўймаймиз!

— Топмасангиз полковникка ёзамиз, — дейишиб болаларча дўқ-пўпса ҳам қилишади.

Лекин топилмайдиган нарсани топиш қийин экан-да.

VIII боб

Эшон ая касалхонани тарк этиб кетатуриб икки ўғлини бағрига олиб, қайта-қайта ўпиб, билиб қўйинглар, бора солиб келинлар ҳаракатига тушаман, деб кетдилар. Бу чиройли сўзлар Каримбердининг дилини чароғон қилди, Эгамбердининг қалбини шубҳали ўйлар-у қоронғулик босгандек бўлди. Фотима қиз кўз ўнгидан кетмаётганди, унинг чимирилиб туриши хаёлини ўғиллаб олди.

Нега хатга жавоб бермайди?

Нега келмайди?

Нега?

Нега? — деган ўйлар тинмай безовта қилади. Ўовлилари орқасида гаплашиб турганимизни дадаси кўрган бўлса, тўғри қўлини ушлаб турувдим, ушлаб турувдим халос-ку! Зарифанинг туғилган кунда Ғулом Ғуппа билан етти марта рақсга тушибди-ку, нега қассоб дадаси унга индамайдию, гаплашиб турганимиз учун қизини ертўлага қамайди.

Эгамберди ана шундай аламли ўйларга берилади-да, эй Ғулом, билиб қўй, Фотимани сенга бермайман, бермайман, деб ўрнидан туриб кетади. Ўозирча ҳамма иш ҳожи Содик жанобларининг маслаҳати билан муаллима ҳамидованинг қўлига ўтган. Ўужжатларни имзоласи, ишни бошқариш каби барча юмушлари муаллима бажараяпти. Опой мактабда узоқ йиллар илмий бўлим мудир, директор ўринбосари лавозимида ишлаган эмасми, одамлар билан муомила қилиш меъёрини хўп ўрганган экан. қайси ишга қўл урса, қайси идорага бош суқса, ҳазрат сайид эшонларнинг руҳлари қўллаб турибдими, ҳар қандай муоммоларни ҳам осонгина ечимини топаяпти.

Кўҳликкина ҳамшира қиз йўқловчилар келганини маълум қилди.

Киришди, ўтиришди, фотиҳа ўқишди, хол-аҳвол сўрашди.

ҳамидова муаллим гап бошлади, кулимсираб гап бошлади:

— Эгам ўғлим, менга катта ишонч билдиргансан, ёрдамчим деб эълон қилгансан. Энди тез-тез ҳисобот ҳам бериб тураман-да.

Эгамкул кулимсираб, жилмайиб туриб жавоб қайтарди:

— Опажон, вақти-вақти билан ҳисобот бериб турмасангиз ишдан бўшатиб юбораман.

— Эгам, худога шукур, мана оёққа ҳам туриб кетдинг, мана бу аёлни танияпсанми?

— Танийман, бугалтерияда ишлардилар, ўғиллари боксга қатнашади.

— Шу опани ишга олсак девдим.

— қанақа ишга оламиз?

— ҳисобчиликка-да.

— ҳожи амаки нима дерканлар?

— Сўрадим, Эгамкул ҳал қилсин, дедилар.

— Майли розиман. Колбаса сеҳи қурилмаларини олиб келдиларингми?

— ўғлим куни кечагина пул ўтказдик. Аввал қуриладиган жой ҳал бўлсин. Бу укамиз бўлсалар артизан қудуғи кавловчиларининг бошлиғи эканлар, биламан, танишиб олгансизлар. Геодезия картасини олиб келибдилар, ҳожи Содиқ жаноблари бориб касалхонада ётган Эгамберди билан яна бир учрашинг деб топшириқ берибдилар... Кеча келсак ухлаб ётган экансан. қишлоққа бордик, оталаринг Сирож амаки, қосимали тоға, қишлоқ маҳаллалар йиқини раиси Нодиров амакилар қудуққа жой танлашга иштирок этишди.

— Жой танладиларингми ахир.

— Танладик.

— Карим қишлоқда эди, у ҳам жой танлашда иштирок этдими?

— Бирга бўлди, дадам нима деса, мен розиман дегандан бошқа гап айтмади.

— Биламан, бу ўртоғим Сирож амакимдан кўрқади, жуда-жуда кўрқади. кўлида миллион миллион пул турибди-ю нима десанг дадамдан сўрайлик, деб илжайиб тураверади. Майли, дадасини розилигини олса биз ҳам розимиз.

— Эгамжон қудуққа марказроқдан жой танладик. Энди сендан бир нарсани яшириб, Эшон аямнинг рухсатлари билан, ҳожи Содиқ жаноблари билан келишиб Эшонбоғнинг этакроқ томонига Карим икковларингга ёнма-ён қилиб, оқ ғиштдан иморат солаяпмиз. Худо хоҳласа келинларни ана шу уйларга тушираман, деб Эшон аям ҳеч биримизга, тез-тез бўл деб кун бермаяптилар. Вой, бу онамизнинг хурсанд бўлганларини айтсам. Бир қарасангиз қурувчиларга тухум

пишириб келаяптилар, хўроз сўйиб димлама қилиб келаяптилар, хассаларига таяниб, гоҳ у ёққа ўтадилар, гоҳ бу ёққа ўтадилар, иморатга қўйилаётган ғишларни ўпиб-ўпиб қўядилар, ё пирай, салкам юз ёшда шунча қувватни қаердан олаяптилар экан. Тезроқ уйланмасанглар армонлари ушалмайдиганга ўхшайди, ўғлим. хожи амаки ҳам шошаяптилар, қишлоқда қиз йўқ бўлса, шаҳарда қиз кўп деяптилар.

хожи амакининг мақсадлари аниқ, тилло ахтаряптилар, уй қуриш баҳонасида боғнинг ҳамма ёғини қавлаб ташлаётган бўлсалар ҳам керак, деб ўйлади Эгамберди. ўйлади-ю, юраги шув этиб кетганини ҳис қилди... Тополмайди, икки дунёда ҳам ертўланинг қаердалигини билолмайди, деб кўнглига таскин бергандек бўлди.

— Рамзиддин амакимиди отингиз? — деб сўради кудук қавлашга бош бўлиб келган йигитдан.

— Ҳа, рамазон ойида туғилган эканман.

— Майли, Рамзиддин ака, кудукни қишлоқнинг дашт қисмидан қавланглар. Агар паст қисмида қавласанглар қишлоқнинг юқори қисмига сув узатиш қийин бўлади. Кеча Карим икковимиз ҳам хомаки бўлсада роса муҳокама қилдик. Юқори қисмига қавласанглар паст қисмига сувнинг шовуллаб кетиши осон бўлади... Жон ака, очиғини айтинг, неча кунда битказасизлар?

— Гурунтнинг қаттиқ-юмшоқлигига боғлиқ.

— Юмшоқ бўлса қанча кунда битаркан, очиқ айтинг.

— Пармаларимиз чет элдан келтирилган, астойдил бўлсак бир ҳафтада қавлаб ташлаймиз.

Эгамберди яна кўп нарсаларни сўрамоқчи эди. Ўамшира қиз кириб, бемор чарчади, бас чиқинглар, деб қистай бошлади.

— Хўп опажон, трактор нима бўлди, — шошилиб сўради Эгамқул.

— ўғлим, истасак эртагаёқ олиб келишимиз мумкин. Трактор билан ёдгорликни бир кунда олиб келсак, деб турибмиз. ўғлим, шошмайлик, бу гапни ҳокимимизнинг муовини ҳам айтаяпти.

— Асроров амаки айтаяптими?

— Албатта-да, ҳамма ишларимизга ўша кишининг ёрдами тегиб турибди, биласан-ку, ёш фермерлар уюшмасига ўша киши раҳбарлик қилаяптилар.

— Демак, опагон, мен тезроқ чиқишим керак экан-да.

— қанча тез чиқсанг шунча яхши, ўғлим.

Эгамбердининг сўнги сўзи оғзи-ю, бўғзида қолди. ҳамшира қиз қолганларни итариб итариб хонадан чиқара бошлади.

IX боб

Ҳамма нарсанинг давоси вақт экан. Вақт ўтиши билан Эгамберди қўлтиқтаёқда юрадиган, гоҳо-гоҳо шифохона ҳовлисини айланадиган бўлди. Аммо бетоқатлиги, умидворлиги авж олгандан авж олиб борапти.

Юрак қургур қўймапти,

Тезроқ қишлоққа борсангчи, деяпти.

Фотимани тезроқ кўрсанг-чи, деяпти.

Сув фаввора бўлиб отилибди.

Тезроқ бориб ичсанг-чи, деяпти.

Каримнинг трактори қишлоққа келибди.

Тезроқ бориб кўрсанг-чи, деяпти.

Онажонингнинг ёдгорлиги битибди.

Тезроқ бориб кўрсанг-чи.

Юзларингни сурсангчи, деяпти.

Бетоқатлигига бир жихатдан хожи Содиқ жанобларининг тез бўл, тез бўл, дейишлари сабаб бўляпти. Ишлар тезроқ юришса, олтинларнинг қолган қисмини пуллаш баҳонасида хазина қаерда эканлигини билиб олмоқчилар. Юракнинг бетоқат бўлишига яна Эшон аянинг тезроқ келинларимни тушурсаму, келинларим қўлидан қайноқ-қайноқ чой ичсам деганлари сабаб бўляпти. Бош фермерларнинг тезроқ ишга тушушини ҳаммадан ҳам кўпроқ туман ҳокимиятининг мовини, туман ёш фермерлар уюшмасининг раиси Очилов амаки қистаяпти. қишлоқ марказида катта бир тантана

ўтказмоқчи, тантанага бутун тумандаги ёш фермерларни таклиф этмоқчи, менинг раҳбарлигимда агар менга кулоқ солсаларинг, маслаҳатимга юрсаларинг, Эгамберди билан Каримбердидек тездан бойиб кетасизлар, деган гапларни айтиб, мавриди келиб қолгани учун бир мақтаниб ҳам олмоқчи. Тантанани ўн саккизинчи августда ўтказамиз, деган гап ҳам мана шу кишидан чиқди.

Эгамберди ўнг қўлтиғида таёқ билан салкам тўрт ой ётган, ётавергани учунми, кўзига хунук кўриниб қолган хонасидан аста-секин чиқиб машинага ўтирди. ўтирди-ю бош шифокор қаёққадир кетган экан, келса хайрлашиб кетаман деб йўлга тушмади. Фотима опа йигитчаларни қайта-қайта ўпди, агар тўйларингга айтмасанглар, икки дунёда ҳам кечирмайман, деган гапларни айтди. Оналарига қўйилган ёдгорликни олиб келмоққа жўнадилар. ҳайкал тарош ҳам бир сўзли экан, ҳалол йигит экан, сўзининг устидан чиқаркан. Ёдгорликни оппоқ докага ўраб, ҳатто олиб бориб берадиган махсус машинани ҳам тайёрлаб қўйган экан. Ёдгорлик устидан дока кўтарилиши билан Эгамбердининг назарида онаюзори ҳудди югуриб келиб қучоқлагандек бир ҳолатга тушди. ўпкаси тўлиб йиғлаб юборди. қишлоққа етиб онажони ишлаган, обод қилган боғчага туширгунларигача ҳам гоҳ ўйга толиб, гоҳ хўрсиниб борди. Боғча мудирлигини қўлга олган Шаҳрихон ая дока олиниши билан:

— Вой худойим, бу Собирахон ўртоғим-ку, — деб боғчани бошига кўтарди, — мана буниси Шоҳиста-ку, мана буниси Оқбадан-ку, Шоҳимардон пирим қайтарибди сизларни, қайтиб келдингларми, вой худойим.

Эгамбердининг ёдгорлик пайида узоқ узоқ ўтиргиси бор, ҳамидова опой:

— Бас етар, — деб елкасидан тортди, — одамлар кутаяпти ахир,

— Опажон, негадир оёғим тортмаяпти, Карим бора қолсин.

— Эгам ўзи аҳмоқ эдинг, бугун яна аҳмоқлик қилмоқчимисан.

— Карим, бақирма, биласан-ку тентакман, шов-шувни, одамларнинг ёлғондан мақташини ёмон кўраман. Биламан, мени тўхтамай мақташади, сени ҳам мақташади лекин бу пуллар бизники эмас-ку, бировларнинг пули билан мақтанишга ҳаққимиз йўқ-ку.

— ўртоқ, юрақол. Макташса гуноҳимиз тўкилади. Ё кўлтиктаёқ билан боришга уяляпсанми, уялма, ахир буни биз атайлаб қилмадик-ку... яна тагин эсингдан чиқармагин, бу пуллар куёнлар туфайли келди. Макташса, майли, куёнларни макташсин.

Шошганлари беъжиз эмас экан. Собиқ колхознинг кенг майдонли ҳовлиси кимошди савдосида, бу икки ўртоққа ўтиб кетган эмасми, ҳамқишлоқлари, беҳисоб келган меҳмонлар билан тўлиб-тошиб кетибди. Олдинроқда Тўроқил мирзойи амаки ўғил-қизлари, набиралари билан қўл қовиштириб туришибди. Нарироқда бутун қариндош-уруғларини ёнига олиб Раҳимбой хурмойи тоға жой олибди. Катта ҳовлининг гир атрофида кичик-кичик яшиқчаларда куён ушлаб турган ўғил-қизлару, ёш болалар бор. Ундан ҳам нарироқда қўшни қишлоқдан келган куёнчи болалар давра қурибди, куёнларнинг ҳаммасини Ражаббой билан Ажаббой текинга тарқатган эди, афтидан қанчалик яхши боқаётқанларини мана шу мактанчоқ ака-укаларга кўрсатмоқчи бўлишганга ўхшайди. қизиқ, жуда қизиқ, Азизов домла ҳам биронта қўймай юқори синф болаларини ҳайдаб кеибди, ана шуларнинг қуршовида виқор билан ўтирибди. Тумандан, вилоятдан, газета телевидения ходимлари ҳам таклиф қилинибди, алоҳида жой тайёрлаб берибдилар...

Эгамкул ўтириши билан ёшлар орасидан Фотимани ахтара бошлади. Оҳ, бўлганда қандай зўр бўларди-я! Ў касалмикан... олдинги қаторда аёллар орасида ўғай онасини кўргандек бўлди. Чап қўлида қизалоғи, ўнг қучоғида салкам бир қучоқ келадиган гул.

Эгамкулнинг кўзидан негадир ёш отилиб чиқиб кетди.

— Йўқ, йиғламаслигим керак, деб шошилиб кўз ёшини артди.

— Мана, ҳамқишлоқлар, — баланд тантанали овоз билан сўз бошлади қишлоқ оқсоқоллари раиси Нодирхон амаки, — бутун дунёни куёнларга тўлдирамиз, чолу, кампирларга парҳезли гўшт етиштирамиз, деб яхши ниятлар қилган, яхши ниятлари учун Оллоҳнинг марҳаматига лойиқ бўлган ҳамқишлоқларингизни, Эгамберди билан Каримбердини кўриб турибсизлар. қани, ҳамқишлоқлар, мана шу икки азаматнинг шаънига бир қарсак чалайлик-чи!

— Гулдирос қарсак овози бутун Хонкелдини қоплаб кетгандек бўлди. Столга даста-даста гуллар ёғилиб кела бошлади. Гуллар шундай кўп келдики, икковлари гуллар орқасидан аранг кўриниб қолишди.

— Сўз ҳокимимизнинг талабчан, ёш фермерларга меҳрибон муовини Нематилла Очиловга берилади, — эълон қилди Нодирхон амаки.

Очилов амаки шошмасдан, негадир, йўталиб-йўталиб ўрнидан турди. ўтирганларга, ўша ёшларга меҳрибон бўлган киши мана мен бўламан, дегандек бир-бир қараб чиқди. қўшни қишлоқлардан таклиф қилинган ёш фермерларнинг ҳаммаси келдими, йўқми деб сўради. Кейин муштирага бир йўталиб олди-да сўзлай бошлади:

— Сирож ака, қосимали ака нега орқада ўтирибсизлар, бугун сизлар олдинги қаторда, кўкракларингни кериб ўтирадиган кун. ўғилларингиз билан бутун туманимиз фахрланяпти. қуёнлар сонини икки мингдан ошириб юборишди, қани бир қарсак чалинглари-чи. Баракалла! қишлоқ марказидан ичимлик сув чиқаришди, олдиларинга елим шишаларда қўйилган сувлар манашу икки ёш қаҳрамоннинг ташаббуси билан чиқарилди. Яна бир қарсак чалинглари-чи. Бўладиган боланинг пешонаси дўнг бўлади, деган нақл бор. Мана шу икки йигитча қишлоқ аҳлининг мулкини бутунлай бегоналарга сотилиб кетишдан сақлаб қолишди.

У ёғига ҳоким муовини гапира олмай қолди, гулдурос қарсак товуши сўзини босиб кетаверди, қараса бўлмайдиган, ўзи ҳам икки қўлини баланд кўтариб қарсак чалишга берилиб кетди.

— Сўз ҳурматли устоз Азизов домлага, — деб эълон қилиб юборди мажлис раиси.

ҳамма кекса устоз узундан-узоқ маъруза қилиб қизғин ўтаётган йиғинни музлатиб юборса керак, деб ўйлаётганди, йўқ, ундай бўлмади.

Устоз атрофини қўршаб турган ўқувчилару, қизиқиб келган муаллимлар орасини ёриб ўтиб, кучли ҳаяжон ичида ўзларини йўқотгудек бўлиб турган Эгам билан Каримга яқинлашдида, аввал бирини, кейин иккинчисини ўпиб, икковларининг елкасига қўлини ташлаб:

— Оқсақол укамиз ҳали яхши гапни айтди, бўладиган бузоқнинг... ҳалиги, нима десак экан, юришидан маълум, деганларидек бу ўғилларим бир мактабга, бир қишлоққа сиғмайдиган куч қувват, интилиш, қобилият билан туғилган эканлар. Мактаб, устозлар, мана мен қаттиққўллик билан уларни тарбиялаб вояга етказдик. қани мана шуларни тарбиялаган устозлар шаънига бир қарсак чалиб кўйинглар-чи.

Кекса устоз кўлини ҳаммадан баланд кўтариб, ҳаммадан қаттиқроқ қарсак ура бошлади.

— Карим, мен кета қолай, — деб шивирлади Эгамберди.

— Сабр кил ўртоқ, — дейди оғир, босиқ бўлиб ўтирган Каримберди.

— Ғалати бўлиб кетаяпман.

— Ичингда Калима ўқи.

ҳожи Содикнинг вакили бўлиб меҳмон сифатида қатнашётган, аслида йигитларнинг ҳимоясида юрган бир киши сўзлади, кўшни қишлоқдан келган фермер болалардан яна биттаси сўзлади, яна кимлардир сўзлаяпти, Эгамбердининг кулоғига ҳеч гап кирмаяпти.

— Охирги мақсадингизни айтинг, — деб сўраяпти газетадан келган вакил.

— Майли, Карим сўзласин, — деб ҳолсизгина жавоб қайтаряпти Эгамберди.

— Карим, биз вилоят телевидениесиданмиз, сиз ҳам бирор нарса денг.

— Эгам икковимиз куёнлар салтанатини яратмоқчимиз, Эгам салтанатнинг шаҳаншоҳи бўлади!

— Сиз-чи?

— Мен худо хоҳласа, вазири бўламан!

— Яна бир нарса денг.

— Ҳаммаси Оллоҳдан!

Шу гаплар бўлаяпти, шу воқеалар бўлаяпти, тракторга Сирож бригадир ўтирганини, гуриллаб юрганини Эгам кўргандек, қосимали сувчи меҳрибон отаси давра оралаб одамларга чинни косада ичинг, ичинглар деб сув тутаётганини ҳам, бу сув кудукдан, бу кудукни

менинг ўғлим очди деётгандек, лекин ҳаммаси ширасиз таъсирсиз бўлаяпти.

Эшонбоғга жўнашапти. Машинада, велосипедларда, қадами катталар пиёда, бир-биридан ўзиб, бир-бирларини ортга қолдириб боришапти. хайрият, Оллоҳга шукур, ҳожи Содик жаноблари ҳам етиб келибдилар. Ёнларида бўлиш қандай яхши-я. Минг раҳмат, Эгамқул билан Каримқул касалхонада ётганида ҳожи жаноблари боғни жаннатга айлантириб юборибдилар.

Келаётганларни кутиб олиш учун хуш келибсизлар, деган сўзларни айтиш учун Эшон ая бошчилигида ҳолисхон ая, Шакархон аялар чиқишибди. Ахир улар оналарда, оналарнинг кутиб олишга ҳақлари борда ахир. Уч она бирданига ўғиллари бошидан ширинликлар сочаяптилар, ширинликларга ёпишган ёш-ёш қизчаларнинг, дўмбоқ-дўмбоқ ўғил болаларнинг ҳисоби йўқ. Эшон ая умриларинг ширин бўлсин, лаззатли бўлсин, тотли бўлсин деб гоҳ унисининг, гоҳ бу нисининг бошидан силаб қўйяптилар, худо хоҳласа ана шундай чиройли қизалоқлар, ана шундай чиройли болалар менинг боғимни ҳам тўлдирадилар, деяптилар.

Бир-бирини бағрига босишлар...

Берилиб ўпишишлар...

Бошларини силашлар — ҳеч тўхтамаяпти!

ҳамма нарсага бош-қош бўлиб, куйиб-пишиб бошқараётган муаллима опой:

— ҳой опагонлар, бас қилинлар, — дея оналарни бир чеккага тортди.

Кузатиб келганлар орасидан бир йигитча дадил отилиб чиқди-да, Эгамберди билан Каримбердининг ҳар бирига биттадан таклиф қоғози бериб:

— Худо хоҳласа, хизматда бўламиз, — деди-ю кўздан ғойиб бўлди.

Каримберди Эгамнинг қўлидаги таклиф қоғозини юлиб олмоқчи бўлди-ю, ололмади. Юлиб олмоқчи бўлгани учун ҳам, Эгамберди унга қизиқиб қолди, таклиф қоғози икки вароқли экан, очиб ўқий бошлади:

«Хурматли Эгамжон!

Сизни азиз фарзандларимиз Фотимахон билан Ғуломжонларнинг никоҳ тўйлари муносабати билан 24-августда ёзиладиган никоҳ тўйи дастурхонига таклиф этамиз.

Эҳтиром билан қўзиевлар оиласи».

Эгамберди кун бўйи қарахт ҳолатда юргани учунми, гап нимдалигини англаб етмади, кўзини каттароқ очиб, яна бир ўқиб кўрмоқчи бўлди... Йўқ ўқий олмади.

— Нима, Фотима, Ғулом... Тўй... мумкин эмас, дея қўлтиқ таёғини шундай қаттиқ ерга урдики, қўлтиқ таёқ иккига бўлиниб кетди. Шу аснода юзи билан ерга йиқилди.

Х боб

Фотима қиз ўзи билан ўзи олишиб ётибди. Меҳрибон, аммо ўта кетган даражада қаттиққўл, эски урфлар билан янги урфлар ўртасида қолиб, бугун унисининг томонига ўтиб, эртага бунисининг томонига ўтиб, ҳам ўзини, ҳам оиласини қийнаб келаётган отажониси уйга қамаб қўйган кундан буён ғурбат ичида қуйиб ёнаяпти.

— Жон қизим, бошингни кўтаргин, — ёлворади онаюзор.

Фотима қиз жавоб қайтармайди.

— Ахир тўйинг яқин, у ёқ-бу ёғинга қараб олгин.

қизгинанинг елкаси силкинади.

Хўрсинади...

Йиғлайди...

— Сени туғмай ўлай, мени шарманда қиласан шекилли.

қизгинадан, барибир, садо чиқмайди.

Ёқтирмаган йигити Ғуломжон билан унаштирилган кундан буён аҳволи шу. Йўқ бу аҳволи олдинроқ бошланувди шекилли. қаттиққўл қассоб отаси боғ орқасида Эгам билан гаплашаётганини, гаплаша туриб бир бирларининг қўлини ушлаганини кўрган кунидан бошланди. Вой, ўшанда қассоб отанинг вазоҳатини кўрсангиз! Бамисоли кутирган шердек ҳайқариб юборди-я! Йигитнинг кўксидан шундай қаттиқ итардики, бечора Эгам йиқилиб тушаёзди.

— Мени шарманда қилмоқчи бўлдингми, сувчининг боласи, иснодга қўймоқчи бўлдингми, йўқол, йўқолмасанг чавоқлаб

ташлайман, — шундай деб Турсинали қассоб ёнидан пичоғини ахтара бошлади. Ваҳима ичида дағдағ қалтираб турган қизининг билагидан маҳкам сиқиб, оёғини ерга теккизмай судраб, тўппа-тўғри уйининг остидаги ертўлага олиб кириб яна бақирди:

— Эрсираб қолдингми? Эрга бергунимча шу ерда ётасан!

Бақириб бориб, кўрқиб, кўрқанидан ранги-кути ўчиб, кичкина бўлиб турган хотини Бибиқиз аяни фотиҳа қилинган қизингни нега тергамайсан, нега жилولاб олмайсан, деб шунақа урдик, шунақа саваладик, бечора аёл икки-уч кунгача белини кўтаролмай ётди.

Хонкелди-да эрлар зулми ҳали тутагани йўқ, Хонкелдида фотиҳа Оллоҳнинг муҳри деган гап ўз кучида турибди.

Хонкелдида қиз учрашувга ота-она рухсати билан чиқади деган гап ҳали ҳали ҳукмрон.

Хонкелдида ота рози, худо рози, деган гап энг кучли қонун, шу қонун ҳалигача яшаб турибди.

Фотима қиз, онаси юм-юм йиғлаб ётган кунларнинг бирида Турсинали қассоб қўзиев раиснинг уйига одам юбориб, фотиҳа қилинган қизни тезроқ тўй қилиб олиб кетсин, бўлмаса, тўйга кучи етмаса, етмаслигини айтсин, деди.

қўзиев раис хонадонидан совчилар келди, қизни Ғуломжон деган йигитга сўраб келишди.

Фотима қиздан розилик сўраб ҳам ўтиришмади.

қассоб ота Фотима қизим борган жойида бахтли бўлсин, ували-жували бўлсин, деб фотиҳа берди. қизим бой, обрўли хонадонга келин бўлиб бораяпсан, худо хоҳласа, бахтли бўласан, деган гапларни айтди. Бу гапларни йиғлаб ўтирган хотинига ҳам айтиб, бечоранинг бошига бир муштлаб ҳам қўйди.

Мана, тўй куни ҳам белгиланган.

Мен энди бориб-бориб ўша Ғулом семизга тегаманми, қорни раис отасиникидек катта, бети раис отасиникидек чўтир, бўйи шаллақи онасиникидек пак-пакана, вой худойим, мен бориб бориб ўшанга тегаманми?

— Йўқ! — деб Фотима қиз гоҳо додлаб юборади. Эри олдида ожиз, нотапон онанинг ичи бағри ёнади. Аммо юртнинг урфи одатига қарши бора олмайди, қизга қўшилиб йиғлайди холос.

— Кўрасан, бахтли бўлиб кетасан, мен ҳам аввал дадангни ёмон кўрардим, мана яхши ҳам бўлиб кетдик, — деб қизини бағрига олмоқчи бўлади, қиз онани итариб ташлайди, бас қилинг, дея ҳовлига чиқиб кетади.

Эгамберди бетоб бўлиб ётиб қолганидан буён Фотима ундан уч бора хат олди, қизик, Эгам Фотима қизнинг унашилгани беҳабарга ўхшайди. Меҳрибон даданг гаплашиб турганимизда устимизга бостириб келгани учун Фоти, мен айибдорман, мени кечир, билмай қолибман, деб узр сўрайди. Бир хатида нега шаҳарга билим юртига ўқишга бормадинг, деб бошқа бир хатида коллежга ўқишга борамиз, худо хоҳласа, мен сени «Мерседес»да олиб юраман, деб ёзибди...

қиз хатларни такрор-такрор ўқишга киришади, ёниб бораётган қалбига малҳам ахтаради. ўқиётганда Эгам билан ёнбош ўтиргандек, қўлларини маҳкам сиқиб тургандек, қўлларидаги иссиқлик, ҳарорат бутун вужудини ёндириб бораётгандек бўлади. «Фоти, нега жавоб ёзмайсан, нега? Бирон ҳаракатим билан сени ҳафа қилдимми, агар тўсатдан бойиб кетганим учун, одамлар чет эл пули билан мақтаниб юрибди деб устимдан қулишаётган бўлса, бу сенинг дилингга озгина бўлса ҳам озор етказаетган бўлса, ўша бойликни сандиқ-пандиғи билан олиб бориб дарёга ташлайман. Сен хурсанд бўлсанг бас. Энг катта бойлик, энг катта бахт менга шу. Фоти, сен билан гаплашгим келаяпти, гаплашаётганда гап орасида «хе ўл», деб елкамга уриб уриб кўярдинг, ўшанда бутун борлигим яйраб кетарди, ўшаларни қўмсаяпман. Фоти сендан ажралиб қолишдан кўрқаяпман, биласан, менинг онам ҳам опам ҳам, синглим ҳам йўқ, сен менга ҳам она, ҳам опа, ҳам сингил бўлиб қолгансан, агар сендан айрилсам бир кун ҳам яшай олмайман. Ишонсанг, сени эсласам етимлигимни ҳам унитиб, кўп-кўп яхши-яхши ишлар қилгим келаверади. Сен яхшисан, сен ҳаммадан яхшисан. Дард билан олишиб ётибман, бунақа пайтда киши яқин кишисини қўмсаркан, ўйласам бу дунёда сендан яқин кишим йўқ экан.

Жон Фотима. Хат ёзгин.

Эгамбердининг сўнги хати шу эди. Фотима уни ўқийди, кўксига босади, ҳеч ким тополмайдиган қилиб беркитган бўлади. Гоҳи қалбини тўлқинлантирадиган, ором берадиган ширин-ширин

хотираларга берилади. қизик, биринчи синфда Фотима фақат Эгам билан бир партада ўтиришни истарди, мактабга кетаётганида, қайтаётганида фақат шу билан бирга бўлишни истарди. қишда кўча музлаб, сип-силлиқ муз малак бўлганда Эгамнинг қўлини ушлаб юришни хушларди. Синфлар ўртасида баҳслар, тортушувлар бўлганда Эгамнинг томонига ўтиб олганини ўзи ҳам сезмай қоларди. Нега энди ҳадеб шундай бўлаверган экан, нега? Ёки қўнгиларининг аста секин меҳр билан, муҳаббат билан тўлиб бориши болаликдан бошланганмикан, ё худо унга бўлган қизнинг муҳаббатини ўзинг белгилаб қўйганмикансан?

Бешинчи синфда ўқишарди, география муаллими майсалар гуркираб ўсган, лолалар қийғос очилган паллада ҳаммаларини тоғ сайрига бошлаб борганди, кучоқ-кучоқ гуллар теришиб, кўкатлардан бошларига гулчамбарлар тақишганди. қайтаётганларида оёғи тойиб кетиб, тўпиғига катта заҳа етган экан, вой тавба, кўз-юмиб очгунча шишиб кетди-я, қани бир одим қўйиб бўлса, ўшанда Эгам Фотимани орқасига кўтариб олганди.

— Эгам сени қийнаб қўйяпман-ку, — дерди Фотима хижолат бўлиб.

— Ўечам-да, — дерди Эгам шошилиб, — рухсат берсанг, сени бир умр кўтариб юрардим, сени яхши кўраман, ҳаммадан яхшисан.

Фотима киз ўшанда бир неча йиллар олдин айтилган бу сўзлар ёш, ғўр, беғубор муҳаббатнинг изўори эканлигини англамаганди. Лекин бир неча кунгача қалби шодликларга тўлиб, олам кўзига гўзалроқ кўриниб юрганини эслайди. Хозир яна ўша саодатли кунларни эслади. Эсладию, юраги ҳаприқиб, ўрнидан туриб кетди. У дард билан олишиб ётибди. Мен энди шоҳи атласлар қийиб, бўйнимга шода-шода тиллаю, маржонлар осиб, ўша ғуппа семиз Ғуломнинг уйига кириб бораманми, йўқ, йўқ, майли қассоб отам мени сўйсин, майли ҳамқишлоқларим устимдан кулишсин, майли онажоним фарёд чекиб еғласин... мен унинг фақат Эгамнинг ёнида бўлишим керак. Оллоҳ бизни бир биримиз учун яратган.

Оллоҳ, менга куч бер!

Оллоҳ бизни эҳтиёт қил, яхшиси у ёғ-бу ёғимни қаратаман, деб аёллар пардоЗхонасига борган бўламан. Куп кундуз куни бораман.

Кечаси кетсам, атайлаб қочиргансан деб, бечора онажонимга ёпишишади. Жаҳл устида қассоб отам бегиноҳ онамни сўйиб қўйиши ҳам мумкун.

XI боб

Нонушта палласи эди. Шифохонанинг Эшон ая билан Эгамбердига махсус жиҳозлаб берилган кичкинагина хонасида Эшон аянинг ўзлари, ўзига келиб, оёққа ҳам туриб олган ғамгингина Эгамберди, икковларини йўқлаш учун нонушталаридан кечга қолмай, деб қатлама, қаймоқ қўтариб келган, саҳий Каримнинг бир ҳамласи билан каттагина боғчага эга бўлиб олган Шаҳринисо аялар ўтиришибди.

— худога шукур, мана, оёққа ҳам туриб олибсиз, — деяпти йўқлаб келган аёл.

— Ҳаммаси Оллоҳдан! — деб қўяптилар Эшон ая. Эгамберди йиқилиб ўзидан кетган дақиқалардан бошлаб нимжонгина ўғлининг бошини силаб, тўрт кун бўлаяптики ёнидан жилмайдилар. Азиз ўғлим, ҳар кунимиз синов, сенинг азиз бошинга яна бир синов келди, агар ўша қизга бунчалик қўнглинг борлигини билганимда, қари онанг тек ўтирармиди, бутун оламни оёққа турғизарди, деган гапларни айтади-да, ҳаммаси тақдири азалдан, деб ҳам қўядилар.

Эгамберди совуққина жилмаяди, кулади, ёниб куйиб ўтирган кекса онамнинг қўнглини қўтарай дейди барибир кула олмайди. Қўз ўнгидан уришқоқ хўроздек хурпайиб турган Ғуломнинг истехзоли қиёфаси, қўзини ғалатироқ қисиб туриши нари кетмайди. Фоти-чи, нега рози бўлди экан, деган савол миясини тарк этмайди. Ўзир ҳам ғамгингина бўлиб ўтирибди. қаймоқдан номигагина, Шаҳрихон аянинг хурмати учун ялаб-ялаб қўйяпти.

Эшик овозсизгина очилди.

Остонада, қўлтиғида тугунча, Фотима қиз кўринди. Эски кийим бошда, ўша далада ўт тергани борганида кийиб борадига киргина гулли қўйлаги, қўйхонага кийиб кирадиган шалоғи чиққан эски ковуши... Ғалати бўлди-ку, нахотки туш кўришётган бўлса, нохотки?

— Аяжон, бу менман, бахтсиз Фотима қизингизман. Сиздан ҳимоя сўраб келдим, — Фотима хайрон бўлиб турган Эшон аянинг тиззасига бошини қўйиб, шундай йиғладики, шундай ғуссали, аламли овоз билан йиғладики, оламдаги барча алам, барча хўрлик овозга жамулжам бўлгандек эди.

— Ҳаммаси Оллохдан, — деяптилар Эшон ая қизнинг ёниб қуйиб бораётган бошини силаб.

— Ё оллоҳим, — деб қўйяпти қаймоқ келтирган аёл.

Хонкелдидек гадоё топмас, хилват бир қишлоқда эскириб, чириб, ачиб бораётган урф-одатлар сақланаётган чекка бир юртда никоҳ тўйига бор- йўғи бир hafta қолганда қиз боланинг йўқ бўлиб қолиши... ҳай ҳай, қишлоқ мишмишлар ичида қолди-я! Хонкелдига шунақаси керак эди: шивирлаб гапирадиганлар, оғзини тўлдириб қасам ичиб, гап таркатадиганлар, шунақами, вой худойим-ей, деб ваҳимани кучайтирадиганлар бир яйраб оладиган бўлдилар.

Яйраб олдилар ҳам.

Уч кун деганда қишлоқ аҳли учга бўлиниб кетди.

Собиқ колхозда ўттиз йилдан ортиқ раҳбар бўлган қўзиёев раис бошлиқ сувга тушган мушук боладек дир-дир қалтираб турган омадсиз куёв Ғуломжон, барча қавм-қариндошлар — Ҳаммалари жамулжам бўлишиб бир тарафга тизилдилар.

— қизни топамиз!

— Тўйни вақтида ўтказамиз.

— Шаънимизга доғ тушургани қўймаймиз.

— қарши бўлганларнинг бошини янчамиз, — дейишиб қўлларини муш қилиб олганлар.

Турсинали қассоб гап нимдалигининг поёнига етмасдан, етишни истамасдан:

— Шарманда бўлдим! Бош кўтаролмай қолдим айбдорни сўяман.

— қонини ичаман, — деб катта пичоқни қўлга олиб, қассоб дўстларини чақириб, гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга ҳамла қилиб турибди. Турсинали қассобнинг ҳам ҳозир кўзлари қип-қизил, яқинига бора кўрманглар, деган гапларни айтиб юрибди. Иззат-нафси хўрланганда одам боласи буқадек қутирарканда, кўзи қонга

тўларканда, қўлига ўткир пичоқ оларкан-да, деб ҳалиги гапининг устига яна шунча гап қўшаяпти бу аёл.

Бир тарафкашлик бошландики, олишув бирам авжига чиқиб боряптики, Хонкелди бўлганидан буён инсон боласининг эҳтироси бунчалик ловиллаб ёнмаган бўлса керак.

Эгам билан Фотимани ҳимояга олганлар ҳам бўш келаётганлари йўқ. ҳаммадан ҳам Эшон ая астойдил енг шимарганлар. қариганимда топган болаларимни, Оллоҳимнинг менга берган буюк марҳаматини оёқости қилдириб қўймайман, деб атрофидагиларини на кечаси на кундузи тиндирыптилар. Оллоҳга шукур, ёшим юзга бориб қоляпти. Хонкелдида қиз талашиб бир-бирини сўйган йигитларни, обрў талашиб бир-бирларини уйига ўт қўйган авлодларни кўп кўрганман, илойим ўзинг ана шу кундан эҳтиёт қилгин, деб туну кун яратганга тавалло ҳам қияптилар. ҳаётнинг аччиқ чучугини кўп тотган Эшон ая Фотима қочиб келдим, дейиши биланонқ юз бериши мумкун бўлган фожеани дарҳол кўз олдиларига келтирдилар. Дарҳол ҳожи Содик жанобларига қўнғироқ қилинлар, кўзи очиқ, фикри тиниқ бу одам тезроқ етиб келсин, йўл-йўриқ кўрсатсин, дедилар. Катта ҳазинадан, тиллолардан умидини узмай юрган ҳожи жаноблари куш бўлиб учиб келдилар.

— Иш чатоқ, — дедилар гапнинг ипи игнасиғача суриштиб бўлгач, — эскилик сарқитларига, эски урф одатларга боши билан ғарқ бўлган хонкелдидек хилват кишлокда тўй олдидан қизнинг қочиши... қудалару, қариндошлар ўртасидаги олишув... қизим, Фотимамиди исминг, айт-чи, никоҳларинг ўқилганмиди?

— Йўқ, — секингина бош чайқади Фотима.

— Иш унчалик мураккаб эмас экан, — ўтирганларнинг кўнглини тинчитган бўлди ҳожи Содик жаноблари.

Маслаҳатга бош шифокор Фотима Арслоновани, тажрибали ҳуқуқшунос, қовоғи солиқ Сатторов деганни ҳам чақирдилар. Эгамқул билан Фотима қизга ё эшиттириб, ё эшиттирмасдан ғалати-ғалати нарсалар ҳақида суҳбатлашиб олдилар, нима ҳақда келишиб олганларини на қиз билан йигит, на Эшон ая билдилар.

Учунчи куни юрагини ховучлаб бир чеккада пусибгина ўтирган Фотима қизнинг отаси билан довдираб, тили гапга ҳам келмай қолган

муштипар онаси келди. қизимизни олиб кетамиз, дейишди. Фотима Аслановна қизларинг оғир руҳий касал, унга тега кўрманглар, дея ота-онани орқасига қайтарди. Тўртинчи куни кўзиев раиснинг ўғли Ғуломжон билан бирга бир кучоқ гул кўтариб келишибди. ўртага яна бош шифокор тушди. қизга тега кўрманглар, оғир фожа юз бериши мумкин, деб, уларни ҳам орқасига қайтарди.

ХII боб

Қишлоқда нима гаплар бўлаётганини Эшон ая ҳам, Эгамкул билан Фотима қиз ҳам билишмайди, тақдирларини хожи Содик жаноблари билан қовоғи солиқ хукукшунос Сатторовга топшириб ҳаммаси Оллоҳдан, худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади, дейишиб жимгина ўтиришибди.

Воқеанинг ўн еттинчи куни эди. Турсинали қассоб туман прокуратурасига чакиртирилди. Уни учатскавой Фурқат Эркаев оёғини ерга теккизмай бошлаб ҳам келди.

Терговчи тўсатдан гап бошлади.

— Исмингиз?

— Турсунали.

— Фамилангиз?

— Манаву қоғозда ёзиб қўйибсиз-ку.

— Фамилангиз деяпман?!

— Мадраҳимов.

— Фотима Турсунова сизга ким бўлади?

— Отаси бўламан.

— Демак, мана бу таклиф қоғозида ёзилишича, сиз тўй қилиб, одамларни эрталабки ошга таклиф қилгансиз. Қизингизни сени эрга бераяпман, розимисан, деб сўраганмисиз?

— Керак бўлса энди сўраймиз-да.

— Сиз қизингиз Фотима Турсуновани зўрлаб эрга бермоқчи бўлгансиз, қизингизга зўровонлик ишлатмоқчи бўлгансиз, зўравонлик натижасида, Фотима оғир руҳий касалга чалинган. Сиз шахс эркинлигига тажовуз қилгансиз. Устингиздан, бош шифокор Фотима Арслонованинг давоси билан жинойи иш қўзғатилган. Сиз бўйича

жинойи жавобгарликка тортиласиз. Тергов тугагунча қишлоғингиздан ҳеч қаерга чиқмайсиз, уй қамоғига олиндингиз.

— Нима? — Турсунали қассоб ўрнидан туриб кетди.

— Уй қамоғидасиз! Лейтенант Эркаев, фуқоро Турсунали Мадрахимов уй қамоғига олинди. Жавобгарлик сизга юклатилди.

Турсунали қассоб эсанкираган бир ҳолатда, сувга тушган мушукдек шалпайиб уйга қайтди. Ўша куни, куннинг иккинчи ярмида терговчининг сигарет ҳиди анқиб турган торгина хонасидан қўзиев раис билан ўғли Ғуломжон ҳам бўшашибгина, катма кет уф тортишиб, бир-бирларининг бўйнига кетма-кет айблар қўйишиб, эски замон урфига одат қилганлари учун, бир-бирларини айблашиб қишлоққа қайтдилар.

Ўша куни кечга томон қуда томонлар ҳам учрашиб аввалига бир-бирларини ҳўп айблашиб, бир кучайишиб, бир сусайишиб, бош шифокор томонидан қўзғатилган жинойий ишни қандай тўхтатиш ҳақида узоқ суҳбатлашдилар, қутилиш йўлини роса ахтардилар. Эрталабга яқин тўй бутунлай тўхтатилганлигини бир бирлигига маълум қилдилар. Жинойий ишни қандай тўхтатиш, бунинг учун нималар қилиш зарурлиги ҳақида фикр алмашдилар. Раҳбарлик лавозимида узоқ ишлаб, бунақанги машмашалардан осонгина қутилиб чиқиш йўллари кўп кўрган тажрибали қўзиев раис:

— Яхшиси участкавойдан, ўзимизнинг одамимиздан фойдаланамиз, — деб тўпланганларни хурсанд қилди.

Участкавой гарткамчи йигит экан. Гапнинг бўладиганини очик айтаркан.

— Демак қизни зўрлаб эрга бермоқчи бўлганларинг учун, устиларингдан жинойий иш қўзғалган, шундайми, — деб одатдагига қараганда анча кекайиброқ сўради.

— Шундай укам.

— Бу оғир жиноятку, раис тоға.

— Энди укам, сен ўзимизнинг одамимизсан, бир амаллаб тинчитгин.

— Эй амаки, бунақа жиноятда катта пул сўрашади.

— Фурқат ўғлим, кетганича кетсин, ишқилиб тинчитсанг бўлди. Отанг ҳам яхши одам эди, мана шунақа ғалвали ишларни раҳматли

битириб қўя қоларди, мен ҳам пулни аямасдим, бир амаллаб ўша қоғоғи солиқ т ерговчини қўлга ол, худо хоҳласа, пулни аямаймиз.

Худди ана шундай келишув шартномаси Турсунали қассоб билан ҳам бўлиб ўтди. қассоб ҳам уй қамоғи эълон қилинганидан буён хуноби ошиб, ҳеч қандай айби йўқ хотинини уриб-сўкиб ўтирган эди, гапни қисқа қилиб:

— Хўп қанча сўрайсан? — деб сўради.

— Турсинали ака, шахсан менга бир тийинингиз ҳам керак эмас, савоб учун аралашяпман бу ишга.

— Эй Фурқат, қўйсанг-чи, сенлар қасам ичиб туриб оласанлар. Очиқ айт, бир новосни боқиб юрибман, икковингга шу етадими?

— Сўйиб бермай терговчини хонасига новос етаклаб бораманми?

Келишув бўлди, буқа сўйилди, гўшт сотилди, пул иккига бўлинди.

Омон-омонлик, яраш-ярашлар бўлганлиги ҳақидаги хушхабар ўша куниёқ эсон омон чиқсам, мен булар билан кўп олишаман, деб қўлини мушт қилиб ўтирган Эгамбердига ҳам, тақдири энди қандай бўлишини билмай қўрқув ичида ўтирган Фотима қизга ҳам етказилади.

— Ҳай уришқоқ укам, жанжаллашаётган қудаларингни тинчитиб, икковингни қовушишларингга йўл очиб берганим учун участкавой акангга сен қанақа суюнчи берасан? — деб сўради Эркаев.

— Идорангизни пишган ғиштдан қайта куриб бераман. кишлоғимиздаги барча кўчаларга асфальт ётқизиб бераман.

— Яна?

— Гузарнинг орқасидаги майдонга янги масжид куриб бераман.

Бу гапларни жимгина тинглаб ўтирган Эшон ая бир тўлқинланиб олдилар. Эгамқул билан Фотима қиз Эшон аяни кучоқлаб ўпа кетдилар.

— Ҳаммаси Оллоҳдан! — деб қўйяптилар Эшон ая.

Орадан бир кун ўтиб Турсунали қассоб билан йиғлаб-йиғлаб ўтирган Робия биби Фотима қизини олиб кетгани келишди. Олиб кетганларининг тўртинчи куни, Оллоҳга шукроналар бўлсин, яна бир қувончли воқеа юз берди. Эгамберди билан Каримбердининг оналари мўътабар Эшон ая бошчилигида, катта-катта дастурхонларни кўтаришиб хожи Содик жаноблари жўнатган яп-янги мерседес

машинасига ўтиришиб, худо хоҳласа, ишимиз ўнгидан келади, дейишиб Фотима қиз билан Зухра қизни Эгамберди билан Каримбердига сўраб келишди. Эшон аядек мўтабар, юртнинг энг улуғ онаси совчи бўлганига қарамай, одат шунақа эканда, қиз онаси ичида севиниб турган бўлса ҳам, қалай бўлар қан, ҳали қатта тўйга тайёргаримиз йўқроқ, иккита тўй ўзи бўладими, қўлимиз ҳам қалтароқ, деган гапларни айтиб, бироз чайналган бўлди.

— қизим, Робия биби, худо хоҳласа, куёвларинг бу хонадоннинг бошидан тиллолар ёғдиради.

Розилик бўлди, нон синдирилди, оқлик берилди, Турсунали қассоб номига бўлса ҳам эркак томон ҳам бир келиб кетсин, мен ҳам сал қаддимни кўтариб юрай, деган гапларни айтибди. Шундай бўлибди ҳам. Яп-янги «Мерседес» машинасида рўлда ҳожи Содик жаноблари эмиш, Сирож бригадир билан қосимали сувчилар келишиб тўйнинг кунини белгилаб кетишибди.

* * *

Оллоҳ йўл берса ҳамма нарса мукамал, ҳамма нарса гўзал яқун топаркан. Айтишларича, Фотима билан Эгамбердининг, Зухро билан Каримбердининг никоҳ тўйлари шундай файзли, шундай тароватли ўтибдики, Хонкелди Хонкелди бўлганидан буён бунақа файзли, бунақа фараҳли тўйни кўрмаган экан, бамисоли осмондан Оллоҳнинг нури марҳамати ёғилиб тургандек бўлибди. Тўй Эшонбоғда бўлибди. Ўокимнинг ёш фермерлар иши бўйича муовини, тантанани, мақтанишни, кўтаринкиликни жону дилидан яхши кўрадиган Очилов амаки шахсан ўзи бошқарибди. Вилоятда қанча ном чиқарган ашуллади-ю, созанда бўлса, қанча раққоса бўлса ҳаммасини таклиф қилибди. Боғнинг ўн саккиз жойига чироқ ёқтиб боғ шундай чароғон бўлибди. Бошларида тож, елкаларида зардоб тўн кийган Эгамберди билан Каримберди, зеби зарларга беҳад ўранган бошларини ҳам қилиб олган Фотима қиз билан Захро қизлар битта-битта босиб кириб келишаётганда, ё Оллоҳ, осмондан илоҳий нурлар мўл-кўл ёғилгандек бўлибди. қуёнбозлар чинакам шахзодаларга-ю, Фотима билан

Зухролар чинакам маликаларга ўхшаб кетишибди. ҳамма ўрнидан туриб қийқириб юборишибди.

Эшон ая тўқсон йилдан буён яхши ният қилиб, йиғиб юрган эканлар, бир юз етмиш йигитнинг бошига марғилоннусха дўппи кийгизибдилар, бир юзи етмиш қиз-у жувоннинг елкасига, сақлаб юрган эканлар, бир кийимдан ял-ял ёниб турган марғилон атласидан ташлабдилар.

Энг қизиғи шу бўлибдики Ражаббой билан Ажаббой тўйга ташриф буюрганларнинг ҳаммасига биттадан қуён бериб:

— Яхшилаб боқсанглар, янаги йилга тўрттадан туғиб беради деган гапларни айтиб турибди.